

**ГУЛСАРА ИБОДУЛЛОҲ**

**ЎҒИЛДАНМИ,  
ҚИЗДАНМИ...**

Тошкент  
"Muhammad" нашриёти  
2013 й.

УЎК: 159.9

КБК 84(5Ў)7

И-12

- 988.9808

Гулсара Ибодуллох

И-12 Ўғилданми, қизданми...: ҳикоялар / Г.Ибодуллох;

- Тошкент: "Мухаррир" нашриёти, 2013. 188 б.

ISBN 978-9943-25-255-4

Гулсара Ибодуллох ушбу китобида ўз бошидан кечирганларини ён-атрофида бўлиб ўтган воқеа-ҳодисаларни ибрат элагидан ўтказиб, бадиийлаштириб ҳикоя қилиб беради. Унинг ҳикоялари ўқувчини ўйлашга, мулоҳаза юритишга ундайди.

УЎК: 159.9


КБК 84(5Ў)7

Тақризчи:

**Раъно Раҳмонберди,**

Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси

NO 42075  
291



© "Muharrir" нашриёти,  
Тошкент, 2013 й.

---

*Падали бузрукворим Ибодулла Исмоилжон ўгли ҳамда  
жондан азиз жигарбандим Мардона Маматсиддиқ  
қизининг унутилмас хотираларига бағишлайман.*

## Ҳикоялар

### Бир томчи ёш

Унинг кўзлари шифтга қадалган. Неча ойдан бери шифтнинг чакка томавериби, майда-майда ёриқчалар ҳосил қилган тахталарининг ҳар бир чизигини санаб чиқади. Санайверади, санайверади. Юз, юз ўн бир, икки юз... Баъзан ҳисобдан адашади. Бир нуқтага тикилиб ётаверганидан кўзлари жи-мирлаб, ёриқчалар ўрнини қоп-қоронгулик босади, ҳолсиз кўзлари аста юмилади...

Мактаб олдидаги эккан тути ҳил-ҳил пишганмиш. Шохлари тарвақайлаб кетган, эни тўрт қулоқ келадиган тутнинг тагида бўз ёйманинг учларидан беш-олтита бола ушлаб, унга тикилиб турганмиш. Ўзи эса дарахтдан туриб, қўлидаги узун таёқ билан тутнинг майда новдаларига секин-секин урармиш. “Дув” этиб тўкилган тутлар ёймага, ерга, болаларнинг уст-бошларига тўкилармиш. . .

Бемор секин кўзини очди. Тушини эслаб, юзларига ҳорғин жилмайиш ёйилди. Мактабни, мактаб ҳовлисидаги тутзорни, унинг орқа томонидаги мактаб ҳаражатини кўтариб турган боғни эслади. Боғ унчалик катта бўлмаса ҳам, ҳамма мевалар бор эди. Мактаб қоровули Назар ота кун бўйи боғдан чикмас, дарахтларга чирмашаётган печакгулларни, ариқча атрофидаги бўянларни, деворгача тирмашиб чиққан ажриқ ўтларни юларди. Кун оққунча шулар билан банд бўларди-да, кейин бир кунлик меҳнатини –бўз қопга уриб тикилган ўтни эшагига юклаб, уйига жўнарни.

– Ибодулла болам, мен кетдим, кўз-қулоқ бўлиб турасиз-а, – тайинлаб қўярди у муаллимга.

Дарвоқе, Ибодулла ака ҳам қоровулнинг бири. Мактабда энг кўп дарс берадиган ҳам, ҳаммадан кўп қолиб кетадиган

ҳам шу. Шаҳардан қатнаб ишлагани учун дарс ораларида ҳеч қаёққа кетолмайди, дарслари икки сменага бўлинган, шу сабабли эрталабдан кечгача шу ерда. Кимнинг нима гапи бўлса-ю, қандай юмуши чикиб қолса, унга илтимос қилади. Ибодулла ака ҳам “йўқ” демайди, ўзи ҳам шунга кўникиб қолган, бу ҳолни ўзи учун одатий иш деб билади. Нимаям қилсин, кўзи билан кўриб тургандан кейин қараб туролмайди-да.

Раҳиманинг кичиги олти ёшга кирди ҳамки, ҳамон оёқ очгани йўқ. Қанча дўхтирларга кўрсатди, табибларга олиб борди, фойдаси бўлмади. Бошини бир томонга қийшайтириб, оғзидан сўлагини оқизиб ётаверади. Кун бўйи нималарнидир гўлдираб бакирармиш, ғингширмиш. Раҳима бечоранинг юраклари эзилиб кетди. Эри тузук бўлса ҳам майли эди. Қачон қарама ичиб, кўчаларда томоша кўрсатиб юради. Юз-қўллари тупроқ, кийим-бошлари бир ҳолда, орқасидан маҳалла болаларини эргаштириб, уларга майна бўлиб юргани-юрган. Бояқиш аёл кейинги пайтларда ўзини анча олдириб, тез-тез оғрийдиган бўлиб қолди. Кўпинча дарслари ўтилмай қолади. Шуни кўриб-билиб туриб, ёрдам бермай бўладими? Унинг кўп дарслари Ибодулла аканинг зиммасига тушади. Пулини ҳам олмайди. “Етгита бола, бояқишга жуда оғир, келинг, ўзининг номига ёза қолинг”,—дейди қоғозини кўтариб келган илмий мудирга.

Аксига олиб, мактаб директори ҳам адабиёт ўқитувчиси. Убу томонга кетиши кўп. Ибодулла акага айтиб ўтиришнинг кераги йўқ, ўзи тушунади. Раҳбарнинг дарсини ўтиш кундалик ишларидан бирига айланиб қолган. Молларига бир кур ўт ташлаб келмоқчи бўлса, қоровул ҳам унга айтиб кетади.

Ибодулла аканинг хаёлини хотини бўлди:

— Отаси, озгина тамадди қилиб олинг, қаймоқ олиб келувдим.

Ҳар куни аҳвол шу. Қўлида пиёла ушлаб хотини аста кириб келади. Бемор нурсиз кўзларини пиёла тутган қўлларга қадайди, оғзига солинган қаймоқни мажолсиз, билинар-билинемас ҳаракат билан тамшанади.

— Яна озгина енг, — илтижодан кейин иложсиз оғзини очади. Пиёла тагидаги суюққина қаймоқни ҳўплаб ололмайди, оғзининг икки чеккасидан оппоқ томчилар оқиб тушади. Қулоғи тагидан сизиб кетаётган томчилар уни безовта қилади,

беморнинг эти жимирлайди, кўлида ушлаб ётган докани оғзининг атрофига олиб бориб, артмоқчи бўлади, бироқ ундай олмайди. Жонсиз қўллар “шилқ” этиб тушади. Унинг ҳаракатини тушунган хотини кўлидан рўмолни олиб, ўзи артиб кўяди. . .

Ибодулла аканинг кўнгли айниди, томоғини нимадир бўғаетгандай нафас олиши оғирлашди. Кўзлари олайиб кетди, вужудига чидамсиз титроқ кирди. У иситгич тармоғининг учига ип билан осиб кўйилган иккита тошни бир-бирига урди. Бу беморнинг ёрдамга чақиргани. . .

Югуриб келган хотинига бармоғи билан оғзини кўрсатиб, нимадир деб гўлдиради. Аёл диван тагидаги дастжўни олдида, эрининг бошини бир оз тиклаб, орқасига ёстик тиради. Бемор дастжўга эгилди, бор-будини чиқазди. Чиққан нарса қон аралаш кўпик эди.

Қайтдан кейин бемор бир оз енгиллашди. Хотини унинг оғзини, қўлларини намли латта билан артди-да, орқасидаги ортикча ёстикларни олиб, жойини тўғрилади. “Кўзлари кир-тайиб кетибди, бечоранинг туну кун тиними йўқ, кечаси билан яхши ухломаса”, —тепасида кўзлари ёшга тўлиб турган хотинига ачинди у. “Сарик дейишибди, мана бир ой бўлдики, касалхонага бормаяпти. Борақол, менинг бир иложим бўлар дейман, кулоқ солмаяпти. Касални ўтказиб юборса ёмон бўлади, отамга ўзим қарайман, бошга тушганни кўз кўради, бунинг нима айби бор,—деб зорланади қизим онасига. Эй, Худо не кунларни бошимга солдинг? Оладиган бўлсанг олақол жонимни, бунақа шарманда қилмасдан. Менинг-ку куним битди, болаларим иқболига онасининг жонини омон кўй”, — Ибодулла аканинг ҳар кунги илтижоси кўз ёшларга айланади. Кўз ёш хўрсиниқ йиғига айланиб, йиғлаб-йиғлаб, беморнинг кўнгли бўшайди. Толиққан кўзларини юмиб, яна хаёлга берилади. Хаёли тушига айланади. . .

— Шундай қилиб, мактабга келганимга ўттиз йил бўлди, денг. Ўттиз йиллик қадрдон эканмиз-а? — ўроқ ушлаб мактаб ҳовлисига кириб кетаётган Назар ота унга қараб жилмаярмиш.

— Илоҳим умрингиз узоқ бўлсин, яхшиликларингиз худодан қайтсин, —боласини эмизиб ўтирган Раҳима қўлларини юзига тортиб, уни дуо қилармиш.

– Мен сизга неча марта айтдим шаҳарда мактаб куриб қолганми, деб. Ўн километр жойга қишнинг зимистон қунларида велосипедда қатнашнинг ўзи бўладими, мана оқибати, –зор-зор йиғлармиш хотини.

Беморни кимдир секин туртди. У сесканиб кўзини очди. Хотини ёнидагиларни кўрсатиб, бир нима деди. Беморнинг кўз олди бир фурсат қоронғилашиб турди-да, тепасида турган уч-тўртта одамни элас-элас илғади. У ёнбошида чўккалаб ўтирган, қўлини қўллари орасига олиб сийпалаётган одамнинг соқолига оқиб тушган бир томчи ёшни кўрди. Ёшнинг думалаб тушишига тикилиб турди-да, кўзларини баландроққа –чолнинг юзига қадади. Кўзлари жикқа ёшга тўлиб турган Назар отани таниди. Таниди-ю, “салом” дегандек гудранди. Гапирмоқчи эди, гапиролмади, сўзга чоғланган лаблари қийшайиб кетди, кўзидан оққан ёш оғзига тушди. Шўр таъмдан кўнгли орзиқди, томчини туширмоқчи бўлиб, бошини секин қимирлатди. Томчи тушиб кетмади, ўша жойда қотиб тураверди. Хотини олдинга ўтди-да, уни артиб қўйди.

Кўз ёш бемор тепасида турган узок йиллик қадрдонларни – Раҳимани ҳам, Назар отани ҳам, мактаб директорини ҳам ўртаб юборди.

## Ғурур

Отадан ёш қолган Мадийерга худо онани ҳам кўп кўрди. Зимистон янглиғ қора сочлари оқармай, қизлар бўйнида ял-ял ёнувчи оппоқ маржон мисол садаф тишлари тўкилмай, тан-вужудига ҳали қарилик лашқарлари найзаларини санчмай, кўни-қўшнию, қон-қардошларнинг бошни айлантирувчи йиғи-сигисига уйқашиб кетаётган отинийнинг ҳасратли овози қулоқларидан кетмай, ўргимчак тўри каби паст-баланду олд-орқадан ўраб таъзия билдираётганларнинг одими узилмай, ҳуллас ўзбекчиликнинг бор бўлса-да, йўқ бўлсада қилиниши лозим бўлган минг йиллик тарихий удуми – марҳум ҳурмати ва обрўси учун тўшалаётган дастурхон йиғилмай туриб, қисқаси, эрининг, умуман бутун ҳоразм элининг энг катта маъракаси ҳисобланган “қирқ”қа етмасдан, уй бекасининг ҳам дабдурустдан тап этиб ётиб қолиб, уч қуннинг нари-берисида омонатини топшириши яқин-яқинларда

ҳам кўзларининг олдида эртадан кечгача ҳовлида куймаланиб юрганини кўриб турган кўшнилари ҳам, ҳар лозиманда таширифида кўзларида чуқур мунг билан кутиб олинишидан кўнгиллари вайрон бўлаётган қариндошларни ҳам тамоман саросимага солиб қўйди. Ота-онани бериш фарз эканини ҳар бир имон-этикодли мусулмон тан олса ҳам, бу ерга кириб-чиқаётганларнинг деярли кўпчилиги бу фарзни аллақачон бажариб, ушбу ёзғитдан кўнгиллари пора-пора бўлган бўлса ҳам, бироқ тақдирнинг шафқатсизларча қилаётган бу галги ҳукми ҳали ўлим ҳақиқатининг мағзини англаб етмаган, бир четда деворга суяниб кириб-чиқаётганларга анграйиб тикилиб ўтирган, ёки югуриб-елиб маъракада чой ташиётган норастиларга ғоятда жабр эканини ич-ичдан ҳис этиб, ҳатто беш бегоналарнинг ҳам юраги сирқирарди. Буларга бунчалик азоб ва қийнок нечун, қутилмаганда ёпирилган кетмакет мусибатнинг сабаби нима? Бу – Яратганнинг қайсидир гуноҳлари учун бандасига йўллаётган жазосими, яратилганнинг таажжуб ва ҳайратларига сабабчи бўлган синовларими, ёки суйган бандаларини асл дунё роҳат-фароғати учун аяб-асрашими, сўнги йўқ саволларга чулганган дили яраларнинг бунинг жавобини фақат ёлғиз ўзи билгувчи Оллоҳга тавба-тазаррулар айтишдан бошқа иложлари йўқ эди. Тўртта полапоннинг қанот очиб учиши учун, тўрт юзтадан ошиқ орзу-умидларни юрагига жо қилиб, тўрт томонга югуриб насиба излаётган кўш қанотнинг олдинма-кетин тупроққа қоришишида қандайдир илоҳий бир сир бордек эди. Беш йиллик ўқув давомида, ундан сўнги икки йиллик ўзаро ота-оналарнинг қуда-андачилик музокара-мунозараларида янада синовларда тобланиб, чиниқиб, китобларда тараннум этилувчи гўзал ишқнинг амалдаги исботини намоён қилган бу икки жуфтликнинг ҳаёт ришталари нима сабабдан бу қадар аянчли яқунлангани ёлғиз Оллоҳгагина аён эди. Бир-бирига суяниб, бир жон-бир тан бўлиб яшаган эр-хотиндан бирининг иккинчисини тортиб кетиши ҳақидаги гапда жон бор, шекилли. Балки, бу ҳадисдаги “Назар – ҳақдир” деган жумлага асосан, ҳар жиҳатдан – ўқишдами, ишдами, уйдади, ё кўчада назарга тушиб, кўрган кўзни қувнатадиган бу икки жуфтликнинг бир уй хотин-халаж айтаётганидек, кўздан отилганимикан? Нима бўлишидан қатъий назар – ўлим ҳақ.

Қийин бўлди – ҳали тишларининг сариғи кетмаган, куёш жумлаи жаҳонни чараклатиб юборганда ҳам кўзларига тушаётган офтоб нурларини-да сезмай, агар индалмаса пешингача ётиб берар тоби бўлган, онасининг “хай-хай”и билан зўрға лошини кўтариб, ҳовури совиб қолган ўчоққа қайта ўтин ташлашга ҳам эриниб, ҳовлидаги памилдоридан бирини юлиб, уни яримта нонга эзиб, эрталабки мактаб кўчасида ҳам, отаси ётиб қолганидан бери тушдан сўнг унинг ўрнига ишлаётган совхоз йўлида ҳам кўлидагиларни иштаҳа билан паққос тушириб кетадиган, ўзига ҳайрон ва киноя билан тикилувчи синфдошлари ва ҳамкасбларига гўё кеч қолганида ҳеч қандай айб ва хатолик йўқдай бамайлихотир салом бериб, эрталаб эриниб китобини очувчи, тушдан сўнг отасининг ўзи билан тенг кетмонини эринибгина ерга урувчи, хуллас ҳали ҳаётнинг қалампир чайнагандек бутун вужудини ачиштириб, ўртаб юбуровчи аччиқликларини тотиб кўрмаган ва буни ҳаёлига ҳам келтирмаган болага – тўрт боланинг боши бўлган Мадийрга қийин бўлди.

Узоқдаги қариндошдан яқиндаги кўшни яхши дейишадия, бироқ бундай вазиятда ҳеч қандай кўшни бус-бутун етимларни ўз қарамоғига олмаслиги турган гап. Қариндошнинг йўриғи бошқа. Ўзбекчиликда шуниси яхши-да. Қаторда норинг бўлса, юкинг йўлда қолмайди. Қариндошлари кўп одамнинг ҳар қандай муаммоси – бедаво дард билан ўлимдан бошқа барча чигалликлари кўпчиликнинг ичида ечилади.

Айтишларича, онаси томондан бобоси бўлган Миша тоға, хоразмча Маткарим бува бир пайтлари Кауфман отряди билан Тўрткўл шаҳрига келиб қолган, кейинчалик Урганч шаҳрига иш билан келганда у ердаги бир гўзал қизга ишқи тушиб, шу тариқа бутунлай хоразмлик бўлиб қолган экан. Улардан туғилган болалар нобуд бўлавериби, охири иримини қилиб Турсуной деб қўйилган қиз яшаб кетган. Гарчи бошқа туғишганларига нисбатан ҳарна эр, бола-чақа кўриб, қисқа бўлса ҳам бир оз бу дунёдан насибасини терган Турсуной опанинг деярли ҳеч кими йўқ эди.

Ота томондан қариндошларнинг боши қотди. Болаларни ёлғизлатиб қўйиб бўлмас, каттаси бўлган Мадийр бу йил мактабни битириши билан қаерда ишлайдию, қандай кун кечиради. Қишлоқнинг манаман деган йигитлари иш тополмай,

шаҳарма-шаҳар тентираб юрган бўлсаю, оғзининг сувини оқизиб юрган бу мурғак боланинг ўзидан кейингиларга нон топиб келтиришига қандай ишониш мумкин? Охир-оқибат, болалар ота уруғи орасида бўлишиб олинди. Ишга яроқли каттасини Тошкентдек азим шаҳарда савдонинг пири бўлиб кетган аммаси ўзи билан олиб кетадиган бўлди.

Лойдан ясалиб, пахса девор нима эканлигини маҳалласининг бир-иккита бойларининг уйидагина кўрган Мадийёр тўрт томони баланд қилиб ўраб олинган қасрга кириб келганида бирданига ўзини бир қадар бўйи ўсиб қолгандек ҳис қилди. Келган куни бир дастурхонда ўтириб, аммасининг болалари билан эгни эгнига тегиб палов еганида унинг орзу-умидлари, кўнглининг бир четида ушалмай ётган армонлари энди ҳаммаси ўз ўрнига тушадигандек кўкси тоғдек кўтарилди.

Ҳовли этагидаги ошхонага мўлжаллаб қурилган икки хоналик кулбани сенинг ётар жойинг, деб кўрсатилганда бир ҳайрон қолган жиян негадир янги ҳовли қурилганда ҳам қўл теккизилмай қолиб кетган эски душхонани бу ювинадиган жойинг, деб кўрсатишганда яна бир ҳайрон бўлди. Кечкурун овқатга чақирилишини кутиб ўтирганда кичик қиз томонидан бир коса овқатнинг олиб келиниши унинг ҳайронлигини яна оширди. Наилж. . . ўзи ҳеч қачон келиб кўрмаган, отаси ҳам фақат тўйлардагина келиб, тез қайтадиган, орқасидан бирон-та болани етаклаб келмаган бу нотаниш даргоҳнинг қонунқоидаларига у аста-секин кўника бошлади.

Жияннинг оёқ-юзи ярашдими, ё ўзи амманинг орзиқиб кутадиган “сезон”ида шундай бўладими, бирданига савдо юришиб кетди. Майда-чуйда юмушлардан ташкари бўйига икки баробар келадиган қанордаги молларни кўтаришга тўғри келиб қолган пайтлари Мадийёр ўзини гўё бели оғримаётгандек, ҳатто бундан оғирларини ҳам бемалол кўтара оладигандек тугтар, нима қилиб бўлса ҳам аммасининг кўнглини олишга, унга ёқишга, уни уйига олиб келиб, ташвишга қолган қариндошига оғирлигини туширмасликка ҳаракат қилар, керагидан ортик жиянлик бурчини беками кўст бажаришга тиш-тирноғи билан чиранар, ўзининг бирданига улғайиб, масъулият сезиб бораётганидан, бир пайтлари онасига эркаланиб болишдан бошини кўтармайдиган танбал ўрнида ҳақиқий эркак тимсолини кўриб, ўзини янада кучли ҳис қилар эди.

Кейинги пайтларда юк кўтаришдан бўшамай қолган, қачон қараса жиққа терга ботиб юрадиган меҳмонга орадан вақт ўтиб, шу вақтгача йиллар оралаб онда-сонда бир кўришадиган амманинг ҳам, умрида бирон марта дийдорлашмаган почча ва аммаваччаларнинг ҳам ишончлари орта борди. Бу ишонч шунчалик кучга эга бўлдики, ҳар кеч ўтириб, пул санаш лозим бўлган ишга уни ҳам ёрдамга чакирадиган бўлишди. Меҳмонлик иззатини жойига кўйишни эплаётган, амманинг ҳар бир имо-ишорасини қонун деб билган йигит ҳориб-чарчаганига қарамай, кечкурунги дам олишдан бенасиб қолаётган бўлса ҳам, инсонийлик бурчини бажариш, қариндошлик риштасининг бузилишига тирноқча ҳам дарз кетишини истамай хонтахта устидаги бир уюм йирик-майда пулларни тезлик билан санаб, бу ишда ҳам ташаббускорликни кўлдан бермай, ўзининг кўп нарсаларга қодир эканини билдириш ва қолаверса, энг асосийси аммасини қувонтириш учун пул санашдан кўра кўпроқ ўз улушини керагича олиб қолиш пайида бўлиб, ўзини тарозига солиб ўтирган теварагидагилардан фаркли ўлароқ, ҳеч кимга қарамасдан тез-тез пулларни санаб, тахлаб, амманинг миннатдорлигига сабабчи бўларди. Уйнинг бошқа юмушлари каби пул санаш операциясига фақат бир киши —уйнинг катта кизи аралашмас эди. Шаҳарнинг энг нуфузли олийгоҳида ўқиётган, Мадийрдан кичик бўлса ҳам унинг саломига алик оладиган қизнинг онасининг ишларига ёрдам беришга, умуман уй ишларига аралашаишга вақти бўлмас, кечкурунги овқат тайёр бўлганида хонасидан чиқиб келадиган қиз онда-сонда тинимсиз катта ва майда пулларни ажратиб санаётганларнинг устига келиб олиб, кўлини белига тираган кўйи уларни бирпас томоша қилиб турар, баъзан ҳар кунги улушини онасининг кўзини шамғалат қилиб хирмоннинг ўзидаёқ бир даста йиригидан олиб, чиқиб кетарди.

Бир куни одатдаги пул санашдан чарчаб чиқиб кетаётган Мадийрни аммавачча пойгакда тўхтатди. — Чўнтагингизни бир кўрсам бўладими? — қутилмаган таҳдиддан довдираб қолган Мадийр нажот истаб аммага қаради. Мийиғида қулиб ўтирган амма гўё бу арзимаган нарсаси, қизининг қариндошига шунчаки бир ҳазилидек: — Овқатни сузиб кел, қорнимиз оч бўлди, — деб кенжа қизига буюрдию, кўлини ювишга кириб кетди. Нажотсиз қолган Мадийр юраклари ўртаниб, аммаси назари-

даги ҳазилдан кўнгиллари сиркираб учта чўнтагини ҳам астаригача ағдариб кўрсатди. — Ҳазиллашдим, — чўнтакдан чиққан эски дастрўмолни худди суваракка қўли тегиб кетгандек тезлик билан жойига солиб қўйган ва оркадан узатилган бир коса овқатни йиғлагудек алфозда қўлига олган қариндошининг иягидан ушлаб эркалагандек чимчиб қўйган қиз викор билан хонтахта тўрига келиб ўтирди.

— Нахотки мени шу пуллардан чўнтагимга солиб қўяди деб ўйлаган бўлсангизлар? Мени шунчаликка боради деб ўйладингизларми? Пул тугул умримда бировнинг на китоби-га, на дафтару ручкасига назар солган йигит эмаслигимни билмасмидингизлар? Ота-онамнинг ҳар куни бизларга ҳалоллик ҳақида тинмай дарс ўтишларидан сизларнинг хабарларингиз йўқмиди? Қариндош бўлиб сизларнинг кўзларингизга чўп солармидим, бундан кўра менинг бу дунёдан бош олиб кетганим яхши эмасми? Бу саволлар жияннинг авваламбор энг яқин қариндошига, аммасига, қолаверса бир уруғдан таркаган аммаваччаларига айтилмаган, ҳеч қачон айтолмайдиган хитоблари эди.

Бир куни кутилмаганда унинг хонасига аммаси кириб келди. — Зерикмаяпсанми, телевизор яхши кўрсатаяптими? Агар хоҳласанг биз томонга ўтиб рангли телевизорни кўрсанг ҳам бўлади, нима учун биз билан овқатланишга чиқмайсан? — телевизорнинг янги чиққан пайтларида олинган, кичик экрандаги гавдалар элас-элас кўринадиган телевизорга қараб гапираётган аммасининг меҳрибонлигидан кўнгли ийиб кетган Мадийёрнинг кўзларига ёш қалқди: — Аммамнинг ишлари жуда кўп-да. Шунинг учун ўзи билан ўзи бўлиб қолган. Айвонга кириб боришим билан кичик қизининг бурнини бекитишини улар қаердан билсин, катта қизининг у кунги чўнтак қовлаганини кўрмай қолдилар шекилли, барибир қариндош-да, кўзи қиймай мени шунча жойга олиб келдилар, мен бўлсам арзи-маган нарсалардан хафа бўлиб юрибман, — аста-секин ҳали аламга айланиб улгурмаган қалбидаги аразларни юмшата бошлади у ўзидан хабар олишга кирган аммасининг ташрифидан суюниб.

— Орқангдагиларнинг бари қиз бола бўлса, учаласи ҳам аммасининг уйида. Уларни энди шу ердан узатишади. Биласан, уй ўғилга қолади. Уйларингиз мана икки йилдан бери

кулфлоглиқ турибди. Шунга мен ўйланиб, уйни сотсак дегандим, харна бу ерда сенга уй сотиб олардик.

Таклиф Мадийёрнинг хаёлларини остин-устун қилиб юборди. Сағирлар бўлинаётганда катта амманинг шошиб-пишиб ўзини танлагани, бирваракайига учта қизни ўз уйига олиб кетишга мажбур бўлган кичик аммага анча жабр бўлажаги, ўзининг бешта боласини баҳоли қудрат боқаётган поччага қизлар ортиқча дардисар бўлиши ҳақидаги ўйлар гарчи унинг бироз кўнглини оғритган ҳамда бу бўлиниш уни анчайин таажубга солган бўлса ҳам, бироқ Тошкентда яшаш истаги унинг саркаш хаёлларини бирзумда тарқатиб юборган эди. Қилган меҳнатларини ойма-ой ҳисоблаб бориб, кейинчалик қизларнинг сарпосигами, уй ёки машинагами, биронта улкан нарсага еткулик бўлгунгача ҳисобга ёзиб қўйишини айтган амманинг гапи маъкул келиб, ичида киндик қони кўмилган уйининг неча йиллардан бери отасининг қўли калталиқ қилган кемтик жойларини қайта қуришни ўйлаб, ўзича режалар ҳам тузиб қўйган эди. Қариндошининг бу таклифи уни саросимага солиб қўйди. Шу кунгача ўзига бўлаётган муносабат, қариндошчилик мезони, амма ва аммаваччаларнинг муомаласидан келиб чиққан Мадийёр бир қарорга келди.

— Амма, мен уйга қайтаман, ўз уйим — ўлан тўшагим. Сингилларимнинг бировнинг эшигида юришларини истамайман. Камроқ топсам ҳам оч қолишмаса бўлди. Уйнинг чироғини ёқиб, ҳам ота, ҳам она бўлиб уларни ўзим боқиб, ўзим уза-таман. Ота-онамнинг излари уфуриб турган уйни ҳеч қачон сотмайман.

Ўзидан каттанинг юзига сачрагани, шунча овора бўлиб пойтахтга етаклаб келган аммага кўрнамаклиқ қилгани, қариндошчиликнинг кадрига етмагани ва ҳоказо айблари учун “тарбиясиз” бола меҳнатларининг ҳақидан маҳрум қилинди. — Етим бола асрасанг, оғзи бурнинг қон бўлар, — дегани тўғри экан, деган хулосага келди амма.

Қўлига йўл пулигина теккан Мадийёрнинг бундай хулосалар ҳақида ўйлашга руҳий ҳолати йўл бермас, шунча вақтдан бери юз кўришмаган сингилларини тезроқ бағрига босишни, ҳовлининг бир чеккасида занг босиб ётган отасининг забардаст қўлларининг гарди қолган кетмонни яна қўлига олишни, ўзи ва сингилларининг бирон нимани тўкишганида, ёки ёзилиб

кўйишганида оркаларига онасининг енгилгина уриб кўйиб: — Ахир, бу ерга жойнамоz тўшайман-ку, — деб апил-тапил уч марталаб ювиб кўювчи эски палосдаги ота ва онасининг оёқ излари уфуриб турган неъматга ўзи ҳам қадамини теккизишни, қаттиқ ноннинг томоғидан енгил ва осон ўтиши учун югуриб бориб ҳеч кимдан сўрамасдан, ҳеч кимсадан ҳайикмасдан бемалол бориб, яна ўз кўллари билан шартта хоҳлаган памилдорини узиб олишни, қолаверса: — “Қиз тукқаннинг тили қисик”, “Қиз боладан хайр йўқ”, “Қиз бокқунча туз бок”, деган мақоллар бор, булар бекорга эмас, нима учун бирданига учта қизни бўйнингга оласан, буларни ҳозир бир амаллайсан, эртага узатишинг бор, сарпо-суруғи бор, ўйлаб иш қил, опангга айт, ҳеч бўлмаса қизларнинг бирини кўшиб олсин, —деб насиҳат қилувчиларнинг гап-сўзларига лом-мим демасдан қизларни етаклаб чиқиб кетган поччасининг ва унинг изидан эрининг мардлигидан кўнгиллари ийиб кетиб, йиғлаб эргашган кичик аммасининг бағрига ўзини отишни, поччасининг кучоғида тўйиб-тўйиб, хўнграб-хўнграб йиғлашни ва шу тарз ўзининг болалик қилиб, адашиб беш бегонанинг эшигига бориб қолганининг, алдамчи хаёлларга берилиб, бекорга кучини, вақтини йўқотганининг, ота-онасиз қолган кўнгли ярим сингилларини шунча йиллар акасиз кўйганининг аламини олишни истар эди.

Неча йиллардан бери инсонларни бир-бирлари билан юз кўриштириш каби савобли ишга бел боғлаган поезд Хоразм томон пишқириб елиб бораркан, юзлаб кўнгиллилар ичида бир кўнгли яримни ҳам дийдор томон етаклаб борарди.

## Келин

Тонг саҳарлаб велосипедини уйдан ҳайдаб чиқиб, намозшомда юз-кўзлари чанг, ҳорғин бир ҳолатда кун давомидаги тинкасини қуритар даражадаги дарслари камлик қилгандек, очик соатларда бекор ўтирмаслик учун мактаб ёнбошидаги бўш ерга экиб кўйган бедасидан икки боғламни ўриб, “шайтон арава”сининг орқасига маҳкам қилиб боғлаб келадиган, уйга кириб келиши билан ўғлининг тўйига атаб яхши ниятлар билан боқиб юрган икки нафар қорамоли боғланиб турган боғнинг орқа томонига ўтиб, гўё эгасини йўқотиб иштаҳадан

қолгандек ўзини кўриши билан хурсанд бўлиб маъраб кўядиган “нажоткор”ларига бир тутамдан ўт ташлаб, отаси келмагунча дастурхон ёзилмаслигини билиб, унинг ташрифини сабрсизлик билан қутувчи узатилган қизидан сўнгги еттита қорақўзининг олдига жилмайган кўйи ўзини бардам ва тетик тутиб, тўрга ўтиб ўтирадиган, кун бўйи тўрхалтасига солиб кетган бир нон билан кунини ўтказиб, ўн икки дарсида ўн икки марта гўзал ҳаёт ҳақида болаларга сабоқ бериб, суви сиқиб олинган тарвуздек бўшашиб, ҳар кеч уйга судралиб кириб келса ҳам ичи тутун, усти бутунлигини фақат мунг қотиб қолган кўзларигина ошкор қилиб турадиган адабиёт ўқитувчисига эрининг овқатни апил-тапил еб, кечкурунги конспектларини ёзишга кириб кетишини билгани учун ўзига бундан бошқа имконият бўлмаслигини ўйлаб, овқатга қўл урилиши биланок яқинда хизмат бурчини бажариб келган ўғлини уйлаб кўйиш ҳақидаги хотинининг ҳар кеч гўё буни ҳар сафар биринчи марта айтаётгандек эринмасдан, бир сўзни-да тушириб қолдирмасдан, худди ўғлидан бошқа дарди йўқдай такрор-такрор бир нарсадан оғиз очиши, тўғриси, қулоғига ёқмас эди. Бироқ, ҳамиша онасининг таъбирича, “бурнидан ип ўтказиб кўйган” хотинининг раъйига қараб иш қилувчи, қулоғига кирган гапнинг мақбулини “хўп” дейиш деб ўйлайдиган, муросаи мадоранинг энг намунали вакили деса бўладиган Жуманазар ака бу сафар ҳам ҳадеб эшитаверган бир хил гапидан безор бўлиб эмас, бу дийдиёларда жон борлиги ҳамда ўзининг ҳам бирон сония бўлсин унутмайдиган оталик бурчини тез-тез эсга солиб турувчи фикрнинг ҳақлигини тан олиб, аммо бурнидан ип ўтказганнинг гапи билан чегараланиб қолмасдан ҳамма нарсани оқилона ва оғир-вазминлик билан ўйлаб иш юритадиган, бошқалар етти ўлчайдиган нарсани эҳтиёткорлигидан яна бир бор ўлчаб кейин кесадиган, қуёвлик ва келинлик саломларидан анчасини олиб, пиру бадавлат ҳаёт кечираётган отаси билан маслаҳатлашиб, илк муродининг ечилиш вақти келганини, қундалик хотиржамлигини орқага ташлаб, шиддат билан умид-орзуларининг амали учун янада кучлироқ, чакқонроқ, соатларини эмас, дақиқаларини-да меҳнатга йўналтириши лозим эканини тушунди.

Раҳима опанинг қуйди-пишдисиди жон бор эди, албатта. У пайтларда йигитларнинг ҳозиргидек ўттизни қоралагануча

бемалол бўйдоқлик гаштини суриб юриши, қачон ўзи истагандагина уйланиши мумкинлиги ҳақидаги гаплар қаёқда дейсиз. Мактабни битказиб, хизмат сафарига кетадиган, икки йилдан сўнг давлат олдидаги йигитлик бурчини бажариб қайтиши билан унга боши ошоқ, тили юмшоқ қиз ахтара бошланадиган, онасининг кўлидан юмушларини олиб, ҳеч бўлмаса енгиллатиб, икки қават кўрпачага ўтказиб қўйиш имкониятига эга бўлган бўз йигитларнинг дарров бошини иккита қилиб қўйиш Хоразм элининг ички қонунларидан бири эди.

Шундай қилиб, катталардан рухсат теккан Раҳима опа маҳалланинг қиз ахтаришга уста кайвонисининг кўзининг тагига олиб юрган нариги “Бой” ўрамидаги у пайтларда шўро деб аталувчи, ҳозирги таъбир бўйича маҳалла кўмитаси раисининг тўққизта боласининг саккизинчисига — юзи бир қошиқ сутга чайиб олингандек дўндиққина қизига майл қилиб, совчиликка боришди. Ўзларидан кўра қозони мойлироқ хонадон совчиларнинг оддий муаллимнинг ўғлидан эканини эшитган бўлса ҳам, бироқ насаблари хўжа авлодидан, теварак-атрофлардаги маҳаллаларда обрў-эътибори билан кўзга ташланган эшонлардан эканлиги туфайли биринчи боришдаёқ қолган гапни икки ёшга қўйиб, розилик бериб юборишди. Совчилар каби ўғлининг ҳам бир кўришдаёқ онасини қийнамай розилик билдиргани Раҳима опага йўн тушиб, у пайтлардаги удум-одагга кўра икки ҳафтанинг ичидаёқ келинни ўраб-чирмаб олиб келиш завқи билан ўзини осмону фалакда сеза бошлади.

Илк ишлардан бири — у пайтларда қайнона бўлмишнинг яхши ният билан келинига атаб олиб қўядиган тилла тақинчоқи — ё зирак, ёки юзук олиб борилиб, янгаси томонидан уятдан қип-қизариб кетган қизга тақиб келиниш одатини қилмоқчи бўлиб, бўлажак қудаларининг уйига борган Раҳима опанинг дили хира бўлиб қайтди. Жимитдаққина юзук келинга ёқмабди, дўқондан ўзи танлаб олармиш. Начора, белгиланган кунда бошқа сарполарга атаб тугилган пулни тахидан бузиб, эл-юртнинг тан-жонига сингиб кетган одатига кўра қизнинг янгаси билан эмас, совчиликка боришган илк кунёқ бир-иккита гап илиши биланок борганларнинг юрагига ваҳм солган, синглиси ишқилиб опасига тортмаган бўлсин, деган ҳадик билан қайтишгани — гапга чечан, ҳеч кимни аяб ўтирмайдиган шаддод опаси билан чиқишини эшитиб, ундан

қолишмаслик, зарур бўлса жойининг ўзида ҳисоб-китобни пухта қилиш учун Раҳима опанинг ўзи узатилган қизи Зулфияни олиб, шаҳарнинг қоқ марказидаги тилла дўконининг олдида учрашадиган бўлишди.

Қайн бўлмишларни аллақачон дўкон ёнбошидаги дарахт соясида кутиб турган опа-сингил билан салом-алиқдан сўнг биргаликда ичкарига киришди.

— Ҳоҳлаганингни танла, — қайнонанинг гапидан сўнг ойнавандли пештахтага эгилган келиннинг қулоғига опа нималардир деди. У ёқ-бу ёққа кўз югуртирган келин ёнидагиларни кўп кутдириб қўймади, пушти рангдаги катта қошли, ёнидаги юзуклардан на беази, на ранг-рўйи билан фарқ қилмайдиган, бироқ энг қимматбаҳо — ўша пайтлардаги битта муаллимнинг иккита ойлигига тенг келадиган 260 сўмлик юзукни кўрсатди. Бунини кўрган қайнопа тугул, эрининг, сен олиб сотарларни бойитасан, дегувчи дашномларини кўп эшитадиган, пул йўқотишдан қўрқмайдиган Раҳима опанинг ҳам ранг-рўйи ўчиб кетган бўлса ҳам, бироқ, — Шошманг, маслаҳатлашиб иш қилайлик, — деган кизининг гапига парво ҳам қилмасдан, пул кетса ҳам обрў кетмасин, дея у бир даста дастармолчага тугиб қўйган пулини кўкрагидан қўлига олиб санай бошлади. Санок мўлжалга етмаганини кўрган қайнэгачи ҳам ҳар эҳтимолга қарши деб солиб чиққан пулларини қўшди. Мўлжални катта олган наҳангнинг дидига қозони гўштсиз қайнайидиган қайнларнинг қурби етмай, ҳайрон бўлиб, боши қотиб туришган эди, худо етказдими, Гуласал билан ишлайдиган мактабнинг иккита ўқитувчиси — анча йиллардан бери бошланғич синфларга илмий мудирлик қилаётган Ҳушрўй опа билан Самарқанд университетида таҳсил олган пайтлари бир-бирига кўнгил қўйишиб, тақдир тақозоси билан хоразмлик келинга айланган бухоролик Зиёда опалар магазинга кириб келишди. Ҳамкасбларининг ташвишга тушиб турганларини кўриб, иккалови ҳам олдиниға ҳайрон бўлиб туришдию, бироқ ўзларининг нима мақсадда келганларини ҳам унутиб, танишларининг ҳолатини чиқариш учун сўралган пулни чиқариб беришди.

— Шу пайтгача эл-элатнинг ичида юрибмиз. Бирон марта қиз боланинг тўйдан олдин қайнонаси билан юз кўришганини эшитган эмасмиз. Бу қиз қайси юз билан сизларга кўринди?

Негадир менга бу кизнинг турки ёкмай қолди. Уни яхшилаб суриштирдингизларми? Ҳозир келинларга узоғи билан етмиш-саксон сўмлик юзук қилиняпти. Қайси одам келинни дўконга чақириб, мол танлатади. Пул етмаганини кўриб, шу нарсани тутиб турдими, бундай келиндан ҳеч қачон хосият чикмайди. Буни вақтида йўқотинглар, — бир юзукнинг хариди учун шунчалик изтироб чекаётган ҳамкасбига юраклари ачишган, ҳарна Раҳима опага нисбатан бир кўйлакни ортиқ йиртган аёлларнинг ичи ачишиб деди. Ҳамкасбларининг қуйиб-пишиб айтган сўзларини маслаҳат, насиҳат аталувчи нарсаларни жини суймайдиган, фақат ўзининг кўнглига тушганини қиладиган бир сўзлик онасига етказишдан фойда йўқлигини, қайтанга ортиқча гап эшитиб, дили оғришини билса ҳам, ётиб қолгунча отиб қолай деб ўйлаган Зулфия асаблари қақшаб турган онасига шу ишни бекор қилганини айтдию, гўё ўзини қўшган пулига миннат қиляётгандек ҳисобланганидан дили бадтар хуфтон бўлиб, даммини ичига ютиб қўя қолди. Дўкондаги учрашувда бўй кўрсатган ўн бармоқни оғизга тиқишлик совчиликнинг биринчи кунидаяк жавобни бериб юбориб, кавушини тўздиришга мажбур қилмаган қудаларининг меҳроқибатли инсонлар эканини ярим маҳаллага айтиб улгурган Раҳима опанинг ўй ва фикрларини остин-устун қилиб юборди. Юзукдан кейин занжир мисол кетма-кетига буюрилган нарсалар — ўзи тўртта овсин олиб, киз узатиб кўрмаганлари — шуба, зар ўтган атлас, тилла соат, опасининг алоҳида ўзи учун буюрган, дўконларда учрамайдиган, ҳар қандай асл кийимликни қўлдан олишга мажбур бўлинадиган саксон сўмлик бир кийимлик кремплиннинг буюрилиши эшитган қулоқнинг ғазабига сабаб бўлган бўлса, охир-оқибат қалинига уч минг сўм сўралиши на фақат оила аъзоларининг, у пайтларда бир-бирининг тўй-маъракасига худди ўзиники каби елиб-югуриб, хизматга чоғланадиган қўни-қўшнию, узоқ-яқиндаги қариндошларнинг ҳам тепа сочини тикка қилиб юборди. Пичок бориб суякка қадалганидан сўнг жавобни осонлик билан бериб қўйиб, энди буёғига ишни лойлаётган, гўё мактаб остонасидан яқиндагина одимини узиб, ҳали биронта йигит билан салом-алик қилмаган бокира қизининг уйда кияётганларини кўп болалик муаллимнинг уйига боргандан кейин киёлмай қолишини ўйлаб, шунинг афсусида ҳали-бери туйга

рухсат бермаётган, хоразмнинг минг йиллик удумларига асосан хотиннинг эмас, эл-юрт эркаларининг кенгашлари асосида иш тутиб: — Қани кўлларингизни очинглар, илоҳо омин, ували-жували бўлиб ўзидан тинчиб кетсин, янаги ҳафта ўраб-чирмаб олиб кетинглар, — дейдиган жўмард қудага дуч келиш-маганини англаган Жуманазар ака хотинларнинг латта-путтасига ўралашиб ётган қудадан фарқли ўлароқ, энди ичи тошиб кетаётган хотинига эрк бермасдан кўпни кўрган пиру бадавлат отасининг насиҳатига кўра тўйни бузишга қарор қилди. Невара келинга ўртага чиқишдан сал олдин Тошкент тиббиёт олийгоҳини битказган кенжа ўғлига ўзи кўнгил қўйган курсдошини олиб берганда ақалли бирон нарсани буюрмасдан, эл нима қилса шуни қилинлар, деб туриб олган — Шунча йил қизингизни Тошкентда ўқитдингиз, сут ҳақиға қанча берайлик? Кўнглингиздан чиққанини айтинг, — дейилганда ҳам: — Мен мол сотаётганим йўқ савдолашгани, қизимни турмушга узатяпман, — деб қудачилик-минг йилчилик деган гапнинг залворини кўрсатиб қўйган қудаси — адаши Исмоилжон ака билан таққослаб, ўғлининг маҳалла қўмитасининг раиси (унга куни қолган маҳалладагиларнинг шўри курсин) билан қуда бўлаётганидан кўнгли кўтарилиб айтган гапларининг бир пуфак эканини ўйлаб, Исмоилжон ака бундай кўзи очлардан вақтида этакни қоқиш кераклигини айтди.

— Бу нима деган гап? Қизини етти йил Тошкентда ўқитган одамга бир ярим минг қалинлик берган бўлсак, уч минг сўрагани нимаси? Шунчалик ҳам сурбетлик бўладими? Оғзидан сариқ суви кетмаган қизининг кимдан ортиқ жойи бор экан? Дарахтни силкитсанг, дув этиб қиз тўкилади, дарров қайтиш қилинлар, — доимо ҳаммани мурсаи мадорага чақириб юрадиган, кин сақлаш, жанжаллашиш оллоҳнинг суймаган феълларидан эканини уқтиришдан чарчамайдиган, қўй оғзидан чўп олмайдиган Исмоилжон ака икки оёғи бир этикка тиқилиб, қарзга ботиб қолган ўғлига шу гапни айтишга мажбур бўлди. Отасининг гапларини доимо ўзига қонун деб биладиган Жуманазар акага унинг бу галги кескин гаплари ҳам маъқул келиб, қуда томонга фотиҳанинг бузилиши ҳақида хабар юборилди.

Куёв томон қариндошларидан биронтасининг ташриф буюрмай, маҳалла партавичиси орқали етказилган хабардан шу

пайтгача молпараст қизининг дийдиёсига қулоқ солиб, ишни чалкаштириб юборгани учун обрўсига путур етказиб қўйишдан эҳтиёт бўлибми, ёки фотиҳаси бузилган қизларга совчи кел-маслигидан кўрқибми оғзига сикқанини буюриб осмондан келаётган қудағайларнинг бирданига пайтавасига қурт ту-шиб, кишини ҳайрон қолдирадиган даражада кейинги ҳафтага тўй бўлишини айтиб партавчидан қайта хабар юборишган. Ёғочнинг бўшини қурт ейди, деганлари тўғри экан. Агар шун-дай муомала қилинмаганида, Жуманазар аканинг нафси ҳакалак отиб бораётган қудаларининг қўнглини тўлдираман, деб йил-лаб қарз тўлашдан боши чиқмай қолишига тўғри келар эди.

Кўпни кўрган муаллима билиб айтган экан. Нафсига эрк берган одамдан дураган ой бўлармиди. . . Келинлик иб-о-ҳаёсини бир ойларча сақлаб турган янги меҳмоннинг аста —се-кин тили чиқа бошлади. Ўзидан камроқ ейдиган, пастроқ кий-инадиган муаллимнинг бешта қизи бурни кўтарилган маҳалла кўмитасининг қизига ёқмай қолди. Буюрган нарсаларининг бажарилмай қолганининг аламини олиш учунми, уйда еяёт-ган емишларини бу ерда еёлмай қолганигами, ёки катта қалин эвазига келган қимматбаҳо келинининг теварагида гирдикапа-лак бўлаётган қайнонасига эркалик қилибми, хуллас дуоларда сўралганидек, боши ошоқ, тили юмшоқ бўлмаган келин килдан кийик ахтариб, ҳар хил майда-чуйдаларни баҳона қилиб, уйда ҳадеб ғавғо чиқаришни, шу билан ўзининг тўпиғига ҳам кел-майдиган паст табақадагилардан аламини олишни ўзига касб қилиб олди. Бир пайтлари худди шу қилиқлари билан онасини эзиб қўйган хотинининг қилиқларини қайтараётган қизининг ҳе йўқ-бе йўқ ҳадеб аразлаб кириб келаверишидан, бунинг устига тўққиз боланинг тўққиз томондан келаётган муаммо-сидан чарчаб кетиб, уни шу қуниёқ келган жойига қайтариб олиб келиб, индамасдан чиқиб кетадиган отаси ҳам оламдан ўтгандан сўнг энди мушугини пишт дейдиган топилмай унинг қилиқлари поғонама-поғона кўтарила борди.

Бир кун жанжал бўлган жойдан қирқ кун барака қочадиган бўлса оилага янги одам қўшилганидан бери адоғи йўқ жан-жалларга гирифтор бўлаётган бу уйнинг аҳволи энди нима бўлади? Нима бўларди, уйланганидан аввал ҳам оила боқиш масъулиятини бўйнига олмаган катта ўғил хали ҳам шу беқарорлигича юрганидан сўнг тўйга деб олинган қарзлар

ёлғиз ўзининг зиммасига тушганидан уйқудан тамоман воз кечишга тўғри келиб, қанча кунларни кечалари билан дафтар текшириш ва тўлғазиш ҳамда катта қоғозга плакат перо билан йирик қилиб эртанги дарснинг қоидаларига мос мисолнамуналарни ёзиб чиқадиган жони ҳалак муаллимга уйдаги охири кўринмас жанжаллар устига устак бўлиб, охири бошланган ҳаракатларининг бошидаёқ башорат қилган муаллиманинг айтганидек, ҳосиятсиз келиннинг касофати уриб, уйнинг ягона боқувчиси узатилган қизидан кейинги олтига қоракўзни куёвлик, келинлик мақомига етказмай оғир дард билан оғриб, тўшакка михланиб қолдию, эллик ёшига ҳам етмай бу оламни тарк этди. Касал боққаннинг ўзи касал, деганларидек оилага ёпирилган оғир дарднинг ўзи камлик қилганидай сариқ билан оғриб қолиб, дўхтирларнинг “ҳай-ҳай”ига қарамасдан торатини тагидан оладиган одам бўлмаганлиги сабабли касалхонага кетишга имкони бўлмай юрган Раҳима опа узатилган қизининг уйга келиб ўзи келин билан қизлар ўртасида қоровуллик қилиб ўтиришини, арзанда келинни қизларнинг “ҳужум”идан асрашини айтганидан сўнг ҳарна даволанишга рози бўлди.

Марҳумнинг қирқиғача онасининг йўқлигини билдирмай уйда ўтириб, агар худоси кириб келганда ҳам қовоқ-тумшуғи ҳеч қачон очилмайдиган келиндан ҳамда унинг биқинидан чикмайдиган эрдан ташқари ҳали рўзғор бошига тушмаган бўлса ҳам, аллақачон дард нима эканини кўравериб, зуваласи лойдан эмас, тошдан ясалган сингилларининг барини ишга жалб қилиб, бир кун олдин идиш-товоқ ювишдан бошланган тараддудни эртасига то аёлларнинг олди кўрингунча кун бўйи катта-кичик хоналардан тортиб, ўнг-чап томон қўшни дарвозаларнинг олдиғача супуртириб, ҳамма иш кўнгилдагидек бўлганидан сўнг навбатдаги нимадандир айнаган феъли туфайли, тўғрисини айтганда, уйда бирон тадбир бошланиши билан ўзини тинимсиз меҳнатдан асраш учун баҳона ўйлаб, арзимаган нарсадан гина-кудуратни кучайтириб, алал-оқибат кун-кечанинг фарқига бормай хонасига қамалиб оладиган келиннинг қовоқ-тумшуғидан кўркиб, онасининг аламини кечадан бери тиним билмаган жигарларидан олишини ўйлаб, секин уйнинг пешана шўрига айланган “шўро”нинг кизини одамларнинг орасида обрў учун ўтириб беришига ҳам рози бўлиб, гўё кечадан бери иш қилавериб тинкаси қуриганидан

бирпас дам олиш учун ётоқхонасига кириб кетган заҳматкаш келинни безовта қилгандек ҳижолат бўлган қайнэгачи унинг эшигидан секин мўралади.

— Барно, кичик хонага кўрпача етмай қолди, иккитани берсангиз яхши бўларди, — деди жилмайган кўйи ҳарна қайнэгачини ҳурмат қилишни билиб, ётган жойидан кўзгалган келинга кўзи тушиб бир оз кўнглига илиқлик югурган Зулфия.

— Мен ўликка ҳеч нарса бермайман, — ҳар доимгидек қовоғидан қор ёғади деган сўз ҳам юмшоқлик қиладиган келин ётган ўрнидан туриб ўтирганига хурсанд бўлиб, ҳудоба ҳамду санолар айта бошлаган қайнэгачининг лаҳзалик қувончларини пароканда қилиб, деди.

Қайнонанинг арзандасига айланиб улгурган келин билан онасининг таъбирича, келинга кун бермаётган қизлар ўртасида қоровуллик, керак бўлса қозилик қилишга сўз берган Зулфия ҳозир уйга қадам кўядиган бемор онасининг даставвал танноз келинининг кўзига мўлтираб қарашини, агар унинг тирноқдек муғрайиб турганини кўрса бир томони отанинг айрилиқи, иккинчи томондан кети узилмас маъракаларда ҳориб-чарчаган, оналарининг ишончига кириб олиб, бу томонда қизларга тинмай захрини сочаётган илоннинг азобларидан изтироб чекаётган, отасиз қолиб, она меҳридан ҳам бенасиб бўлаётган жигарларининг қисматиға қанчалик ачинаётган бўлса ҳам онасига берган ваъдасини ўйлаб, ўзи ҳам қалтис вазиятларда асабларини жиловлай олмай қолаётган сингилларига ўхшаб, бир дилхираликни бошлашдан чўчиб, тишини тишига босишга мажбур бўлди. Йўқ нарсанинг қадри баланд. Бошқа майда-чуйда ташвишлар билан андармон бўлиб, шу пайтгача эътибор бермаган нарсасини — отаси ётиб қолганидан бери қурилмай чала қолиб кетган айвон ёнбошидаги пахса деворга қаторасига келиннинг болалари булғаб ташлаган, бири пешоб юқи, қолган иккитаси эса шундоғ ювилмасдан сариқ доғлари билан ташлаб қўйилган кўрпачаларга кўзи тушиб, бевақт хазон бўлган отасидан айрилгани юракларини пора-пора қилгани устига оёқ-юзи ярашмаган шумқадам келиннинг сурбетликларини кўра-била туриб, онаси томонидан қайнэгачи сифатида унга бир оғиз насиҳат қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилингани уни тобора қийноққа солар, бироқ бир оғиз ҳақ гапни айтиш ҳам таъқиқлангани тўлиб турган сабр-қосасини жиловлашга ёрдам беролмасди:

— Ҳозир бергингиз келмаган кўрпачалар сиз учун қандай кадрли бўлса, онамнинг кўллари кавариб тиккан кўрпачалари ҳам бизларга шундай кадрли. Уйда бугун маърака бўлишини билардингиз. Майли, болалик уйда бўлиб туради, шу булганган кўрпачаларни дарров артиб қўйсангиз, сиздан ҳеч қачон сўрамаган нарсамизни бугун ҳам сўрамасдан, амаллаб маъракани ўтказиб олардик. Ёшидан ўтган болани тувакка ўргатганингизда бундай аҳвол рўй бермасди ҳам,— ниҳоятда эҳтиёткорлик билан айтилган бу насиҳатомуз сўзлар онанинг кизига, қайнонанинг келинига, борингки, бирга ҳаёт кечираётган ҳар қандай аёлнинг ҳар қандай ўз яқинига айтиладиган, болалик уйда айтилиши лозим бўлган ва ҳар бир ёш онанинг билиши лозим бўлган, билмаса ўргатиладиган оддий сўзлар ҳам келиннинг кетиб қолишига сабаб бўлди.

Ранг-рўйлари сарғайиб, мадори қочган, дўхтирлардан икки соатгагина рухсат теккан бўлса ҳам, соғлигидан кўра кўпроқ маҳалла-қўй олдидаги обрўси учун курашадиган бемор икки соати неча соатларга чўзилиб кетса ҳам кун бўйи хотин-халаж орасида йиғи-сиғи билан овора бўлиб, кунни кеч қилганда келинни эслаб қолди. Учта кўрпачани артиб беринг, деган гапдан бошқа ҳеч нарса демаганини тушунтирган кизининг гапларига ўғил туғиб берганида қирқ кунгача тувакка ўтиргизиб, ўзи тўкиб юрган қайнона шунчалик ардоқлаган келинининг яна кетиб қолганини эшитиб, бировнинг ҳасми бўлган кизини ҳам аяб ўтирмади.

— Сени қайнона, овсин кўрган, муомалани билади десам, сен ҳам келинга азоб бердингми? Бор, уйдан қандай чиқариб юборган бўлсанг, уни шундай олиб кел, — йиллаб емай-ичмай йиққанлари эвазига келган “бебаҳо бойлик”дан ажраб қолишдан кўрқиб, касалхонанинг муолажалари ҳам ичига тушмай юрагида сўнгсиз ҳадиклар билан уйга кириб келиб, ўзи кўрқиб юрган гапни эшитган она сўзининг устидан чиқмаган кизига бакириб деди.

— Итдан ит туғилади. Тўйгача ҳадеб ҳуравериб, отамни талаб ташлашди. Фотиҳани бузмоқчи бўлганимизда кўрққанларидан тўйга розилик беришган эди. Бу ота-онасидан ўтиб ким бўларди? Шунақа эркалатаверганингиз учун бу бадтар авжига чиқяпти. Бошқа қайноналарга ўхшаб, сен кетсанг ўғлимни бошқасига уйлантираман, деган гапни айтганин-

гизда тўққизтани туғиб қўйиб, буларнинг даҳмазаларидан кутулолмаётган туғишганлари худди тўйдан олдингидек оёғи куйган товукқа ўхшаб бир типирчилаб қолишарди. Тўйдан олдин буюрган нарсаларини қилиб бермаган оилага етарлича хусумат билан қадам қўйган, ёр-ёру, дуолар орасида такрор-такрор айтиливчи “оёқ-юзи ярашсин” деган сўзларнинг акси бўлиб, қадами бехосият бўлган бу худбиннинг қайтиб борса ўзларига ҳам ҳеч қандай хайри тегмаслигини билган ака-укалари бу гапларингизни бир мулоҳаза қилиб кўриб, балки отамнинг ҳам, сизнинг ва укамнинг ҳам кучи етмаган бу шумқадамга ўзиникиларнинг кучи етиб, бир танобини тортиб қўйишган бўларди, — ўз болаларини қайнонасига ташлаб, бир ойдан бери бу уйнинг иссиқ-совуғига сабр-тоқат билан чидаб, бир беш бегонанинг олдида кайнэгачилик обрўси ерга урилгани етмагандек, йўқ жойдан айбсиз айбдор бўлиб қолаётган Зулфия пичок бориб суякка қадалганидан сўнг онасига тик гапиришга ўзида куч топди. Уни қийнаётган нарса — бугун қозоннинг ичида бирга қайнаётган бўлса ҳам, эртага кўз кўрмаса кўнгилдан йироқ бўладиган дарддан қийналганидан эмас, бу дардни ойлаб, йиллаб чекаётган, на олди-оркаси, на ён томонларидан тиргаги бўлмаган сингилларининг шунча зардобни индамай ичларига ютаётганидан, қиларини қилиб, илондек товланиб, эр ва қайнонанинг оғзини ўзига қаратган эговнинг ўлганнинг устига тепгандек мағлубларнинг устидан мазах қилишидан бир дарди ўн бўлаётган жигарларининг бу ҳасратли, ғурбатли, руҳий қийноқли ҳаёти эди.

Қизларнинг боши бўлган опанинг: — Отаси йўқ қизларнинг отаси менман, — деган Пайғамбаримизнинг тезроқ бу кўнгли ярим қизларига назари тушиб, уларни ўзи каби кўнгил одамларига учраштириб, қоронғи кунларни кечираётган сағирларини ёруғ кунларга олиб чиқишини тилаб дуо қилишдан бошқа иложи йўқ эди.

### Узатилган қиз

Бева ҳолига бир кўз бўлиб боққан иккита қизидан кутулиб, кенжаси билан қолган Роҳила опа бунисини ичкуёв қилиб, йўқ ўғлини бор қилишни орзулай бошлади. Қайнонани қизлар истамай қолган бир замонда куёвлар истармиди. . .

Кенжа қизининг ёши онанинг кўнглича ўтинкираб қолган бир пайтда, аслида ўқимишли қизлар учун айни пайтида она-си вафот этган олтита боланинг иккинчиси бўлган йигит томонидан совчи келиб, ҳар тугул рози-ризолик билан тўй бўлиб ўтди. Бу сафар уйни хувиллатадиган эмас, гуллатадиган, одам сонини камайтириш ўрнига кўпайтирадиган никоҳнинг икки ёшнинг кўнглидан кўра ота-оналарнинг истак ва ҳол-аҳволини ҳисобга олган ҳолда ўтказилиши икки томоннинг ҳам, айниқса “қиз тукқаннинг тили қисик” тарафни бироз хавотирга солган бўлса-да, бироқ тўйдан кейин бир-бирлари билан ҳақиқий севишганлардек апоқ-чапоқ бўлиб кетган жуфтлик, гарчи илгариги эътибор ва иззатидан бир оз маҳрум бўлаётган бўлса-да, буни кўнглига қаттиқ олмасликка ўзида куч топаётган Роҳила опанинг кўзларини қувнатар эди. Ўғил ўрнини боса оладиган меҳнаткаш, диёнатли куёв билан биргаликдаги кимдир эътибор бериб кўнглига олиши мумкин бўлган, кимнингдир эса дарзига ҳам келмайдиган майда-чуйда, яхши-ёмон ташвишлар ичидаги кунлар ўта бошлади.

Ижодкорнинг кўнглини нозик, беваникани эса ярим дейишади. Иккаласини қўшса нима деб аталади, буни Роҳила опа билмайди. Сал нарсадан таъсирланиб, бир гап оз, икки гап кўп бўлиб қолган бева-ижодкорнинг бошқа йигитлар рози бўлмагани ҳолда мардлик қилиб, олдига келган куёв-ўғилнинг ҳар қандай эрка-инжиқликларига чидашдан бошқа иложи йўқ, албатта. Бироқ, онасиз болада, тул етимда эркалик нима қилсин? Бировнинг уйига бўйин эгиб келган йигит инжиқлик қилармиди? Ёнингдан оккан сувнинг кадри йўқ, деганларидек кўнгил оғриқлари ўзининг гул етимларингдан чиқади. . .

Эрталабки бомдодга қақираётган кўнгиноқ қулоғига кириши билан ўрнидан турмокчи бўлган Роҳила опа бирданига оёқ-қўли бўшашиб, ўзига бўйсунмаётганини сезиб, кўрқиб кетди. Боши қаттиқ оғрир, гавдасини тўшакдан кўтаришга кучи етмас эди. Бу аҳволда ишга чиқолмаслигини билиб, айни бугун биринчи соатда дарси борлиги учун шошиб-пишиб ишхонасига — мактаб илмий мудирига телефон қилиб, дарсларига боролмаслигини айтди. Биратўла шу ўтиришида бугун дарс ўрганишга келувчи иккита ўқувчисига ҳам телефон қилиб, хотиржам бўлганидан сўнг қиладиган иши ухлатадиган укол-ни санчиб кетишдан иборат бўлган тез ёрдамни чақиргиси

келмай, бош оғриғининг сабаби тез-тез хуруж қилиб турадиган қон босимиданми ёки доимо у билан ёнма-ён юрадиган ажралмас эгизаги — шақиқаданми эканини билиш учун аввал ишни қон босимини ўлчашдан бошлади. Кўрсаткичнинг меъёрида дуқиллаганини кўриб, биринчи касалликнинг гумони тасдиқланмагач, орадан вақт ўтса ҳам шақиқанинг бош оғриғидан ташқари иккинчи белгиси — қайт қилгиси келмаётгани учун касалининг сабабини қизининг тўйида олган қарзларини тўлайман деб икки сменалаб дарс бериб ўзини қаттиқ чарчатиб қўйганидан кўрди.

Хужжат учун участка дўхтирини чақириши лозимлигини ўйлаб, у келишидан олдин бироз тамадди қилиб олиш учун ошхонага чиққан Роҳила опа қайнаб турган қозоннинг тепасида турган қизидан ширгуруч қилаётганини эшитиб, негадир бирданига камдан-кам қилинадиган шу овқатни егиси келиб кетди. Онасининг ранг-рўйини кўриб, савол берган қизига аҳволини тушунтиргач, ётоқхонасига кириб, овқатга чақирилишини кутиб, диванга чўзилиб ётди. Ишдан чарчаб келиб, биргина эрмаги ҳамиша меҳмонхонадаги телевизорни томоша қилиб ўтирадиган куёвини ҳижолат қилмаслик учун ётоқхонасидан камдан-кам чиқадиган Роҳила опа бу сафар ҳам унинг овқатини тортинмасдан еб олишини ўйлаб, кутиб ётди.

Қорни шунчалик очикдими, ё азалдан кутишни ёмон кўрганлиги учунми ҳаёлига куёви билан қизининг қўлидаги қошиқнинг лаганга урилиб, сас бериши соатларга чўзилгандек туюлди. Эрини доимо остонада ўпиб ишга кузатишини билгани учун қизи ташқи эшикни ёпмагунича ўрнидан кўзғалмасдан кутиб ётди. Охири шивир-шивирлар тинганидан сўнг синалган сабрларига раҳмат айтиб, ошхонага кирди ва шоша-пиша капгирни қўлига олиб, овқатни сузмокчи бўлди. Бўш қозонга сув солиб қўйилганини кўриб: — Музлаткичга солиб нима қиларди, ҳозир ейман-ку овқатни, — деб ўйлаб ҳайронлиги яна ошди — музлаткичда овқат кўринмади. Овқатнинг қаердадир турганига қаттиқ ишониб, ошхона столларини бирма-бир очиб, уни излади. Ҳайронлиги тобора ошиб, боласини эмизаётган қизининг олдига кириб сўради:

- Лобар, ширгуручни қаерда қўйдинг?
- Овқат қолгани йўқ.

– Нима учун мени чақирмадинг?

– Икки марта чақирдим, ўзингиз чиқмадингиз.

Оёқ-қўлидан бадтар мадори қочиб, бир оғиз гапиришга ўзида куч тополмаган она неварасининг таъбирича “қамокхона”сига кириб, ўзини таппа кроватга ташлади. Икки марта чақирганда ҳам эшитмади, деб индамасдан бор овқатни қандай қилиб еб қўйишди экан? Эшитмаган бўлсам, нима учун уларни эшитмаганим ташвишга солмади? Чикмаган бўлсам ҳам нима учун улушимни қўйишмади? Ички-ташқи хонанинг ичкисида – санаб отилганда ҳам уч қадамдан ортмайдиган жойда ётган бетоб онадан хабар олиш кераклигига шунчалик фаҳм-фаросатлари етмадими? Ҳали пул топиб турганимда, оёқ-қўлимда куч-қувват бўлиб, нафъим тегаётганда муомала бундай бўлса эртага қариликдаги ахволим қандай бўлади? – кетма-кетига ёғилаётган саволларга жавоб ўйлаб, ўзини ўзи қийнаётган Роҳила опа отаси бор болаларнинг ота ҳайбатидан кўрқиб ҳам онага эътиборли бўлишларини тан олди. Ёлғиз отнинг чанги чиқмас, деб балки шунга шаъма қилишар. Ҳеч бўлмаганда отанинг кош-қовоғидан кўрқиб, онага меҳрлирок бўлишармиди. . .

Ишдан қайтган ўғлининг бир куни иккита банан олиб келиб, бирисини қизига, бирисини эса кўзининг олдида хотинига бериб, гўё буни кўриб турган онаси бу ерда йўқдек, гўё ундаги иштаҳа деган, таъма деган, илинж деган нарсалар ўлгандек, уларга берган нарсасини онасига ҳам олиб келса гўё бойлиги ўпирилиб тушадигандек, бундан олдин ҳам иккита шоколадни олиб келиб, худди ҳозиргидек иккаласига бўлиб бериб, буни ичига ютган онасининг ахволини ҳатто ойлаб ҳам сезмаган, бугун ҳам ранги бўздек оқариб кетган волидасининг юзига бир қур назар ташламай индамасдан бет-қўлини ювиб дастурхонга келиб ўтирган жигарбандининг бу беўйлигини йиғлай-йиғлай айтиб берган опаси бу гапини эшитса: – Бировга қараб фикр қил, бировга қараб шукур, – деган ўйни кўнглидан кечириб, балки ўзиникидан ҳам бадтарлар борлигини англаб, бор дардини ичига ютаётган синглисию, бошқа минглаб оналар каби ичидан астафуриллони қайта-қайта айтиб, “ёшларга инсоф берсин, ота-онасига меҳрибон қилсин”, –каби дуоларини кўпайтириб, шундан кўнгли бироз таскин топар.

## Ака-сингил

Ҳалиманинг бор таянчи шу – ёлғизгина акаси. У пулни кўп топади, синглисининг рўзгорига ҳам қарашиб туради. Лекин... акасини эри ёмон кўради, уйга бир нарса кўтариб келса, акаси кетгандан кейин эр-хотин ўртасидан ола-мушук ўтади.

– Нега айтмадинг олиб келма, деб? Менинг уйимни ҳам харом қилмоқчими у. Тупурдим акангнинг бу ғамхўрликларига, – акаси бўсагадан чиқиб кетиши билан эри Ҳалимага ташланади. Бунга Ҳалима чидолмайди:

– Олиб келма, десам нима еб-ичираман буларга? Болаларимни шу боқиб ўтирибди-ку, аслида. Топган моянангиз китобингиздан ортмайдию, яна осмондан гапирасиз.

Собиржон ака бу гаплардан кейин индамайди. Дами ичига тушиб кетган эрига энди Ҳалиманинг раҳми келади.

Акасининг мансаби йўқ, мактаб-интернатда омбор мудир, холос. Лекин даромади бор. Қозони шундан қайнайди. Баъзан уйига янги мебеллар, гиламлар келтириб туради. Бир йўлини қилади, бунга Ҳалима тушунмайдию, мана ўттиз йилдан ошдики, ҳеч ким унга ҳеч нарса демайди.

Акаси ўзидан ортганларни буларникига ташийди. Эри бир-икки ўдағайлайдию, яна нималарнингдир мулоҳазасига борадими, жим бўлиб қолади. Иложи қанча, уям ўттиз йилдан бери ишлайди. Уйдаги бор-йўқ жиҳози – эскигина жавон. Униям бундан анча олдин таниш дурадгор ясаб берган, қўлники эмасми, йил ўтмаёқ, юрак ҳовучлаб очиб-ёпиладиган бўлган. Шундан кейинги уйга келган у-бу жиғозларнинг ҳаммаси акасининг инъоми. Тумбочка, ёзув столи, китоб жавони – бариси мактабнинг “списать”лари.

Собиржон ака ҳалол одам, харомдан кўрқади. Хотинига гап уктиролмаганидан кейин жанжал кўтаргиси келмайди-да, тилини тишлайди. Уйга келаётган садақаларга у бора-бора ўзини кўниктира бошлади. Лекин Бозорбой ака чиқиб кетганидан кейингина, болаларининг кўзига кўринади. Дастурхондаги нарсаларга, бир-бирини итариб-суриб, ундаги нарсаларга ёпишаётган болаларига қараб, хўрлиги келади. Бир нима демоқчи бўлиб, оғиз жуфтлайдию, жон ҳовучлаб ўзига тикилиб ўтирган хотинига кўзи тушиб, яна жим бўлади. Секин ўрнидан туриб, оғир қадамлар билан уйдан чиқиб кетади.

Кейинги пайтларда қаердандир оёк оғриғи ёпишдию, ўзи билан ўзи овора бўлиб, бу нарсаларга бутунлай бефарқ бўлиб қолди.

Анча вақтгача оғриқдан нолиб юрган Собиржон ака тўсатдан ётиб қолди. Ҳадеганда ўнгланавермаганидан кейин саратон касалликлари даволанадиган касалхонага юборишди. Унинг аҳволи кундан-кунга ёмонлаша бошлади.

– Шаҳардаги мактабга ўтинг десам кулоқ солмадингиз. Бир жойда ишлайман, нафақам яхши чиқади, деб ёпишиб олдингиз шу қишлоққа, – жиғибийрон бўлади Ҳалима.

– Қўй, кўп эзилаверма, ҳали ҳеч нарса кўрмагандек бўлиб кетаман. Оллоҳнинг ўзи шифо беради. Ўзиям ўттиз йил велосипедда қатнаб ишлабман-а. Тузалиб кетганимдан сўнг барибир шу мактабга бораман. Буёғи оз қолди энди нафақага, – хурсанд бўлиб гапиради у хотинига.

Бирок бемор кундан-кунга оғирлаша бошлади. Дўхтирлар касални уйга олиб кетишни айтди. Мана, бир ой бўлдики, у уйда. Бир нималарни сезиб, руҳи жуда эзилиб кетди, ҳеч ким билан гаплашмайди. Овқатдан ҳам қолди, озиб, адоий тамом бўлди.

Бир куни Бозорбой ака кириб келди.

– Ҳалима, – деди у секин сўз бошлаб, – биласан энди эринг тикланмайди. Мен Рустамимга тўй қилмоқчи эдим. Эрингга бир кор-ҳол бўлса, маъракалари ўтгунча кутишимизга тўғри келади. Сен хафа бўлма, мен тўйни кичкина қилиб, имижимида ўтказаман, сендан руҳсат олишга келдим, – акаси яна нималар деди, унинг қулоғига кирмади.

– Ўзингиз биласиз, – деди зўрға.

– Болаларимнинг иқболига отасини худойимнинг ўзи ас-расин, норасталаримнинг кўз ёшларига Яратганнинг раҳми келсин, – Ҳалиманинг бирдан-бир илтижоси шу бўлди.

Илтижолар ижобат бўлмади, беморнинг жони узилди. Азага келувчилар орасида Бозорбой ака кўринмади. Ҳалиманинг эшитишича, акаси айни шу кунга тўйни белгилаган экан. Буларникидан тобут кўтарилганда акасиникига “ё-ё-ё” билан келин кириб келган.

Ўша куни Ҳалима акасидан ҳам ажралди. Шундан бери юз кўришишгани йўқ – акаси тирикми, йўқми, энди унга фарқи йўқ.

## Лаҳм гўшт

Ҳамза мактабига янги муаллим келди — физикачи. Ўқувчи ва ўқитувчилари кам, шаҳарнинг кичик, бир қаватдан иборат бу кўримсиз мактабида директор тез-тез алмашади. Ер етказмасину, Хонпошшо “загс” курсидагиларнинг пайтавасига курт туширадиганлардан эди. Унинг нега лақаби бундай, биз болалар буни билмасдик. Балки, мактабни қандай гуллатган бўлса, бир пайтлари “Загс” ни ҳам шундай яшнатгандир. Кўп нарсаларга онгимиз етишмаса ҳам, шарақлаб кулганда олтин тишларининг ўттиз иккитаси ҳам кўриниб кетадиган оддий муаллиманинг кўпларнинг тагига сув куйгудек кучи борлигини билардик.

Маорифда ундан қўли узунлар бор экан, навбатдагиси “Загс”ни нафақага чиқариб қутулди. Шу йили мактаб саккиз йилликдан ўртага ўтказилди. Опанинг тирноқ тагидан кир ахтаришларидан безибми, ёки бошқа сабаблар биланми, доимо муаллим етишмайдиган мактабга анчадан бери ўтилмаётган физика фанидан янги ўқитувчи келди.

Қаровсиз қолган еттинчи синфга ҳам физикачи, ҳам синф раҳбари тайинлангани гарчи бўш дасрларда бир ёзилиб битини тўкаётган болаларга бироз ёқинқирамай турган бўлса-да, бироқ ҳар қандай янгилик ҳар қандай одамни сергаклантиргани каби, улар ҳам янги устозни қизиқиб кута бошлашди. Анчадан бери ўтилмай ётган физикадан олимпиада учун бола сўрашганида “йўқ” дейишдан кўра қулайи — бошқа фан ўқитувчиси қоида ёдлатиш билан ўтиლაётган фандан ким кўп қоида биладиган бўлса шуни жўнатиш эди. Доскага чикқанимда, синаш учун китоб бетларини очиб, хоҳлаган жойидан савол беришса, қоидаларни сув каби симириб айта оладиган мен масала ечишга йўқ бўлсам ҳам, олимпиада қатнашувчиларидан бири эдим. Мен ва мен каби кўп қатнашувчиларнинг иши фалон мактабдан фалон ўқувчи қатнашди, деган ҳисоб учун бир кўринишдан иборат эди, ҳолос.

Янги ўқитувчининг келиши ҳаммадан кўра мен — “олимпиадачи”га муҳимроқ эди.

Сабрсизлик билан қутилган қўнғирокдан кейин баланд бўйли, алп қомат, кўзлари уккиникидек ўткир одам қўлида журнал билан кириб келди. Дув этиб қалққан оёқлар шу

холича туриб қолди. Ўқитувчининг еб юборгудек қарашидан ҳар хил салом-алиқларни кўравериб пишиб қолган болалар сергакланиб, тик оёқда туришибди ҳамки, у бир сўз дейишга оғиз жуфтламади. Олатасирдан қолган чангни қўллари билан сермаб, танишишга улгурмай туриб, ўзининг бошқа устозларга ўхшамаслигини кўрсатиб қўйган муаллим оғзини пойлаётган болаларга, ўтиринглар, дегандек чап қўли билан пастни кўрсатиб имо қилди. Илк танишув, салом-алиқ насияга қолди.

– Сизлар саломлашишга арзимайдиган болалар экансизлар, ўтиринглар, – тахдидли буйрук ҳаммани ўтиргизиб қўйди.

7-“Б” – синфи учун қатагон йиллари бошланди. Танаффусларда полни тешар даражадаги ур-тўполонлари билан мактабда машҳур бўлган синфнинг отабезори болалари бир ойнинг ичида тутдек бўлишди. Ҳар мажлисда илгариги синф раҳбарларининг бўйнини эгдирадиган 7-“Б” физикачига қайнонанинг олдида титраб турган келинчак мисол ўзлари бўйин эгишди. Келинчак бўлгандаям, гаплашиш мумкин бўлмаган Хоразмнинг келинларидек дарсларда бир-бировларига имо-ишорага ўта бошлашди. Худди 7-“Б”нинг хонасида тирикликдан нишона йўғу, бир гала ўликлар жамулжамдек, бир инсондан бир оғиз сўз чиқмайди. Физикага чалинган қўнғирок бутун синф болаларини тол-теракдек бўй торттиради. Ҳали ўқитувчилар хонасида журнални қўлига олмаган устоз ҳурматиға бутун синф “смирна” туради.

Янги муаллим тез кунда айтарли шарафга эришди. Бутун мактаб жамоаси – болаларнинг тизгинини ушлолмаётган асаби бўш муаллимлар, ҳатто мактаб директорининг ҳам унга ҳаваси кела бошлади.

У бунга қандай эришди? Дарсинг қирк беш минутини эринмай ҳар бир ўқувчига “индивидуал” ёндашиб, дарс тайёрламаган, гаплашиб ўтирадиган, навбатчиликни ёмон бажарган болаларнинг боши, елкаси, биқинига кўкармайдиган тарзда тушириб, энг асларни ҳам гард деса қўлига қўнадиган қилиб қўйди. Ҳатто синфнинг энг кулоксизи – ерга урса осмонга сапчийдиган Омоннинг ҳам бўйи ўзига ортиқчалик қилиб, партанинг тагига қандай кириб кетишни билмай қолди. Балки, бу устоз олдинги ҳаётида хоннинг жаллоди бўлгандир, сабаб-бесабаб каллага нуқишларидан ҳатто бир куни биттаси,

агар ҳаёт бўлса ҳозир қанчадир неваранинг бобоси бўлиб юргандир, иштонини ҳўл қилиб қўйган.

Қизлар ҳам бу манзиратдан омон қолишмаган.

Юрагим чумчук пир этса, шир этадиган бўлса ҳам, бироқ ақлимнинг “ғиж-ғижлиги” сабаб, ундай-бундайдан хайикмайдиган, юраги мустаҳкам партадошим Роҳатга бир куни синф хонасига кириши билан доска, столларни қўя турунг, полни ҳам бармоғи билан текшириб кўрадиган муаллимнинг нима сабабдан бизларга уч кундан бери пол ювдираётганининг сабабини сўрашини айтдим:

– Кеча яхшилаб артдик-ку, бугун яна нима учун “дежур” бўлишимиз керак, – деган ҳақиқатим керосинга ўт қўйиб, шеригимни ловиллатди. Ўзи ўртада аланга мисол ёниб-қуйиб юрувчиларда айёрлик бўлмас экан. Бир оғиз: – Нега мен гапиришим керак, ўзинг айт, – дейиш мумкин бўлгани ҳолда, аксинча ўргатганларимни оқизмай-томизмай худди ўзимникидек киёмига етказиб айтган эди, маҳкум таънасини эшитган терговчи мисол муаллимнинг қандай қилиб икки қадамда охириги партага – бизларнинг олдимизга шердай отилиб келганини билмай қолдик.

– Сиз ҳали гапиришни ҳам биласизми? Қани буёққа чиқинг-чи. Гап қайтарган тилларингиз вазифани ҳам айтиб сайармикан?

Унинг сизсираши яхшиликдан нишона эмасди. Ёмон навбатчини орқасидан нука-нука доска олдига олиб чиқди. Ранги бўзрайиб, оёқ-қўлида жон қолмаган шеригимга бир ичим увишса, бир томондан ҳозир мени айтиб қўяди, деган ҳадик билан ўтирдим. Бироқ, айтганимдек, юраги мустаҳкам синфдошим ё биқинидан, ё бошидан келаётган турткиларни, гўё душман қўлида ўзининг бардошини синаётган асирдек индамай енгди. Енггани шу бўлдики, тили узунлиги учун энди битта ўзи бир ҳафта полларни ювадиган бўлди. – Исмоилова, сен ёрдам бермайсан, битта ўзи қилади, – деди у танага нукиш учун атай яралгандек суяклари бўртиб чиққан кўрсаткич бармоғини мен томон чўзиб. Албатта, мени сотмаган садоқатли дўстимни мен-да ёлғизлатиб қўймаслигим керак, бир ҳафтагача бирга пол ювганимиз учун қалтираб-қақшаб, гестапонинг қадам товушлари эшитилишидан чўчиб, навбатчиликни ўтказдик.

Пахта мавсуми бошланди. Ҳар синф ўз раҳбари билан кетишини эшитиб, бир-иккита медресавкаси борлардан ташқари ҳаммамиз кўрпа-тўшаклар билан мактаб ҳовлисига йиғилдик. Ота-оналаримиз билан лабларини қулоқларигача етказиб, намозшомгулдек очилиб гаплашаётган ёшуллимизни кўриб, ўзларингиз ёмонсизлар, деган гапни бекорга эшитмас эканмиз-да, деган ўйга келдик.

Урганч туманига, ҳарна шаҳарга яқин ерга жойлашдик. Бизлар учун ҳақиқий қатагон энди келди. Тонг билан севимли овоз янграйди: Подъём! Тапир-тупур кийиниб, буханка нон билан оқ қандни кавшаниб, пешбандларни осилтириб, далага жўнаймиз. Узун қиш кунлари кимдир қўлқоплик, менинг ўзим қўлқоп кўрмай қорнинг тагидан пахта терганларимизга танамиздаги асоратлар гувоҳ.

Кундалик режа бажарилмаса, тракторнинг ёруғида уйқу маҳалигача тимирскиланиб юришдан бад-безор бўлган болалар, бу азобдан кўра нонуштадан воз кечиб, тонгги шудрингданок шимларини тиззагача ҳўл қилиб (ҳўлда тарозининг босиши ҳам ҳисобга олинган ҳолда) режани бажаришга ҳаракат қиладиган бўлишди. Уришиб-ёқалашиб, муносабатимиз пўм-пўмдан нарига ўтмайдиган “душман”ларимизнинг аҳволи, тиш-тирноғимиз билан режани бажариш учун, кечқурун суви қочган тарвуздек бўшашиб қайтсак-да, ярим кечагача кўрак чувийдиган биз пул кабоби қизларнинг-да ичи увишадиган даражада аянчли эди.

Бўйнимизга худди ўн кило тош осиб қўйилгандек, дала билан уй ўртасига қатнайдиган қиз ва болаларнинг гапиришга-да ҳолимиз қолмай, кимнидир йўтал, кимнидир яра-чақа қийнаб, пичоқ бориб суякка қадалган бир вақтда кутилмаганда бир куни чарақлаган офтобдек эрта билан ҳовлимизда раис бува пайдо бўлдилар. Уйнинг ҳовлисига йиғилган болаларга қўйган қорни билан мўйлови ўзига ярашиб турган раис туман вилоятда, колхоз эса туманда, бизлар колхозда ҳам, мактабда ҳам биринчи эканимизни айтиб, гурр этган қарсақлардан сўнг, бизларнинг бир кўчқор билан сийланганимизни эълон қилди.

Ўша куни қўй гўштидан шавла едик. Кутилаётган палов ҳам эсдан чиқиб, гуручлар ичида савлат тўкиб, кўзга чиройли кўринаётган гўштининг ўзи иштаҳамизни очиб юборди. Ҳозир боғча ёшидаги неварамнинг қўй гўшти емаслигини эши-

тиб ҳайратда қоламанки, ёшимиз бир жойга боргунча қайси гўштнинг ниманики эканлигини билмай ўсганимизга. . .

Овқатдан сўнг кимдир мени Ҳакимов чақираётганини айтди. – Нимага? – чўчиб тушдим. Бошида бўлмасам ҳам, бугунги режам гап топулик эмас, чакириладиган бўлса, мендан орқадагилар бор эди. Хабар ҳайронликдан кўра кўрқувимни оширди – чакирикнинг ўзиёқ оёқ-қўлимдаги кучни олди. Муаллим турадиган уй гарчи яқин бўлса ҳам, бироқ қишлоқ кўчаларида аллақачон зулмат ингани учун ёнимга бир кизни олиб, айтилган жойга бордим. Узун, полсиз тақир даҳлиз ва айвондан кириб боряпманки, тик этган сас эшитилмайди. Ҳовлигача шерик бўлган киз ҳарқанча ялиниб-ёлворишимга карамай, қуённинг расмини чизди. Учга катта даҳлиздан (ўйлашимча, бундай даҳлизлар пилла боқишга қулай қилиб қурилган) ўтганимдан сўнг тўрдаги хонадан маст эркакларнинг пиёлаларни уриштирганию, вағ-вуғ шовқинлари эшитилди.

Юрганим сайин унмаган қадамларим билан улар ўтирган жойга кириб бордим.

– Кел, келавер, кўркма, сени еб қўймаймиз, – беш-олтита эркак орасида пойгакда жойлашган, ширакайф устоз сурилиб, ёнидан менга жой кўрсатди. Эшик раҳини ушлаб, остонада қотиб тураверганимни кўриб, айтадиганингни айт, – дегандек, тўрда чордона қуриб, болишни қучоқлаб ётган раис бошини кимирлатиб, имо қилди.

– Сен киз пахтани яхши тердинг, шунинг учун эртага сенга рухсат бермоқчиман, уйингга бориб ювиниб келасан. Мана бу амакинг шаҳарга тушаркан, сениям олиб кетади, – гўё сўйилган кўчкор унинг эзилиб терган этак-этак пахталари эвазига келгандек, қаддини ғоз тутиб, ичи тўла фахр билан деди у.

Бир ойдан бери онам ва сингилларимдан айри юрган мен афтодага бу хабар гўё умрим давомидаги энг буюк ва қиёссиз хурсандчиликдек туюлди. Ҳатто 1- Май байрамига атаб олиб берилган нарсаларни ойлар давомида ёстигим тагида сақлаб, ҳар соатдан бир қараб қўйганимда ҳам ўзимда бунчалик завқ туймаган эдим. Эҳ, у пайтларнинг завқ-шавқи. . .

Уйга омон-эсон етиб боришим учун ёнимга отимга уйқаш Ойсара деган зийраккина қизни қўшишди. Айтилган машина ҳали нонушта қилмасимизданоқ дарвоза олдида пайдо бўлди. Юрагим ҳаприқиб кечаси билан кўзимга уйқу келмай тугиб

кўйган тугунчагимни кўлтиклаб йўлга отландим. Усти очик машинанинг тепасига чиқиб олган мен ва шеригимга гувиллаб ураётган шамол ҳам таъсир қилмас, бора боргунча бир-биримизга сездирмай ичдан баралла ашула айтиб борардик.

Яхши теримчи эканлигим боис уйга рухсат теккани, тайёр машина билан, бунинг устига шунчалик авайланиб, ёлғиз кетмасин деган мақсадда, хурматим жойига кўйилиб, шерик ҳам кўшиб юборилгани ҳақидаги гаплар сизни хайрон қолдирдими? Бармоғига теккан чангни деб ҳали бурнини йиғиштириб ололмаган қизчани — ўн кунлаб пол ювишга мажбур қилган ва шунга юраги чидаган ўқитувчининг уч юз олтмиш градусга ўзгариб, бирданига гуманизм томонга юз бурганига ишонасизми? . .

“Подъём”дан сўнг болаларнинг қораси йўқолгунча орқаларидан писиб қараб, кейин чошгоҳгача ухлайдиган одам шу куни одагини тарк этиб, ухлашга кетмади, менга кўшилиб машина пойлади. Ўзимга бўлган бунчалик иззат-хурмат ва эътиборнинг маънисига тушунолмай, синфдошларим, айниқса, ёнимдаги қоровулим Ойсаранинг олдида бир газ бўй ўсиб, келган машинага етти осмон юксаклигидаги хаёллар оғушида отилиб чиқаётсам, боятдан бери ниманидир айтажагу, журъати етмай тургандек кўлимга бир сумка тутқазган устоз қизариб деди:

— Буни кўшнинг Роҳиланинг уйига олиб борасан. Агар уйида эри бўлса, онангиз бериб юборди дейсан, бўлмаса менинг берганимни айтасан.

Катта қизи икки йил олдин бизнинг кўшнимиз билан дон олишиб, карнай-сурнайсиз, тўй-томошасиз қайнота-қайнонасиз ҳувиллаб ётган уйга кириб борган, бу ташрифдан ёқасини ушлаган ён-атроф аёллар гапира-гапира охири гапдан қолган бир пайтда, тасодифни қарангки, мен ана шу юзи шувит бева аёлнинг уйида қўналга бўлган эдим.

Машина бизларни мактаб олдига ташлаб кетди. Икки синфдош айрилишимиз керак бўлган жойда Ойсара сумкага маҳкам ёпишди.

— Тўхта, — йўлга чиққанимиздан бери кўлимдаги нарсани очиб кўришга ундаётган шеригим деди, — сумканинг ичида нима борлигини билмагунча кетмайман, кел очиб кўрайлик, — деди у ва менинг нима дейишимни кутиб ҳам ўтирмасдан кўлимдагини олиб, ичини титкилай бошлади.

– Бунинг ичида хат бўлиши керак, севги хати. Бўлмасам, нима учун эрлик хотинга гўшт бевворади. Бизларнинг ўлиб терган пахтамизга келган қўйни нега унга беради? – алам билан қўллари гўштининг конига бурканиб ўйлаган нарсасини ахтарса ҳам тополмади.

– Эри бор аёлга хат ёзاديمи, жиннимисан? – ҳали тишининг сариғи кетмаган, интим муносабатларнинг кўчасидан ўтиб кўрмаган иккита оғзи очик ўзимизнинг гапимизга ўзларимиз яхши тушунмасдан, гурур учунгина бир-биримиз билан тортишардик.

Тақиллатган эшигимни очган қўшнимнинг эрига қайнонаси бериб юборганини айтиб, сумкани топширдиму, уйимга қараб югурдим.

Нонуштага тайёрланаётган онамнинг менга кўзи тушиши билан чойнак ушлаган қўллари бир зум ҳавода муаллақ қолди. Ташрифим ука ва сингилларимни хурсанд қилган бўлса, отам ва онамни ўйлатиб қўйди.

– Қандай келдинг? Нима учун келдинг? – ёғилаётган саволларга илгаридан тайинли жавоб ўйлаб қўймаганим сабабли, фақат шу сабаблимас, аслида оғзим ёлғонга ўрганмагани учун, гўшт тўғрисида ҳеч кимга айтмаслик тайинланган бўлса ҳам, қандай қилиб оғзимдан мукофотга кўчқор берилганию, шунинг гўштидан онаси қизига бериб юборгани ҳақидаги гап чиқиб кетганини билмай қолдим. Барибир, ҳар инсоннинг, мурғак боланинг ҳам қалбида бир худбинликми, ё кўрқоқликми, шайтоний бир сир яшириниб ётади –шу нарсани мени ҳаммасини ипидан игнасигача айтишга тўсқинлик қилди. Энг нозик жойини яширдим – ким берганлигини айтиш ҳақидаги нозик таъкид орадан ўтган қирқ йилдан ортиқ даврда ҳам сирлилигича қолди. Билмадим, эрлик аёлнинг оиласи ҳақида ўйлашга шу пайтда фаросатим етдими, ё ўзимнинг обрўйимни ўйладимми, ҳуллас бу сир тошдек қотди.

Бировнинг нафси учун қизини бегона машинага солиб юборилиши отамга ёмон таъсир қилди. Онам муаллимга кўшиб гўшт бериб юборган онани ҳам қарғашга тушди.

– Бугун ҳеч қаяққа кетмайсан, ишимга бориб келай, эртага директорининг олдига бирга ўтамиз, – дедилар отам зарда билан.

Ҳали шаҳар кўчаларини кўрмаган қизга бегона машинада икки кило гўшт бериб юборилиши катта муҳокамага айланди – иш “педсовет” гача борди. Айтган гапимдан бунчалик ғавго чиқишини ўйламаганим учун минг пушаймон бўлиб, энди Ҳакимовга рўпара бўлиш даҳшатидан кўзимга уйку келмасди. Қайтиб борганимда негадир у кўринмади.

Пахта тугамасаю, шу муаллимни қайта кўрмасам эди, деган ҳадиқлар билан ўқишнинг ҳам бошланганини сезмай қолдим. . .

Физикага қўнғироқ чалинганида доскага чиққунча Роҳатга ўхшаб, елкамдан тушадиган муштларни ўйлаб, танам музлаб кетди.

Хонага жиккаккина кулиб турган қиз кириб, исмининг Зиёда эканини, бундан кейин физика фанидан дарс беришини айтганида болалар бир овоздан ура, деб бақириб юборишди. Тилла топиб олгандек ичимга бир қувонч иниб кирди.

Орадан ўтган шунча йил давомида на кўча-кўйда, кейинчалик маориф соҳасида ишласам ҳам, на бирон мактабда уни учратмадим, ҳатто у ҳақда ҳеч нарса эшитмадим ҳам. Ҳакимов гўё ерга киргану, сингиб кетгандек.

Кўрқоқлигим ва чакимчилигим туфайли синфдошларимни катагон давридан омон-эсон, ўлим-етимсиз чиқиб олишига имкон яратганимдан хурсанд бўлдим. . .

### Садақа

Орқаваротдан, ундан қишда қор сўрасанг бермайди, деб гапирилувчи таниши бир куни Зубайдани ҳайрон қолдириб, ҳайитда қурбонлик қилаётганини, кўчқор гўшtidан қилинган қайнатмадан тотиб кетишини айтиб, меҳмонга чақирди. Бева-ликнинг кам-кўстини тишини- тишига босиб енгаётган, ҳар қандай кийинчилик ва йўқчиликларни ичига ютиб чидашга ўрганган, бировнинг ҳожати ва мададидан кўра ўзининг азоб билан эришган насибасини афзал биладиган, доимо хотамтойнинг хотиржам ейдиган бир бурда нонини эслаб, шунга амал қиладиган Зубайда бу ташрифни қандай қабул қилишини билмай ўйлашиб қолди. Уйларига борганида юпунгина кийинган уст-бошига кибр билан боққан бу хонадоннинг катта-кичик назарларидан бир пайтлари елкалари тош босиб

кайтган бўлса-да, бироқ катталарнинг ҳар бир талабига “лаб-бай” деб жавоб бериш кераклиги ҳақида меъёридан ортик эшитиб улғайган аёлнинг ўзидан олдин бир қўйлакни йиртиб қўйган танишининг таклифига йўқ дейишга бети чидамай, ҳар доимги одатидек, еган емишини ҳалоллаб келиш учун, миннатли уйнинг миннатлари бир кун келиб елкасида тоғ бўлиб уюлмаслиги учун ойликкача етказиши лозим бўлган пулдан олиб, у-бу харид қилиб, кўрган одамнинг ҳайратини оширадиган, бева-бечораларнинг эса елкасини қисиб қўядиган баҳайбат хонадонга айтилган пайтда кириб борди.

Кўчада қўл чўзиб юрган сўкир ёки ногиронга майда пулни ҳам раво кўрмайдиган одамнинг сўйилган қўйдан кўзининг олдида иккита қўшнисига чиқариб юборганини кўриб, хартугул мурувват деган нарсага кўнглини мойил қилганинг рост бўлсин, дея оллоҳга шукроналар билдириб, бир пайтлари совий бошлаган юрагида илиқлик пайдо бўлган бўлса ҳам, бироқ ҳар келганида ҳаво етмаётгандек ўзини ёмон ҳис қиладиган, келганидан то чиқиб кетгунича тиканнинг устида ўтиргандек беҳаловат сезадиган уйда Зубайда бу гал ҳам узок ўтиролмади. Дастурхондаги косалар олиниши биланок, болаларининг ёлғиз қолганини баҳона қилиб, ўрнидан қўзғалди.

Уй бўсағасида этигини кияётган Зубайданинг кўзи кўлида бир бўлак гўшт кўтариб чиқаётган келинга тушди. Меҳмонни кузатишга чоғланаётган қайнонанинг бунга кўзи тушиб, шоша-пиша келинини орқага ўгирди-да, унинг ортидан ўзи ҳам ошхонага кириб кетди.

– Бир бўлакни олиб чиқ, деган бўлса қўшниларга аталганини билмасдан олиб чиққан. Менинг уларга нисбатан яқинлигим бор. Бунинг устига, узокдан келганнынг насибаси бўлак. Келин қайнонанинг қадрдонларини барибир ўзидек кутолмайди-да, – деган ўйлар билан бу ҳаракатларни кузатиб туришга ийманиб, у секин кўчага чиқди. Хайрлашмай кетишни ўзига эп билмай дарвоза олдида совқотиб турган Зубайдага бу туриши гўё олиб чиқиладиган нарсани пойлаб тургандек туюлиб, ичидан зил кетса ҳам инсонийлик бурчини охиригача етказиш учун кутишга мажбур бўлди. Ичидаги ўзига қарши бир фикрнинг: – Майли, ҳарна болаларим бир ҳафта гўштни бемалол ейдиган бўлишди, – деган садосидан ижирғанаётган бўлса-да, ёпирилиб келаётган бир-бирига қарама-қарши

ўйларни енгиб, қўлида бўшатишган сумкасини кўтариб чиққан мезбон билан қуюқ хайрлашиб, уйига қайтди.

Негадир оёқ-қўлида мадори қолмай, беҳол бўлаётган Зубайда уйга кириб келиши билан гўшти тузлаб қўйишни буюриб, қўлидаги сумкани қизига узатдию, ўзини кроватга ташлади. Қўзи энди илинган экан: – Ойи, – деган овоздан чўчиб тушди. Ётоқхонага кириб келган қизи қўлида баланд кўтарган ҳолда унга гўшти сириб олинган бир бўлак катта суякни кўрсатиб турарди.

– Ҳар гал борганингизда бир нарсадан дилингиз оғриб келарди. Бу сафар ҳам нима қилардингиз бориб, ўзингизни пастга уриб. Уларнинг кимлигини билардингиз-ку? Мен сизларга итманми суяк кемирадиган демадингизми? – жаҳлдан юзлари бўғриқиб кетган қизи гапида давом этиб деди: – Буни ахлатхонага ташлаб келаман, ўзи эгасини топади.

– Йўқ, болам. Бу қурбонликка аталган нарса, гуноҳидан кўрк. Биронта қўшнига берармиз, – нафсонияти топталиб, қизидан ҳам бадтар ахволга тушган Зубайда унинг қўлидан гўшти олди. – Ўзингга раво кўрмагани бировга раво кўрма, – Зубайда ўйлана-ўйлана сихни ҳам, кабобни ҳам қуйдирмайдиган йўлини топди. Кўпинча “дом”нинг ёнбошидаги бозорчага эрталаб олиб келинадиган суякнинг узун навбатида турадиган ногирон “тётя” Нинага қўлидагиларни берганида, кейинги нафақасигача етадиган катта бўлак суяк ва ёнидаги лаҳм гўшти кўриб, кўзлари қувнаб кетган қўшнисининг кайфияти ўзига ҳам таъсир қилиб, гарчи хафталик гўшtidан айрилган бўлса ҳам, унинг елкасидан тоғ ағдарилгандек бўлди.

## Домла

Дўхтирлардан шифо тополмаётган қизининг дардига даво излаб, йилт этган умид пайдо қилган табибми, муллаю дуохонми, бормаган жойи қолмаган Кавсар опа Лангардаги нафаси ўткир Анваржон домланинг таърифини эшитиб, бир куни унинг ҳам даргоҳига кириб борди.

Пишиқ гиштли катта иморатнинг кираверишида одам қабул қилишга мўлжалланиб, атайлабдан бошқаларидан узоқроқда қурилган кичик хонага тикилиб ўтиришган ўн-ўн бешта одамнинг ёнларига қизи билан суқилиб ўтириб олган

Кавсар опа ўтирганларнинг қўлларидаги исириқ билан сувга кўзи тушиб, шу нарсаларга дам солинишини эшитгандан сўнг дарвозанинг олдида савдо қилаётган чолдан керакли нарсаларни икки баробар қимматига сотиб олиб, қайта ичкарига кирди. Катта-кичик аралаш даврада пўрим кийинган иккита эркакка кўзи тушган Кавсар опа бундай жойларга эркакларнинг ҳам келишидан ҳайратга тушиб, бунинг бежизга эмаслигини, бунинг устига бу ерни тавсия қилган ижодкор дугонасининг ҳам ҳар кимларга ихлос қўймаслигини ўйлаб, ҳали дийдорини кўрмаган, овозини эшитмаган дуохонни ишонч ва ихлос билан кута бошлади.

Ярим соатлар чамаси ўтгандан сўнг баланд бўйли, ёши ўтинкираган бўлса ҳам ёшлигини беришга қизғанаётган одамдек тик коматини кўз-кўз қилиб, виқор билан кириб келган домлага ҳамма ўрнидан дик этиб туриб, салом берди. Саломга ўзига яраша тавозе билан алик олиб, хонанинг тўридаги креслога бориб ўтирган домлани кўрган Кавсар опанинг — Дуо ўқилганда баланд жойда ўтириш мумкинмикин? — деган савол кўнглидан ўтди. Дуога қўл очаётган домланинг олдида боятдан бери ҳеч кимга эътибор бермай ўзлари билан овора бўлиб, нималарнидир шивирлашаётган, афтидан она-бола бўлган иккита аёлнинг кичиги уч-тўртта эркакнинг қиёфаси туширилган расмни кўйиб, илгаридан қатнаб, бу ернинг бироз тафтини олган шекилли, бир оғиз ҳам гапирмасдан, мана шу одамга ҳам ўқиш керак, дегандек биттасини бармоғи билан ушлаб кўрсатди.

Кўзларини юмган ҳолда баланд овозда қироат билан ўқиётиб, бир ўнг томонига, бир чап томонига қараб, “куф-суф”лаётган домла ҳар гал расмга ҳам туфлаб қўйишни унутмади. Одамни чарчатар даражагача чўзилмаган, аксинча ҳар доим эшитиб юрганларидан ҳам қисқароғидан қайтилган дуо тугагандан сўнг пул йиғаетган домланинг кўлига ҳар ташрифнинг қанчалигини олдиндан сўраб билган Кавсар опа қизи учун мўлжалдаги беш мингни узатди. Дуогўйнинг пуллари ҳар кимнинг кўлидан биттама-битта олаётганини кўрган ориятли қизи онасининг “ҳай-ҳай”ига қарамасдан, яна беш мингни узатди. Даврадаги бояги она-қизнинг пуллари қўшиб узатишганини кўриб: — Бу ерда қанча? —деб сўраган домла, — Ўн минг, —деган жавобни олгач, — Расм учун алоҳида бера-

сизлар, —деди қатъий қилиб. Бу гапга ҳеч қандай эътирозсиз ва ҳеч қийналмасдан яна беш мингни сумкасидан олиб, ҳурмат билан домлага узатган аёлу қолган барча эътиқод эгалари ҳаммага соғлиқ тилаб хонадан чиққан домланинг орқасидан гўё бор касалликлари шу ерда қолаётгандек ўзларини бир қадар енгил ҳис қилиб хонадан чиқишди. Шунча жойдан ихлос қилиб келган одамнинг нари борса ўн минутлик дуоси учун олдиндан баланд нарх белгилаб, ўн бешта одамдан тортинмасдан пул териб ўтиришига ҳайрон бўлиб турганида ўлганнинг устига тепган қилиб, оддий қоғоз учун ҳам алоҳида пул сўраганини кўрган Кавсар опа ёнидаги кимсалардан фаркли ўларок, худди орқасидан биров қувлаётгандек, хонадан шошиб-пишиб чиқа бошлади.

Кўпларнинг гапига кириб, кўп жойларга бориб, биронтасига ихлос қилмаган қизига нуфузли кишиларнинг оғзидан эшитган ушбу нафаси ўткир дуоғўйга етти марта қатнашини шарт қилиб қўйганини эслаб, буёғи нима бўлади, деган ўй билан ич-этини еяётган Кавсар опага кечкурун қизи телефон қилди.

— Дуосини пул билан белгилаб қўйган одам Қуръонни ҳар жиҳатдан мукаммал билаверсин, унда ҳислат бўлмайди. Уялмасдан пул йиғиб ўтирган одам қандай қилиб худога яқин бўлиши мумкин. У одамнинг кўзи оч экан, унга ихлос қилмадим. Қўйликда битта домла бор. Дуони жуда узок ўқиб, одамларнинг қўлига қарамасдан чиқиб кетаркан. Ҳар ким атаганини кўрпачанинг тагига ташлаб кетаркан. Бир куни тушган ҳамма пулни юпун кийинган бир аёлга бериб юборганини ўз кўзим билан кўрганман. Шу одамда ҳислат борлигига ишонса бўлади, мен шунга бораман, —деган гапларини эшитиб, унинг кўнгли жойига тушди.

## Таассуф

Уч кундан бери тиш оғриғидан Зубайданинг бўлари бўлди. На бирон нарса ея олади, на кечаси уйқу бор. Азобига чидаолмай, ўз билгича турли муолажалар қилди. Чириб, ковак ҳосил қилган тишининг орасига бош оғриғи дорисини икки бўлиб, тенг ярмини қўйди. Анча маҳалгача тишига рўмол бостириб, оғриғига чидаёлмай, уйнинг у ёғидан-бу ёғига бўзчининг мо-

кисидай қатнади. Ҳар ярим соатда оғзида увалай бошлаган дорини туфлаб ташлаб, ўрнига янгисини қўйди. Бўлмади. Кейин дорилар сақланадиган қутичадан жиндай пахта олиб, унга атир томизди-да, тишининг ковагига тикди. Ўткир ҳид оғзини ўт янглиғ қуйдирса ҳам, чидади. Бироқ, бунинг ҳам нафъи тегмади. Ахийри, у онаси айтганидек қилиб, чаккасига хамир ёпиштирмоқчи бўлди.

Боғнинг орқа томонига ўтиб, майда-чуйдалар сақланадиган кичкина, қоронғи уйга кирди. Хона бурчагидаги қоплар ёнига яқинлашиб, улардан бирини – ярмидан ортиқроқ уни ишлатилиб, бўшаб қолган томони ерга қараб осилиб ётган қопни очди, ундан пиёлани ярим қилиб ун олди. Ун устига қайнаган сувдан керагича қуйиб, бармоғи билан аралаштирди. Суюққина хамирни юмалоқ қилиб қирқилган қоғозга сурди-да, чаккасига ёпиштирди. Бир неча дақиқа сабр қилиб, бу сафарги амалининг натижасини кутди. Бироқ, оғриқ заррача ҳам пасаймади. Табиблиги фойда бермаганидан кейин, дўхтир деса ўзини томдан ташлайдиган Зубайданинг бошқа чораси қолмади.

Тун бўйи мижожа қоқмай чиққан қиз дўхтирхонада навбат кўп бўлишини ўйлаб, уйдан вақтлироқ чиқди. Ҳар куни ишга бориб-қайтишда олдидан ўтиб кетаётиб, оғзини тутиб инқиллаб юрган одамларни кўрганда аъзойи бадани увишиб кетадиган Зубайда, бугун шу даргоҳга ўзи ҳам кириб келди. У дўхтирхона оstonасидан оёқлари титраб хатлади. Одам жуда кўп эди. – Нима бало, ҳамманинг фақат тиши оғрийдими? – халёидан ўтказди у ва навбатнинг охирига бориб турди.

Тишининг оғриғига чидаш қийин. Начора, галини кутишга мажбур. У дори-гиёҳларнинг ҳидлари анкиб турган хонага кириш учун чоғланаётган эди, пакана бўйли бир чол ундан олдин ичкарига кира бошлади. Зубайда чакконлик қилиб, унинг яктагидан ушлаб торгди.

– Қаерга боряпсиз, ҳозир менинг навбатим-ку?

– Қизим, мен кира қолай. Тишим чидатмаяпти, – ялинди чол.

– Мен ҳам зўрға турибман, навбатингизда киринг, – саросимада қолган чолни туртиб, у ичкарига кирди.

Юзлари қизариб, кўзлари жикқа ёшга тўлган Зубайда хонадан чиққанида бояғи чол энгагини ушлаб, тиришиб ўтирган экан. Ўзидан кейинги нозиккина қиз ҳам унга навбатини бер-

мабди, шекилли, чол бу сафар киришга интилмади ҳам. Қўли билан тишини босиб, деворга суяниб турган чолга энди унинг ичи увиша бошлади. — Бекор шундай қилдим-да, қари одамнинг эти юмшоқ, дардга чидамсиз бўлади. Икки кун чидаган оғриққа яна бирпас сабр қилсам бўларди, — афсусланди у ва ичида бир нима узилгандек бўлиб, ташқарига йўналди.

— Ҳа, Зубайда, нима бўлди? — чаккасини рўмолча билан ушлаб, теваарак атрофга қарамасдан, тез-тез юриб кетаётган Зубайдага кимдир гап қотди. У қаршисида илмий раҳбарининг ташвиш билан тикилиб турганини кўрди. Ҳамишаги кўнгилчан домласи оғриқдан юзлари буришиб, жавоб беришга мажоли бўлмай турган беморнинг елкасидан енгилгина кучди:

— Олдирдингизми? Уйингизга боринг-да, дамингизни олинг. Бугун ишга чиқмай қўя қолинг. Мен дадамлардан хабар олишга келувдим, — устоз гапини тугатиб, шогирд билан хайрлашди.

Отасидек кадрдон бу фидойи одамнинг падарини кўришга қизиққан Зубайда орқасига қайрилиб, унинг бояги чол томонга қараб бораётганини кўрди. Чол иккаловига ҳам ҳайрон бўлиб қараб турарди.

### Тилла соат

У иккала ўғлини олиб, онасиникига ҳар шанба боради. Фарзандлари бу кунни сабрсизлик билан кутади.

— Бугун бувимларникига борамиз-а? — эрта билан туриб олган болалари гапни шундан бошлашади. Ясан-тусандан сўнг онасига у-буни тугиб, йўлга чиқишади.

Неча йилдан бери одат шу. Онаси ҳам улар боргунича сабри чидамай, дарвоза олдига чиқиб ўтиради. Лекин. . . Илгари Лобар соғиниб, ошиқиб келарди. Ҳозир эса. . . йўлга тушаркан, ўзини оғир, беҳол сезди. . .

Шанба кuni дугонаси туғилган кунига таклиф қилди. Лобар болаларини онасига ташлаб, хотиржамроқ ўтириш учун эртароқ келди. Тошойна олдига ўтириб, ўзига бироз қаради. Дугонаси ўзига тўқ оиладан. Уларникига ҳар доим казо-казолар келишади. Лобар улар ичида ўзини паст тутгиси келмади. Ҳа-да, олий даргоҳда ишлаётган бўлса, маоши оз бўлса ҳам, номи улуг. — Шундай жойда ишлаб, юришига қара, — де-

йишмасин деб, бир сидра қимматбаҳо кийимларни амаллаб олган. Уларни аяб-аяб, ўшанақа жойларга кияди.

Ясан-тусанини тугатган Лобар тўйида қайнотаси совға қилган тилла соатини тақмоқчи бўлиб, сумкасини ковлаштирди, бироқ қўйган жойидан тополмади.

– Шундоғ ён киссасига қўювдим-ку, қаёқда қолиши мумкин, – унинг ҳафсаласи пир бўла бошлади.

– Моҳигул, сен олмадингми? – сўради нариги хонада ниманидир тикиб ўтирган синглисидан.

– Қўлингиздан ечиб, сумкангизга солганингизни кўрган эдим, – деди ва у ҳам ахтаришни бошлади.

Соат ҳеч қаёқда йўқ эди.

– Уйга ҳеч ким келмаганмиди? – ҳадиксираб сўради Лобар.

– Ҳеч ким келгани йўқ, факат кеннойим даҳлизга кириб, кирларни йиғиб кетди, холос.

– Демак, ўша олган. Зарифа бир шипшитиб қўювди-я, ок мунчоғи йўқолганда уйда Фаридадан бошқа ҳеч ким йўқ экан. Бор, ойимни чакириб келгин.

Қизларининг нимадандир сикилиб турганини кўрган Адолат ая:

– Нима гап, тинчликми? – деб сўради.

– Соатим йўқ, ойи. Эрталаб сумкамнинг чўнтагига солган эдим, – йиғламоқдан бери бўлиб, деди Лобар.

– Дурустроқ карагин, бирон жойга тушиб қолгандир.

– Э, тагин қанақа қарайман, бир соатдан бери титкилайман.

– Балки, эсингдан чиқариб, тақмай келгандирсан? Уйингда қолгандир.

Бу гап керосинга ўт қўйди.

– Нима, эсим пастми менинг, қилган ишимни билмай? Тақиб келувдим, айтдим-ку, сумкамга қўйган эдим, деб.

Қўлидаги сумкани жаҳл билан остонага отиб юборган Лобар:

– Фаридадан бошқа ҳеч ким қилмайди бу ишни, – деди овозини баландлатиб.

– Вой, болам, секинроқ гапир. Ўзи отасидан айрилганидан бери эзилиб юрибди, – Анзират ая келинининг эшитиб қолишидан чўчиб, эшик томонга ҳадиксираб қаради.

– Ҳар гал шунақа ёнини олиб юраверинг. Ҳали бундан бадтар ишларни қилади у, қараб туринг. Ўшандаям мунчокни айтганда Зарифанинг оғзига урган экансиз, уйда жанжал чиқишидан кўрқиб. Мана, кўнгилчанлигингизнинг оқибати, – у ойисини юлқиб ташлади. – Ҳозир хонасининг тит-питини чиқазиб ташлайман.

Шу пайт хонага Фариданинг ўзи кириб келди.

– Оқ мунчокни Зарифанинг ўзи дугонасининг тўйида бериб турган экан. Бир йил ўтгандан кейин: – Эсимдан чиқиб қолибди, – деб узр сўраб, олиб келди. Ўша воқеадан бери бу хонага кирмайман. Соатингизни эса Зарифа тақиб кетди. – Молингга маҳкам бўл, кўшнинг омонда, – деган гап бор. Бировни ўғрига чиқаришдан олдин нарсангизга эҳтиёт бўлсангиз яхши бўларди, – деди Фарида овози қалтираб.

Уйга ҳаллослаб кираётган Зарифа остонада кеннойисига урилиб кетди. Нима гаплигига тушунмай, анграйиб турган синглисининг кўлидаги соатга кўзи тушган Лобар бўшашиб, ўзини курсига ташлади...

### Ракқоснинг онаси

Онасининг бу йил ўзини анча тетик тутганига хотиржам бўлибми, ёки биронта тўй - маъраканинг хабари чикмаганига боиз-баҳона топилмадими, ҳуллас йилда уч-тўрт маротаба ишнинг орасида бирровга бўлса ҳам онасидан хабар олиб келадиган Дилобарнинг навбатдаги сафарига чилла тушди. Ора узокласа ичини бир қоронғилик эгаллаб, қўли ишга бормай қоладиган одати сабаб, баҳона-боизу, яхши-ёмон хабарни кутиб ўтирмай ичидан киринди ўтса ҳам илтимосларга ҳеч қачон йўқ деёлмайдиган бўлим бошлиғидан уч кунга рухсат сўраб, у охири йўлга чиқди.

Туғишганлари бағрида уч-тўрт кун ўтириб, энди қайтаман деб турганида тўсатдан оғриб қолган онасининг олдида ишнинг ҳисобидан икки кун кеч қолган Дилобар Тошкент йўналиши бўйлаб поездга ўтираркан, ходимлари лафзини бузганида Тоштемир Тойлоқовнинг: – Эртага ёмғир ё ёғди, ё ёғмайди, – деб баҳоловчи айниган ҳавосидек қош-қовоғи билан кутиб оладиган бўлим бошлиғининг ажинлардан тиришган бети кўз олдидан кетмай, кўнгли хира тортди.

Ичига чирок ёкса ёримай анча вақтгача хаёл суриб ўтирди. Бир кўлини дераза рахига суяб, кўлидаги кроссвордни ечганидан кўра сўрагани кўпроқ бўлаётган тили буриқ аёлнинг уч-тўртта саволига жавоб топа олмаган ёшларнинг ўрнига жавоб берган Дилобарнинг бир оз чиройи очилиб, тилию кош-кўзидан ўзга тупроқ фарзанди эканлиги билиниб турган аёлнинг ёлғиз ўзининг Хоразмга ташрифи билан қизиқиб, бир оз чалғиш учун уни гапга сола бошлади.

Навоийлик аёлдан Хоразмнинг узок бир туманига келин бўлиб тушганини билиб, бунинг сабабини суриштирганда саволига тайинли жавоб ололмаган Дилобарнинг унга қизиқиши бадтар ортди.

— Ўқиб юрганингизда танишиб қолганмисизлар? — қизикқанини яширолмай аёлни саволга тутди у.

— Ўқимаганман, шундай бўлиб қолди-да, — иштаҳаси кайтган бемордек истар-истамас оғзини очган аёлнинг ҳаётида бир чалкашликлар бўлгану, бунинг эслагиси келмаётганини сезган Дилобар, ҳар кўнгилда ҳар хаёл деганларидек, бу суҳбатдан яхшигина бир хикоя чиқишини ўйлаб, уни саволларга кўма бошлади. Бирок оғзига маҳкам аёлдан бешта боласи борлигию, икки ўғлининг раққос эканидан бошқа маълумотни ололмади.

— Иккита ўғлимни ёшлигидан рақс мактабига берган эдик. Гурландан Урганчга қатнаб ўқишди. Ҳозир ўзларимизнинг Гурландаги ансамблда ишлашади. Урганчнинг тўйларига ҳам тез-тез қақриб туришади. Давлат тадбирлари билан ҳатто Тошкентга ҳам йилда бир-икки маротаба бориб келишади — мен нима дейману, кўбизим нима дейди, кабилида иш тутиб, ўқимаган билети тушганда сувдан қуруқ чиқиш учун ўзини тўрт томонга ташловчи талаба мисол ўзи ҳақида берилган саволларга лом-мим демасдан, туманга таниқли бўлиб қолган ўйинчи болалари ҳақида гап очиб, ўтлаб кетди.

Ўрганча боласининг хотинлар ролида чиқиб, ўзининг қайси кўйлагини қаерда кийишини, рўмолни қандай ўрашини завқ билан... ҳа завқ билан гапириб бераётган онанинг гапларига ҳайрон бўлиб ўтирган Дилобарнинг ҳамфикрлари кўпайди. Раққослар ҳақидаги суҳбат теварак-атрофда ўтирганларнинг барини қизиқтириб қўйди. Гўё раққосларнинг онасини умрида кўрмагандек (аслида ҳам шундай) ҳайратланиб, агар Куръон

сураларидан ёд айтиб берганингизда ҳам бунчалик берилиб эшитмайдиган купедошларнинг бири қўйиб, бири бераётган саволларига тўлқинланиб гапираётган аёлнинг сўзларини ора-орада пичинг қилиб энсасини қотириб ўтирган ҳижобли қизни истисно қилганда, ўтирганларнинг бари хайрат билан тингларди.

Шу пайт вагонга қўлида ҳар хил майда-чуйдаларни кўтариб олган барваста, семиз хотин кирди. Уни олдига чакириб олган навоийлик аёл титкилай-титкилай охири тортишиб бир рўмолни олди. Сотиб олган жимиттаккина бир рўмоли учун жазирама иссиқда вагонма-вагон терлаб-пишиб юрган кекса аёлни овора қилганини кўриб, ғаш келган Дилобар уни гап билан узиб олгиси келган эди, бироқ ундан чакқон чиқиб, улоқни бояги ўранган қиз олиб қўйди. Эгалари томонидан атайлабдан жанг учун қўйиб юборилган иккита даканг хўрозлардек икки аёлнинг бир-бирларини чўқилай бошлаганини кўрган Дилобар бу можаронинг сабабини боятдан бери аёлнинг гапларини тиканнинг устида ўтиргандек тинглаётган қизнинг сабр косаси тўлганида деб ўйлади ва уларнинг гапларига эътибор бермасдан газета ўқишга тушиб кетди. Ол байрокни қўлдан бергиси келмай бир-бирини талаётган икки кулоқтешарнинг ғиж-ғижидан чарчаб, охири Дилобар ўранган қизга юзланди:

— Имон-эътиқодли қиз экансиз. Сизга бундан сабоқ берганлар ўзингдан каттанинг олдида бир гапдан қол, деб ўргатишмаганми? Бўлди-да энди, онангиз тенги аёл билан арзимаган нарсанинг устида талашиб ўтиришингизга қаранг, — Дилобарнинг кескин гапи қизни гапдан тўхтатди. Юртига яқинлашган поезд тўхташи билан тушишга тайёрланаётган аёл миннатдорчилик билдиргандек жилмайиб, Дилобарга қаради ва халоскори билан қуюқ хайрлашиб тушиб кетди.

— Касбда айб йўқ. Бироқ мен ҳеч қачон болаларимни шу ишга яқинлаштирмаган бўлардим. Ўқимаган, кишлоқлик аёл учун ўғилларининг ўйинчи эканлиги ҳам бир фахр-да — бояги кескин гапидан мум тишлаб қолган қизга раҳми келиб бир оз юмшаб деди Дилобар.

— Опа, сиз у билан ниманинг устида уришганимни билмай қолибсиз. Ахир у иккита рўмол олиб, фақат биттасига тўладик. Ёстигининг тагига яшираётганини кўриб қолиб, эгасига

кайтириб беринг, деб уришаётган эдим, — деди у жиғибийрон бўлиб.

. . . Келинлиги огизга олинмас бир тарих бўлган, оналик бахтини ўғилларининг раққослигида кўраётган аёлнинг битта рўмолни индамай олиб қўйгани ҳам унчалик ёмон нараса бўлмаса керак?

Дилобарни бир нараса ўйлантириб қўйди: — Раққосники каби унинг онаси ҳам олима қизидан фахрланиб, орқаваротдан мактаб гапирармикан?

### Ипподром зираги

Эрталаб боласига буғдой ёрмасидан овқат тайёрлаётган келинининг қулоғидаги феруза қошли зиракка кўзи тушган Зулайхо опа: — Тиллами?— деб сўради уни қўли билан ушлаб, томоша қиларкан.

— Йўқ, оддий. Анови кун Ипподромга борганда бир қизиқиб олувдим, — деди у пулини сўраб, қайта савол берган қайнонасига.

Ёшлар томоша қиладиган алламбало телевизор каналларига, уларнинг қўлларидан тушмайдиган жимиттаккина телефонларига, учаласининг навбатма-навбат ўтириб, кун бўйи чироғи ўчмайдиган компьютерларига тиши ўтмагани сабабли ҳар доим уларга ҳалакит бермаслик учун девор тагидан юрадиган Рисолат опа бу гал ҳам ўзига тааллуқли бўлмаган ва тушуниксиз нарасага ортикча эътибор қилмади. Бироқ, ебкийиниб ўрганган, айникса тиллага ўч келинининг қулоғига “простой” нарсани илиши уни бир оз ажаблантирди.

Қўлига супурги олганда: — Қўйинг, эна, уйни чанги-тиб юборасиз, ҳозир ўзим чангюткичда тозалайман”, — деб қўлидаги супургига ёпишадиган катта невараси бугун дарслари кўпмиди, бувисининг эгилиб хоналарни супураётганига эътибор бермади.

Эрталаб ишга кетишган эр-хотиннинг ётоқхонасини тозалашга тушган Рисолат опанинг бир пайт ерда чўғдек ялтираб ётган нарасага кўзи тушди, қараса келинининг яқинда олган зираги. Бу зормандага илк кўзи тушганида ичига бир гумон кирган қайнона кечкурун дастурхон теваарагида ўтиришганида гап очди:

– Уйларни “пилесос”лаб чиққан эдим, анави кунги олган янги зирагингни ҳам тортиб кетди, олишга улгуролмай қолдим.

– Ахлати турибдими ахир? – оғзига олиб бораётган лукмаси кўлида муааллақ қолган келин ранглари бўзрайиб сўради.

– Эсимдан чиқиб, халтасини тозалаб, кўчага ташлаб келибман.

– Нимага ташлайсиз, ахир у тилла эди-ку! – жон ҳолатда бақирди келини.

– Оддий деган эдингиз-ку, – чўнтагидан зиракни олиб, келинига узатган Рисолат опа хотинига ялт этиб қараган ўғлининг оқарган рангига кўзи тушиб, унинг ҳам ўзидек Ипподром зирагига ишониб юрганини тушунди.

### Молтортар

Ёшлигида, аёлларнинг етти-саккизта ва ундан ортиқ бола кўриши одатга айланган бир пайтлари онаси ва маҳалладаги бошқа хотинларнинг кетма-кетига кўпинча қиз туққанларида бунинг хабарини эшитган катталарнинг: – Яна бир “Волга”лик бўлибсиз-да, – деб отани муборакбод қилишлари қулоқларида қолган Гулсанам тошкентлик бир кўшнисининг: – Қиз бола молтортар бўлади, – деган гапини эшитиб, икки макондаги фикр-қарашнинг бир-биридан кескин фарқланишига ҳайрон бўлган эди. Тўртта қизининг сарпосидан чарчаган аёлнинг нолинишларини эшитиб ўтириб, – Бизнинг Хоразмда аксинча қиз туққан бойийди, у томонларда қизларнинг кадри бор, уларга яхшигина қалин беришади, сут ҳақи, деб онанинг кўнглини олишади, – деган гаплари билан кўшнининг оғзини очириб қўйган эди.

Илгарилари икки минг, уч минг қалинлик олаётган ота-оналарнинг қиз кўпайганидан хафа бўлмаслиги тушунарли эди. У пайтларда аксинча, ўғли кўпларга одамларнинг раҳми келарди, чунки ҳар бир ўғилни уйлантириб қўйишдан ташқари унга уй куриб, кейин рўзгорини бошқа қилиб бериш ота-оналарнинг ички қонунларидан бирига айланган эди. Оиласида ўғли кўплар ночор ҳаёт кечиришарди.

Ҳозир вазият анча ўзгарган. Аксинча ўғилликларнинг ошиғи олчи, қизи кўплар тошкентликларга ўхшаб, бошини

кашлаб ўтиришибди. Ўғилларнинг бири Кореяда, бири Россияда, яна бири “Қозоқ”да насибасини териб юрибди. Демак, уларни молтопар деса бўлади. Марказнинг илм-маърифати билан бирга сарпо-суруғи ҳам чекка-чеккаларгача етиб борган. Ҳар куни йигирмадан ортиқ вагонни тарақлатиб, ичидаги мингдан зиёд одамни пойтахт сари етказувчи поезд шаҳар хавосини чўлу биёбонларга олиб бормайди дейсизми? Қўшни қўшнидан ранг олар, деганларидек Тошкентнинг қизларидан Хоразмникининг кам жойи борми? — Нима учун уларнинг қизлари сарпо билан чикадию, бизларники қуруқ чиқиши керак, — деган оқилона ўйларга Хоразм аёлларининг ақли етмайди деб ўйлайсизми? Қиз йигинларни алоҳида тўйхоналарда ўтказиш, сарпосига ётоқхона мебелини қилиш каби урфлар кириб боргани тишининг оқини сўриб ўтирувчиларга жабр бўлгани билан меъёридан ортиқларини қаерда сақлашни, нимага сарфлашни билмай юрганларга малол келади деб ўйлайсизми? Тошкентнинг кириб келиши шундайларга жуда йўн тушди-да. . .

Хоразмдан келиб Тошкентнинг сувини ичиб ўтирган Гулсанам опанинг катта қизи ўзига ўхшаш учта молтортар туғиб берган.

— Жонлари соғ бўлсин, илойим. Булар эртага менинг боқувчиларим. Ўғилдан кўра қиз яхши, ҳаётда қизидан эмас, ўғлидан нолинганлар тарозини кўпроқ босади. Ҳозир компьютер билан тилни билган одам ютиб турибди. Демак, бу нарсаларни билган қиз билан ўғилнинг нима фарқи бор? — деган ҳаёллар билан банд бўлса ҳам, бироқ — Худойим сизларга ҳам битта ўғил неvara ато қилса яхши бўларди-я, — деювчиларнинг гапларидан сўнг ўйланиб қоладиган Гулсанам опа бу гапларнинг таъсирига берилиб, иложи борица қизининг кўнглига келмайдиган қилиб:

— Сен ҳам тенгқурларинг қилиб юрган ишларни қил, сал замонавийроқ бўл. Ҳисоб-китоб деган нарсалар бормиш, сен ҳам шу нарсаларни қилсанг бўлмайdimи? — деб қоларди қизининг навбатдагисига харсиллаб юрган пайтларида.

— Нима берса ҳам худонинг берганига шукур қиламан. Қиз бўлса ҳам майли, шунга ҳам зор-зор йиғлаб етишолмаётганлар канча. . . Дўхтирга борганимда бир келинчакнинг беш марта бўйида қолиб, ҳеч қайсиси ичида турмаганини эшитиб, шун-

дай раҳмим келдики. . . Яна бирининг ўн уч йилдан бери бормаган жойи қолмай, охири отасининг уйига қайтиб келганини эшитдим. Менга бўлса беряпти. Ҳар бир берган қизи учун Яратганга ҳамду санолар айтишим керак аслида, — қизининг оғзидан бир куни шундай гапларни эшитган Гулсанам опа имони бут фарзандининг хулосаси ҳар қандай ўғилдан устун эканлигини ҳис қилиб, кўнгли равшан тортади.

---

## Воқеий-ҳикоялар

### Ғаройиб воқеалар

Синглим Анора уйимга меҳмонга келганида:

— Опа, ёзаман десангиз, сизга ажойиб воқеаларни айтиб беришим мумкин,— деб ҳикоясини бошлади:

— Қўшни кампирнинг гапириб беришича, ёлғиз ўғли арокқа ружу қўйиб, уни ҳеч нарса билан тўхтатиб бўлмабди. Ҳеч кимнинг насиҳатларига кулоқ солмабди. Ҳар куни кечкурун уйга оёғида зўрга келиб, остонадан кириши билан дуч келган жойга таппа ташларкану, тонггача чуваланиб ётиб, эрта саҳарлаб яна чиқиб кетаркан. На панд-насиҳатлар, на ота-онасининг қарғаб-уришишлари қор қилмаган. Охир-окибат, ундан ҳамма безор бўлиб, бу беҳосиятга кечкурунлари эшик очмайдиган бўлишибди. Бундай пайтларда унинг кўзига ҳеч нарса кўринмай, ота-онасини ҳам сансираб сўкиб ташларкан. Хотинию бола-чақаси эртаю кеч Худодан унинг ўлимини тилашаркан.

Бир куни алламаҳалда унга эшик очишмабди. Ўзини билмайдиган даражадаги маст кўчада, дарвозанинг тагида ётиб қолибди. Айни ўша пайтда, эшитган кулоқ ишонмайдиган мўъжиза рўй берибди.

Кейинчалик ўзининг гапириб беришича, эрталаб ўзига келиб, нафаси қисаётганини сезган, кўзининг тингани кетиб, ўзига келиб қараса, қоп-қоронғи жойда, кафанга ўралиб ётганмиш. Қабрни тирмалаб-тирмалаб, амаллаб чикибди-да, гўрковнинг олдига бориб, бўлиб ўтган воқеани тушунтирибди. Куну тун куйдиргидан қандай қутулишни билолмай юрган бўлса ҳам, хабар етказган гўрковнинг гапларидан оила аъзолари саросимага тушиб қолибди.

Эртасига уйига алламбало кийимларни кийиб келган йигит ўзини таҳлика остида кутиб ўтирган яқинларига эътибор ҳам бермасдан, тўғри бориб, таҳорат олибди-да, намоз ўқий бошлабди. Кейин гўё осмондан бошқа одам бўлиб тушгандай, ота-

онасию, бола-чакалари билан йиглаб кўришибди ва шу кундан буён бирон марта ҳам беш вақт намозини канда қилмабди.

– Қабрда кўрган даҳшатларимни ҳеч кимга айтолмайман, – дебди у. Бўлиб ўтган ҳодиса ҳақида ҳарқанча қисташмасин, ҳеч кимга ҳеч нарса гапирмабди.

Синглимнинг кейинги ҳикояси ўзининг гувоҳлигида бўлиб ўтган. Унинг қайнонаси паймонаси тўлиб, ётиб қолган. Кўзига бир нарсалар кўриниб, аҳволи маълум бўлиб қолганида, барча бола-чакаларини чакириб, рози-ризалик қилган.

– Энди менга Симбамни келтиринглар, – дебди кампир болаларига.

Симба – шу уйда туғилган бўлиб, анча йиллардан бери кампирга овунчок, болалари Россияга кетишганда, ит унга қоровуллик қилган экан. Улар бир-бирларига шунчалик ўрганиб қолишган эканки, касал бўлиб қолганида кампир итини чакириб, унга қўлларини ялатар, унинг қон босими жойига тушар экан. Бунда қандай сир-синоат бор, келинлар тушунмас экану, бироқ қайнонанинг қон босими кўтарилиши билан югуриб бориб, итни олиб келиш келинлар учун муолажанинг энг қулайи бўлиб қолган экан.

Хуллас, ўлими яқинлашиб, итини йўклаган онасининг илтимосига ўғиллари дарров уни етаклаб келишибди. Кампир ётиб қолганидан бери эгасининг ёнига ёнбошлаб, унинг қўлларини ялаб юрган ит айна шу куни қадрдон хонасига киришдан бош тортибди. Остонага оёғини тираб, ўзини орқага тортаётган итни жон-жаҳдлари билан итаришса ҳам, болаларнинг кучи етмабди.

– Кўйинглар, уни қийнаманглар, – дебди шунда хириллаб қолган онаси итнинг қайсарлигидан ҳайрон бўлиб турган ўғилларига қараб, – сизлар унинг нима учун қочаётганини билмаяпсизлар. У Азроилни кўряпти, итларнинг кўзи Азроилга ўтади, деб эшитгандим. . .

Аёл вафот этгандан сўнг болалари онасининг сўзларида қанчалик ҳақиқат борлигини синаб кўриш учун атайлабдан итни хонага олиб келишса, у ҳар доимгидек уйга бамайлихотир кириб кетган.

Сўрининг ёнбошига узун ип билан боғланиб турадиган ит ҳар куни унинг устидагина юрар экан. Дам олмоқчи бўлса, сўрининг тагига кириб ётаркан.

Онасининг маъракалари билан андармон бўлган болалар бир куни карашса, ип қўшнилари деворига тортилган, итнинг ўзи эса кўринмайди. Ҳеч ким яшамайдиган уйнинг пахсасидан нариги томонга ошиб ўтишса, ит бўйинбоғига осилиб, ўлиб ётганмиш. Ҳар куни уйнинг ўзидагина юрадиган итнинг нима сабабдан қўшнилари ховлисига сакраганини кўрган болалар буни ўзини ўлдириш учун қилганми, ё бошқа сабаби борми тушунмай ҳайрон бўлишган. Атайлабдан қилди, деса ўша куни Азроилдан кўркиб, қочган ит энди қандай қилиб ўзини бу ахволга солади? Билмасдан қилган дейилса, шунча йилдан бери уйдан кўчага чикмай юрган ҳайвон айна эгаси омонатини топширган кунларда ўзини девордан отадими? Бу сир-синоатнинг тагига етолмаган болалар оналарининг ҳурмати учун итни қабристонга яқинроқ жойдаги адирга кўмиб келишган.

— Энди учинчи воқеани эшитинг, — гапини давом эттирди синглим. — Сайёра деган ўртоғимнинг акаси касалхонада вафот этди. Жигар церрозидан тамом бўлган йигитни дўхтирлар кўрпага ўраб, бериб юборишган. Уйда қиёмат-қойим қўпган. Жаноза эртанги кунга белгиланган, қариндош-уруғларнинг бари йиғилган. Майит теваарагида ўтирганлардан кимдир:

— Жигар церрозиди артиб турмаса бўлмайди, ғассол келгунча тозалаб қўйиш керак, — дебди. Мархумнинг акаси ўзи артишини айтиб, ўргатганларидек тозалабди. Ҳақиқатан ҳам артгулик бўлиб ётган экан. Кечқурунга қараб, у майитнинг танасини яна бир марта тозаламоқчи бўлибди ва йиғи-сиғи қилаётган аёлларни хонадан чиқариб, яна артишга тушибди. Ишини тугатганидан сўнг ўзини тутолмай, жасадни қучоқлаб, бўкириб йиғлабди ва ёймани устига тортиб, хонадан чиқа бошлабди. Бир пайт йигитнинг қулоғига йўтал эшитилибди, ҳайрон бўлиб эшикка қарабди, хонада ўздан бошқа ҳеч ким йўқ. Разм солиб, майитга қараса, у қимирлаётган эмиш. Жон ҳолатда югуриб бориб, ёймани тортибди:

— Йиғи овози қаёқдан келяпти, нариги палатаданми, — дермиш, жасад кўзларини очаетиб.

Тирилган мурда шундан сўнг икки ярим йил яшаган. Илгари камдан-кам, фақат ҳайит кунларидагина борадиган отасининг мазорига тез-тез катнайдиган, нураб ётган қабрининг у ёқ-бу ёғини тузатадиган бўлибди. Гарчи бирон ишнинг

бошини тутишга ярамаса ҳам, бироқ ҳар куни эрталабдан қабристонга кетиб, отасининг мозори устида катта сағана қурдириб, теварак-атрофини обод қилган. У онасидан ҳам, ака-сингилларидан ҳам ялиниб-ёлвориб, пул сўрар:

– Сизларнинг айтган садакаларингиз йўқми, отамнинг қабрига бориб, фақат йиғлаб келишларингиздан нима маъни? – деб, уларнинг пулларини қабрни созлашга сарфлар экан. Сағана битганидан кейин, ёнидан ўзига ҳам гўр қаздирган.

– Илгари бундай нарсаларнинг кўчасидан ҳам ўтмайдиган акамни худо савоб йўлида жон бериш учун орқага қайтарган экан, – деган экан синглимининг дугонаси гапини тугатиб.

Дунёнинг ғаройиботлари кўп. Кундалик ташвишлар билан андармон бўлиб, майда-чуйда сир-синоатларни англаб, англолмай юрамиз. Қачонки, бошимиз дард кўрганда кўзимиз ярк этиб очилади. Бундай ғаройиботлар қорин қайғуси билан банд бўлган инсонларни сергакроқ бўлишга, ҳар бир ҳаракат, ҳар бир каломимиз кузатувда эканлигини унутмасликка ундайди.

### Табиб – табиб эмас...

Халқ мақолларига ихлосим баланд. Ҳар бирида олам-олам маъно бор. Уларга эътибор бериб, амал қиладиган одам ҳаётда қоқилмайди. Ҳар бир матал замирида йиллаб йиғилган тажрибаларнинг хулосаси ётади. Мақолларни ёшлар яратмайди, бошидан турли кечмишларни ўтказиб, ҳамма нарсани таг-томиригача таҳлил қила оладиган кексалар яратади. “Бир кўйлакни олдин йиртганман”, “Қари билганни пари билмас”, – деган гаплар бежиз айтилмаган.

Табиб – табиб эмас, бошидан ўтган – табиб, – деган матал зимнидаги чуқур маънини бошимдан ўтган баъзи воқеалар таъсирида англаганман.

Саксонга яқинлашиб қолган қайнонамнинг кўзлари шишиб, мутлақо кўрмай қолдилар. Қайноғам таниш шифокорга кўрсатдилар.

– Операция қилмаса бўлмайди, эртага олиб боринглар, ўзим қабул қиламан, – деди ёшгина дўхтир.

– Шу ёшимда уларнинг столида ўлганимдан кўра, ўз ажалим билан кетганим яхши, – қайнонам боришга кўнмадилар.

Орадан тўрт-беш кун ўтгандан сўнг кўзларидаги шиш кайтди.

– Нима сурдингиз ўзи, қандай қилиб шиш ўз-ўзидан кайтди? – ҳайрон бўлиб сўрадик бизлар.

– Ўз-ўзидан кетгани йўқ, – деб кулдилар ўзлари ҳам қилган кашфиётидан завқланган қайнонам, – уйда йил ошган қўй ёғи бор эди. Балки шамоллагандир, деб шуни суртавердим.

Шифокорнинг айтганини қилиб, жаррохликка рози бўлсалар, қанча азоб, ташвишлар бўлишини ўйлаб, қайнонамизнинг хайрли ишига тан бердик. Ўзлари айтганидек, илвираб қолган жоннинг тиг остига ётиши, балки ҳаётларига қўйиладиган нукта бўлармиди...

Баъзи одамларга ҳайрон қоламан. Бирон жойида огрик турса, дўхтирга боришади-да, агар операцияга буюришса, дарров рози бўлишади. – Ҳой барака топгурлар, инсон танаси латта эмас-ку, йиртилса ямаб қўяверишга. Шошмасдан, ҳеч бўлмаса яна иккита врачнинг олдига боринглар, улар ҳам шу гапни айтса, майли, унда мумкин танангизга тиг теккизиш, – деб жиғибийрон бўламан қариндош-уруғларга.

Янги келинчак пайтларим овсиним бўлган аммамнинг иккинчи ўғли Умарбек сариқ билан оғриб қолди. Аммамнинг чакалоғи бўлганлиги сабабли, у билан касалхонада ётдим.

Қайнонам ётишимиздан олдин Ойтути момога бориб, кулоғини буратиб келишни айтдилар. Айтишларича, аёл кулоқни бураса, бемор уч кунда тузалиб кетаркан. Акс ҳолда йигирма бир кун даволанишга мажбур бўларкан.

Момога увириб келдик, уч кундан сўнг топширилган таҳлиллар топ-тоза чиқди. Шунда шифокорлардан бири:

– Анави момога бордингизларми? – деб сўради.

Ҳеч каерда ўкимаган, бирон даргоҳда ишлаб, маош нима эканлигини тушунмайдиган оми кампир дўхтирларни лол қолдирыпти. Бу Яратганнинг мўъжизаси эмасми?

Катта кизимнинг бармоғига яра чиқиб, қаратмаган жойимиз қолмади. Дўхтирлардан шифо топмай, табибларга ҳам бордик. Бу ҳақда онамга телефонда айтаётсам, уларникида меҳмонда ўтирган кўшни кампир:

– Сигирнинг тезағи билан қатиқни аралаштириб ёпсин, – дедилар. Вожаб, шу нарса қизимнинг дардига дармон бўлди. Анча йиллар кейин – Ибн Синонинг олти томлигини кўриб

чиқаётганимда, шу малхам ҳақида ўқидим. Унда айтилишича, ёмон яраларга сигирнинг янги туққан улоқчасининг тезаги билан қатиқ аралаштириб суртилса, яхши нафъ бўларкан. Халқ оғзидаги муолажалар шунчаки тўқиб чиқарилган эмас, қадим ҳакимларнинг ишонарли амаллари экан-да, —деган хулосага келганман ўшанда.

Бундан йигирма йиллар олдин онамнинг мазалари қочиб, юролмай қолдилар. Уларни вилоят касалхонасига ётқиздик. Орадан ўн беш кун ўтса ҳамки, ахволларида ўзгариш бўлмади. Аксинча кун-кундан оғирлаша бошладилар. Касалхонада ётгилари келмай менга, олиб кет, деб ялина бошладилар. Асаблари зўриққанидан, игна санчишга кирган ҳамшираларни жеркиб ташлардилар. Бир куни менга:

— Уйга олиб кет десам, кўнмаяпсан, сенга менинг ўлигим керакми, олиб кел кўрпангни, ҳозир мендан қутуласан, — дедилар йиғлаб.

Ҳаммамиз тепаларида нима қилишимизни билмай турибмиз, бошимиз қотган. Касалхонада ўзига келиши кийин бўлаётган одамни қандай қилиб, уйга олиб кетасиз? Шунда бир синглим:

— Опа, фол очтириб кўрсак-чи, — деб қолди. Чиқмаган жондан умид, деб икки синглим фолбинга қараб чопди.

— Онангизнинг касали у ерники эмас, ётган жойидан олиб чиқинглар, уни эскича даволатинглар, — дебди фолбин. Бу гапни даволовчи врач Холисхон опага айтсак, у:

— Буни тўғри тушунаман, ўзим ҳам онамни табибга даволатган пайтим бўлган. Бугун жума, олиб кетинглар-да, душанба куни эрталаб олиб келинглар,— деди.

Онамни ота уйига олиб бордик. Қизлик маҳалласидаги Ойтўти момони чақирдик. Момо онамни синчиклаб кўздан кечирди-да:

— Сенинг юрагинг тушибди-ку, менга йил ошган бол топиб келинглар,— деди.

У онамни ечинтирди-да, асални қорнининг пастидан юқорига қараб сура бошлади. Уч-тўрт маротаба такрорлаганидан сўнг, сизга ёлғон, менга чин —касалхонада игналардан қўллари тешилиб, ўн беш кундан бери азоб тортиб ётган онам ўрнидан туриб кетдилар. Дўхтирларни лол қолдириб, душанба куни хужжатларини олиб қайтдик.

Онамнинг соғлиги билан боғлиқ бўлган иккинчи ҳикояни эшитинг.

Ёз кунларининг бирида ишдан қайтаётган онамни мотоцикл уриб юборган. Воқеанинг шохиди бўлган одамлар тезда касалхонага олиб боришган. Хабарни эшитибок борсак, аҳволлари бир ҳолатда.

Вилоят касалхонасида уч ҳафта ётган онамнинг соғликларида заррача ўзгариш бўлмади, белларини тиклаб, ўринларидан тура олмадилар. Қўшнимиз Шовот туманидаги Шариф синикчига кўрсатишимизни маслаҳат килди. Уйга келган табиб йил ошган сариёғ келтиришимизни сўради. Онамга ёғни суртиб, танасини қисирлатиб, жойига туширди.

— Гап сенинг белингда эмас, умуртка поғонангда, — дедида, уларнинг қўлларидан тортиб:

— Белингни букмасдан, котириб ўрнингдан тур, кўркма, — деди. Онам ўринларидан туриб кетдилар. Буни кўриб, ҳаммамиз хурсанд бўлиб кетдик.

Оиланинг бош фарзанди бўлганим учун онамнинг муаммолари кўпинча менинг гарданимда бўлар, мазалари қочса, ҳар қандай ишимни ташлаб, уларнинг ёнларида бўлардим. Ҳозир сингилларим улғайишиб, у-бу ишлар қўлларидан келадиган бўлиб қолишгани учун мен хотиржамман.

Теварагида ховондор-хўсторларнинг қўпчилиги сабаб, кейинги пайтларда бетоб бўлиб қолсалар, узоқдалигимни ўйлаб, менга билдирмайдиган бўлишган.

Бир борганимда онамларнинг кечаси билан ухламай, юриб чиққанларини сездим. Олдинига яширмоқчи бўлдилар. Айтсам, дарров касалхонага тикишади, деб юраклари безиллаб қолган. Кечаси билан қўлларида қаттиқ оғриқ пайдо бўларкану, кундузига бир оз ёздираркан.

— Нега менга айтмадингиз, қачондан бери оғрийди? — деган саволимга уч ойдан бери даволанишларини, ҳатто бир ой касалхонада ҳам ётиб чиққанларини, бироқ ҳеч нарса ўзгармаганини айтдилар.

Онамларни Тошкентга олиб келиб, Мош табибга кўрсатдим. У онамнинг қўли чиққанини, янги сўйилган кўчқорнинг думбасидан олиб, юпка кесиб елкасига ёпишни ва уч кундан кейин олиб келишни буюрди. Галдаги борганимизда у беморни ерга ётқизиб, бир силтаб, қўлларини жойига

туширди. Шу ишни яна бир марта такрорлашимизни буюрди. Бу сафаргисида қўлларида кўрсиллаган овоз чикди. Онам додлаб юбордилар.

– Энди аниқ жойига тушди, – деди табиб. Яна қачон келишимизни сўраганимизда: – Бўлди, сизнинг ишингиз битди”, – деган гапига онам ҳайрон бўлдилар.

– Бугун нечанчи число? – сўради табиб. – 16 июн – деган жавобимиздан кейин:

– Кейинги йилнинг шу санасигача, қўлингизни секин девор бўйлаб юритасиз. Худо хоҳласа, оғриқдан ном-нишон қолмайди, – деб гапини тугатди у.

Дўхтирларнинг: – Қўллари каттиқ шамоллатиб қўйган, – деган ташхислари билан уч ойдан бери сарсон бўлиб юрган онам, дастлаб бу тапир-тупур ишга ишонмадилар. Бироқ, орадан айтилган муддат ўтмай туриб, таналари ором ола бошлаганидан сўнг, мендан табибга салом айтишимни сўрайдиган бўлдилар. Ҳар сафар уйга борсам: – Табибингга Хоразмнинг нонидан олиб кет, – дейдилар.

– Опа, табибларга фақат ишимиз тушгандагина борамиз, уларнинг олдига нима деб бораман, яхши танимасам, – дейман нуқул.

Беморнинг соғлигидан кўра, чўнтагига кўз тикувчи дўхтирлар ташлаб кетилаётган пулга эътибор ҳам бермаётган шу ҳакимдан жўмардликни ўрганишганда эди, халқимиз орасида – Дўхтирга ишинг тушмасин, – деган ибора юрмаган бўларди.

Синглим онамга Хонқа туманидаги машҳур сиҳаттоҳга йўлланма тўғрилаб берибди. Уларни бошқа кўриклар қаторида, аёллар шифокори ҳам кўздан кечирган. Баъзи белгиларни кўрган дўхтир уларда саратон бошланаётганини айтибди. Онам кўрқиб кетиб, кетаманга тушиб қолибдилар ва йўлланмани куйдириб, синглим иккалови қайтиб келишибди. Кейин уларни вилоятдаги онкология касалхонасига олиб бориб, текширтиришса, ваҳимачининг гапи тасдиқланмаган.

Бу ерда ҳам анча даволандилар, ҳеч қандай ўзгариш бўлмади. Кексайиб, оёқ-қўли мадорсиз, бунинг устига беллари синиб, операция жараёнини ўтказган онамнинг ҳар куни баланд креслога чиқиши азоб устига азоб эди. Шу тариқа орадан икки ой ўтди, бироқ натижа кўринмади.

Бир куни қариндошларнинг маъракасидан қайтган онам:

— Чарчиларда (атторларда, демоқчи) контепар деган нарса бўларкан, менга бозордан шу нарсани олиб келиб бер, — дедилар.

Атиги 300 сўмга сотиб олган қандайдир дарахтнинг кип-қизил пўстлогини айтганларидек қилиб, новвот билан кўшиб, майдалаб бердим. Икки кун наҳорга шуни каппаладилар. Ишонасизми, онамда шу икки куннинг ичидаёқ қон тўхтади. Кичкинагина, арзонгина нарсада шунча мўъжиза! Оти ҳам жуда топиб кўйилган экан — контепар. Тошкентда буни контепки, дейишаркан.

Одамни бир нарса ўйлантиради. Нима учун оддий одамлар биладиган жўн, арзон муолажаларни шифокорлар билишмайди. Ёки атайлабдан айтишмайдими? — Агар ҳамма табиий нарсалардан шифо топаверса, бизларнинг олдимизга ким келадию, нонимизни қандай топамиз? — деб ўйлашармикан? Ҳаётда кимёвий дориларга миллионлаб сарфлаб, фақат топган пуллари ҳавога учаётган, охир-оқибат табиий нарсалардан шифо топаётган кўплаб беморларни мисол келтиришимиз мумкин.

Онамнинг битта дардлари учун сиҳатгоҳга қанча чиким бўлди. Касалхонага қатнаб олган қимматбаҳо дориларидан тирноқдек наф бўлмасаю, арзимаган, сувтекин дарахт пўстлогини дардига малҳам бўлса. . . Оддий одамлар орасида қадим ҳакимларни ўқийдиганлар бор. Шу сабабли ҳам, чаласавод дўхтирга қатнаб, беҳуда пул кетказгандан кўра ақлли, китоб кўрган одамлар баъзан беморга мадад бўлиши мумкин. Албата, бу гапларим нисбий. Кимнинг касали қандай, ким нимадан ва кимдан шифо топади, буни Оллоҳ билади.

— Ихлос-халос, — деган гап бор. — Ихлос қилсанг, чўпдан ҳам нажот топасан, — дейишади. Онамиз қандай касал бўлишларидан қатъи назар, даволанишни ёқтирмайдилар, — хоҳ у табиб бўлсин, хоҳ дўхтир. Контепарни буюрганларидан мен: — Нечук онам даволанишни истаб қолибдилар, — деб хайрон бўлганман. Чунки уларни қачон ва қаерга олиб борган бўлсак, ҳаммаси бизларнинг мажбурлашимиз орқали бўлган. Ўз ихтиёрлари билан малҳамни айтганларининг сабаби ва шундан шифо топганларининг боиси, балки ихлоси туфайлидир.

Онамларнинг ўзларига эътибор бермасликларидан келиб чиққан навбатдаги беморликлари — ўтириб-туришга ҳоллари йўқ. Дўхтир чақиришга кўнмайдилар.

– Менга Маърифатни олиб келинглар, – дедилар инқиллаб бир куни. Бир-биримизга маъноли қараб, врач чақиришга тараддудланаётган опа-сингиллар ноилож маҳалламиздаги фолбин аёлни олиб келдик. У онам билан кўришибок: – Сизга суқ кирибди, ҳозир сизга алас қиламан, – деб, темир идишга ўт ёқди-да, ичига мурч, туз, яна нималарнидир ташлаб, онамнинг бошидан айлантира бошлади.

– Энди ўрнингиздан турасиз, – деди уларнинг қўлларидан тортиб.

– Ўлар ҳолатдаги одам қандай ўрнидан туради? – қаршилиқ кўрсатдик бизлар. Ҳеч кимга қулоқ солмасдан, у онамни ўрнидан турғазди. Булар оёқда туролмай калқиб кетяптилар, у бўлса:

– Ҳеч нарса бўлмайди, кўркманг, ўлмайсиз, – уларнинг икки қўлларидан ушлаб, бир нималарни ўкиди. Кейин тик оёқда зўрға турган одамни боғ томонга судраб чиқиб, яна ўт ёқиб, хастанинг бошларидан айлантириб, ҳар хил дуолар ўкиди.

– Бугун кечгача отдай бўлиб кетасиз, – деди у беморига. Кечкурун бўлмасаям, эртасига онам ҳовлига чиқиб, кундалик юмушларини қила бошладилар.

Уч яшар неварамнинг торатидаги ўзгаришни кўриб, дарҳол дўхтирга олиб бордик. Оилавий поликлиникамизда биз шубҳаланган нарса – сариқ борлигини айтишди ва иккаламиз касалхонага ётдик. Бу ердаги болалар ранглар, ҳолсиз, иштаҳасиз аҳволда эди. Неварамда эса орадан уч-тўрт кун ўтиб ҳам, бундай ҳоллар рўй бериши тугул, дахлизнинг у четидан-бу четига чопиб, тинкамни қуритарди. Шу орада қошининг тепасида бир нарса тегиб, тирналиб кетгандек кичкина яра пайдо бўлди. У яна икки-учтага кўпайди. Врач ҳайрон бўлиб, бунинг нима эканлигини мендан сўради. Бирданига яра газак олиб кетди. Дўхтирлар нима қилишни билишмаяпти. Касалхонада ўн кун ётдик, бироқ яраларга қўйган малҳамлари таъсир қилмади. Кетадиган кунимиз яқинлашиб қолганида бир фаррош хотин:

– Неварангизга сачратки чиққан, бу яра юкумли, эҳтиёт бўлинг, – деб зарур бўлган малҳамларни тушунтирди.

Касалхонадан чиқиб, уйга кетдик. Аёл айтганидек, учала неварам ҳам бирпасда ярага бурканди. Ибн Сино ҳамда бошқа табобат китобларини кўздан кечирдим, фаррош хотин ҳақ экан

– сачратқи касаллигида ҳам торат худди сарикники каби бири оқ, бири кизариб кетаркан. Фақат унинг сарик касалидан фарқи, ташқи белгиларида экан. Шу нарсаларни мен ётган бўлимдаги учта дўхтирдан биронтаси билмади. Нега оддий пол ювувчи хотин биладиган нарсаларни булар билмайди. Ҳеч бўлмаса белгилари ўзининг мутахассислигидаги касалга яқин бўлган турдош хасталикларни чуқурроқ ўрганишмайдими, булар?!

Яқинда синглимнинг хонадонида “ажойиб” воқеа бўлиб ўтган. Саккиз ойлик невараси ҳеч нарса емасдан қусаверган. Дўхтирга олиб боришиб, буюрган ҳамма муолажасини олишган, фойда қилмаган. Навбатдаги муолажага бораётса, автобусдаги аёл боланинг аҳволини кўриб:

– Бунинг томоғида бир нарса қолган бўлиши мумкин, уни Ойгул чўпчига кўрсатинглар, – дебди. – Чўпчи дегани нима экан? –деб хайрон бўлиб, аёл айтган манзилга боришибди. Чўпчи болани кўрибди-да:

– Томоғига чўп қадалиб турибди-ку, нега шу пайтгача олиб келмадингизлар, болани қийнаб кўйибсизлар, – деб уни ўқиб кўйибди ва чўпни уч кунда олишини айтибди. Уч кундан сўнг томоқдан писта пўчоғини олиб, онасига кўрсатган.

Санчтираётган игналари фойда қилмай, боланинг хадеб қусавергани наҳотки шифокорни бу ҳақда чуқурроқ ўйлаб кўришга мажбур қилмайди. Нимага оддий бир чўпчи билган нарсани йиллаб таълим олган олий маълумотли дўхтир билмайди?

Шифокорларнинг кўпчилигида фикрлаш доираси йўқ. Кўплари бир қолипга тушиб қолишган. Ораларида эртага чўнтагига тушадиган пулни ҳисоб-китоб қилиб, шартнома асосида ўқийдиганлари ҳам оз эмас. Бир пайтлари ўқиган нарсалари билан кифояланиб қолиб, на қадимги ҳакимларнинг китобларини варақлашади, на медицинада бўлаётган янгиликлардан хабардор бўлишади. Бу гапларни ўзим билган учтўртта шифокорларнинг ҳаёти асосида айтяпман.

Учинчи синфда ўқиётган неварамнинг қорни шишиб, қуса бошлади. Шаҳардаги 16-қасалхонанинг болалар бўлимига олиб борсак, кўриқдан ўтказган бўлим бошлиғи уни операция қилмаса бўлмаслигини айтди. Неварамнинг ёнида уч кун ётиб, шу ерда кўринган бари дўхтирни чакириб, маслаҳатларини олдим. Бир куни навбатчи дўхтирни ҳам чакиртирдим. Пака-

на бўйли, бир караганда беморларда дарров ишонч ва ихлос пайдо қилолмайдиган ёшгина шифокор неварамни кўздан кечиргач: – Хола, неварангиз жуда юпун юрса керак, унинг сийдик йўллари шамоллаган. Операциялик иш йўк бу ерда, қиздирадиган малҳамлар қилинг, ўзи ўтиб кетади, – деди.

Ҳақиқатан, неварам қиш кунларида ҳам оёғига ички кийимдан бошқасини киймайди. Жарроҳлик қилмаса бўлмайди, деган бўлим бошлиғининг гапига қирмай, шу шифокорнинг айтганини қилиб, тилхат ёзиб касалхонадан чиқдик. Тез ўтмай оддий малҳамлар билан неварам тузалиб кетди. Зукко, фикри ўткир бу шифокорни тарбиялаган ота-онасига минг раҳмат айтдим. Одам оласи ичида, – дегани шу-да. Шунча тажрибага эга бўлим бошлиғи нималар дедию, яқинда ишга келган тажрибасиз шифокор нима деди? Тушунишимча, кўп хирурглар ўз манфаатини ўйлаб, олдига оғрик билан борган беморни шартта операцияга буюраверар экан. Албатта, уларни ўз-ўзидан кескиламайди-да, бунинг тагида яхшигина манфаат турибди.

Ой сайин, йил сайин касалликларнинг тури кўпайиб, ёшариб бормоқда. Хасталик одамнинг сонидан ҳам кўп, деган гапларни ўқияпмиз, буларнинг кўпчилиги эпидемияга айланиб бормоқда. Соғман, деган биронта одам анқонинг уруғи. Шундай таҳликали даврда дўхтирларимизнинг ўз устида пухта ишламасликлари диёнатсизликдан бошқа нарса эмас. Мен ўз ишининг устаси, фидойи, жонкуяр шифокорларимиздан узр сўрайман. Лекин, бундайлар, афсуски, жуда кам.

Юкоридаги таккослашлар билан мен замонавий тиббиётнинг обрўсини тўкмоқчи эмасман, унга ҳеч қандай ғаразим йўк. Мақсадим – ҳаётимда бўлиб ўтган баъзи воқеаларни эслаш ва шу орқали одамларни ўз соғлиқларига эҳтиётроқ бўлишларига ундашдан иборат, холос.

Қадимгилар айтишган: – Тўшакдагини оладими, эшакдагиними, ўзи билади, – деб. Бироқ, Ҳадисда шундай гап бор: – Улоқни майдонга ҳайдаб, худо уни асра, – дейиш нодонликдир.

### Мурувватли бўлайлик

Мурувват сўзи тилимга келганда, бир кадрдон ўртоғим эсимга келади. Улар кимнингдир ночор ахволга тушиб, кийналиб яшаётганини эшитсалар, ёки биронта бева ёки

етимнинг аянчли аҳволини кўрсалар дарров ёрдамга шошиладилар. Теварак-атрофнинг бефарклиги уларнинг нафсониятига тегиб: – Бизнинг бойларимизда нима учун мурувват йўқ, закот деган нарсани нега қорни тўқлар тушунмайди, – деб жигибийрон бўладилар. Қачон қараманг, нафақа пулларининг бир қисмини бева-бечораларга тақсимлаб юрадилар.

Яқинда улар бир воқеани айтиб бердилар. Бундан уч-тўрт йил олдин мазалари қочиб, шаҳар касалхонасида ётганлар. Чиқиб кетаётганларида қабулхона олдида муғрайиб турган чол билан неvara қизига дуч келганлар. Улар даволаниш учун узоқ вилоятдан йўл босиб келишгану, бироқ бу даргоҳнинг ҳисоб-китобига кучлари етмасдан, яна орқаларига қайтиб кетишаётган экан. Ҳаммаёғини яра босган мадорсиз қизнинг аҳволини кўрган опа қуйиниб, отасига бош врачнинг олдига кириб, тушунтиришини, ялиниб-ёлворса, балки биронта имконият яратиб беришини маслаҳат қилган.

– Гаплашиб кўрдим, фойдаси йўқ, пулини тўламагунча қабул қилолмаймиз, дейишди, – жавоб берган унга йиғламоқдан бери бўлиб чол. Балки “қишлоки”ларни назарига илмаган бўлса, менга “ҳа” деган гапни айтар, – деган илинж билан опанинг ўзлари бош врачнинг олдига кириб:

– Ночор беморга савоб учун ёрдам берсангиз бўларди, – деб илтимос қилибдилар. Уларнинг гапини охиригача эшитмаган раҳбар бир дунё муаммоларини қалаштириб, опанинг қулоғига лағмон таққан, холос. Умид билан шунча ердан келган беморнинг аҳволига раҳми келган аёл уни шу ҳолича ташлаб кетолмаган. Ўғлига:

– Ҳамиджон, уйдаги бор пулни йиғиштириб кел, шу қизнинг касалхона ҳақини биз тўлаймиз, – деганлар ва ўша пайтдаги 250 минг сўмни тўлаб, қиз телефонини сўраса ҳам, бермасдан: – Сенга Оллоҳдан шифо тилайман, – деб кетиб қолганлар.

Тасодифий йўловчи ойлик нафақасидан кўп пулни ночор одамга тутказсаю, даргоҳига умид билан келган беморга тирноқдек мурувват кўрсатмаган ҳақимнинг қилиғини Яратган қандай баҳолар экан... Бош врачнинг имконияти шу аёлниқига нисбатан ўн баравар, балки юз баравар кўпроқдир. Бироқ, кўнгилда саҳоват туйғуси бўлмаса, имкониятларнинг тирноқча ҳам нафъи йўқ экан.

Мурувватни, албатта, иктисоди кўтарган одам қилади. Ўзидан ортттира олган одамгина ўзгага мадад бериши мумкин. Ўзига етиштира олмайдиганлар кўнглида олижаноблик туйғулари бўлса ҳам, бироқ иктисоди кўтармагандан сўнг бировнинг ҳолатига қўли калталиқ қилади. Лекин, ҳаётда бир нарсани кўп кузатганман. Пулини нимага сарфлашни билмай қолганлардан кўра ўртамиёна одамларда бу тушунча қайтанга яхшироқ шаклланган. “Мил-мил” бўлиб кетишса ҳам, бировга лутма бергиси келмайдиганлар, ҳатто ёнидан қўл узатиб ўтаётган сўқирга чойчака узатмайдиганлар бор. Инсон қанчалик бойигани сайин, унинг сийратини шайтоний ҳислар эгаллаб боравераркан. Шайтонга ҳай, деган одам эзгулик тушунчасини ер қилиб тепиб бораверади.

Орадан ўттиз йилдан ортиқ вақт ўтса ҳам, дилимни хира қилган воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди.

Қариндошимизнинг уйида чой ичиб ўтирганимизда, мансабдор ўғли янги сўйилган хўкизни олиб келди. (Биронта фермани текширишга борган бўлса керак. ) Онаси ҳовлиққанча тоғораларни олиб чиқди-да, ўғлининг ёрдамида хўкизни майда бўлақларга ажратиб, идишларга сола бошлади. Нақ беш тоғора гўшт бўлди.

– Музлаткичга қанақа сиғдирар эканмиз? —она жовдираб ўғлидан сўради. Қаёққа сиғдиришларини ўйланиб турган она-болага суяклари алоҳида ажратилган тоғорани кўрсатиб:

– Шуни ўртанча келинингизга берсангиз бўлар экан, — дедим мен. Гапим кампирга ёқмади.

– Унга бергандан кўра итга берганим яхши, —деди у тап тортмасдан.

На ўғли, на шу ерда қуймаланиб юрган келини унга бир оғиз гап қайтара олмади. Тонг қоронғусида ишга кетиб, куннинг кечида қайтувчи, отасиз ўсаётган тўртта боланинг қорни учун икки сменалаб ишлашга мажбур бўлаётган, табииyki, ҳар кун ёки кун ора келиб қайнонасига таъзим қилиб кетишга вақти бўлмайдиган келинидан аразининг аламини олиш учун шу гапни айтди у. Мурувватли одам тоғораларнинг биттасини закот учун бегоналарга ҳам ажратарди. Бироқ, бу улуш етим болалар учун закот эмас, ўз момосининг, айниқса, ота ўрнида қолган амакининг оддий қариндошлиқ ёки камида инсонийлик бурчи эди, аслида.

Ўзбекистон Телевидениесида ишлаб юрганимда ҳамкасбим Орзикул Эргаш каламига мансуб кичик сахна кўриниши эфирга узатилди: Қимматбаҳо машина ҳайдаган басавлат йигит бекатда автобус кутиб турган кампирдан уларнинг қаёққа боришларини сўраб, невараси иккаласини машинага чиқаради. Йўлдаги суҳбатдан неварасининг мазаси йўқлигини, кампир уни дўхтирга олиб кетаётганини, қизнинг ота-онаси эса бахтсиз ҳодиса туфайли ўтиб кетишганини билиб олади. Йигит уларни таниш дўхтирга олиб бориб, кампирнинг “хай-хай”ига қарамасдан, барча дори-дармонларнинг пулини тўлайди ва кўярда-қўймай, уйларигача олиб боради. Хайрлашаётганда кампирга телефонини бериб, қачон ёрдам керак бўлса, бемалол тортинмасдан телефон қилишини айтади. Эзгулик мавзусидаги гўзал кўриниш бу. Бироқ, бу гўзаллик тагида ҳаётйлик бормикан?

— Бу интермедиянгизда ўзингизни кўрсатмокчи бўлдингизми? Бу дунёда сизнингдек одам йўқ, демак бу кўринишда “типик”лик етишмайди, — дедим уларга ярим ҳазил, ярим чин билан. — Дунёда яхши одамлар кўп, бироқ нотаниш йўловчини тўхтатиб, уни машинасида бепул у ёқдан-бу ёққа олиб борадиган, бунинг устига фалон пулга дори-дармон олиб берадиган мардлар бор эканми, ҳозир. Бундайлар анқонинг уруғи-ку, яхши одамлар факат ўзларининг қариндош-уруғларига, таниш-билишларигагина мурувват кўрсатишади, бегоналарга эмас, — дедим муаллифнинг фикрларига қарши чиқиб.

— Илойим, сизга ғирт бегона мурувватчилар йўликсин, шунда мени тан оласиз, — деб баҳсга яқун ясар экан, Орзикул ака адабиётнинг кучини белгилайдиган ажойиб гап айтдилар:

— Шу пайтгача бундай одам бўлмаган бўлса, энди бўлсин деб ёздим-да, шу нарсани.

Бугун одамларнинг бир-бирига эътиборсиз бўлиб бораётгани, ўртадан меҳр-оқибат кўтарилаётгани ҳақида кўп ёзишади. Ҳақиқатан, бу гапларда жон бор. Бироқ, қўшниси, ёки қариндошига эътиборсиз бўлаётган одамларни ҳам тушуниш керак, — деб ўйлайман. Боласини оддий мактабнинг ўзида ўқитиш учун қанча сарф-харажат қилиши керак, коллеж ёки лицей ҳам ўз-ўзидан бўлмайди. Институт масаласини-ку, ёзиб ўтириш шарт эмас. Бунинг орасида болаларнинг касал бўлиши бор. Ўзи ҳам иссиқ жон ахир. Бир томонда, узоқдаги ота-

онасининг иссиқ-совуғидан хабар олишдек масъулият бор зиммасида. Ўзбекчиликда нима кўп, қариндош-уруғ кўп. Уларнинг тўй-маъракаларида ўзаро олди-бердилар бор. Айтмоқчиман-ки, меҳр-оқибатсиз деб баҳоланаётган одамларни бутунлай қоралаб бўлмайди. Кўпчилик ҳозир ўз ёғига ўзи қоврилиб қолган. Бошида шунча муаммолари турган одамнинг, айниқса аёл кишининг қандай қилиб тонг қоронғусида уйидан чиқиб кетиб, пўстаги қоқилиб, уйига кириб келганида биронта қўшнисига бир коса овқат олиб чиқишга вақти, ёки бўлмаса узоқ-яқиндаги қариндош- уруғларидан хабар олишга ҳафсаласи бўлади.

Бу гапларни ёзиш билан бир-бирига эътиборсиз бўлишни оқламоқчи эмасман, бундан худо асрасин. Дейл Карнеги айтганидек, одамларни ҳадеб танкид қилавермаслик керак. Рўзгор юки кўпларнинг гарданини эзиб қўйган ҳозир.

Бироқ, масаланинг яна бир томони бор. Одамнинг кўнглида эзгу ишларга мойиллик бўлса, бунга Оллоҳимнинг ўзи имкон яратади. — Эзгуликнинг кечи йўқ, — дейишади. Қадам-бақадам учрайдиган майда-чуйда муҳтожликларни ўзинг учун югур-югур қилиб юрганда ҳам йўл-йўлакай қилиб кетаверса бўлади. Муаммо ва ташвишларни енгиллашда Яратгanning ўзи қувват беради. —Мени деганни мен ҳам дейман, —деган Оллоҳ. Ҳамма нарсa кўнгилнинг софлигига ва тетиклигига боғлиқ.

80-йиллар охири эди. Алишер Навоий номидаги опера ва балет театри биносидa Ўзбекистон маданияти кўнларининг йиғилиши ўтказилаётган эди. Шу ерда хоразмлик ажойиб шоира Уллибиби Отаевани (жойлари жаннатда бўлсин) учратиб қолдим ва уларни уйимга бошлаб келдим. Уй деганим — “Чорсу” меҳмонхонаси яқинидаги бир хоналик ижарауй. Уллибиби опа меникида уч кун меҳмон бўлдилар. Қийналиб юрган пайтларим, меҳмондорчилигим ҳам шунга яраша бўлди, албатта. Шу уч кун шунақаям мазмунли ўтдики... Кетадиган пайтлари бўлганда улар менга:

— Болаларимга ҳеч нарсa олганим йўқ, юринг дўконга чиқиб келайлик, —дедилар. Бирга чиқдик.

— Болалар ўзи нималарни яхши кўради, ҳамма нарсани хўжайиним олиб келганлари учун нима олишни ҳам билмайман, сиз менга қарашиб юборинг,—дедилар. Анча нарсаларни танлаб олдик.

— Кўлимда яна уч сўм қолди, уйингиздан аэропортгача ав-

тобус бор, беш тийин билан етиб оламан, шунгаям бир нарсалар олайлик, —дедилар.

— Бутунлай пулсиз бир юртдан иккинчи юртга бориладими, ёнингизда озгина бўлса ҳам турсин, — десам:

— У ёқда хўжайиним машина билан чиқадилар, пулнинг кераги йўқ,—деб қолганига ҳам кўрсатган нарсаларимдан олдилар. Кечкурун сумкаларини тахлаётганда янги харид қилган ширинликларни узатаётган эдим:

— Буларни сизнинг болаларингизга олганман, менинг болаларимга олиб берадиган отаси бор, — дедилар қўлимни итариб. — Болалар ўзи нималарни яхши кўради, —деб, менинг болаларимни кўзлаган эканлар... Дўкондан бемалол тансиқ ва кимматбаҳо ашёларни танлаганимга уялиб кетдим...

Орадан уч-тўрт йил ўтиб, Уллибиби опанинг мазалари қошиб, Тошкент касалхонасида даволанганлар. Овора қилмаслик учун то охирги кунларигача билдирмай, кетишларидан олдингина мени излаганлар. Эшитишим билан эрталабданоқ касалхонага югурдим, кеча чиқиб кетишганини айтишди. Кўролмай қолганим шундай алам қилди-ки. Ҳеч бўлмаса, бемор ҳолларида мендан таъма қилишга ҳақлари бор эди-ку.

— Мени пичоксиз сўйдингиз-ку, Уллибиби опа, — деб бўзладим, энди қайтиб дийдорлашиш насиб этмаслигини, шу воқеадан кўп ўтмай дунёдан кўз юмганларини эшитганимда.

Ҳаётда бағри кенг, савоб йўлидаги яхши инсонлар кўп. Қийналиб юрган пайтларингда сенга ким кўмак берган бўлса, уни йиллар ўтса ҳам унутмас экансан. Аксинча, шундоғ биқинингда туриб, оғир аҳволингни томошабин бўлиб кузатишдан бошқа фойдаси тегмаган одамлардан эса кўнглинг тобора узоқлашиб бораверар экан.

Урганч шаҳар маориф уйида методист бўлиб ишлаб юрган пайтларимда мени Хоразм вилояти Маданият ишлари бошқармасининг ўринбосари лавозимига тавсия қилишди. Мансабдан илмий ишни афзал кўриб, Тошкентга, Алишер Навоий номидаги Адабиёт институтига оддий лаборантлик лавозимига рози бўлиб ишга келганман. Марказ — барибир марказ-да. Бу ерда сени кўзи қиймайдиган амма-холаларинг йўқ. Қиёмингга етмагунча катта дошқозонда қайнайверасан.

Ижараларда қийналиб, кам маошда амаллаб кун кечириб юрган пайтимда, бир куни ҳамкасбим Сария опа:

– Яқинда жетон ошар экан, мен кўпроқ олиб қўйдим,—деб бир ховуч жетон узатдилар.

– Ие, “запас”га олиб қўйганингиздан нима фойда, барибир сизга шу пулга тушади-ку, — кулдим мен. Кўнмадилар, олишга мажбур бўлдим. Улар ҳар замонда картошка-пиёз ҳам кўтариб келардилар.

– Бундай қилманг, ахир бу нарсалар уйимда ҳар доим бўлади-ку, —деган гапимга: —Ҳа,— деган туяга мадад-де,—дердилар. Ўзлари ёлғиз аёл, зиммаларида кекса оналари бор, кун кечирришлари бир ҳол. Дарди борлар дардкаш бўларкан-да, ўзи.

Уларнинг бир ҳамкасб хотин билан гаплашмай юрганини сезиб қолдим.

– Нимага фалон опа билан салом-алик қилмаяпсиз? —деб сўрасам:

– Характеримиз бошқа-бошқа, — дедилар.

Аёлнинг эри катта лавозимда бўлиб, яқинда ишга келган, бошқа бўлимда ишлагани учун у билан суҳбатлашиб кўрмаган эдим. Бир куни хоналарига кирсам, ёнидагиларга асабийлашиб, нималарнидир гапираётган экан. Бетлари қизариб, жаҳлдан бўғриқиб айтишича, вилоятда яшовчи овсинининг боласини Тошкентга —қасалхонага олиб келишаётган экан.

– Аэропорт анча узок, автобусда етиб боргунингизча чарчаб қоларкансиз-да, —дедим ачиниб.

– Автобусда нима қиламан, ҳозир эрим машина юборадилар, кутиб турибман.

– Қайси врачга олиб борасиз, яхши дўхтир топиш ҳам қийин ҳозир, — қазабини босолмаётган аёлнинг кўнглини тушунишга ҳаракат қиялман ўзимча.

– Дўхтир ахтариб нима қиламан, эрим аллақачон гаплашиб қўйган, ўзларимизнинг оилавий врачимиз бор.

– Машина тайёр бўлса, борадиган шифокорингиз айтиб қўйилган бўлса, нимага бунча асабийлашаяпсиз? —дедим ҳайрон бўлиб.

– Илмий ишимни ташлаб, бегоналарнинг орқасидан қасалхонага қатнаб юришим керакми энди?

– Овсин нега бегона бўларкан? Унинг бемор боласи эрингизнинг жигари-ку ахир, —дедим, хонадан чиқиб кетдим.

– Сенинг илмий ишингдан кимга нафъ, олим бўлгунча одам бўлсанг бўларди, — дедим ичимда жаҳл билан.

Орқамиздан қанча қариндош-уруғ келади, ҳатто маҳалла-кўй келади қора тортиб. Катта шаҳар бўлса, ҳар қайсиси қандайдир ташвиш билан кириб келади. — Юз амри иссиқ, — қараб ўтиролмайсан, Баҳоли қудрат ёрдамга шошилсан. Бировларининг орқасидан институтга югурамиз, бирларини сихатгоҳга жойлаймиз, яна бирларининг ҳолидан хабар олиш учун касалхонага қатнаймиз. Ўша танноз опаникидек машина юборадиган эр йўқ, оилавий врач йўқ, ҳатто уйга келган меҳмоннинг олдида “нима қўйсам экан”, деб ўйланиб турган вақтларимиз ҳам бўлган. Автобусларда силкиллаб юрсак ҳам, бир муштипарнинг кўнглини олганимизга хурсанд бўлардик. Тайёр машина, уйи тўла озиқ-овқат, тагин чўнтаги пулилик эри бўла туриб... одамлар бунча ношукур-а,— дейман хайрон бўлиб.

Ёзаман десанг, гап кўп. Ҳаётда қанча одам бўлса, шунча феъл-одат бор. Бир одам иккинчи одамни тўлалигича та-крорлайдиган ҳолат ҳечам учрамаса керак. Балки қачондир генетиклар бу масалага аниқлик киритишар, бироқ ҳозирча ҳаётда бир - бировининг аниқ нусхаси бўлган одамнинг борлиги ҳақида бирон жойда ўқиганим йўқ. Ҳар бир одамнинг ўз қараши, диди, фикр-режаси бор. Биров-бировдан шу жиҳатлари билан фарқ қилади.

Ҳаётда кўнгилчан, олижаноб одамлар кўп. Уларнинг яхши амаллари, Худо йўлидаги имон-этиқодли саъй-ҳаракатлари туфайли балки қурраи заминимиз тинчдир, балки шу эзгуликлар дунёнинг кўпгина бурчакларида бўлаётган ва бизда ҳам бўлиши мумкин бўлган талофатлардан бизни асраётгандир.

Мазкур мавзуда гап очиб, баҳонада менга ёрдам берган яхши инсонларни яна бир бор эсладим.

Янги уй олаётган пайтимда ҳамкасб дугонамнинг эридан минг доллар қарз сўрадим. Дарров чиқариб бердилар. — Бир ойда бераман,— деб олган эдим, вақтида беролмадим. Орадан икки ой ўтганида, қўлимдаги 900 доллар устига эртаси куни бозорга чиқиб, қолган юз долларини олишни режалаштирдиму, шошганимдан шу куни кечқурун Садриддинга телефон қилиб, эртага пулнинг ҳаммасини олиб боришимни айтдим. Бироқ, айни ўша куни долларнинг нархи ошиб кетиб, пулим етмай қолди ва уч кундан сўнг бериладиган маошни кутдим-да, кейин пулни тўлиқ қилиб олиб бордим. —Эртага олиб бораман,— деб яна уч кун судраганим учун узр сўрадим ва аҳволни унга тушунтирдим.

– Мен тушунмадим, – деди у, – маошни бу пулга қўшиб, нима еб-ичмоқчисизлар?

Ер чизиб ўтирганимни кўриб, у сейфидан йигирма минг сўм чиқариб (у пайтда бу пулнинг салмоғи катта эди) берди ва:

– Ҳайитга болаларингизга харажат қилиб боринг, – деди.

Мана сизга мурувватнинг ажойиб намунаси. Пулидан фойдаландиму, айтилган вақтида беролмадим. Фойдаланганим учун кўнглимдан чиқариб бирон нарса кўтариб боролмадим. У бўлса, хафа бўлиш ўрнига, мени бадтар ҳижолатга қўйди. Чиқиб кетаётганимда Садриддин бир гап айтиб қолди:

– Опа, уч кунда бераман, деб сизларнинг бўлимингиздаги бир йигит мендан 200 доллар олган эди, анча бўлди ҳалиям кўринмайди.

– Ким у? – деб сўрасам: – Отини билмайман, – деди.

Отини ҳам билмаган одамга қарз бераверадиган бу хокисор ва дали одам кейинчалик шу қарзини ололдими, йўкми, хабарим бўлмади. Бироқ, қарзини ундиришдан кўра олдига муғрайиб кирган одамнинг ҳолатини чиқарганининг ўзи уни кўпроқ хурсанд қилади, деб ўйлайман. Шу йигит ҳар йили қўй сўйиб қийналган оилаларга гўшт тарқатиб юришини канда қилмайди.

– Хайр-садақани ўзининг мусулмонлик бурчи деб биладиган саҳоватпеша одамларнинг йўлларини Худойим янада очиқ-ойдин қилсин, уларнинг бирига ўнни берсин, – дея кўлимни дуога очаман ҳар гал.

### “Ташландиқ”қа тош тегмас

Мақолларга эътиборим кучлилигидан кимнинг оғзидан ибратли сўз эшитсам, дарҳол ёзиб қўяман. Гарчи жиззахлик кўшнимдан эшитганим эгаси томонидан бошқачароқ маънода ишлатилган бўлса ҳам, ушбу матал учта тақдир ҳақидаги ҳикоямнинг кечмишига мос тушади.

Учта аёл, тақдир тақозоси билан ташландиқ ҳолатига тушишган бир пайтда, гарчи бошлари олдин тошларга теккан бўлса ҳам, бироқ, охир-оқибат ўзларига ҳеч қачон тош тегмайдиган мустаҳкам кўрғон яратиб олган мард ожизалардир.

Булардан бири – синглим. Бир пайтлари мактаб директори бўлиб ҳам ишлаган, бироқ саккиз ойнинг ичида ишидан кам-

чилик топилиб, яна ўзининг ўқитувчилигини давом эттирган аёлнинг ёлғиз ўғлига келин бўлган жигаримнинг ўн олти йиллик ҳаёти, балки эртанги дунёсида жаннатлардан макон топиши учун синов бўлгандир.

Гулоранинг ҳеч иши уларга ёкмади. Отасиз, ғариб ўсган синглим раҳбарлик нонини тотган “генерал”га яхши келин бўлолмади. Ўтирса ўпоқ, турса сўпоқ келиннинг дардини айтадиган одами йўқ эди, ҳисоб. Бемор онанинг дилини вайрон қилгандан фойда йўқ, қўлидан ҳеч нарса келмаса. Ёнини олувчи на ота, на ака бор. Ғариб кўнглини тўлдиришни у фақат Яратганнинг ўзидан сўради. Муслималик амалларини қанда қилмади, жойнамозда кўриб, жиннига чиқаришганда ҳам, тасбеҳ ўгирганда масхаралаб қулишса ҳам шайтоннинг малайларига эгилмади. Замонавий қайнонанинг дўкдашномларидан ҳайикмай, хидоят йўлида турди. Бирон фурсат бўлсин, эътиқодини сусайтирмаган синглим буларнинг ажрини олишига ишончи комил эди.

Унинг кун кўрмаганининг боиси аслида, уйнинг эркаги йўқлигида эди. Хотин ҳукмрон уйда тартиб бўлмас экан. Рўзгорни эркак бошқарсин экан. Отасиз, эрсиз, ўғилсиз кечган ҳаётим, бундай гапиришимга асос бўла олади.

Рус аёли билан кетиб, болаларини вақтида бокмаган ота яна ўз гўшасига қайтди – от айланиб қозигига келди. Оғир касал билан ётиб қолганида, суюқлиси “қарай олмаслигини айтиб, ўғлига телефон қилган” ва олиб кетишини сўраган. Ўз зурриётларининг кўз ёшларидан кўрқмай, уларни бағритошлик билан ташлаб, ёш хотинга, ёки бошқа миллат вакиллариининг ярим яланғочларига уйланиб, вақтинча маишатини сурган, кексайганда эса хор-зор бўлмаган биронта эркак зоти бўлганда эди бу дунёда, балки бу адашган ҳам шу битта донага ўхшаб рўшнолик кўрган бўлармиди. . .

Бемаврид келган беобрў ота ҳеч кимга ёкмади. Бемор эр сифатида ҳам, ота сифатида ҳам кадр топмади. Савоб йўлидаги синглим ундан хабар олиб, уйидагиларнинг кинояю кесатикларига қарамай, бемор қайнотанинг дуоларини олди. Балки, бугунги кунда, кўпларнинг ҳавасини келтириб эришган ютуқлари, шу дуоларнинг ижобатидандир.

Келиннинг қайнотага қуйинчақлиги шусиз ҳам кўришга кўзи бўлмаётган қайнонага ёкмади ва йўлини қилиб ундан

ўчини олаверди. Ҳадеб мингирлайвериш кимнинг кулоғига кирмайди, дейсиз. Охир-оқибат, уй машмашаларидан безор бўлган ўғли ўзининг учта фарзандини уйдан ҳайдаб, бир пайтлари севгилиси бўлган тўрт болалик (Қаранг-а, ёқангни ушлайдиган гап) хотинга уйланди. Уларни ўз фамилиясига олиб, собиқ хотини даъво қилмасин деб, бутун бошли иморатни янги хотиннинг номига ўтказди. Бугун келиннинг номидаги ўз уйида, бировнинг боласини неvara қилиб ўтирган кайнона, ўзининг учта боласини йиллаб кўра олмайдиган ота бошқа эркакдан бўлган тўртта бола билан қандай ҳаёт кечиряпти, каттайиб, онги ўсиб, ўз оталари билан топишиб олиши мумкин бўлган болалар ичида кечаётган ошиқ-мошиқликнинг натижаси нима бўляпти, билмайман. Яратганнинг олдида эртага ҳар кимнинг ўз ҳисоб-китоби бор. Менинг билганим, бугун бўй етган ўғилларию, қариндош-уруғлари орасида обрў-эътибор ва ҳурмат топган синглимнинг нурли ҳаёти. Қолаверса, уни кутаётган икки дунё ободлиги... Жойнамоздаги аёл билан эри ўрис юртга кетганида собиқ севгилисига ўралашиб қолган хотиннинг тақдирини Яратган бир хил қилиб хулосаламаса керак, ахир.

Кўчага ҳайдалган муштипарни Оллоҳ аллақачон уйлик қилди. Эрининг машинасига ўтиришга арзимаган хотинни Яратганнинг ўзи машиналик қилди. Бир пайтлари эрининг хушторларигина роҳатини кўриб, синглимга насиб этмаган бир машинанинг ўрнига, ҳозир ҳудойим унга хоҳлаган машинасини муҳайё қилди. Машина устаси бўлган ўғли онасини хоҳлаган жойига, хоҳлаган машинада юбора олади. Отасига тортмаган, гул етим ўсиб, муштдайлигидан дардни англаб етган ва бу унда инсоний хусусиятларни шакллантирган ўғилгина эмас, унинг теvarак-атрофидаги ўзидек ошнаоғайнилари ҳам тақводор синглимнинг хизматида. — Кўр қиламан, қар қиламан, бир ғамингни еб қиламан, — деган ахир. Ўтиқодида мустаҳкам синглимнинг яхши амаллари ўз самарасини топди. Унинг бахт-иқболи ўзлигини топа олмай юрган минглаб муслима аёлларга ибрат бўлса ажаб эмас.

Тақдирнинг қора қисматидан қочиб қутулолмаган иккинчи ҳикоямизнинг қаҳрамони кўчада тентираган ҳасми ҳалолини ўттиз йилдан ортиқ вақт кутди. Охири, у келди, тўғриси олиб келишди — ўлим тўшагида ётганида. Аёлнинг жасоратига

қаранг, бешта болани тишида асраб ўстирган она, ёшгина аёлга илакишиб юз кўрмас бўлиб кетган эрни кечиришга ўзида куч топди. Номус-ордан синикиб, йиллаб ота билан ҳатто саломалик қилмаган ўғил суйганлари ташлаб кетиб, хор-зор бўлган отани кўзи қиймади. Ўзи даволатиб, ўзи кўмди, маъракаларини қилди. Нони ярим ўсган кимсаларга бу нарсалар ортиқча чиқим бўлса ҳам, улар ҳеч кимдан кам бўлиб қолишгани йўқ. — Камбағалнинг ёри худо — уларга Яратганнинг ўзи етказди. Аслида бундай хокисор одамларга қора қозон қайнашининг ўзи бойлик. Эрини йиллар оша интизорлик билан кутган, бегона остоналарни адашиб босганларида ич-ичидан уни кечириб, уйга қайтишини сўраган хотин ҳозир бешта ўғил орасида талаш. Кўчада қолган эридан унинг фарқи шундаки, ҳар ўғилнинг уйида онага битта ўрин бор.

Маҳалламизда Жамила опа деган аёл бор эди. Ота-оналари уни ён қўшнисига беришди. Неча йил яшашганини билмайман — аёл бепуштлиги сабаб, ажратиб юборилди. Узоққа кетган аёлни бизлар бошқа кўролмадик. Зариф ака бошқа аёлга уйланиб, тўртта болалик бўлди. Болалари каттайиб, орзу-ҳаваслар ичида яшаётган отанинг юраги хуруж қилиб, оламдан ўтди. Айтишларича, чекадиган ўғли уйдан нимадир олиб кетаётганида отаси кўриб, ўртада жанжал чиққан ва шу онда у жон таслим қилган.

Маъракада унинг биринчи аёли ҳақида гап очилиб қолди. Жамила опанинг ўғай болалари ёлчиб кетгани, кенжаси уни Ҳажга олиб борганини эшитганлар гапирувчининг оғзига қараб қолишди. — Етим боксанг оғзи-бурнинг қон бўлар, — деган гапни опа чиппакка чиқарди. Буни эшитган баъзи бир ўғай оналарнинг қалби эзгуликка тўлса, ажаб эмас.

— Ойнинг ўн беши қоронғи, ўн беши ёруғ. Боласи туфайли бевақт оламдан ўтишини билганида, ота илгариги бефарзандлик ҳаётига рози бўларди. Бир пайтлари кўз очиб кўрганидан айрилган аёлнинг қанча кўз ёшлар тўққани ёлғиз ўзигаю, Оллоҳгагина аён. — Қиздан буюрадими, ўғилданми, худо билади, — дейди кексаларимиз. Бу гапга: —Тўққанингдан буюрадими, ўғайданми, — деб қўшимча киритса ҳам, бунга кўплаб мисол келтириш мумкин.

## Оқ фотиҳа олмаган қизлар

Курсимиздаги йигирма еттита қиздан Саодат иккаламиз шаҳардан эдик. Қолганлари вилоятнинг турли жойларидан бўлиб, кўпчилиги казо-казоларнинг қизлари эди. Юқори табақанинг йиғилганида жон бор эди, албатта. Бировнинг хасми бўлганида бирровга бориб келадиган юмуш аёл учун қулайлиги сабаб, уларнинг кўпчилиги отасининг раъйига кўра келишган эди.

Ҳамшаҳрим бир жигулининг пулига талаба бўлган. Кўзимнинг олдида тарих фанидан ёмон баҳо олган курсдошим ўқишнинг биринчи куни қарасам, охириги партада ўтирибди.

— Ие, сиз йиқилувдингиз-ку? — деган хайратимга қандай ва қанча билан кирганини айтишга мажбур бўлган.

Саодат ўртамиёна ўкиса ҳам, баъзилардек отасининг топган пулини харомга айлантириб, ўқишни ташлаб кетмади, амаллаб қаттиқ қоғозни олди.

Пахта мавсумида бизларни узоқ туманга ойлаб олиб кетишарди. Интизом шундай кучайтирилар эдики, кундузи кўчаларда битта ҳам машина йўл юролмас, кўчадан машина ўтиб қолса, ичидагиларни 20 килодан териб бермагунича қўйиб юборишмас эди.

70-йилларда саноғли одамлардагина машина бор эди. Қишлоқ мактабининг пахтасида овора, ҳар кеч уйга тили осилиб келадиган машинасиз муаллим отамнинг ойда бир марта фарзандидан хабар олиши машаққат эди албатта.

Дугонамнинг “Волга”лик отаси эса ҳар дам олиш куни қанда қилмасдан, бир олам озик-овқат билан кириб келарди. Тижоратчи ота-онанинг ўз фарзандларини қандай таъминлашини ҳурматли ўқувчининг яхши билади.

Фанларни яхши ўзлаштиролмай, қийналганидан сўнг у мени имтиҳон маҳали уйига таклиф қиладиган бўлди.

Ота-онаси Сочига дам олишга кетганда ўртоғимнинг илтимоси билан бир ҳафта уларникида бўлиб, фалсафа имтиҳонига тайёрландик.

Ҳеч эсимдан чиқмайди: айвоннинг бир четида юз килоча ҳалили узумни ёйиб қўйишган экан.

— Шунча узумни нима қиласизлар? — деган саволимга: — Қишга сақлаймиз, — деган жавобни олдим.

Бир ҳафта мобайнида на дугонамининг, на кириб-чикиб юрган сингилларининг бир сўлқимни ювиб келтириш эсларига келмаган узумдан шунақаям егим келдики. . . Ҳар замонда кўринадиган шу навдаги узумга бозорда кўзим тушса, ўша кунлар эсимга тушади.

Ёттинчи куни уй эгалари – эр-хотинлар қўлларида сумкалар билан кириб келишди. Қий-чув, хурсандчилик бошланиб кетди. Салом-алиқдан сўнг совға-саломлар улаша бошланди. Улушини қўлига олгани ирғишлаб, ўйинга тушиб кетарди. Албатта-да, бири магазиннинг мудир, иккинчиси сотувчи бўлган иккита топарман-тутарман қўлдан оддий совғалар чиқармиди... Ишонасизми... ўғлига қўшилиб кўчадан келган, совғаларга оғзини очиб қараётган кўшни болага ҳатто битта сақич бериш эсларига келмади.

Йиллар ўтиб, охириги курсга ҳам етиб келдик. Пахта мавсумида илгари мактаб директори билан келишилиб, даланинг четидан ҳам ўтиб кўрмаган, теримга нўноқ Саодат бу сафар ўзини бошқача тутди.

Ҳаммани қойил қолдириб, у ўзини пахтага урди. Ҳеч кимга қўшилмасдан далада ёлғиз юрар, зил-замбил қопларни ҳам кўтараверар, – қўй, оғир нарсани кўтарма, белинг марталиб қолади, –деб огоҳлантирсак, ҳазиллашиб, қайтанга бошқаларнинг ҳам қопларини кўтариб оларди. Бунинг сабабини кейин тушундик.

Январь ойида у бир ҳафта ўқишга келмади. Мазаси йўқлигини эшитиб, уни кўришга бордик. Бизларни маъжос кутиб олган синглиси кираверишдаги хонага бошлаб кирди. Энди ўтираётган эдик, аёл кишининг кимнидир йиғлаб қарғгани эшитилди. Ҳайрон бўлиб ўтирибмиз – на дастурхон келади, на курсдошимиздан дарак бор. Кўнглимиз бир нарсани сезиб ўтирган эдик, бироздан сўнг кўзлари қизарган, кўзининг таги, бурун атрофлари кўкарган Саодат кириб келди

– Тинчликми, нима бўлди? – деган саволимизга: – Йиқилиб тушдим, –деди.

Гап-гапга қовушмади, ҳеч кимдан садо чиқмади.

– Ўқишга қачон борасан? – жимликни бузиш учун гап котдим мен.

– Индинга тўйим, бошқа қизларга айтиб қўярсизлар, – хайратимиз янада ошди.

Тўйга бормадим. Онам томонидан бобом уларга кўшни бўлиб, муддатидан олдин кўзи ёрийдиган келиннинг дугонамлигини билсалар, мени ҳам кўшиб бўралаб сўкишидан кўрқдим. Шу ҳадик курсдошимни бир умр кўрмаслигимга сабаб бўлди.

Орадан йиллар ўтди. Унинг еттига боласи бўлганини, севиб уйлангани кўп азоб берганини, ота-онаси уни кечирмаганини, охири саратон билан оғриб, бевақт оламдан ўтганини орқаваротдан эшитдим. Ўлимидан олдин онаси билан розиризолик қилишган эмиш. Дийдорлашиш фикри нариги дунёсини ўйлаган бемордан чиққан, албатта. Бир шаҳарда яшаб, яхши-ёмон кунларингни тирик бўлган онасиз ўтказиш ҳеч кимнинг бошига тушмасин.

Йўлидан адашган бир-иккита қизни биламан. Вақт ўтиб, уларни ота-онаси кечирган. Бола-чақалик бўлиб кетганидан сўнг борди-келдини бошлашган. Тўғри, қиз боланинг бу ҳолга тушиши, илойим ҳеч бир ота-онанинг бошига тушмасин. Ўзбек хонадони учун бу фожа. Бизлар қозоқ, ё ўрис эмасмизку, кўчада топишиб, яшаб кетаверадиغان. Уйдаги боқирани хасми ҳалолига пок узатиш боболаримиздан қолган муқаддас одат, ахир. Гурури топталган, маҳалла кўйда шарманда бўлган қизидан ҳарқанча ўпкалашса, ҳарқанча жазо беришса, у шунга лойиқ. Бироқ, ёшлиқдаги хатосини деб, фарзандини бир умр кўкрагидан итаришни ҳам оқлаб бўлмайди. Ота-онасини, укаю сингилларини йигирма йил давомида бир шаҳарда туриб, кўрмасликдан кўра, ўлим афзалроқдир, балки. Курсдошимни йиллаб қийнаган руҳий азоблардан ўлим кутқарган бўлса, ажабмас.

Бадавлат ўсган Саодатнинг тушган жойи ғариб, бева қайнонаси гап-сўзларга қолган оила эди. Севгилиси аслида унинг ўтириб-туришига ошиқ бўлган. Кўзлаган мақсади амалга ошмагандан сўнг аламини хотинидан олган.

Ёшлиқ қилиб, номусини бой берган қизини, бир кун соғинч устун келиб, ота-онаси кечиришар, —деб ўйлаган эдик. Лекин, бундай бўлмади.

Бир нарсага хайрон бўламан. Ўзларидан бой-бадавлат хонадондан куёв топган қизларни ота-онаси кейинчалик кечиради, бунинг акси бўлса йўқ. —Берган Худога ёқибди, —деганларидек, ўзига тўқ аёллар, қийналиб қолган ота-онасига ёрдам

бериб, совиган ошни қайтадан иситиб олишса керак.

Оғир-босиқ Саодатнинг ўзини енгил тутганини, йигитлар билан ортиқча гаплашганини кўрмаганмиз. У ўзига яқин қизга синфдошини севишини айтган экан. У тиканни билмай босди, холос. Ота-онаси Оллоҳ буюрганидек, кечиримли бандалардан бўлганида, у бевакт хазон бўлмас эди.

— Ота рози-худо рози, — деган гапда ҳикмат бор. Ўзингиз ҳам орқа-олдингизни бир кузатиб кўринг. Севдим деб, ота-онасининг раъйига қарши бориб, уларнинг дилларини вайрон қилиб, эрга теккан қайси қиз ёлчиб кетган? . . .

Отадан етим қолган собиқ қўшним Гулширин билим юртида ўқиб юрган пайтларида алданиб қолган. Олдин рус аёлига уйланиб, ундан фарзанд кўрмаган ёши катта одам бунисини синаб кўрмоқчи бўлган, агар бўйида бўлса уйланмоқчи, бўлмаса ташлаб кетаверадиган фикрда бўлиб “проба” қилган. Ҳомиладорлигини эшитгандан сўнг, уни ҳеч қандай тўймаъракасиз вилоятга, ота-онасининг олдига юборган. Ўзи эса олдингиси билан яшаб юраверган.

Йиллаб йўқолиб кетган қиз бир куни қўлида боласи билан уйига кириб борган. Фарзандининг ўлик-тиригини билмай қуйиб юрган она ўғилларининг қаршилигига қарамай, уни уйга киритган.

Аёл эри билан яшаб кетди, бироқ яшамагани дурустроқ эди. Унинг бирон куни кўз ёшсиз ўтмади. Охири оғир дард билан ётиб қолди. Бир куни ярим кечада олдимга йиғлаб чиққан аёл: — Аслида менга онамнинг қарғиши тегди, — деди қисиниб.

Еттинчида ўқиб юрганимда, бир куни эрталаб онамнинг йиғисидан уйғониб кетдик. Куни кеча узатилган қўшни қиз ички кийимда янгаси билан қайтиб келаётган эди. . . Ёш эмасмизми, ақлимиз етмай онамдан нима гаплигини сўрасак: — Қиз бокқунча туз бокқан яхши, —деб тўғри айтишаркан, туздан фойда бор, қиздан фойда йўқ, —деб бизларни жеркиб берганлар. Гап нимада эканлигини кейинроқ англадик.

Биров ундай деди, биров бундай. У пайтларда текширтиришлар йўқ, суд ишларини тушунишмайди. Маҳалла хотинларининг ҳар бири ўзича судьялик қилишади. Биров қизда айб ўқ, — деб йигитни ношудликда айбласа, яна биров тескарисини гапиради. Амаким қизни дарахтзорда бир йигит билан кўрганини янгамга айтган экан. . .

Буюк аллома Абулқосим Фирдавсийнинг: – Экканинг-ни ўрасан, кўргузганинг кўрасан, –деган гаплари бор. Бу қизларнинг балки, тарбиясида етишмовчиликлар бўлгандир. Ўзлари ота-она бўлганларидан сўнг, балки ота-онасига етказган озорлари ўзларига қайтгандир. Бу дунёни қайтар дунё дейишади, ахир.

– Гарчи ота-она “оқ” қилмаган бўлса ҳам, уларнинг дилини оғритган фарзанд оқпадар ҳисобланади, –деб ўқиган эдим қадимий китобда. Қўлингиздаги гулдастандан бир донасини синдириб қўйсангиз, ичингиз увишади. Кимнингдир кўз қорачиғи бўлган қизнинг синишини кўриб, кимнинг юраги ачишмайди, дейсиз.

– Қизи борнинг нози бор, –деган гап бугунги кунга тўғри келмай қолди. Қизлар бекадр бўлаётган замонда, Қиз тукканнинг тили қисик, –деган сўзлар замонамизга кўпроқ мос тушади.

Қизларимизни ҳаёли, андишали, имонли-эътиқодли қилиб ўстиришда муслима аёлларимизга Оллоҳ сабр-тоқат ва кучкуват берсин.

### Ўғилданми, қизданми. . .

Ўғлидан сиқилиб ўтирган онамга синглим:

– Иккита қиз, олтита ўғил туғмаганингизга шукур қилинг, –дебди. Аслида, бу барча опа-сингилларнинг юрагимиздаги гап эди. Шаддодроғимиз ҳадди сиғиб айта олган.

Олтита қиз, иккита ўғиллик онамнинг ғалати одатлари бор –ўғил болаларни яхши кўриб, уларни жуда ардоқлайдилар ва айни шу одатлари билан ҳаётда панд едилар.

Уларнинг иссиқ-совуғи борми, касал-соғими, қизлар ба-логардон. Кийимию, ейдигани ҳам қизларнинг эътиборида. Ўғилларидан наф кўрмай, яна ўғил неvara деб турган онамга синглим аслида жўяли гап айтган.

Нафақат ўзбек оилалари, дунёнинг кўп мамлакатларида ўғилни яхши кўришади. Албатта, бунинг сабаблари бор: – Ўғли борнинг ўрни бор; Қиз тукканнинг тили қисик, – иборалари бекорга пайдо бўлмаган. Ўғил бола боқувчи, қиз – бировнинг хасми, неча йил боқиб, тарбиялаб, ўқитиб, яна бировга чўриликка юбориш унчалик ёқимли ҳолат эмас. Қиз бола

кутилмаслигининг сабаби шундан. Лекин, ўғил бола боқувчи, киз боладан хайр йўқ, деган қадимий ақиданинг ҳозир моҳияти ўзгарган. Аксинча, кўпларнинг кексалиги кизларининг кўлига қолган.

Онамдан ташқари, яқин қариндошлардан кўпчилигининг ғам-қайғуси ўғли билан боғлиқ. Ҳар бирининг сабаби ҳар хил...

Баъзилар менга: – Ўғлингиз бўлмаганига шукур қилинг, – дейишади. Бу – ўғилсиз ўксик кўнглимни ёритиш учун эмас, ўғлидан куйган бечораҳол оналар тилидан айтилган ҳаққона сўздир.

Қирққа кириб, ҳалиям ишда кўним топмаган ўғлининг қилмишларини йиғлаб айтганида, бир киз ва бир ўғиллик кўшним Салтанат опа: – Қанийди иккаласи ҳам киз бўлса, – деб куйиб-ёнади.

“Инсулин”да яшаётган, олтмишларидан ошиб, бир ёни касаллик, бир томони кексаликдан оёқ-кўлининг мадори қочган она ўзининг дори-дармони учун ҳам, ногирон келинининг ҳар олти ойлик даволаниши учун ҳам, бунинг устига на отанинг, на онанинг кўмаги бўлмаган учта неварасининг емиш ва кийимлари учун ҳам пул топиши керак. Харажат ва дори-дармонларимга қизимнинг балоғардон эканини эшитган кўшни ўзини бир бўй пастга ташлагандек ҳис қилади.

Бир пайтлари ишбилармон бўлган она шу имкониятидан фойдаланиб, таниш-билишларини отанг яхши, онанг яхши, деб ўғлини амаллаб, ишга жойлайди. Вақтида келмайдиган, ёлчитиб ишламайдиган танбалчини, юз амри иссиқ, қилиб ишга олган таниш – биродар сал ўтмай паттасини кўлига тутқазади.

Она ўз юртида кўним топмаган беоқибатини охири қариндошлари юрган жойга – Россияга жўнатди. Анча вақтгача иш тополмадим, деб пул жўнатмай юрган ўғлига, юбормасаям ҳарна ўзининг ош-овқатидан қутулсам бўлди, деб юрган эди, танти ўғил яна бир қилиқ чиқариб, онанинг дилини вайрон қилди.

– Уйга кетяпман, нарсаларингиз бўлса беринг, – деб поччасининг болаларига олиб қўйган бир сумка совғалари ва йиғиб юрган пулларини олган қайн ини бир ҳафтадан бери ҳеч қаяқда йўқ эмиш. – Шу ёқларда ўлиб кетса рози эдим, куёвнинг олдида нима деган одам бўлдим, у бечоранинг за-

воддаги ишидан чиқиб, бировларнинг уйида кечкурун мардикорлик қилиб, топган пулларини ҳавога совурди. Сумкадаги нарсаларни аллақачон сотиб, пуллаб, ичиб ётгандир,— зор-зор йиғлаётган онага қандай тасалли беришни билмайсан одам.

Маҳалламизда иккита рус аёли яшарди. Уларнинг ҳар бирида бир ўғил, бир қиз бўлиб, иккалови ҳам қизлари билан турарди. Отам ҳайрон бўлиб:

— Бу халқда ғалати одат бор экан, ўғиллари биланмас, қизлари билан туришаркан, — дегандилар.

Бугун теварак-атрофни кузатиб, кўпчилик оилаларга шу одатнинг келганини сездим. “Дом”да турувчи шаҳар халқининг кўпчилиги, ҳатто ёлғиз ўғилликлар ҳам алоҳида туришни маъкул кўришади. Оёқ-қўлидан куч-мадор кетаётган ота-онанинг безътибор ўғлидан аламиданми, кўчадан топган севиклисининг ноз-фироқларини устун қўяётган беоқибат фарзандидан куйибми, ёки фикр-қарашлари мос келмаган ота-ўғилларнинг кескин муносабати сабабми, ўғил билан яшовчиларнинг сони кейинги пайтда камайганга ўхшаяпти.

Дугонам ўғлини иккита институтда ўқитган. Ҳам ҳуқуқшунослик, ҳам иқтисодни битказган йигит ҳозир ҳеч қаерда ишламайди. Бир пайтлари нуфузли идорада ишлаган йигитнинг ёмон одамларга қўшилиб, ишлари орқага кетган. Бор-будидан айрилиб, ҳеч кимга ишончи қолмаган йигитнинг руҳи чўкиб, ичкиликка берилган. Она куйиб-ёнади: — Унинг келажаги учун қанча пулларни сарф қилувдим, нима нафъ кўрдим, — деб. Касалхона борми, номи чиққан табибми, тўрт томонга югуриб, ўғлининг одатини йўқотишга ҳаракат қилди, фойдаси йўқ. Кампирнинг кунига яраб тургани — қизлари.

Анча йиллар олдин Хоразмдаги илғор муаллиманинг ҳаётидан кўрсатув тайёрладик. Жамоада обрў-эътибор қозонган, “халқ ўқитувчиси” нишондори ҳақида нуфузли инсонлар — мактаб раҳбари, маориф даргоҳининг каттаси самимий гапларни айтишди.

Оилавий суратга олиш учун болалари оилалари билан чақирилди. Онаси икки кун давомида уч-тўрт марта телефон қилиб, ҳарқанча кутмасин, мансабдаги ўғли келмади. Шунда бир тутам бўлиб қолган онанинг аҳволини кўрсангиз эди. Бош фарзанд ишининг тиғизлигидан эмас, сезишимча, илгаридан ораларидан ўтган қандайдир гап-сўз туфайли келмади.

Она кўрсатув баҳонасида шу совуқликни ўртадан чиқармоқчи эди. Умиди узилган онанинг кўзларидаги ёшни кўриб, бир хил бўлиб кетдим. . .

Балки, курсисини ўйлаб, у тасвирдан эҳтиёт бўлгандир. Бирок, ҳар қандай юмуши бўлса ҳам, қайта-қайта сўралаётган жойга, нафақат сўралаётган жойга – онанинг олдида бирров келиб кетиш шунчалик мушкулми?

– Каттаси бўлгани учун шу ўғлиганиҳоятда яхши қарашган, нукул репетиторларга бериб, соатига тўлаб ўқитишган. Онага қарши бориб, каттаконнинг кизига уйланди-да, энди хотинининг измидан чиқмаяпти. Келин билан қайнона ўртасидаги келишмовчиликни деб, онани шунча зор қилди-я. Ишонасизми, ойлаб онасиникига бирров кириб, саломлашиб кетишни билмайди, – деди аёлнинг қўшниси афсусланиб.

Олтишига кирмаган аёл яқинда юрак хуружидан вафот этди. Ич фидо онадан бошқа ниманиям кутиш мумкин? Балки, ўғли: – Мен онамни рози қилолмадим, –деб ҳозир бошини чангаллаб ўтиргандир. – Ўйқолган пичокнинг сопи олтин – ўйқолмагунча кўплар онанинг қадрига етмайди. Қадримизни билдириш учун ўлишимиз керакми? Кўзларингизни очинг, эй ўғлонлар. Онани боғлаб қўйгани йўқ, дийдори ғанимат уларнинг. Кўнгилларини олишга, азми савобга шошилинг. Эртага ажр-мукофотини оласиз.

## Аптекачи

Болалари кўзимнинг олдида ўсган собиқ қўшнимдан, меникига ташриф буюрганида, битказаётган неварасини қаерда ўқитмоқчилигини сўрадим:

– Аптекачи қилсаммикан, деб ўйланиб турибман, кейинги пайтда аптекачилар бойиб кетишяпти, – у гапининг исботига девор-дармиён қўшниси ҳақида гапириб берди.

– Улар уйида дорихона очишган, қирқ йилдан бери дори билан шуғулланишади. Эр-хотиннинг эрталабдан кечкурунгача киладиган иши шу, шундан ёлчиб кетишди, – ҳикоясини бошлади у. – Хотини нима қилса, эр ҳамиша ёнида. Агар аёли овқат қилса, у кўчаларни супуради. Эрнинг бирон марта ичганини, у ёқ-бу ёққа борганини эшитмаймиз. Маҳалланинг эркаклари-га қўшилиб, чойхонага ҳам чиқмайди, дарди дунёси шу апте-

каси, – ўзи эридан ёлчимаган қўшним, деди ҳавас билан.

– Аёлини ҳурмат қилгани учун омадини берган-да, хотини билан ёнма-ён турувчи кўп эркакларнинг ёлчиб кетганини кўрганман. – Бирлашган ўзар, – деб бекорга айтишмайди-ку.

– Учта қизини узатишди, – гапида давом этди у, – бирон-тасига стенка қилишмади, бу нарсa маҳалламизда анча русум бўлган эди. Бўлмасам, маҳалланинг энг олди одами булар, имкониятлари бор эди. Фақат ётоқхонаникини қилиб беришди. – Ўзлари топиб, ўзлари олсин қизларни, менга отам ҳеч наса бермаган, – дебди эркак.

– Тўғри қилибди, – дедим мен. – Ҳозир шу қизлар бахтли яшаяптими?

– Ҳа, ҳаммаси ёлчиб кетишган.

– Демак, стенкасиз ҳам бахтли яшаса бўларкан, бу қиз ўстираётган ота-оналарга ибрат бўлсин.

– Сиз буёғини эшитинг. – Салима опа ҳаяжонда гапирa бошлади. – Булар эртами-кечми қачон қарасанг, аптеканинг ичида. На дам олишга боришади, на касал бўлишса, ётиб даволанишади. Аптекасига елимдек ёпишиб олишган. Ахир одамлар ҳеч бўлмаса йилда бир марта дам олишади-ку, буларда бу гап йўқ. Эшитишимча, бир куни кечаси кимлардир дорига келиб, курул билан қўрқитишибди-да, сейфидаги пулларини олиб кетишибди. Бу гапда қанчалик ҳақиқат бор ёки йўқлигини билмадим, бироқ шундан кейин Турсунбой ака кундан-кунга орқага кета бошлади. Ишонасизми, унинг бирон марта дўхтирга чиққанини кўрмадим. Касаллигини эшитиб, бир куни хабар олишга чиқсам, ранг-рўйи бир ҳолатда. – Нимага касалхонага ётқизмайсизлар? – десам: – Ўзлари хохламаяптилар, – деди хотини.

– Тез ёрдам чақиринглар, ака-укаларига хабар беринг, буларнинг аҳволлари яхши эмас, – дедим.

Кечаси соат икки яримларда уларниқидан йиғи овози эшитилди. Ўрнимдан тура солиб, эгнимга халатимни кийиб, югуриб бордим. Бандаликни бажо келтирибди, раҳматлик.

Бири Зоминда, бири Жиззахда, ҳар қайсиси ҳар гўшада яшаётган ака-сингиллар хабар етиши билан кириб келишди. “Акажон”лаб йиғлаётган синглиси:

– Нима учун бизлар касалини билмадик, нимага бирданига бундай бўлиб қолдилар, – деб хунибирён бўлди. Қаранг-а,

шунча ётиб, оғайниларига касалини билдиришмаган ҳам.

Оғзидан гапи чикмайдиган, доимо жилмайиб юрадиган Маърифат опа на кўни-қўшни билан, на қайнлари билан борди-келди қиларди. Ўзи одам бойигани сайин одам исини ёктирмас экан. Пул одамни ўзидан қочираар экан. Ё қариндош, ё пул экан, буларнинг иккаласига ҳам бирдайин қаттиқ боғланиб бўлмас экан.

Сингиллари деворга осиглиқ гиламни жанозада бермоқчи бўлишди. Бизда гилам масжидга қолдирилади. Кўзланган гилам келиннинг сарпоси экан, бергиси келмади. Синглиси гилам сотувчи қўшнимизникига чиқиб, у ердан 110 минглик гиламни (бундан уч-тўрт йил бурунги нарх) олиб, эркакларнинг қўлига туттирди. Маъракалар тугаганидан сўнг Маърифат опа гиламчи қўшниси билан айтишиб қолибди.

— Уйнинг хўжайини мен бўлсам, нима учун гиламни қайнсинглимнинг қўлига берасиз, улар ўзларининг уйларида хўжайинлик қилишсин, — жанжал кўтариб, айтилган нархни бермайман, деб туриб олган.

— Ростдан ҳам кечасига бор-будини шилиб кетишган бўлса, буёғи касалга кетган дори-дармонлар, маъракалар билан кийнаиб қолган бўлиши мумкин, — деган ўй билан гиламчи моллини фойдасидан кечиб, олган жойидаги нархига берган. Бироқ, сал ўтмай, Тошкентдан 49 минг долларга уч хоналик уй олишганини эшитиб, қўшнилари, айниқса гиламчи оғзини очиб қолди.

Маърифат опанинг бугунги аҳволи яхши эмас. Ҳам қандли диабет, ҳам қон босими, бунинг устига бўғин шамоллашидан азият чекади. Пулга берилиб, дам олиши зарур бўлганда дорихонасидан бир қадам кўчага чиқишгани йўқ. Касал ҳолига ҳозир ҳам савдода ўтирибди. Ишларини бинойидек давом қилдирадиган ўғли ва келинига ишонмайди, “даста қошиқ”ни бергиси йўқ, — ҳикоясини тугатди қўшним.

Бу сўзлар бошқа собиқ қўшнимнинг тақдирини эсимга солди. Қандли диабет, сил, инсулътни бошидан кечираётган бўлса ҳам, пуллари сейфидан чикмайди. Даволанмагандан сўнг бир касалликнинг устига иккинчиси эниб ётибди. Бир томондан, ўзининг жони уқубатда, хотини билан фарзандларининг куйиб-ёнгани устига устак азоб. — Ўлиб кетсам, пуллари билан кўмишмайди-ку, соғлигимни ўйлай, — демайди.

“Олмос девор” ўзининг замонавийлигини исботляпти.

## Устозларим...

Адабиётдан дарс берган отам ўз фанига ниҳоятда фидойи эдилар. Дам олиш куни эрталаб кетиб, шаҳар марказидан бир кучоқ китоб келтирар, бир хил китобнинг ўзидан уч-тўртта олардилар. Отамнинг бу ишига онам жиғибийрон бўлиб:

– Одамларга ўхшаб, ҳаражатга югуриш ўрнига, китоб дўконига чопасиз. Китоб сизнинг қорнингизни тўйдирармиди? Кўчадан ўтган-кетганнинг тўр- халтасига қараб, оғзидан суви оқиб ўтирибди-ку буларнинг, деб—уришардилар уларни.

Отамнинг китобни ортиғи билан олиши онам тугул бизларга ҳам ёқмас эди.

– Бир хил китобдан биттани олсангиз бўлади-ку, шунчасини нима қиласиз, пул кетказиб, десам:

– Бу китоблар ноёб-да, қайта нашр бўлмаслиги мумкин. Бировларга тарқатаман, китоб бериш савоб, – дегандилар ҳаяжон билан.

Афсуски, отам келтирганларини ўқийдиганлар кўп ҳам топилавермас, теварак-атроф ўзининг қорин ғами билан овор- таассуротларини тўлқинланиб гапирувчи падаримнинг гапларини жимгина эшитиб, қаноат қилиб қўя қолишарди. Бировларнинг ғамини еб, керагидан ортиқча олинган китоблар эгасининг вафотидан сўнг йиллаб чанг босиб ётаверди. . .

Ота касбини эгаллаб, адабиёт даргоҳига қўшилганимда, улар ўзларига фикрдош пайдо бўлганидан хурсанд бўлган, айниқса илмий иш қилмоқчи эканимни эшитиб, қувонган эдилар.

– Сен Аваз Ўтардан қил, бир пайтлари унинг ижодига қизиқиб, анча нарсаларни қоралаб ҳам қўйганман, ҳеч ким айтолмаган гапларни айтган шоир у, – дегандилар бир куни.

Кейинчалик бошқа мавзуга ўтиб кетган бўлсам ҳам, дастлаб уларнинг маслаҳатлари билан Аваз Ўтар ижоди бўйича газета-журналларда мақолаларим билан катнаша бошладим. Шоирнинг 100 йиллик юбилеи ўтказилганда Тошкентдан, Ўзбекистон Фанлар Академияси Адабиёт институтидан бир гуруҳ олимлар – мен китобларини севиб, ардоқлаб юрган инсонларим Хоразмга юбилейга боришди. Уларни меҳмондорчиликка таклиф қилиш учун институт директори – адабиётшунос олим, академик Матёқуб Қўшжонови излаб, Урганч меҳмонхонасига бордим ва таклифимни айтдим.

— Йўқ, ҳечам кераги йўқ, бундай қилманг, меҳмондорчилик-ка вақтимиз бўлмайди, — дедилар кескин. Мен аллақачон тайёргарлик кўриб қўйганимни, ҳатто қўй сўйдирганимни, агар боришмаса, қайнларимнинг олдида жуда ҳижолатда қолишимни айтдим.

— Сизга ўзи ким буюрди чақиришни? — сўрадилар домла мени кўндира олмаганларидан кейин. Бу сўровдан ҳайрон бўлдим. Анча йиллардан, оқ-қорани таниганимдан сўнггина юкоридан меҳмонлар келса, қўл остидагиларга солиқ солиниши каби гапларни англадим.

Гарчи ўша пайтда бормайман, деб тихирлик қилганлари биров дилимни оғритган бўлса ҳам, бироқ аёл кишининг, бунинг устига илм қиламан деб, борга ҳам, йўққа ҳам чидаб, машошга кўз тиккан одамнинг дастурхонидан лўқма ейишга виждони йўл қўймаган, таъмадан узоқ кўнгилли домланинг диёнатли инсон бўлганликларига тан бераман. Айниқса, бугунги кунда устозлик шаънидан кўра манфаатини устун қўйиб, курс иши, диплом ишию, номзодлик диссертацияларини пулга ёзиб берадиган домлаларнинг пайдо бўлганини эшитиб, раҳматлик устозларимнинг қанчалик камсуқум, покиза, ҳалол инсон бўлганларига имон келтираман.

Орадан йиллар ўтиб, илмий ишимни ёкладим. Бу пайтда анча кексайиб, мансабга ярамай қолган, фақат илмий йиғилишлардагина кўринадиган домла менинг номзодлик ишимни ёклайдиган куни илмий кенгаш аъзоси сифатида келдилар. Улар минбарга чиқиб, ишим бўйича ижобий фикрларни айтдилар. Ўринларига келиб ўтирганларидан сўнг, мени табриклаб:

— Агар ишнинг тасдиғида биронта муаммо бўлса, менга айтинг, — дедилар. Улуғ инсоннинг ўзлари яхши танимаган аёлга қилган мурувватидан бошим осмонга етди. Шундай — адабиёт олами ҳар қандай таъма, молу дунёлардан мосуво, покиза даргоҳ. Ишлаган жойларига табаррук изларини, мангуликка даҳлдор асарларини ташлаб кетган аллома-устозларнинг кўпчилиги миллионлаб одамларга менгаб бўлмайдиган диёнатли инсонлар эди.

Иш жараёнида раҳбар устозлар билан кўпроқ мулоқотда бўласан. Бўлим бошлиғимиз Навоий ижоди бўйича чуқур изланишлар олиб борган профессор Абдуқодир Ҳайитметов эди.

Шогирдлари кўп бўлган домла ҳамма билан очиқ-сочиқ гаплашиб кетаверадиган киришимли, тиниб-тинчимас, дилкаш инсон эдилар. Улар ҳамма нарсага зийраклик билан қарар, на фақат илмий ишлар хусусида, умуман ҳаёт, рўзғор, бола-чақа ҳақида суҳбатлашиб, ўзларининг ақлли фикрларидан бизларни баҳраманд қилардилар.

Аёзлаб қолганимни кўрган домла бир воқеани гапириб берганлар. Улар ҳар йили куз келиши билан шамоллайверар, дўхтирларнинг дори-дармонлари сира таъсир қилмас экан. Бу ҳол то баҳор келгунча давом этар, бундан эса тинкалари қуриб қолар экан.

– Бир куни азбаройи жаҳлим чиққанидан қўлимга белкуракни олдим-да, бодом дарахтининг ёнидан чуқур тортиб, уни қазийвердим, қазийвердим, ё ўлай, ё қолай, деб овқатланмасдан, қора терга ботгунча, онамларнинг “хай-хай”ига ҳам қарамасдан, то йиқилиб қолгунча ишладим. Ана шундан кейин, ишонасизми, бирон марта грипп бўлмасам денг, – завқ билан гапириб бергандилар, ўзларининг кашфиётларидан ўзлари завқланиб.

Мен бўлимдаги энг ёш ходима эдим. Ҳар куни вақтли келиб, уларнинг столларини тартибга солиб, гулларга сув қуярдим. Бир куни буни сезиб қолган домла:

– Ие, нега бу ишларни сиз қиласиз, хизматчимиз қани? –деб сўрадилар.

– Улар бундай нарсаларга эътибор беришмайди, айтиб ўтиргандан кўра, ўзим қилганим дурустроқ, –дедим. Ва шу баҳонада, устоз билан бироз ўтириб, суҳбатлашдик. Улар нима ёзаётганим ҳақида суриштирдилар. Илмий раҳбарим бошқа инсон бўлганлиги сабабли бу мавзуда улар билан камроқ гаплашар эдик. Ҳар куни Шарқшунослик институтидан қўлёзмани олиб, Феруз шеърларини араб имлосидан ўзбекчага ўгираётганимни, тўла ижодини эълон қилмоқчилигимни, иложи бўлса “Аваз Ўтар бадий маҳорати” мавзусидаги ишимни Феруз ижодига ўзгартирмоқчи эканимни айтдим. Шунда домла кулиб:

– Бу аёллар бунча подшоҳларга ошиқ бўлишмаса. Хадича Сулаймонова Амир Темурни ишлаган, Суйима Ғаниева Хусайн Бойқарога ёпишди, энди сиз бечора Аваз Ўтарни менсимай Ферузни танлабсиз, –деб ҳазиллашганлар.

Абдукодир ака бир куни мени ўз хоналарига чақириб:

– Синглим, кўпдан бери сизнинг газеталардаги бадий нарсаларингизни кузатиб боряпман. Яхши, жуда яхши нарсалар, бироқ сиз бу даргоҳга илмий иш қиламан, деб келгансиз. Аввал олдингизга қўйган мақсадингизни амалга оширинг, бу нарсаларга кейин кўл урасиз, сизга оталарча маслаҳатим шу. Ишни столга қўймагунча бошқа нарсага чалғиманг, ўзингизга ўзингиз панд бериб, ишингизни орқага судраманг, –деб насиҳат қилдилар ва яна гапларида давом этиб: – Биласизми, менинг келиним Ҳафизахон яхшигина шоира эди. Бизга келин бўлганидан кейин катта оила, қайнларнинг хизмати, бир томонда чуғурлашиб турган болалари. Мен унга шеър ёзмаслигини буюрдим. Катта рўзғор билан шеър бир-бирига қовушмайдиган нарса. Битта яхши шеър ёзганидан кўра боласини тоза ҳавода ўйнатсин, унинг асосий вазифаси шу, – деган эдилар.

Ўшанда домланинг гапларидан норози бўлиб, ўзлари маданиятли инсон бўлсалар-да, бир истеъдодни бўғганлар, деб ўйладим. Бироқ, оналик бурчининг масъулиятини йиллар оша теранроқ тушунганимдан сўнг, домланинг тўрт боланинг онасига айтган гапларининг тагида асос борлигини англадим. Уларнинг насиҳатларига амал қилиб, бутун диққат-этиборимни асосий ишимга бериб, ўз вақтида ёқлаб олдим.

Илмий раҳбарим – филология фанлари доктори, профессор Абдурашид Абдуғафуров феъл-атворда Абдукодир аканинг тескарисини бўлиб, одамови, жиддий, бировларнинг ишига кўп аралашавермайдиган, оғир-босиқ инсон эдилар. Домла шогирд тутишни ёқтирмас, кексайиб қолган пайтларида фақат менгагина устозлик қилишга рози бўлиб, сўнг бошқа шогирд олишни истамаганлар.

Илмий мавзумни янги олган пайтларимда, отам оғир касалликдан вафот этдилар. Айни шу пайтда ҳар йилги Ёш олимлар анжумани ўтказилиши мўлжалланиб, докладим йиғилиш режасига киритилган эди. Мен домламга телефон қилиб, боғролмаслигимни, уйдаги аҳволни тушунтирдим.

Маъракага келган мактабимиз директори кўлимга бир қоғоз тутқаздилар. Қарасам, домлам кўнгил сўраб, телеграмма юборибдилар. Шундай мўътабар, бунинг устига кекса

инсоннинг менинг учун почтага бориб, овора бўлганларини ўйлаб, ичим увишди.

Устозим билан ёнма-ён хонада ўтирсак ҳам, деярли ҳафта мобайнида гаплашишимизга имкон бўлмас эди. Улар ҳар замонда ишимни суриштирар, бошқа пайтлари эрталабки саломдан нарёққа ўтмас эдик.

Бир куни домлам хоналарига чақириб: – Гулсарахон, кейинги пайтларда хонангизга бегона йигитлар кирадиган бўлиб қолибдими? –деб сўрадилар. Кириб-чиқаётган одамлардан биронтасини танимаслигимни, улар яқинда ишга келган ходиманинг олдига келишаётганини айтдим. Шу гапдан ярим соат ўтмай, улар шеригимни бошқа хонага ўтказиб юбордилар. Ҳозир шу воқеани эсласам, кўзларимга ёш келади. Бу –отасизга оталарча ғамхўрлик эди.

Кекса ҳамкасб аёл бир куни менга пул узатиб:

– Шуни Абдурашидга бериб қўйинг, қарзим бор эди, –дедилар. Хоналарида йўқлигини кўриб, пулни стол устига қўйдим.

Мени олдиларига чақирган домлам (тўғриси, домламнинг йўқлашидан чўчиб турардим, одамови бўлганликлари учун ундай-бундайга чақирмас эдилар) пул ўралган қоғозда исм-фамилия ёзилган бўлса ҳам: – Пулни ким берди? –деб сўрадилар. Жавобимни эшитиб:

– Шуни манг сиз олинг, –дедилар пулни узатиб. Мен қаршилиқ кўрсатдим, бировнинг қўлидан пул олишни ёмон кўрардим. Ёшлигимда отамдан, кейинчалик умрийўлдошимдан, ҳозир эса болаларимдан пул сўролмайман. Ҳар қандай етишмовчиликда ҳам тишимни -тишимга босиб, чидайдиган одадим бор. Хуллас, домлам мени пулни олишга қистай бошладилар. Қайсарлик қилаверганимдан сўнг:

– Майли, ҳеч бўлмаса шу пулни қарзга олинг, керакли нарсангизга ишлатинг-да, менга бир ойдан кейин беринг, – дедилар. Салобатлари босиб, пулни олдим ва муддатидан аввал қайтариб бердим. Устоз ўша пайтда нима сабабдан аёлнинг пулини ишлатишни истамадилар, бу синоатнинг тагига етолмадим.

1994 йили Хоразмда Мухаммад Раҳимхон-Феруз туғилган куннинг 100 йиллиги ўтказиладиган бўлиб, унга юртда катта

тайёргарлик кўрилган эди. Институтимизга юбилей Программаси ва таклиф қилинганлар рўйхати юборилибди. Қарасам, рўйхатда директоримиз Тўра Мирзаев ва илмий раҳбарим Абдурашид Абдуғафуровларнинг фамилиялари бор, холос. Ўзимники киритилмаганини кўриб, шунақа хафа бўлдим-ки...

– Бу пайтда Феруз ижодига анча киришган, газета-журналларда бир неча мақолаларим эълон қилинган, бунинг устига шоир шеърларининг сайланмаси сифатида олдин битта китобча, кейинроқ унинг тўла ижодини қамраб олган иккинчи китобни ҳам нашрдан чиқарган, нафсиламбирини айтганда, илмий масканимизда биринчи ферузшунос олима бўлиб кўзга кўринган эдим. Шунча заҳмат чеккан инсонимнинг ижодига бағишланиб ўтказилаётган анжуманга, бунинг устига ўз юртимга боролмасам... Програмадаги рўйхатларни ўқисам, Ферузга умуман алоқаси бўлмаган кишилар, ҳатто қўшиқчи шоирларнинг ҳам номлари бор. Устозимнинг олдига кириб:

– Ферузни юзага чиқарган мен бўлсаму, унинг ижодидан тамоман беҳабар одамларнинг исм-фамилиялари рўйхатда турибди, меники эса йўқ, – дедим ёзғириб.

Улар қўлларига таклифномани олиб:

– Ҳозир шуни ўқиб, ўйланиб ўтирган эдим. Юринг, директорнинг олдиларига кирамиз, – дедилар ва бошлашиб раҳбаримизнинг олдига кирдик. Бизнинг шикоятимизни эшитган ёшуллимиз:

– Шунча иш қилган одамнинг четда қолиб кетиши инсофдан эмас, – деб, институтнинг фондидан менга ҳамда яна бир олима – Хоразм ижодкорлари бўйича изланишлар олиб борган, филология фанлари доктори Жумагул Жумабоева иккаламизга билет олиб, тўртовлон юбилейга борганмиз.

Домламнинг таклифлари билан Феруз шеърияти бўйича доклад ўқидим. Бошқа меҳмонлар қаторида менга ҳам Феруз портрети чизилган мўъжазгина гилам совға қилишди.

Қайтганимиздан сўнг Абдурашид ака докладни яхши тайёрлаганимни айтиб, мени хурсанд қилдилар-да:

– Қарасам, гиламнинг рўйхатида ҳам йўқ экансиз, мен ёздириб кўйдим, – дедилар.

Илмий раҳбаримни ишхонада ҳамма бирдай ёктиравермас, айниқса бир-иккита олимлар билан муносабатлари кескин эди. Лекин менга ҳеч ғийбат таъсир қилмас, уларни жуда

хурмат килардим. Муносабатимизда ўзим тушунмаган бир боғланиш бор эди — отам эрта вафот этганлари учун, балки оталик меҳрини туйгандирман. Домламнинг майда-чуйда камчиликлари кўзимга кўринмас, уларнинг инсофли, диёнатли инсон эканликларини билганим учун, бировларнинг фикри муносабатимга таъсир қилмас эди.

Урганчда яшаб юрган пайтларим, 1980-йилларнинг бошлари эди. Тошкентга — ёш олимлар конференциясига келмоқчи бўлиб, телефон қилганимда, уларнинг мазалари йўқлигини эшитдим. Тансиқ нарсалардан илингим келиб, бир неча кило Хазорасп олмасидан ҳамда гурвак қовунлардан олиб, уйларига йўқлаб бордим. Шунда домлам мени уришиб бердилар:

— Аёл киши бир юртдан бир юртга шунақа кўтарилиб юрадимми? Сизнинг машаққат билан келтирган емишларингизни мен хотиржам ея олармидим. . .

Шу воқеадан сўнг неча марта юртимга борсам ҳам, уларга бирон нарса олиб келолмаганман.

Номзодлик ишимни ёклаганимда онам домламга атаб тўн тикиб бердилар. Амаким эса деҳқончилигидан бир коп гуруч юборганлар. Шу нарсаларни олиб, мажлисдан кейинги зиёфатга келмаган, бундай ўтиришларни хушламайдиган домламнинг уйларига бордим. Дарвозасининг олдида чикқан устоз гуруч билан бўхчага кўзи тушиб, мени қойиб бердилар:

— Нарсаларингизни қайтариб олиб кетинг, сиздан мингданминг розиман.

Қарасам, шу гапларни айтиб, орқасига қараб кетяптилар. Анча тортишиб қолдик. Бу ёқдан машинасида олиб келган қўшним қистайди: — Бўлинг, ишга кеч қолдим, — деб. Домлам бўлсалар оёқ тираб туриб олганлар. Йиғламоқдан бери бўлиб турибман.

— Домла, энди мен ишимни ёқлаб бўлдим, сизга бундан кейин ишим тушмайди, демак бу пора эмас, ахир кўнглимдан чиқариб беряпман-ку, — десам ҳам кўнмайдилар-да. Охири улар:

— Тўнни онангиз тиккани учун олиб қоламан, бироқ, гуручни келишамиз. Урганчда неча пул бўлса, шунинг пулини тўлайман, сиз ҳам қуймасин, кабоб ҳам, — дедилар. Қандай қилиб, мен совғага олиб келган пулимнинг баҳосини айтаман. Хуллас, улар холис одам — қўшним айтган нархни ҳисоблаб,

гуручнинг пулини бериб юборганлар ўшанда.

Устозимга ҳеч нарса қилолмаганим дилимни хира қиларди. Орадан йиллар ўтиб, Ўзбекистон Телевидениясида ишлаб юрганимда уларни кўришга бордим. Яхши сарфхаражат қилдим, намозга кирганларини эшитиб, жойнамоз ҳам олдим-да, огоҳлантирмасдан кириб бормоқчи бўлдим. Бирок, уйларига бормаганимга анча йиллар бўлиб қолгани учун адашиб қолдим. Суриштириб боргунимча соат кечқурунги саккиз ярим бўлибди. Қишнинг куни эмасми, ҳаммаёқ зулмат. Кўчаларда чироқлар ўчган. Мени бемаҳалда кўриб, домламнинг капалаги учиб кетди:

– Бунақа зимистонда нима қилиб юрибсиз бир ўзингиз? – дедилар таажоуб билан.

– Сизни бир тавоф қилишни кўнглимга туккан эдим. Бораман десам, кутиб қоласиз, деб айтмай кўя қолувдим. Йўлда адашиб қолдим, орқага қайтай десам, қачон яна ҳафсала қилиб кела олардим деб, бир амаллаб топиб олдим, – қанақа излаганимни, чойхоналарга, маҳалла кўмиталарига кириб суриштирганларимни, шу ердагилар бировни кўшиб юборганларини эшитган домлам:

– Сиз биринчи марта кўтарилиб келганингизда уришган эдим, қулоғингизга олмабсиз-да, – дедилар гина қилган бўлиб.

Кетаётганимда ҳайрлашаркан:

– Сиз мени хурсанд қилдингиз, – дедилар бу сўзни икки маротаба такрорлаб, кўзларида ёш билан.

Уларни кўришга бунчалик интилганимнинг сабаби бор экан, аслида. Кўнглим бир нарсани сезганми, бу учрашув охиргиси бўлди. . .

Кексайиб қолган домламнинг кўзларидаги қувонч ёшларини кўриб, ўшанда шогирдлик бурчимни биров бўлса-да, ўтаганим учун кўнглим жойига тушган эди. Бирок, кўпроқ хотиржам бўлибман шекилли, уларнинг мазалари кочиби, касалхонага тушиб қолганларидан ғафлатда қолибман. Орқаларидан хабар олиш учун касалхона манзилени сўраганимда, уларнинг кечагина оламдан ўтганларини эшитдим. Худди ўз отамдан айрилгандек йиғлаганман ўшанда.

## Меҳмонлар

Мендан бир қават пастда турадиган қўшним кечқурун соат саккизларда телефон қилди:

– Уйдამисиз, кеч бўлса ҳам олдингизга чиқмоқчи эдим.

“Дом”да қўшнилар сиздан рухсат сўраб чиқишади. Бугунги кунда газданман, светданман деб келиб, ҳар хил ишларга қўл ураётган одамларни эшитиб, эҳтиёткорликни оширганмиз.

Жамоат уйлари ҳақида гап кетганда, фақат ётишдан олдингина кулфланадиган, кун бўйи очиқ ётадиган дарвозаларимиз эсимга тушади. “Дом”даги ҳамсояларнинг – уйдამисиз, чиқмоқчи эдим,– деб стулнинг бир четида кимтиниб ўтиришлари қаерда бўлишимизни ҳамиша биладиган, уйимизга бостириб кириб, бемалол боғ этагидан ўзига керакли нарсани – белними, кетмонними олиб чикиб кетадиган содда, бегараз қўшниларимизни кўз олдимга келтиради.

– Шолининг ҳам курмаги бор,– деганларидек, Фарида опанинг юртдош меҳмонлари курмак бўлиб чиқди.

Етмиш беш ёшга кирган қўшним бир пайтлари фаол аёл бўлган. У Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, “Шухрат” ордени мукофотларини олган бўлиб, ҳозирда имтиёзли нафақахўр. Асосий уйи Нукусда, бир невараси Тошкентда ўқиётганлиги сабабли, вақтинча шу ерда яшаяпти.

– Бир hafta бўлди уйимда иккита меҳмон ўтирибди – онаси ва кизи, безор бўлиб кетдим, – ҳасратини бошлади у. – Нукусда уч қават уй қуришаётган эмиш. Қурилиш анжомларини олиб кетишга келишибди. Ҳар куни эрталаб уйдан чикиб кетишади, керакли нарсаларини Ўрикзордан олиб, “Камаз”га юклашади-да, кечқурун кириб келишади. На биронта озиқ-овқат олиб келишади, на иккита нон кўтариб чиқишади. Ҳар куни тўртинчи қаватдан тушиб-чикиб, чарчаб кетдим. Келгунларича кечқурунги овқатни тайёрлаб қўяман, неварам бўлса ҳам майли эди, у ҳам пахтага кетган. Овқатни еяётиб ҳам, тирнокдек эсларига келмайди, қаердан келяпти бу “продукта”, бу кампир уни қандай кўтариб келади, деб.

– Эрталаб уйдан чикиб кетишаётганда зарур нарсаларни ўзингиз айтинг, олиб келинглар деб, –ўргатган бўлдим унга, гўё келган меҳмонга ўзим шу гапни айта оладигандек.

– Қайдан айтаман, айтолмайман. Кеча уйлارни ўзим то-

залаб чикдим. Ошхонани йигиштириб юрсам, киз ётибди диванда талтайиб. Ҳай, онасида бироз бўлса ҳам, инсоф бор экан. Қизига буюрган эди, у келиб қўлимдан супургини олди. Қарасам, бир қўлида супурги, бир қўлида олма еяпти.

— Қизим, овқат бунақа ейилмайди, кўлингдигидан чиққан чанг олмага уряпти-ку, бунинг устига чала супуриб кетяпсан, ўзи ҳеч уй супуриб кўрганмисан ?, — десам, онаси: — Уйимизда хизматкоримиз бор, бу иш қилиб кўрмаган, ҳозир ҳамманинг уйида чанг юткич бор —ку,— дейди.

— Ишонасизми, музлаткичимдаги узумларни, кечкурун қирғичдан чиқариб ейман, — деб яшириб қўйган тўрт кило олмамнинг ҳаммасини шу қиз еб қўйди. Индамасдан бориб, музлаткични очади-да, ёнимизда ўтириб қарсиллатиб еяверади. Тирноқдек уялиш, тортиниш деган нарса йўқ, кап-катта киз 16 яшар-а. Ўғил неварам келганида уялмасдан унинг ёнида узун тушиб, ётиб олиб, телевизор кўради. Тагин мени онаси: —Кампир, —деб чақиради. —Ҳой инсон, менинг отим Фарида, отимни айтиш шунчалик қийинми, дедим жahl билан, — ўзини босолмай титраб-қалтираб гапирарди қўшним.

— Кимингиз бўлади ўзи улар? —ажабланиб сўрадим мен.

— Ҳеч кимим, танимайман ҳам, қизим илтимос қилиб телефон килувди, дўконда бирга савдо қилишаркан.

— Ҳа, гап буёқда денг, тилла магазинида савдо қилувчилар сизнинг шолчаларингизни супурмайди-да, энажон. Булар уйларида шунга ўрганишган — киз диванда ялпайиб ётаверади, онаси тенги хизматкор аёл эса инқиллаб-синқиллаб уйларни тозалаб юраверади. Ўзидан пастроқ яшашингизни кўриб, сизга хизматкордек қараган.

— Сиз ҳали асосий гапни эшитмадингиз. Кундуз кuni кўчага қаймоқ олишга чикувдим, ёнимда саккиз минг сўм бор эди, шунинг беш минг олти юз сўмини ишлатдим, икки минг тўрт юз сўми қолди. Қолган пулни тушиб қолмасин, — деб рўмолимга ўраб, чўнтагимга солиб қўйдим. Кечкурун ётоқхонада турадиган неварам келиб қолди. Анчадан бери тарвуз егим келиб, кўтаролмайман деб, ололмаётган эдим. Неварамга: — Бор, тарвуз олиб чиққин,— деб бояги чўнтагимдаги пулни олай десам, тўрт юз сўми турибди, қолган икки минг йўқ. Дарров билдим, шу қиз олган, чунки шулардан бошқа уйда ҳеч ким йўқ.

– Қизим, чўнтагимдаги икки минг йўқ, кўйлагимни меҳмонхонадан ётоқхонага ким олиб ўтди, балки бирон жойга тушиб қолгандир, қараб келгин-чи, – дедим.

– Ётоқхонага тушиб қолибди, – деб пулни кўтариб келди.

– Нима учун рўмолнинг ичидаги ҳаммаси тушмабди, тўрт юзи туриб, икки минги сирғалиб тушибдими? – сўрасам, дам-саси чиқмади. Бир пайт неварам келиб:

– Эна, кошелогимда ўттиз минг бор эди, ўн тўрт мингини сиз олдингизми? – деди.

– Эй анков, қачон сенинг чўнтагингдан пул олганман, ўзи нафақамни сизларга ишлатсам, пулингни нима қиламан, англамаяпсанми ким олганини? – дедим. – Айт, анови қизга пулим ўғирланибди деб, – десам, айтолмади. Онаси: – Иложи борица жимгина кузатиб қўйинглар, – деганмиш.

– Сизга гапириб биров ховримдан чиқдим, қўшни, узр, ҳартугул эртага она-киз санаторияга кетишармиш. У ёқдан қайтганларингизда мен уйда бўлмайман, Нукусга кетаман, деб қўйдим уларга, – анчадан бери мазалари йўқлигидан хансираётган қўшним оғзи ёлғонга борганидан хижолат бўлиб, гапини тугатди.

Бу гапларни эшитиб, ўйланиб қолдим. Ўн олти яшар қиз бўлса, бугунми-эрта турмушга чиқади, бировга келин, бировга хотин бўлади. Олдида шуларга хизмат қилиш масъулияти турибди. Унга эри билан қайнонаси ҳам хизматкор ёллаб берадими? Ёши бир жойга борган онасининг шу нарсаларга фаҳм-фаросати етмасмикан?

Бугун ажралишларнинг кўп бўлаётганида тарбия қилишни эпсолмаётган ношуд оналарнинг ҳиссаси катта.

Фарида опанинг бу “иззатли” меҳмони ўзидан яхши хотира қолдирмаган бир меҳмонимни эслатди.

Узоқ қариндошимиздан бирининг ўғли тижорат қилиш мақсадида уйимизга келиб, уч-тўрт кун юриб кетди. У қўшнимизнинг меҳмонидек икки бармоғини бурнига тикиб келгани йўқ. Аксинча, тансиқ нарсалардан олиб келиб, йигитлик бурчини кўнгилдагидек бажарди. Бирок, ўзбекчиликда бир гап бор: – Сўнгини берсин, – деган. Кўпинча бу гапни момоларимиз кимникига янги келин тушиб, қайнонаси уни мактай бошласа, бир хўрсиниб, айтиб қўйишарди. Бу хўрсиниқнинг тагида кўп гап бўларди.

Меҳмон бир куни ўзидан-ўзи келмай қолди. Зарур иши билан юрган бўлса керак, деб ўйладик. Шу куни кизим эрталаб кўлидаги юзукни чўмилаётган пайтида ювиниш хонасидаги тоқчага қўйганини, кечкурун эсига тушиб, қараб тополмаганини айтиб қолди. Уришиб беришимдан кўрккан қизим буни менга эртасига айтиб берди. Уйга мен ва кизларимдан бошқа ҳеч ким келмади. Биргина гумонимиз шу меҳмон йигитдан. Бир кун кутдик, икки кун. . йўқ. Хайр йўқ, хўш йўқ, ўртада гина-араз йўқ, индамай кетиб қолган. Бу гапни уй томондагиларга айтсак, у авваллари ҳам бу қилиқни қилиб юрган, бизлар олисда бўлганимиз сабабли ҳеч нарсадан хабаримиз бўлмаган. Нима қилардик, ота-онасининг юз-хотирини қилиб, ичимизга ютиб қўя қолдик.

Тўғрисини айтганда, ортиқча меҳмон ҳозир ҳеч кимга ёқмайди. Ҳамма ўзи билан ўзи овора, ҳар кунги режаси бор, зарур юмушлари бор. Айникса, тез-тез келиб турадиган таширфисиз меҳмонлар қўли юпқа, кунини зўрға ўтказаётган кексаларга ёқмайдигина эмас, тўғри ҳам келмайди. Нафақага кун кечирувчи, вилоятдан келиб, талаба невараларига қараб ўтирадиган бир-иккита кўшни кампирларни биламан, нукул келадиган одамлардан шикоят қилишади. Кириб келган меҳмон мезбоннинг ёшини ҳисобга олиб, кўчадан харажати қилиб келса, уйлари то кетгунича саранжом-саришта қилса, тансиқ овқат қилишга бели ярамай юрган муштипарнинг оғзига ёқадиган хамир овқатларни қилиб берса, мезбон ҳеч қачон қийналмайди. — Қанийди, худойим шундай меҳмонлардан кўпроқ юбориб турса, — дейди қайтанга. Бироқ, келадиган меҳмонларнинг кўпчилиги марказга мўлжаллаб келган ишини тезроқ битирсаю, тезроқ кетса, кўнглида фақат ўзининг режаси. — Уй эгаси ёқтирадим, йўқми, унинг кўнглини олай, мендан норози бўлмасин, — деган ўй-андишаларга боришмайди.

— Ўзи бир марта келган бўлсам, шунга ҳам қийналадим, — деб ўйлайди. Бир марта келувчиларнинг кети узилмас занжир эканини фаҳмламайди.

Ҳамма нарсанинг меъёри яхши, нолинган Яратганга ёқмайди. Меҳмон отангдек улуғ. Қадимгиларнинг ҳар бир гапи қулоғимизга олтин исирға бўлиб тақилиши керак. Шу меҳмонлар ичида бизларни жон-жонидан истаб келувчи онала-

римиз, сингилларимиз, амма-холаларимиз бор. Бизлар билан дийдорлашиш учун гўр азобини тортиб келувчи кадамларига ҳасанот. Дийдордан айирмасин, илойим.

### Бир кориндан тушганлар

Мазкур мавзу тўғрисида ёзишимга бир танишимникида бўлиб ўтган воқеа сабаб бўлди. Бир пайтлари умумий уйнинг биримиз тўртинчи, биримиз эса учинчи қаватида яшаб, гарчи руҳан бир-биримизга якин бўлмасак ҳам, қўшничилик мажбурияти туфайли кирди-чикди қилиб юрган ҳамсоялар, пайти келиб, иккаламиз ҳам бошқа томонларга кўчиб кетдик. Орадан йиллар ўтиб, аслида фақат макон туфайлигина боғланиб турган орамыз анча узоқлашди. Руҳан бир-биримизга тескари соҳаларнинг эгалари —биримиз ижодкор, биримиз эса тижоратчи бўлганимиз сабабли, дийдорлашиб туриш иккимиз учун ҳам аҳамиятсиз ҳол эди. Шу сабаб, ҳар ким ўз иши билан андармон бўлиб, деярли бир-биримизни унутиб юбордик.

Орадан йиллар ўтиб, кутилмаганда собиқ қўшним янги уйимга ташриф буюрди. Мени анча излаганини, илгариги қўшниларнинг олдига бориб, қаёққа кўчганимни суриштириб, зўрға топиб келганини айтди. Ундан-бундан гаплашиб ўтирдик. Гапининг орасида уйининг “дом”имизнинг ёнидаги маҳаллада эканини айтиб, мени меҳмонга чақирди.

Бир-икки маротаба телефон қилганидан сўнг, бир куни Мавжуданикига кириб бордим. Икки қаватлик баҳайбат иморатни кўриб, ҳайрон бўлдим. Эрининг ўтиб кетганига анча бўлган, бешта боласини майда-чуйдалар сотиб, бир амаллаб оёққа турғазаетган бева аёлнинг бунчалик даражага етгани мени таажжубга солди.

— Ие, буюрсин, зўр-ку, —дедим ҳайратимни яширолмай. —Қандай қилиб, бу даражага етишдингиз? —дедим иримига “туф-туф” лаб қўйганимдан сўнг.

Акасининг катта пулга тушиб, ўзидан қарз сўраганини, пули бўлса ҳам бермаганини ва бошқа ҳеч қаёқдан пул топа олмай, қарз эгаларидан боши балога қолиб, йиғлаб келган жигарини қутқариш учун (қутқариш учунмиш) уч хоналик уйини бериб, ўртадаги фарқни тўлаб, ўзи унинг иморатига кўчиб ўтганини гапириб берди. Эшитиб, ёқамни ушладим. Бу гаплар

укам билан ўртамизда бўлиб ўтган воқеаларнинг тескариси эди.

Тижорат қиламан, деб катта пулга тушган укамга ёрдам бериш учун кўпгина бисотларимни сотганимни, хатто кўлимга янгигина олган номзодлик дипломимни ташлаб, савдога чиққанимни, бироқ барибир укамнинг ҳаётини саклаб қололмаганимни эслаб, алам қилиб кетди. Ҳам мол-дунёдан, ҳам укамдан айрилдим. Бошига бало ёғилиб турганда қандай опа бўлдимки, унга тиргак бўлолмасам, – деб кўлимдан келганча тиришиб-тирмашганларимнинг бесамар кетгани менга армон бўлсаю, қайсидир жон-жигарлар ўткинчи дунёнинг вақтинчалик мол-дунёсини деб, тириклайин бир-биридан ажралиб ўтирса. . .

Кейинги пайтларда ака-ука, опа-сингиллар ўртасидаги оқибат анча сусайган. Бунинг боиси, кўпинча иқтисодга, манфаатга бориб тақалади. Айниқса, ота-она меросини тақсимлаш улар ўртасидаги муқаддас риштани узади. Манфаат ўртага қўйилган жойда ҳамжиҳатлик ўлади. Ҳаётда сингил билан борди-келдини йиғиштириб қўйган опани, юз кўрмас бўлиб кетган ака-укаларни кўриб, юрагинг ачишади.

Бир оилани биладан – учта опа-сингил ёшлигида ота-онасиз қолишган. Уччаласи ҳам бир хил иш – одам кўриш билан шуғулланади. Мабодо опаси билан гаплашиб қолсангиз, синглисини ёмонлаб кетади, синглиси бўлса бунисини. . – Буларни ҳам тушуниш керак, – дейман баъзан, на отанинг тарбиясини олишди, на онанинг.

Буларни-ку, тарбия кўрмаган дедик, ота-онасининг иккалови ҳам зиёли бўлган иккита опа-сингил бир шаҳарда яшаб, анча йилларгача бир-бирининг уйига кадам босишгани йўқ. Сабаби – синглисининг тоғорасини опаси олиб кетиб, вақтида қайтармаган. Тўйга шошаётган сингил тоғорани тўғрилайман, деб тополмайди ва опасининг олиб кетганини эслаб, унга тезлик билан олиб келишини буюради.

– Ҳар қандай ишингиз бўлса ҳам ташлаб, ҳозир менга тоғорани олиб келинг. – Буйруқни мактабдаги дарсини қўйиб, таксида терлаб-пишиб бажаргани опага ёмон таъсир қилади ва шу билан улар ўртасидаги гина-аразлар йилларга чўзилади.

Янги уйга кўчиб келганимда уйнинг собиқ эгаси – нуроний ая мени бир нарсадан оғохлантириб:

– Ёнбошингиздаги кўшни билан олди-берди қилманг, ҳалол аёл эмас, ўз поччаси билан юради, – деди. Бу гапга ҳангманг бўлиб қолдим. Балки ўзаро келишолмаётган кўшнининг гийбатидир, десам, ярим яланғоч аёлнинг юриш-туришини кўриб, гапнинг тагида жон борлигига инондим. Бундай аҳвол менга аввалдан таниш. Учта жиянини тирик етим қилиб, илгаридан дон олишиб юрган поччасига тегиб олган Жамила исмли аёлни билардим. Унинг сўнгги ҳаётидан хабарим йўқ, ҳозир хор-зорликда ҳаёт кечираётган бўлса керак, – деб ўйлайман. Бу башоратимни изоҳлаб ўтириш шарт эмас, деб ўйлайман.

Мени бир нарса ўйлантиради. Иложи борича болаларида кам-кўст бўлмаслиги учун тарбиянинг ҳар турли йўлларида фойдаланадиган бояқиш ота-оналарнинг уларни айна ақлга тўлиб, бир-бирининг қадрига етиши лозим бўлган бир даврда ораларидан ола мушук ўтиб, юз кўрмас бўлиб кетганларини юраклари қандай кўтараркан? Оддий нарсаларга бир-биридан узоқлашганлари-ку, бир кун келиб, имонга қайтишиб, ярашиб кетишар. Бироқ, хиёнат кўчасига кирган сингилнинг кечирилмас ишини қандай тўғрилаб бўлади? Ўзича муҳаббат уммонида сузиб юрган аёлнинг қулоқлари кар, кўзлари кўр, қилаётган ишининг эртаги жавобини ўйлашга ақли калталиқ қилади. Бундай куйдиргилар ота-онани пичоқсиз сўяди.

Иккала қизи ўртасидаги бу шармандали ҳолдан отанинг маҳалла-қўйдаги обрўси нима бўлади? У бошқа оталарга ўхшаб, давраларга бемалол кириб бора оладими? Кириб бурганида ҳам биронта одамга гапини ўтказа оладими? Бу саволларга жавоб бериш қийин.

Оғайниларни бир-бирларидан айириши мумкин бўлган яна бир ҳолат-уларнинг ўзаро куда бўлишларидир. Албатта, қизини берган она бу оилада шу пайтгача қадрдон бўлган опасини, ёки сингисини эмас, айнан қизининг манфаатини кўпроқ ўйлайди. Бу нарса қайтанга бегоналарга нисбатан ҳам опа-сингиллар ўртасида анча аянчли, аламли кечади.

Синглим ўзи билан тижорат қиладиган бир танишининг уйида бўлиб ўтган воқеани гапириб берди. Опа сингисига қиз берган. Бир ойлик келинчакнинг илгари унчалик келмайдиган хонадонга кўникиши қийин бўлган, тез-тез онасиникига

кетиб қолаверган. Буни кенжа кизнинг эркатойлигига йўйган хола сабр-тоқат билан уни йўлга солишга ҳаракат қилган.

Келинчакнинг галдаги истагини эшитган қайнона:

— Бирпас шошмай тур, хамирни кориб, иккаламиз бирга борамиз. Менинг ҳам опангда гапим бор эди, — деган. Келин хамир коришга тушган. Қайнона эса тоғоранинг бир чекка-сидан ушлаб, ун солиб, унга ёрдам бериб турган. Бир пайт лоп этиб, келиннинг кўкрагидан қўл телефони тушиб кетган. Шу пайтгача телефон тутмай юрган жиянининг бу қилигидан ҳайрон бўлган хола телефонни қўлига олган экан, унинг ранг рўйи ўчиб:

— Хола менга беринг, — деб хамирли қўли билан телефонга ёпишган. Бу безовталиқда бир гап борлигини сезган қайнона кичик ўглини чақириб:

— Буни очиб кўр-чи, ичида нималар бор экан, — дебди. Қарашса, жиян-келинининг бир йигит билан ёзишган лик тўла севги СМСлари. Унда ёзилишича, иккала севишган эртага тушдан кейин “Тельман” дўконининг олдида учрашиб, бирга қочишмоқчи, шу куни эса келин бир бўхча нарсани онасиникига ташлаб келмоқчи бўлган. Илгари ҳам уч-тўртта бўхчани йигитга олиб чиқиб берганини ўқиган қайнонанинг ғазаби ҳаддан ортиб, катта ўғли ҳамда опа-сингилларининг барини чақиртириб, синглисининг уйига боришган. Шу ерда келиндан бояги йигитга телефон қилишни талаб қилган. Гудок бориши билан у томондан:

— Наргиз, нима килдинг, ярим соатдан бери сени пойлаяпман, — деган овозни эшитган қайнона:

— Қизингиз ўзингизга буюрсин. Унинг уйимдан нима олиб чиқиб кетганини билмайман. Унга ўша бўхчалар ҳам етади, бошқа бир нарса бөрмайман, — дебдию, уйдан чиқиб кетибди.

— Ўзи шу тўйни опа-сингилларимнинг: — Қизинг йўқ, иккитагина ўғлинг бўлса, данғиллама уйинг эртага бегонанинг боласига қоладими. Касалинг бор, соғинг бор, барибир ўзингники яхши қарайди, — деяверишгани билан қилувдим. Қайнларимнинг олдида юзим шувит бўлди. Шу-шу опам билан борди-келди йўқ, — деб гапини тугагибди синглимнинг таниши.

Мана сизга ечими йўқ муаммо. Буни жайдарича айтганда, тупикка кириб қолиш, — дейилади. Бундай чигаллик-

ни тузатиб бўлмайди. Биргина қизнинг калтабинлиги қанча дилларни сиёҳ қилди. Бу кўргуликдан нафақат икки оила, бошқа қариндош-уруғларнинг ҳам дили вайрон бўлди. Қиз ўстираётган оналарнинг кўнглига ғулғула тушди. Бу опа-сингилларни дунёга келтирган отаси билан онасининг аҳволини бир тасаввур қилиб кўринг. Адашиб, тўғри йўлдан қоқилган неварасига куйишсинми, шарманда бўлиб қолган ўғил неварасига ичлари ачишсинми, тўй қиламан, деб йиллаб йиғиб-териб, куйиб қолган қизларига раҳми келсинми. . . Қолган опа-сингилларга ҳам қийин. Уйларида бирон тадбир қилишса, қайси бирига айтарини билмай, бир жойга келиб қолган икки куда опа-сингилларнинг можаросидан кўркиб, улар ҳам бир умр тиканнинг устида юришади. Бир дона гургут бутун бошли уйни кулга айлантирганидек, бир беҳосият шунча даҳмазага сабабчи бўлди. Бу безовталиқ энди уларни бир умр тарк этмайди.

– Қариндошликни узган жаннатийлардан эмас, – деган гап бор Ҳадисда. Шунча қариндошни бир-биридан совишига сабабчи қизнинг Яратган олдидаги жавоби қандай бўлади энди?

Бу ўткинчи дунёда бир қориндан тушган жон-жигарлар бир-бирлари билан тил топишолмай юришса, додингни кимга айтасан. Инсоф, имон бузилган жой ғалванинг кони. Бир кун жанжал бўлган жойдан қирқ кун барака кетса, бир умрлик жанжал остида қолган жигарларнинг аҳволи нима бўлади? Муросаи мадорага, тинчлик-хотиржамликка нима етсин. Болаларимизга инсоф берсин, берган сутимизни ҳалоллашсин, илойим.

## Қарздорлик

1981 йил Наманган сихаттоҳларидан бирида даволанаётган эдим. Хоразмдан борган йигит-қизлар кўпинча ошхонадан ҳафсаламиз пир бўлиб чиққанда, яқин атрофдаги чойхоналардан бирига кириб, ўртага пул ташлашиб, ош қилардик.

Ўндан ортиқ юртдошлар орасига вилоятнинг узоқ туманидан Янгибой деган йигит келиб кўшилди. Юриш-туришидан, пўрим кийинишидан уни қишлоқдан чиққан деб бўлмас, кўлидаги магнитофони вариллашиб юриши эса уни такаталсангга ўхшатиб кўярди. Ёши ҳаммамизникидан кичик бўлган

Янгибой анча кўли очик чиқиб қолди. Ўрталикдаги пулга олиб келинган нарсаларга қаноат қилмасдан, бозорчадан тансиқ емишлардан келтириб, бизларни меҳмон қила бошлади.

Бир ҳафта ўтгандан сўнг у кетаманга тушиб қолди. Ошхонанинг овқатини хоҳламаган, бунинг устига ўзидан ёши катталар тўдасига тушиб қолиб, зериккан йигит бошқа яхшироқ сихатгоҳга жойлашмоқчи эканини айтди. Илгаридан кўпгина нуфузли дам олиш жойларида бўлган одамга бу ернинг ёқмаслиги табиий эди. Бизларнинг ҳаммамиз дилкаш бир укамизнинг кетиб қолаётганига ачиндик.

— Эртага тонг саҳарлаб чиқиб кетаман, — кечқурунги концерт майдонида ҳаммамиз билан хайр-хўшлашган йигит эр-талабки нонуштани еб ташқарига чиксак, бизларни кутиб кўчада турибди. Ҳайрон бўлиб, олдига бордик. У кечаси хонасидаги йигитнинг бор пулини ўғирлаб, қочиб кетганини гапириб, уйга етиб олиши учун ўн сўм бериб туришимизни, эртага саҳарда чиқиб кетишини айтди.

— Йигитга пул бериш керакми, ё йўқми, — деган тортишув билан кун ўтказилди. Ҳеч кимнинг унга пул бергиси йўқ.

— Бундайларга ишонч йўқ, — деди доимо ўзини сипо тутиб юрувчи йигит, — бунинг юриш-туришидан маълум, масъулият сезадиган бола эмас, шахсан мен унга бир сўм ҳам бермайман, унга ким пул берса ҳавога учиб кетади.

Унинг гапи кўпчиликка таъсир қилди. Кечқурун даврамизга келган йигитга ҳеч ким миқ этмади.

— Ахир ҳеч бўлмаса, уйига етиб оладиган пулни бериб туриш керак-ку, — дедим шивирлаб ҳамроҳимга.

— Бизлар юрибмиз-ку, бориға қаноат қилиб, бало борми ундан-бунга ликиллаб. Отасининг пулиға маст-да, бундайлар, — деди яна биттаси зарда билан.

Ҳеч кимдан садо чиқмагандан кейин у нисбатан кўнгилчанлигимни биларди, мендан сўради. Пайсалга солмай, бердим. У тез қайтаришини айтиб, ҳамма билан қуюк хайрлашиб кетди. Шерикларим менинг ичимни ачиштириб: — Пулингизга фотиҳа ўқиб қўяверинг, адресни олмасдан ҳам бировга пул берадими? — деб калака қилишди.

Орадан сал вақт ўтмай, шеригим билан газета олиш учун сихатгоҳнинг почтасига кирсак, номимга келган 15 сўм пул қоғозини кўриб, хайрон бўлдим.

Ўн сўмнинг ўрнига ўн беш сўм олганимни эшитган шерикларим:

– Тагида бор-да, беш сўм унга нима бўлибди, – дейишди отдан тушса ҳам эгардан тушгилари келмай.

Одамларни ҳеч нарса билан рози қилиб бўлмас экан-да. Қарздорнинг нима сабабдан ортикча пул юборганини ҳамма ичидан сезиб турарди. Шунча эркак туриб, пулни хотин кишидан олгани унга алам қилган эди. Бир ҳафта юриб, аслида у юртдошларининг кимлигини билган. Ҳатто ўзи билан бир хонада турувчи, илгаридан таниш бўлган одам ҳам унинг аросатда қолганини кўриб, ёрдам бергиси келмади.

Ҳар бир нарсанинг акс садоси бор, шу жумладан ҳар бир ҳаракатингиз, ҳар бир гапингиз бир кун келиб ўзингизга қайтади. Яхшиликларингиз кутган одамингиздан эмас, бошқасидан қайтиши мумкин. Ҳамма нарсани жой-жойига қўювчи, сарҳисоб қилувчи Эгамиз бор.

Фирма орқали олган уйим шаҳарнинг бир чеккасида бўлганлиги сабабли ишга бориб-келишга қийналар, айниқса кечкурунлари коронғи йўлақлардан кириб боришим хавфли эди. Зарурат юзасидан уйимни алмаштирмоқчи бўлдим. Уй ахтариб юрганимда, метро ёнидан арзон уй учраб қолди. Ўзимникини сотиб, буни оламан, десам чет элга кетишга шошилаётган одамнинг кутгиси йўқ. Шунда мен бутун бошли уч хоналик уйнинг пулини қариндош-уруғлардан ва таниш-билишлардан йиғиб, уйимни сотганимдан сўнг, икки ойда қайтариб бердим. Бир уйга етадиган пулни қарзга олганимни эшитиб, казо-казолар ичида юрувчи дугонам:

– Менга 200 минг сўм керак пайтида ҳеч қаердан топганим йўқ эди, сизга шунча пулни ким берди ишониб? – деган ҳайрон бўлиб.

Бу воқеадан кейин ҳам қарз кўтаришимга тўғри келган. Қизимнинг шартномасини маошдан тўлай олмай, тижорат қилмоқчи бўлиб, бир-иккита танишларимдан қарз олдим. Олдинига тажрибасизлик қилиб, ишим бўлмади. Яна озгина қарз кўтардим. Эҳ-ҳе, одамзоднинг боши тошдан бўлиши керак экан, беваники темирдан бўлса ҳам, унинг синишлари кўп. . . Мақтанишга йўйилмасину, кимдан қарз сўрасам, беришади. Фақат беришади эмас, ишимни бўлиб, пулларни қайтарай десам, ишонасизми, биринчи олганимга олиб борсам:

— Меникини охирида берасиз, олдин бошқаларникини беринг, — деган. Иккинчисига ҳам, учинчи одамдан ҳам шу гапни эшитганимдан сўнг:

— Ие, пул керакмайдиган бўлса, бутунлай бермайман унда, — деб ҳазиллашиб, ташлаб кетганман.

Бошимга ташвиш тушганида билдим, одамларнинг қанчалик мурувватли, олижаноб эканлигини. Орамизда яхши одамлар кўп, бироқ кейинги пайтда курмаклар кўпайгани учун бундай одамлар қатикни пуфлаб ичадиган бўлиб қолишган.

Обид Асомов бир гапида айтган эди:

— Меҳмондан қутулмоқчи бўлсангиз, унга қарз беринг, — деб. Ҳазил бўлса ҳам, жон бор бу гапда. Кейинги пайтларда газеталарда ҳеч кимга қарз бермаслик ҳақида гапириб, ақл ўргатувчилар кўпайган. Тўғри, бировнинг ҳақидан кўркмайдиган ноқаслар ҳам бор орамизда. Бироқ, яшаш учун курашаётган етимлар, бевалар, ногиронлар бор, пулга муҳтож. Улар дори-дармон учун, балки бошқа зарур нарсалар учун бировлардан қарз сўрашлари мумкин. Ҳамма ўзини ўйлайверса, уларнинг аҳволи нима бўлади? Ахир савоб деган нарсаси бор дунёда. Тиланчига берганинг бир савоб, қарз сўраганининг ҳожатини чиқарсанг, ўн саккиз савоб ёзилар экан. Бунинг сабаби, тиланчига берганда ўз кўнглинг учун берасан, қарзга берганда эса унинг кўнгли учун. Шунинг учун ҳам: — Қўлинг билан бериб, оёғинг билан оласан, — деган гапларга маҳкам ёпишиб олмаслик керак. Ҳозир ҳамма онгли ва ақлли. Кимга бериш керак, кимга эса йўқ, ўзлари ҳал қилишади.

Кейинги пайтларда сариқ матбуотда кўп ёритилаётган Европа рухшуносларининг кўрсатмаларига кўп эътибор бермаслик керак. Буларнинг кўплари миллатимизга хос, бошқа халқларда учрамайдиган ўзбек халқи ўртасидаги одамгарчилик, мурувватлилик, савоб деган тушунчаларни йўққа чиқаради. Миллатимиз рухшунослари ғарб рухшуносларининг фикр-қарашларини ўзбекчага ўгирганда, минталитетимиз қонун-қоидаларини ҳисобга олсалар яхши бўларди.

### **Қимматга тушган қалин**

Саксонинчи йил бошларида қўшнимизникида бўлиб ўтган воқеа мени ҳамон ўйга толдиради.

Матёкуб аканикига совчилар келди. Гапни қизининг дон олишиб юрганидан бошлаган қудаларнинг гапи унинг тепа сочини тикка қилди. Беҳаё қизига аччиқ қилиб, кимошди савдосини бошлаб юборди. Қалинига олти минг сўм беришса, тўйга розилигини айтди.

Қудалар ноилож шартга кўнишди. Тўй бошланди. Пулнинг беш мингини олиб келиб, қолган мингини тўйдан кейин берамиз, дейилган гап отага ёқмади. Бирок, тўй ҳақида ҳамма ёққа хабар юборилган, уни тўхтатишнинг иложи йўқ эди.

Тўй куни етиб келди. Безатилган машина келинга муҳтож, у эса ҳадеганда чиқавермади. Матёкуб ака қолган пул келмагунича келинни машинага қўймаслигини айтди. Биров у деди, биров бу, бирок ҳеч кимнинг гапи уни раъйдан қайтаролмади. Рўзика опа зор-зор йиғлаётган қизининг дугоналарию, қариндош-уруғларининг олдида ер ёрилиб кириб кетишга ҳам рози эди. У ўзини эрининг оёғи тагига ташлаб, йиғлади, ёлворди. Хуллас, амаллаб қизини машинага чиқардида, кўнгли тинчиди.

Эртасига она эрта билан туриб, келин саломга тайёргарлик кўрмоқчи, таомилга кўра тухум билан гўшт ковуриб, қудаларникига жўнатмоқчи бўлди. Қараса, озиқ-овқат турган уй қулфланган, калитни эса эри яшириб қўйган. Ноилож қолган она уйнинг қулфини бузиб, маҳсулотни олмоқчи бўлади. Буни сезган хўжайин тўй бошланганидан бери ич-этини кемираётган минг сўмнинг аламини хотинидан олади — уни ўлгудек дўппослайди.

Ҳамма ёғи маматаалоғ бўлиб, шишиб кетган аёлнинг сабр-косаси тўлиб, бу шармандаликка чидай олмай, оғитхонада ўзини осиб кўяди.

Келин саломга шайланиб, ясан-тусан қилган аёлларнинг эғни аза кийимига алмаштирилади. Тириклигида қадр топмаган уйдан опасини чиқазгилари келмаган оғайнилар майитни кўтариб, уйларига олиб кетишади. Молпараст отадан безор бўлган тўққизта бола ҳам бу хонадонни тарк этади.

Хайхотдек уйда бир ўзи шўппайиб қолган эркак қилган ишидан минг пушаймон, пешанасини ушлаб ўтирибди. Бирок, кўза синган, ғишт қолипидан кўчган эди.

Не машаққатлар, орзу-умидлар билан ўстирган қизининг тўйи нима сабабдан онаизорнинг умрига зомин бўлди? Нима

сабабдан кечагина ўз бахти томон ошиқаётган қиз бугун ёқа йиртиб дод солмоқда? Кун оқшом тўйда югуриб-елиб хизмат қилган қўшнилари бугун дили яра, ҳовлини бошига кўтариб яйраб-яшнаган болалар кўркувдан дир-дир титрашади.

Отанинг фарзанд олдидаги бурчи миннат қилинмаганида, қизининг бахти, келажаги пулга ўлчанмаганида ҳамма нарсa рисоладагидек ўтар эди.

Яна бир собиқ қўшнимиз Фотима ая ўғлини ўзи ёқтирган қизга унаштирган эди. Орадан анча вақт ўтиб, уни кўчада кўриб қолдим.

– Тўйга айтарсиз, деб кутиб ўтирган эдим, эсингиздан чиқдим-а? – ҳазиллашдим унга.

– Э, тўй қаёқда дейсиз, бир йилдан бери қудаларимизнинг ноз-фироки адо бўлмаётти. Жуда баланддан келишяпти, ҳали уни буюришади, ҳали буни. Кам-қўстларни келтирмагунча тўйга жавоб йўқ, – дейишяпти. Ҳолимизни тушунасиз, жўжабирдай жон бўлсак, эр-хотин иккаламиз маошга кун кўрсак, жуда қийналиб кетдик, – деди қўшним хўрсиниб.

Бир тасаввур қилинг. Янги меҳмон хонадонга бошдан-оёқ ясан-тусан, тиллаларга кўмилиб кириб келсаю, уни кўғирчоқдек ясатиб қўйган қайнларнинг болалари усти юпун, эски-туски кийимда юрса. Бу кўғирчоқ уларнинг қайси бирига ёқадию, қай бири уни ҳурмат қилади? Аслида, оилалардаги кўпгина низолар ана шу манфаатнинг бузилишидан чиқади.

– У пайтларда қизлар қадрли эди, – деб қўяди қизи бор аёллар. Қиз бола туғилса, “волга”лик бўлибсиз, деб гапиришарди у пайтларда. Худога шукур, оғзига сикқанча қалин айтиладиган замонлар ўтиб кетди. Ҳозир қудаларнинг келишиб, тўйни бамаслаҳат қилишлари икки томон учун ҳам қулай бўлиб қолган.

Юқоридаги воқеалар бўлиб ўтган Хоразм юртида ҳозир вазият жуда ўзгарган. Бир пайтлари: – Қизнинг ота-онасига инсоф берсин, – дейиладиган бўлса, энди тескариси. Ўғли борнинг ўрни бўляпти. Келажакда, менимча, Ўғли борнинг нози бор, – деган мақол урфга кирса керак.

### Дийдор қиёматга қолди

Онанинг таъриф-тавсифларга муҳтожлиги йўқ. Ҳеч банда фарзанди учун у каби қуйиб-ёнмайди. Она шаънига салгина

ноўрин калом ҳам гуноҳ. Бироқ. . . сизга рисолага сигмаган бир тарихни сўзлаб бераман.

Хадемай куёвли бўладиган ёшда Рўзигул опа айниди — маҳалласидаги бадавлат, кўркам одамни ёқтириб қолди. Қизи ўн бешга, ўғли ўн учга қадам қўйган аёлнинг кўзига рўзгор ҳам, болалари ҳам кўринмади. Бор гапни ҳалим эрига айтдию, ҳамма нарсадан воз кечиб, севгилиси билан яшай бошлади.

Хаёт мураккаб. Бировнинг ҳолатига ёки кўнглидаги туйғу ва кечинмаларига баҳо бериш кийин.

Оталик икки бола тул етим бўлди. Қаторда еб ейишолмади, кийиб кийишолмади. — Эр йигитнинг номусга қолгани — ўлгани, — эсини таниб қолган Ўктам алам ўтида ёнди. — Энди ҳеч қачон уни она демайман, қайтиб келса уйга киритмайман, — дея фиғон чекди. Тенгқурларининг “онанг фалон” дейиши уни тамоман эзди.

Ўғайлик ҳам уни ўз онасига илита олмади. Волидасининг бегона эркак билан бир маҳаллада, кўз-кўзга тушиб турадиган жойда яшаётгани Ўктамни бадтар эзгилади. Йигитлик ғурури уни хонанишин қилди, ҳеч ким билан гаплашмайдиган, пана-панада ҳаёл сурадиган бўлиб қолди. У онамни кўрмасам, дердию, соғинарди. Соғинардию, уни кўрган кўзларим кўр бўлсин, — дея алам ўтида қовриларди.

Худонинг буюргани шу бўлдим — у охири руҳий азоблардан кутулди. Дийдор қиёматга қолди.

Маҳаллада тўй бўлди — келин тушди. Айни ўйин-кулгу қизиганида чирок ўчиб қолди. Уй эгаси машъала ёкиш учун бир қулоч таёкка латта ўради-да, уни бензинга ботириб, гугурт чакди. Эҳтиётсизлик ён атрофдаги қизикқон болаларнинг бошига бало келтирди. Бирданига лоп этиб ёнган машъаладан тўрт-бешта бола ўзларини сақлашга улгуролмай қолди, олов уларнинг этагига ёпишди. Атрофдагилар жон талвасасидаги болаларни ушлаб, дарров тупроққа ётқизиб, оловни ўчиришди. Аммо Ўктам азобга чидолмайми, ёки яқин атрофдаги биронта сувни мўлжаллабми, ҳеч кимга туткич бермай югуриб кетди. Унинг: — Онажон, ўлиб қоламан, онажон, — деган ҳайкириғи бутун маҳаллани ларзага келтирди. Болани ушлашганда, у адоий тамом бўлган эди. Касалхонада жони узилди.

Нафрат неча ой-йиллар Ўктамни онасининг эшиги олди-дан ўтмасдан, яқин йўлни узоклаб мактабга қатнашга мажбур

килган эди. Шу куни у негадир ор килган кўчасидан фарёд чекиб ўтди. — Она. . . — дея унинг дарвозаси олдига югуриб бориб, бироқ, у ерда ҳам туролмади.

Жигарбандининг дод-войларини эшитган она бу пайтда кай аҳволда эди?. . . Жон талвасасидаги фарёдлар қулоғига кириб, юраги безовта бўлган онани эри чиқишга қўймаган. Эҳ, она-я. . . Эргинанг сени қайта хотин килмасин эди, уйидан ҳайдалиб, тоғу тошларда, қир-адирларда дарбадар юргин эди. . . Юрагингда қолган-кутган оналик меҳри билан жон азобида тўлғанаётган болангнинг вужудидаги алангани ўчирсанг бўлмасмиди? Қайсидир бандаларини тирноққа зор, қайси бирларини ўғилга зор қилиб турганида худонинг берган неъматини асрай олмаганинг учун эртага унинг олдида қандай жавоб берасан? Эл-юрт олдида қандай бош кўтариб юрасан?

Аёл кейинги эридан кун кўрмади. Севгиси ҳақоратлар ва кўз ёшларга алмашди. Кексайиб, мадордан қолгунча эридан калтираб-қақшаб яшади. Ўзидан тинчиб, ёйилиб-ёзилиб яшаётган қизи уни уйига олиб келиб, ўзи қаради.

Тўксондан ошгунча тим-тик яшаган кампир бир пайтлари ўзи хор қилиб ташлаб кетган қизининг уйида ўтириб, нималарни хаёл қилдйкин? Ўтмишини ўйлаб Яратганнинг олдида қилган тавба-тазаррулари унинг гуноҳларини енгиллатдимикин?

Ҳар ким ўзи учун жавоб беради. Бировнинг ўтмишини титкилаб, изоҳлашга тилимиз ожиз. Марҳумлар ортидан: — Жойини жаннатдан қилгин, уни ўз мағфиратингга олгин,— дейиш энг мақбул иш.

### **“Ҳайвон ундан яхшидур. . .”**

Буюк бобомиз Алишер Навоийнинг: — Одам борки, одамларнинг нақшидур; Одам борки ҳайвон ундан яхшидур, — сатрлари ҳаммага таниш. Ҳаётда ҳар хил воқеаларга, турли одамларга дуч келавериб, ушбу сатрларни тез-тез такрорлайдиган бўлиб қолганман.

Хоразмга бораётганим хабарини эшитган онам мени ҳар гал шундай сўзлар билан кутиб олардилар: — Кечаси билан кўзимга уйку келмади. Болаларга айтдим: — Ана қаранглар, амманг мана шу самолётда учиб келяпти, — дедим.

Бир ташрифимда улар ҳар галгидек кутиб олмадилар. Ма-

шинадан тушяпман ҳамки, кўринмадилар. — Сигнал беринг, уй юмушлари билан чалғиб қолдилар, шекилли, — дедим амакимга. Сигнал чалинди. Онамдан эса дарак йўқ. Бу муомаладан хайрон бўлиб, айвонга кирдим. — Опа, бу уйга меҳмон керакми, ўзи? — деган хайқиригимга: — Келавер, мен шу ерданман, — деган хаста овоз эшитилди. Овоз келаётган хонага кирсам, онам тўшакда ётибдилар. — Сизга нима бўлди? Нега уйда ҳеч ким йўқ? — хайрон бўлиб сўрадим салом-алиқдан сўнг.

— Ҳаммаси ишга кетишган. — Чиққан қиз чигирикдан ташқари, ҳеч қайсисига хабар қилгим келмади, — дедилар онам.

Шу воқеа сабаб бўлиб, менга онам бир гап айтдилар:

— Биласанми, нима учун сигиримни сотгим келмайди. Болалар мени қанча уришади, сут бермаса, бунинг устига қисир бўлса, нима қиласиз уни сақлаб, беҳудага ем-хашакка пул кеткизиб, — деб. Сигир менинг дарддошим, унга дардларимни айтиб йиғлайман. У мени соатлаб эшитади, олдидаги ўтини ҳам емасдан қулоқ солиб туради, мен йиғласам, у ҳам йиғлайди.

— Қўйсангиз-чи, опа, қаёқдаги гапларни гапирасиз, — дедим:

— Ана кўрдингми, сизларнинг ҳеч қайсингиз мени жим туриб тингламасизлар. Ҳаммангиз фақат ақл ўргата бошлайсизлар, Мени гиппа бўғасизлар. Фақат сигиримгина гапларимни жимгина эшитади.

— Нималарни гапирасиз ўзи сигирингизга?

— Саъдулламни гапираман, — дедилар кўзларига ёш олиб. — Сизларнинг ҳаммангиз бирпасда ўз уйларингизга тарқаб кетасизлар, фақат сигиримгина доимий ҳамроҳим. Яна уни сот дейсизлар.

Эх, бечора онагинам-а, бир неча йил олдин фожиали ҳалок бўлган ўғлининг дардидан шу тахлит таскин топаётган эканлар-да. . .

Онам сигирини нима сабабдан бунчалик аяшини, ҳадеб олдига бориб, “сувини ичдимикан, ўтини емаяпти,” — деб қайғуришларини энди тушундим.

Етмишидан ошганда ҳам сигирни ўзлари соғдилар, уни ҳеч кимга ишонмадилар. Бир куни келинининг елим қўлқоп билан сигир соғаетганини кўрган онам:

– Бу нима қилиқ, етти авлодинг қилмаган ишни сен қаердан ўргандинг, сигирнинг кўкрагига шикаст етказиб қўясан-ку, –деб қўлидан челакни олиб, қайтиб уни сигир ёнига йўлатмаганлар.

Яқинда онамнинг мазалари қочиб, касалхонага ётиб қолдилар. Операциядан зўрға чиққан онам гапга оғизлари қовушмайдию, уйдан борган одамдан сигирини сўраб ётдилар.

– Опа, энди сота қолайлик, барибир унга қарашга ярамайсиз. Ўзим сизга зотдор, серсутлисидан олиб бераман, –деди укам.

– Менга бошқаси керак эмас, олиб келадиганинг Саъдулламни кўрмаган. Яхшиси уни мен тузалгунимча фермага бергин, пулини тўласанг, яхшилаб қараб беришади, – дедилар онам. – Тавба, одамга одам беролмаган тафтни хайвон бера оларкан, –дедим ичимда.

Бу гапни таъсирланиб синглимга айтган эдим, у бундан-да ажойиброқ воқеани гапириб берди.

– Ҳар куни эрталаб бир ит мени ишимгача кузатиб қўяди, –деб ҳикоясини бошлади Гулора. –Ишим соат олтида бошланади. Борадиган ерим олис, йўлқирани аяб, ҳар куни пиёда кетаман. Эрталаб беш яримда уйдан чиқаман. Биласиз, киш кунлари кўчалар жуда қоронги, кўрқинчли бўлади. Уйдан то ишга етиб боргунимча тилимда фақат калима қайтариб бораман. Кўчада бемахалда содир бўлаётган ҳар хил гапларни эшитиб, ўкиб баъзан юрагимни ҳовучлаб ўтаман. Шу ишга ўтганимнинг учинчи, ё тўртинчи куни шекилли, бир кучук менга эргашиб то ишгача орқамдан борди. Кейин бу ҳол ҳар куни такрорланди. Охири унга ўрганиб қолдим. То катта кўчагача у мен билан бирга боради, кейин унга: –Энди кетавер, буёғига қўрқмайман, ўзим кетаман, – дейман. У ғирра орқасига қайрилиб кетади.

Бир куни Анора бизларникида ётиб қолди. Тонг билан туриб Хазорасп бозорига бориши керак экан. Бекатга уйим яқин бўлгани учун кечқурун келиб, эртасига кетадиган бўлди. Иккаламиз тонгда туриб, мен ишга, у эса таксилар турадиган жойга қараб кета бошладик. Гап билан бўлиб кучук эсимдан чиқибди. Унутаёзган “дўстим”ни ахтара бошладим. – Хув, ана кўряпсизми, боятдан бери бизларни кузатиб келяпти, ўша

эмасми сиз айтаётган ит? – сўради синглим.

Қарасам, у ҳақиқатан ҳам орқамизда бизларни кузатиб келаётган экан. Анора такси тўхтайдиган жойда қолди. Мен яна озгина юришим керак эди. Шу пайт ит югуриб келиб, доимий хайрлашадиган жойимизга етиб келганида, орқасига қайтди.

Кечкурун яна уйимизга келган синглим:

– Опа, тўғрисини айтсам, ит ҳақида айтиб берганингизда ишонмаган эдим. Сизга уни аслида Худо юборган. Уни авайлашингиз керак. Унга бирон егулик берасизми ўзи?–деб сўради. Бу фикр ҳечам ҳаёлимга келмаган экан. Шу гапдан кейин эртасига уйдан нон олиб чиқдим. Ажабо, емади, ҳатто кайрилиб ҳам қарамади. Кейинги куни эринмасдан салафанга овқат солиб чиқдим, бунга ҳам қарамади. Шундан кейин ўйладимки, овқатни ейман деб чалғиса, мен кетиб қоламан, шунинг учун овқатга қарамаётган бўлса керак, деган ҳаёлга бордим ва у мендан ажралиб қоладиган катта кўчага чиққанда овқатни олдига қўйиб кетдим. У лукмани оғзига олмасдан, менга тикилиб қараб турди. Овқатни еган-емаганини кузатолмадим, бироқ кўчага нон ушоғини ташлаб юришни ўзимга эп кўрмадим ва унга бошқа емиш олиб чиқмадим. Лекин, у хар куни тонг билан олдимга югуриб келаверди. – Балки, у етимларнинг ҳақини емаётгандир, –деди бу гапни эшитган кўшним. Унинг гапи кулгимни қистатса ҳам, бироқ унинг тағида жон борлигига, шу миттигина жонивор ўзини инсонман деб санаб юрган баъзи нокаслардан кўра мен учун кадрлироқ эканига амин бўлдим.

Ўзининг учта боласини етим қилиб, хор-зор қилган отадан кўра шу ит диёнатлироқ эмасми? Бировнинг болаларининг насибасини еб ўтирган хотиндан кўра оғзига лукма олмаётган кучук афзалроқ эмасми?

Гулоранинг ҳикоясини эшитар эканман, унга дедим:

– Эринг ўтириши лозим бўлган тўрдаги кўрпачага шу кучукни ўтирғизсанг ҳам арзиркан. Имонда итчалик бўлолмаган нокас инсонийликни шу ҳайвондан ўрганса бўларди.



## Ҳангомалар. Айтимчилик

Бешта опа-сингилнинг каттаси эса-да, Унсиной опанинг бу дунёни тарк этиши унинг яқинларини чуқур қайғуга солди. Эндигина эллик ёшни қоралаган, ҳали зиммасида узатиладиган қизи ҳам бўлган марҳуманинг анчадан бери бўғимлар шамоллаши касаллигидан азият чекаётгани унинг барча қариндош-уруғига маълум эди. Бир томони ёшгина умрининг бевақт хазон бўлгани, иккинчи томондан отасиз қизнинг янгалари кўлида қолиши қон-қардошларнинг дилини вайрон қилди. Шу сабабли ҳам унинг қизлари ва сингилларининг майит устидаги фиғони кўкка ўрлади.

Ўзбекчилик-да, азадорлар ўзининг ғам-қайғусидан кўра кўпроқ эл-элат учун йиғлаб бериши керак. Бўлмаса, гапга қолишади. Биров учун йиғлаш эса албатта айтимчиликдан иборат. Бири олиб, бири кўйиб гиря қилаётганларнинг ичида Фармонбибининг шу десангиз, дегувчи келинига ўхшаш, оғзидан ҳа ёки йўқни зўрға суғуриб олинадиган қизларнинг кичиги Турсуной теварак-атрофидаги қариндош-уруғларнинг айтимчилик қилиб бўзлашаётганини кўриб, индамай изиллаб ўтиришни ўзига эп билмай, ҳеч бўлмаса ёнидаги қарс уриб, бир нималарни айтиб йиғлаётган опасининг айтганларини таққорлаш учун унинг гапларига яхшилаб қулоқ солибди. —Ойим опам, ойдиним опам, қоронғи кечаларда офтобим опам, онам ўрнида онам бўлган опам, — деган сўзларни ёдлаб олган кенжа қиз: — Олма пишганда галинг, —деган сўзлар қандай қилиб оғзидан чиқиб кетганини билмай қолибди.

## Ташхис

Қўл телефонининг янги чиққан пайтлари. Маҳаллада кимнингдир кўлида ё бор, ё йўқ. Отажоновлар хонадонининг эса бундай нарсалардан мутлақо хабари йўқ эди. Бир куни яқинда уйланиб, ҳали куёвлик мартабасидан тушмаган Раҳимбой юраги ёрилар даражада ўзига қўшни бўлиб яшайдиган момо-

сининг олдига югуриб келди.

— Эна, мана буні кўринг, шу нарса билан бутун дунё билан гаплашса бўлади. Хоҳласангиз аммамга телефон қилиб бераман. Туркия билан ҳам гаплашса бўлади, — деди у қувончини ичига сиғдиролмай. Теварагига йиғилган меҳмон аммаларига кўлидаги жимиттаккина қутининг у ёқ-бу ёғини очиб, ундаги ёзувларни кўрсата бошлади. “Сохранить” ёзувини яшил рангга олиб, уни энди тушунтирмоқчи эди, уйқудан уйғонган неварасини кўтариб, халлослаб келган Гулора амманинг ёзувга кўзи тушиб:

— Опа, бу нарса сизнинг “сахар” ингизни кўрсатяпти. Яна бир бура-чи, менинг ревматизмимни ҳам билармикан, — дермиш ҳаяжонланиб.

### Совға

Хотин-қизлар байрами яқинлашиши билан ота-оналар оёғи куйган товукдек типирчилаб қолишади. Жонкуяр оналарнинг биронтасидан чиққан фикрми ёки ўзларининг қулайини ўйлаб устозлардан бирининг секингина таниш “родитель”ига шипшитиб кўйгани туфайлими кейинги пайтларда оёқ-қўли чаққон оналардан бирининг пул йиғиб, уни: — Керакли бирон нарсангизга ишлатарсиз, — дея устознинг қўлига тутқазгани сихни ҳам, кабобни ҳам қуйдирмайдиган бир иш бўлди. Тўғри-да, нима олсам экан, деб ота-оналар овора бўлишмайди. Ўқитувчи ҳам керак-нокерак нарсалардан сумкасини тўлғазиб кетмайди.

Бизлар ўқиган пайтимизда пул йиғиб бериш деган гап ўқитувчи шаънини ерга урадиган ҳол ҳисобланарди. Нафақат ўқитувчилар, умуман таниш-билишлардан биров иккинчисининг ҳожатини чиқазганда ҳеч қачон ўртада пул деган нарса ишлатилмасди. Қаранг-а, замоннинг шунчалик шитоб билан ўзгарганини. . . Ҳозир, аксинча пул ҳисоб-китоби ҳаммага қулай бўлиб қолди.

Биринчи синф пайтимиздаги 8 март байрамида ҳар ким уйидан олиб келган совғасини — кимдир рўмол, кимдир сочик, кимдир у пайтларда энг кўп урф бўлгани — атир совунини синфхонани шовкинга тўлдириб столда ўтирган ўқитувчининг олдига қўйиб кела бошлади. Бир пайт синфи-

миздаги Қурбонбой исмли бола ҳожатхонага чиқиб келишга рухсат сўради. Биринчи дарс тугаб, иккинчисига ўтдик ҳамки, ундан дарак бўлмади. Хавотир олган устозимиз синфкомни унинг орқасидан хабар олишга юборди. Бўшашиб қайтиб, йўқ деган жавобни олиб келган боланинг орқасидан синфхонага қўлида иккита кир ювадиган совун кўтарган, ҳаллослаб терлаб-пишиб кетган Қурбонбой кўринди.

Ҳайрон бўлиб турган устознинг олдига кир совунлар эндигина қўйилган эди, бир пайт эшик зарб билан очилиб, бўсағада калта бўйли, лорсиллаган аёл пайдо бўлиб:

– Тинчликми ўзи? Нима учун бунга кир ювадиган совун буюрдингиз? Ишхонамга бориб, стол устида турган иккита совунни ёнимдагиларнинг кўзини шамғалат қилиб, олиб қочибди. Уларнинг олдига ер ёрилмади, ерга кирмадим, – деди жаҳлдан бўғриқиб у.

Устозимиз ҳеч қандай совун буюрмаганини, у ҳожатхонага деб рухсат сўраганини эшитган аёлнинг тепа сочи тикка бўлиб, қизариб-бўзариб турган ўғлидан нима учун ёлғон гапирганининг сабабини сўраган эди:

– Ҳамма совға бермоқчи, ҳеч бўлмаса ишхонангиздан олиб келадиган совундан беринг, десам ҳам бермадингизку, – йиғлади у ҳамиша калласидан таёк еявериб ўрганиб қолганидан иккала қўли билан бошини яшириб.

Кейин билишимизча, унинг онаси мактаб-интернатда кир юувчи бўлиб ишлар ва даромади ҳар куни уйига битта кир совунни бекитиб келишдан иборат экан.

Эллик йилдан бери синфдошлар йиғинидаги энг кўп оғизга олинадиган гап – Қурбонбойнинг иккита кир совуни бўлди.

## Ғафлат

Шамоллашга қарши лимондан тайёрланадиган малҳам ҳақида бир газетада ўкиб қолдим, шабада шир этса, дув этиб кўзимдан ёш оқавериши жонимга тегиб юргани учун дарров шу ишни амалга оширмоқчи бўлдим. Бозордан бир кило лимон келтириб, уни уруғларидан тозаладим-да, пўсти билан биргаликда қиймалагичдан ўтказдим. Устига икки кило шакар солиб, кастрюлкани тоғорадаги қайнаб турган сув устига қўйдим. Иккаловини яхшилаб аралаштириб, банкаларга

солдим-да, музлаткичга тикдим. Газетада ёзилганидек, ҳар куни овқатдан ярим соат олдин бир ош қошиқдан ичишим танамга анча ором берди. Ҳадеб шамоллайверадиған аёлнинг шу малҳамни истеъмол қилганидан бери беш йилгача бирон марта аёзламаганини эшитиб, бунга қўшнилар ҳам кизиқа бошлашди. Менга ўхшаб астойдил ихлос қўйган ён қўшним айнан ёзилганидек бўлиши учун малҳамни менинг шахсан ўзимга тайёрлатди. Грипп сезони бўлгани учун малҳам долзарб масалага айланиб, бошқа хонадонларда ҳам тайёрлана бошланди.

Янги кўчиб келган қўшним ҳали гўшт қиймалагич олишга улгурмаган шекилли, сўраб чиккан эди, бериб юбордим. Қўшничилик қонун-қоидаларини ҳали яхши ўрганмаганми, ёки қайнонаси билан кўп фурсат бирга бўлмаганига қараганда қарқара келинлардан эмасми, хуллас, қиймалагични қайтариб олиб чиқиш унинг хаёлидан кўтарилди. Орадан анча вақт ўтиб, ўзимнинг ҳам эсимдан чиқиб кетган бу зормандани иккинчи қўшним сўраб чиққанида масҳара келинникида эканини айтиб, шу билан қиймалагичимнинг хонама-хона сафари бошланди. Туғилган кунимда қизим совға қилган кадрли асбобим қўлимга етиб келганида худди янги совға олаётгандек хурсанд бўлиб кетдим. Қайтиб келганига шунчалик қувонибманки, бир қур бўлсин унинг шак-шамойилига қараб ҳам қўймабман. Ишлатиш пайти келганида қарасам, унинг столга тиралиб турадиған кичик халқаси йўқ. Арзимаган нарсани қўшнилардан сўраб юришни ноқулай билиб, унинг йўқ жойини бор қилиб, жонимни қийнаб бир амаллаб ишлатиб юравердим. Ўғлимнинг йўқлиги, куёв барибир ўғил бўлолмаслиги, агар ўғлим бўлганида бунчалик қийналиб юрмаслигим, бир нарсам бузилса бузилиб ётавериши, сингани синган жойида туравериши каби одатий ўйларим бўй кўрсатиб, ўзимга ўзим эрмакка сотиб оладиган доимий аразгиналарим янада кучланиб, йиғлаш учун гўё бу ёруғ жаҳонда бошқа баҳона-боиз топилмайдигандек ҳар сафар халқаси йўқ қиймалагичимни терлаб-пишиб, қийналиб ишлатганимда, эзилиб-эзилиб, тўйиб-тўйиб йиғлаб олардим.

Орадан беш йил ўтди. Қиймалагичим ҳамон ўзининг кадрини ўтказиб, мени қийнашдан ҳузур қиларди. Икки ярим йилдан бери янги кўчиб ўтган уйимнинг шундоғ деразаси

тагидаги эрталабдан кечкурунгача камида ўн марта назар ташлаб қўядиганим, ҳеч бўлмаганда бир марта ёнидан ўтиб кетадиганим, бироқ бирон марта яқинлашиб, бирон нарсани сўрамаганим бозорчани кесиб ўтаётиб, нечуқдир майда-чуйда темир-терсак сотаётган чолга яқинлашдим-да, унга қиймалагичим ҳақида гапирдим. Менга керакли бўлган бурайдиганидан йўқ экану, бироқ харидорни кеткизгиси келмаган чолнинг гапига кириб, бурайдигани бўлмаса ҳам ҳарна столни эзишдан саклайдиган силлиқ халқани 200 сўмга сотиб олдим. Шундай арзон нарсани деб ўзимни йиллаб қийнаб юрганим алам қилиб келаётиб, лоп этиб эсимга бир нарса тушиб қолди. Уй таъмиридан ортиб қолган бир челақ майда-чуйда темир-терсакни бирон марта очиб қарамабман-а, — деб ўйладиму, нуқул онамнинг: — Теварак-атрофингга жуда бефарқсан. Ҳовлимдаги дарахтларнинг тепасига бир қарадингми? Ахир сенинг оғзинг тегсин деб қачондан бери қанча болаларни қувиб ўтирибман. Сенингдек безътибор одамдан қандай ёзувчи чиқади, ҳайронман, — деган гапларини эслаб, уйга кира солдим, челақни катта салафан устига қуйиб, қарасам... чолдан сотиб олганим — буралмайдиганидан сонсиз-саноксиз, бозордан тополмаганим айна бураладиганидан эса ўндан ортиғи ерда сочилиб ётарди. . .

### Номсиз хангома

Тошкентга янги келган пайтларим эди. Ишга кириб олиш учун олдин Тошкент вилоятига доимий рўйхатга ўтдим. Кейинчалик шаҳардан уй олишим зарурлиги туфайли шаҳарнинг ўзига рўйхатга туриш учун таниш-билиш ахтариб юрган пайтимда Гавҳар деган ўртоғим юрист бўлиб ишлайдиган Сафарбой деган йигит билан таништирди. Рўйхатга ўтиш учун биронта ҳовли ёки ётоқхона топиш керак эди.

Бир куни Сафарбой ака телефон қилиб, уйига рўйхатга қўйишга рози бўлган одам топганини, кечкурун соат олтида шу одам билан учрашишим кераклигини ва паспортимни олиб келишимни буюриб, бир адресни айтди. Бегона одамнинг уйига ёлғиз боришим ноқулай бўлаётганини айтиб дугонамни чақирдим ва иккаламиз айтилган манзилда учрашадиган бўлдик. Қурук қўл билан бормай деб, йўл-йўлакай тўртта нон ҳам олдим.

Келишилган жойда анча туриб қолдим, Гавҳардан эса дарак йўқ. Кутавериб, хавотир олдим, ёки деразадан кўриб турган эканми, Сафарбой аканинг ўзи чиқиб келиб: — Офтобда турманг, Гавҳар келадиган бўлса ўзи кираверади,— деб мени бошлаб кетди. Орқасидан бориб, у кириб кетган эшик олдида туфлимни ечдим, даҳлизга кирдим. Яланғоч даҳлизни кўриб ҳайрон бўлдим. Хотини шунчалик ҳафсаласизми, ё камбағал туришармикан, ҳеч бўлмаса оддий шол ҳам ёйишмабди, деган ўйлар билан гўнғир-гўнғир овозлар келиб турган тўрдаги хонага секин бош суқдим. Милиционер кийимидаги одамларни кўриб, шунчалик одам йиғибдими уйига, деб ҳайронлигим янада ошди. Столни ўраб ўтирган одамлар менинг яланг оёғимга қараб қолишди. Ўзим турган катта хонанинг ҳам, эшиги очиқ турган ички хонанинг ҳам тўшалмасдан турганини, ичкаридан бир одамнинг қўлида қоғозларни ушлаб шошиб-пишиб кўчага чиқиб кетганини кўриб бирдан ўзимга келдим — апил-тапил орқамга қайтиб, йўлакдаги туфлимни кийиб олдим.

### “Эмизикли аёл”

Ёш пайтимизда бошимизга рўмол ўратиб, енги узун кўйлак кийдиришарди. Келинларга ўхшаб ўраниб юриш биз қизларни жуда изтиробга солар, бундан хафа бўлиб гапирсак:

— Кўчадагилар билан ишингиз бўлмасин. Сизлар уларга эмас, улар сизларга қараб кийинишни ўргансин. Сизлар хўжа қизларисизлар. Бувангнинг эшон деган номлари бор, шунга қараб иш қилинлар, —деган жавобни олардик онамиз ва момомиздан. Бизларга синфдош ё курсдош йигитлар гап айтишга ҳайиқишармиди, билмадиму негадир деярли барчамиз совчилар орқалигина турмуш курганмиз.

Кенжа синглим Муқаддас тўрт ойлик пайтида онам касалхонага тушиб қолдилар. Ҳар куни мактабдан кейин уни онамнинг олдиларига олиб бориб, эмиздириб келаман. Тушгача кеннойим — амакимнинг хотинлари олиб борадилар.

Бир куни автобусда одам кўплигидан қисликдими, ё қорни оч бўлиб кетдими, у роса биғиллаб йиғлайверди. Ёнимдагиларнинг бири олиб, бири қўйиб овутишса ҳам ҳеч кимга қулоқ солмади. Орқамда ўтирган аёлнинг сабри чидamay: —Эмизма-

сангиз бўлмайди, шекилли, — деди. Индамай ўтирганимни кўриб, тушиш учун тайёрланиб турган аёл ҳам боятдан бери зўрга турган эканми:

— Нимадан уяласиз, бу ердагиларнинг ҳаммаси эмиб улгайишган, болани кийнаб юбордингиз, — деди зарда билан. Ўзига оро берган бир татар хотин қизариб-бўзариб ўтирганимга кўзи тушиб, мен билан бир ўриндикда ўтирган йигитга:

—Турсанг-чи, ўрнингдан. Кўрмаяпсанми мамашка уяляпти, — дейиши билан у дик этиб ўрnidан туриб кетди.

— Мен ўнинчи синфда ўқийман, — дея онамнинг бетоблиги, чакалокнинг азоби устига ўзимга ёқмаган кийимларимнинг алами бир бўлиб йиғлаб юборганман ўшанда.

### Малҳам

Ўн тўрт-ўн беш яшар пайтларида бўлиб ўтган бир воқеани онам тез-тез эслаб турадилар.

Иккинчи келин тушгандан сўнг хоналар торлик қилиб қолгани учун бувам боғ этагидан икки хоналик уй қилмоқчи бўлиб, бир уста ёллаганлар. Ўзларининг касби қурувчи бўлганлиги сабабли усталарни кўпайтирмасдан, фақат иккаласи ишлай бошлаган.

Шу йилги рамазон ойи саратонга тўғри келган. Бетоб пайтларида ҳам рўзасини канда қилмайдиган бувам бироз ҳолсизланар, буни сезган йигит кўп оғирликларни ўз зиммасига оларкан. Қўлидан кўп шогирдлар чиқарган бувам йигитнинг виждонан ишлашини кўриб, уни ўзига шогирд қилмоқчи эканини бир неча бор момомизга фаҳрланиб гапирган эканлар. Рўза кунлари битта ўзи тушлик қилаётган уста ёлғизликдан зерикими, апил-тапил овқатини еб олиб, яна ишга тушиб кетаркан.

Бир куни тушлик учун чой дамлай десалар, уйда сув қолмаган экан. Онам дарров икки челақни олиб уйларида олисроқдаги қудукдан сув келтириб, ўчokka ўт ёқибдилар-да, қайнаган сувнинг устига қуруқ чойни солиб, хизматкорнинг олдига олиб борибдилар. Онамнинг ёшлиги урушдан кейинги очарчилик даврига тўғри келган бўлса ҳам, бувамнинг хунари орқасидан яхши ҳаёт кечиришаркан. Хизматга ярайди, деб бувам кўпинча тушликка палов қилдираркан.

Ёғлиқкина бўлган ошдан кейин чой ҳам роса тортганми, йигит ўша куни катта чойнакдаги чойнинг ҳаммасини ичган. Ҳеч қилмайдиган одати — бироз ёнбошлаб, мизғиб ҳам олган ва яна ўрнидан туриб, ишини давом қилдирган. Тушдан кейин идишларни ювиб қўяётган онам чойнакнинг ичида ётган кўм-кўк қурбакани кўриб, кўрқиб кетган ва овозининг борица бақириб юборган. Чинқириқни эшитган онаси ва сингиллари югуриб келишиб, кайноқ сувдан эзилиб-ўлиб ётган қурбакани кўриб, сесканиб кетишган. Момоннинг насихати билан қаттиққўл ва аяб ўтирмайдиган бувамдан буни сир тутишган.

Эртасига йигит ишга чиқмаган. Бувам ҳайрон бўлиб, бир ўзлари ишлаганлар. Индинига ҳам чиқмагандан кейин кун бўйи ишлаб чарчаганига қарамай, йигитнинг уйини сўраб-суриштириб, хабар олгани борганлар. Бувамни йиғлаб кутиб олган онаси уни кўрпа-ёстик қилиб ўраниб ётган ўғлининг олдига бошлаб кирган. Қарасалар, йигитнинг аъзойи бадани шишиб кетган, зўрға нафас олаётган экан.

Бувамнинг раҳми келиб, дарров йигитнинг ишлаган ҳақини ортиғи билан олиб бориб берибдилар. Уйга келгандан сўнг момомизга:

— Бошқа уста топмасак бўлмайди, у бу яқинда тикланидиганга ўхшамайди, — дебдилар. Йигитга бирор қор-қол бўлса худонинг олдида нима деб жавоб берамиз, — деб ўйлаган момом бор гапни уларга айтиб берибдилар. Буни эшитиб кўрқиб кетган бувам ҳамма ишини ташлаб Тошҳовуз шаҳридаги таниқли бир табибдан бир тўда гиёҳлар келтириб, йигитга олиб борганлар. Ҳар куни хабар олиб турган бувам ўзгариш сезилмаганидан сўнг:

— Энди у омон қолмайди, — деб бир коп ун ва бошқа бир тўда сарф-харажат қилиб йигитнинг уйига ташлаб келганлар. Маъракасига деб бир кўй билан кафанликни уйда тайёрлаб қўйганлар.

— Агар сендан кимдир чойни ким дамлаганини сўраса, отам дамлади деб айтгин, бўлмаса сени қамаб қўйишади, — деб онамга тайинлаб қўйганлар.

— Бир куни кутилмаганда йигит остонамизда пайдо бўлди. Уни кўриб ҳаммамиз хурсанд бўлиб кетганмиз. Ўзининг айтишича, у илгаригига нисбатан ўзини анча бардам ҳис қилаётган

экан. Бунинг сабаби табибнинг гиёҳларими, ё қурбаканинг хосиятиими, билолмадик, — деб кулиб ҳикоясини тугаллайдилар онам ҳар сафар эслаганида астойдил хурсанд бўлиб.

### “Тил” чилар

— Ёшлигимизда жуда содда бўлган эканмиз, — деб раҳматлик отам бир воқеани гапириб берган эдилар. Иккинчи курсда ўкиб юрган пайтларида курсдошлар йиғилишиб, Тошҳовуз шахрини томоша қилишга боришган. Айланиб юришганда бир она-боланинг гаплашиб турганини эшитиб қолишибди. Уч яшар туркман бола хархаша қилиб, шунақаям тез гапираётган эканки, буни кўрган талабалар:

— Шунча ўкиб, бизлар билмаймиз туркманчани, бунинг гапиришига қаранг, — деб ҳайрон бўлишган экан.

### Қочоқ

Еттинчи синфдан бошлаб, мактабда тўрт йил, талабалик давримда эса беш йил ётарлайин пахтага бориб, даланинг чангини чиқарганман. Илк бор дала четига қадамимиз текканида шаҳарга яқин туман далаларида уч ой — то охириги кунлари тупрокни титкилаш даражасигача юриб, январь ойида, биратўла таътилдан сўнг ўқишга тушганмиз. На телевизор, на биронта телефони бўлмаган ўлик сукунат ҳукмрон бийдай далаларда ойлаб қалтираб-қақшаб юрганимизда пахта мавсумида бизлардан кам аҳволга тушмаган ота-онамиз йўлини қилиб, ойда бир марта кўриб кетишга зўрға имкон топишарди, холос. “Чаман-чаман очилган лўппи оқ олтинларни терувчи биз бахтиёр пахтакорлар” нинг кунимиз кўпинча гўштсиз овқату, буханка нонга қоладди.

Кўрпа-ёстикни қўлтиқлаб уйдан чиқиб кетганимиздан сўнг йўлини қилиб бирров хабар оладиган ота-оналаримиз тўртинчи курс пахтасида анча хотиржам бўлиб қолишди. Хабар оладиган инсон йўк. Нима еябмизу, соғлигимиз қай аҳволда, хабарлашишга ҳатто бутун бошли бригадада битта телефон ҳам йўк.

Мавсумнинг охириги кунлари эди. Сўнгги курсдалигимиз эканлиги бизларни бироз кўксимизни кўтарган. Эркалайдиган одам йўк, ўзимизни ўзимиз эркалаймиз.

Бизларни кўриқлаб юрган домланинг оиласидан нохуш

хабар келиб, йўқлигимни билдирманглар, сизлар энди катта боласизлар, ҳамма нарсага тушунасизлар, деб тайинлаб уйига кетди. Биринчи, иккинчи куни яхши бола бўлиб юрдик. Учинчи кунга караганда кимнингдир калласига нариги бригадада пахта тераётган, ҳозир нима дейишади билмайман, биз давримизда “поток” деб айтиладиган, умумий фанларни – фалсафа, тиббиёт, атеизмни бирга ўқийдиган курсдошларимиздан бир хабар олиб келмоқчи бўлиб, йигирмадан ортиқ қиз ва тўрт йигитдан иборат группамиз билан йўлга чиқдик. Ўликлар салтанатининг подшолари бўлган ҳамдардларимиз бизларни кўриб хурсанд бўлиб кетишди. Болалардан бири табельчининг уйига бориб, ишонмай ўглини ҳам қўшиб юборган магнитофонини олиб келди. Хайр қилсанг бутун кил, деган гап ёқиб тушиб, анча маҳалгача хурсандчилик қилганмиз.

Қишлоқ йўллари, ҳаммаёқни зулмат қоплаган. Яхшиям группа бошлиғимизга домламиз қўлидаги фонарикни ташлаб кетган экан. Шунинг ёруғида кейингилар олдингиларнинг орқасидан ушлаб занжир бўлиб кетяпмиз. Бир пайт узоқдан машина кўринди. Болалардан бири машинани таниб:

– Бу раиснинг машинаси-ку, – деди кўрққанидан ҳовлиқиб.

– Яширинамиз, – деди домладан қаттиқ буйруқ олиб, ўзбошимчаликка ноилож қўшилган, эртага ўзининг бошида таёқ синишини ўйлаб, кўрқиб кетган старостамиз. Ҳаммамиз гурр этиб, унинг орқасидан янги куриляётган иморатга кириб, бекиндик. Машина секин юриб, бино олдига келиб тўхтади.

– Ҳозиргина шу йўлдан кетишаётган эди-ку, бекиниб олишди шекилли, – деди кимдир асабийлашиб.

Бу ёғи нима бўларкин, деб дамимизни ичимизга ютиб ўтирибмиз. Бир пайт старостанинг:

– Иморатнинг орқа эшигидан чиқиб кетамиз, – деган буйруғи янгради. Қоронғиликдан кўрққанимиздан ҳар тўртта-бешта қиз бир йигитнинг енгига осилиб олганмиз.

– Кўзларингизга қараб юринглар, ҳаммаёқ лой, – огоҳлантирди йўл бошловчимиз. Қўлимга “Пўлат ва Гулрў” деган китобни ҳам олиб олганман. Шундай даврага борганда китоб ўқиладими, дейдиган бир ақлли топилмабди. Ёшлигимдан бундай ўйин-кулгуларни ёқтирмас, агар индашмаса йигирма тўрт соатимни ҳам китоб ўқиш билан ўтказардим.

Китоб жонивор ҳам салмоқлигина эди, қўлим оғриб қолиб, бир пайт уни тушириб юбордим. Оламан, деб энгашиб ўзим ҳам бир оёғим билан балчикқа ботиб қолсам денг. Ёшлигимдан қоронғиликда кўзим яхши кўрмасди. Ҳеч ким менга қарамасдан югуриб кетяпти. Жон-жаҳдим билан бақирган эдим, овозим қаторнинг олдигача етиб бориб, староста ноилож мен томонга қараб югура бошлади. Орқа томондан кимдир бир нарсалар деб бақириб бизларга қараб кела бошлади. Шу орада етиб келган машинанинг ёруғидан кўзларим қамәшиб кўзларимни тўсиб турган эдим, бирдан: — Гулсара, —деган хайкирик янгради. Не кўз билан кўрайки. . . кейинчалик англашимча, мени уч соатдан бери бригадама-бригада айланиб тополмасдан сарсон бўлгани учун колхоз раисининг олдига бориб, унинг ҳайдовчиси билан ахтаришга мажбур бўлган отажоним. . . бизлар уч соатдан бери қочиб юрганимиз — раиснинг машинасидан тушиб келарди.

### Хина ёқар

Никоҳ тўйидан бир кун олдин кизларнинг йиғилишиб, ўйин-кулгу қиладиган тадбирини Хоразмда хина ёқар, дейишади. Ўз номига мос бу маросим сўнгида барча меҳмонлар қўлларини кип-қизилга бўяб, хина ёқишади. Бизларнинг ёш пайтимиздаги қиз базмларининг ўзига яраша гашти бор эди. Тўйи бўлаётган қиз уйининг катта хоналаридан бирида фақат ўзининг яқин дугоналари билан ўтириб, ярим кечагача қизлар маза қилиб, яйраб ўйнашарди. Бунинг завқини тотганларга ҳозирги тўйхоналарда ўтказилаётган қиз базмларининг заррача қизиги йўқ, десам, ишонаверинг. Тўйхона тўридаги столда худди стол каби тебранмай қотиб ўтириб, меҳмонларнинг керакли-кераксиз сўзларига таъзим бажо келтириб, ўзини чарчатишдан бошқа завқни туёлмаётган келинпошшаларга раҳмим келади.

Илк фарзандимнинг қирқ чилласидан чиқишимизга икки кун қолганида ҳамшаҳар курсдошимнинг хина ёқарига айтиб кетишди. Борай десам, ҳали чиллаликман. Бунинг устига, қўлимдаги чақалокнинг мазаси йўқ. Бормай десам, тўйга келадиган дугоналаримни бир йилдан бери кўрмаганман, жуда соғинганман. Бунинг устига узоқларга келин бўлиб тушаётган — Тошҳовуз шахрига насибаси ёзилган дугонамни яна қачон

кўраман, деган ўйлар билан ёш эмасманми, бола ҳам кўзимга кўринмаяпти. (Башоратимда жон бор экан — 36 йилдан бери кўришиш насиб этмаяпти. ) Қайнонам чилладан чикмагунча кўчага чиқиш мумкинмаслигини айтдилар. Ҳарна тушунар, деб хўжайинимдан рухсат сўрасам: — Болага кара, —деган тўнғиллашни эшитдим. Ичим қизиганидан хўнграб йиғлашга тушдим. Буни кўрган аммам бўлган овсиним:— Ҳозир энам (қайнонам демоқчи) укасиникига куда донишмага кетади. Кетиши билан сен ҳам шартта орқасидан чиқиб, бор-да кел, болага ўзим қараб тураман, —деб дардимга малҳам бўлди.

Айтганидек қилиб, ҳаллослаганча уйимиздан тўрт бекат наридаги тўй уйига қараб пойи пиёда югурдим. Дўкон мудирининг хотини бўла туриб, чўнтагим тўла пул бўлса ҳам таксига чиқолмайман. Сабаби, у пайтларда таксига чиқадиган аёлларга ёмон кўз билан қарашарди.

Тўй уйига кириб бориб, йиғилиб ўтирганлар билан бир-бир саломлашиб чиқдим. Ҳамма йиғилган, битта мен йўқ эканман. Тўйимда уч кунлаб юрган дугонам кеч қолганим учун мендан биров гина-кудурат қилди. Дастурхонда ўтирибману, қани энди томоғимдан бир нарса ўтса. Соғинган ўртоқларим ҳам кўнглимга сиғмади. Болам касал, деган сўзимга ҳеч ким кулок солмади. Ҳали курсдошларнинг кўпчилиги бу кўчадан ўтмаган эди-да. Кетаман, десам барибир яна гапиришади, дедим-да, ҳеч кимга билдирмасдан қочиб қолдим. Бор-йўғи ўн беш минутлик меҳмондорчилигим мени югуртириб, роса томошамни кўрди.

Кечқурун ишдан келган хўжайиним:

— Бизларнинг дўкон ёнидаги кўчага кириб кетаётган эдинг, тинчликми? — деб сўради.

— Фақат ўн минутга бориб келдим, холос. Аммам ўзим қараб тураман, дегани учун югуриб-бориб келдим, — адрес аниқ айтилганидан ўзимни йўқотиб, довдираб қолдим. У эса овозини баралла қўйиб хохохолаб қулиб юборди.

Айтишича, у менинг борганимдан мутлақо беҳабар бўлган. Дугонамнинг уйи дўконининг ёнида эканлигини бир кун олдин рухсат сўраганимда ўзим айтган эканман. Ҳовлиққанимдан ташланган қармоқни сезмай қолибман.

## Амма

Ўзидан биргина ёш фарқ қилувчи акасидан қолган иккита сағирнинг кичкинаси — етимликнинг қулфати ёғилганида энди-гина тўртинчида ўқиётган Алишер отаси борида ҳам, йўғида ҳам бир нарсани маҳкам ушлади — фанларни яхши ўзлаштирди. Мактабни битказиб, бир томони ўзининг олам-жаҳон орзуси, иккинчи томондан ҳеч қаерда ишламайдиган она ва отасизлик рўзғори бошига тушиб, ўрта таълимни ҳам ололмай қолган акасининг истаги сабаб Тошкентнинг яхши коллежаларидан бирида таълим олиш мақсадида аммасини қоралаб йўлга отланган жияни ҳақидаги хабар чақалоғи билан кун бўйи ёлғиз қолиб, зерикиб юрган Дилбарни жуда хурсанд қилиб юборди.

Марказ кўчаларида юришни билмайдиган гўр жиянининг орқасидан ҳафта давомида хужжат топшириш учун қўлидаги боласи билан елиб-югуриб, савоб йўлидаги ташвишларидан ўзи ҳам бир бўй ўсиб, то имтиҳон кунига қадар дарди хаёли унда бўлиб қолган Дилбар ярим ой давомида калласини кўтармасдан тайёрланган жияни имтиҳон куни оғир саволлар тушганини, кўнглидагидек ёзолмаганини айтиб, муғрайиб қайтганида ўзини қўйишга жой тополмади.

Умидлари узилган жигарини биров овунтириш, келганидан бери ҳеч қаерни кўрмаган кўнгли яримнинг кўнглини кўтариш учун шаҳарнинг у ёқ-бу ёғини айлантирган амма шу куни уйга кела солиб, кечкурунги овқатга уннай бошлади.

— Амма, қараб турсам кийим жавонингизда кийимларингиз ҳам йўқ. Фақат болаларингизга “продукта” олаверар экансиз. Онам бўлса қўлига тушган пулга ўзига кийим оладилар. Бизлар сизларга ўхшаб пишлоқ емаймиз, — жиянининг гапига юраклари эзилиб кетган амма кийимсак келинга худодан инсоф тилаб, оғзи тансиқ овқатларни кўрмай ўсаётган жигарининг ҳарна еб қолишини ўйлаб, бошлаган овқатини тўхтатиб, қуйиб-пишиб тухумбарак пиширди.

Анчадан бери ошхонада қуймаланиб юриб, овқатга чақириб маҳалидагина уйда жиянининг йўқлигини сезиб қолган амма нотаниш жойларни яхши билмайдиган, келганидан бери қиладиган иши ёнбошдаги дўкондан нон олиб чиқишу ахлатни тўкиб келишдан иборат бўлган боланинг қаёққа кетишини ўйлаб хавотир олди ва кўчага чиқиб, уни теварак-атрофдан излай бошлади. Бир

пайт қўлида кичик тўрва кўтариб жилмайиб келаётган жиянини кўриши билан шоша-пиша уни тергай бошлади.

Тергов таъсир қилмаган Алишер хурсанд бўлиб қўлидагини аммасига узатди:

— Анови куни айтган эдингиз -ку, яхши кўраман, деб. Сизга айтсам юбормайсиз, деб бозорни қўшнилардан сўраб бориб келдим.

Тўрвани очган амманинг кўзи унинг ичидаги пушти рангли уч дона катта памилдорига тушди. . .

## Эътибор

Ёзган нарсаларим ҳақида камдан-кам фикр эшитаман. Гарчи ижодкорлар орасида яшасам ҳам барчамизга хос одатий бир ҳол — бир-биримизнинг ижодимизга бефарқлик ва ҳар кимнинг ўз қобиғига ўралашиб қолгани ўқиган нарсамизнинг яхши-ёмон томонларига ҳақида муаллиф танишимизга тақриз нарёғда турсин, бир қур телефон қилиб фикримизни билдириб қўйишга ҳам имкон бермайди. Худди шунинг каби ўзим ҳам юздан ортиқ мақолалар чиқарган бўлсам ҳам теварак-атрофдан бунинг муҳокамасини эшитмайман. Мақташ лозим бўлганларини лаганбардорлик бўлмасмикан, деган андишага боришса, ёқмаганларини эса кўнгли оғримасмикан, деган ўйда тилларини тийишади — худди ўзимга ўхшаб.

Аммо мен умримда бир марта ёзганларимнинг катта муҳокамасига дуч келганман.

Саккизинчи синфдалигимда кўчада ўйнаб юрибмиз. Бир пайт дугонамнинг опаси Шукуржон опа қўлида “Хоразм ҳақиқати” газетасини кўтариб келиб: — Гулсара, сени танкид қилишибди, —деди. Буни эшитганларнинг бари ўйинни тўхтатиб, газетага ёпишишди. Газетани ҳеч кимга бергиси келмай қўлида маҳкам ушлаб турган синчков ўқувчи уни баланд овозда тантанавор қилиб ўқиб берди. Менинг ижодимнинг энг оммавий муҳокамаси ана шу бўлган.

## Ижодий ёндашув

Саодатжон опамнинг бўш вақтларини ҳечам бекор ўтказмайдиган одати бор. Телевизор кўраётганда ҳам, биров

билан гаплашиб ўтирганида ҳам, ҳатто бирон жойга меҳмонга борганида ҳам бир нарсаларни тўқиб ўтиради. Кимнинг уйида қўй сўйилса жунни уники. Уюм-уюм жунларни урчиқда айлантириб, улардан юмалоқланган ипларни тайёрлайди-да, кишининг ҳавасини келтириб, қўлларини ғайритабиий равишда тез-тез ҳаракатлантириб, тўқий бошлайди.

Бир куни Хоразм сафаридан қайтаётганимда мени поездга кузатишга чиққан опам қўлимга учта тўқилган пайпоқ узатиб, уларни невараларимга атаб тўқиганини айтди. Кела солиб, совғаларни эгаларига топширдим. Қиш кунлари эмасми, уйлар совуқ. Иссиқ пайпоқларни кўриб, учалови ҳам хурсанд бўлиб, оёқларига кийиб олишди. Орадан бир соатча ҳам вақт ўтгани йўқ эди, бир пайт қарасам, биринчи синфда ўқиётган неварам Гулрухсорнинг оёғидаги носки осилиб ётибди. Шимини тортиб, не кўз билан кўрайки, пайпоқ то товонигача кесилган.

– Буни нима қилдинг? – жаҳл билан бақирдим унга.

– Оёғим қисилиб қолди, тор экан. Қайчи билан кесиб кенгайтирдим, – деди у бепарво.

## Тўшши

Мен туғилган эски уйимизнинг тор, узун даҳлизига катта-катта, текис тошлар ётқизилган бўлиб, унинг деворга тақалган томонининг тошлари анча пастдан қўйилган ва унинг ўртасидан тешик қилиниб, сув шу ердан пастга оқиб кетарди. Буни уйдагилар тўшши деб аташарди. Бизнинг эрталабдан бошлаб, кун бўйи қўл-бетларимизни ҳамда кир-чирларимизни ювишимиз шу тўшши орқали бўларди. Ёз кунлари исиб кетганимизда даҳлизнинг икки томонидаги эшикни қулфлаб, шу ерда ювиниб ҳам олардик. Кейинчалик ана шу қулфланишларнинг сони кўпайиб, икки томондан ҳам кутиб қолишлар жонларига теккач, отамлар боғнинг тўридан алоҳида душхона қуриб берган эди.

Ёшлиқдан ўрганганим учунми, ё ҳамиша сунъий безаклардан кўра руҳиятимнинг кўпроқ табиийликка мойиллигиданми ҳар қандай қимматбаҳо ванналардан кўра оддий тахталардан қўлбола қилиб ясалган душни афзал кўравераман. Бу ҳақда яқинларимга айтсам: – Қўйсангиз-чи, – деган танбеҳларни ҳам эшитардим. Бунинг сабабини ўзим ҳам кўпда англолмай, бир

куни бу ҳақда онамга айтсам, нима дейдилар денг:

– Кечкурун ётишдан олдин бир ювиниб олай, деб тўшига йиқилиб тушганман. Отангни уйғотгунимча, отанг эса она-сини, кейин дояни уйғотиб олиб келгунича мен эгнимга қўйлагимни зўрға илдира олганман, холос. У ер сенинг кўз очиб кўрганинг, сени тўшида туққанман.

### Йўқолган пайпоқ

Уйимга меҳмон келди – анчадан бери кўринмай қолган шо-ира дугонам. Ташрифидан хурсанд бўлиб, уни шу куни ётиб қолишга кўндирдим. Эрталабки чойни ичиб бўлганимиздан сўнг бозор айланишга бормокчилигини айтиб, мени ҳам ундади. Дам олиш куни бўлса, бунинг устига менинг айтганимни қилиб, ётиб қолди. Мен ҳам унинг раъйини қайтармайин дедим-да, кийина бошладим.

– Кўпинча майда-чуйда нарсалар эсимдан чикиб қолади. Пайпоқ олишим зарур, кеча оёғимдан ёмғир ўтибди. (Ўзи ҳар доим ижодкорларнинг оёғидан ёмғир ўтиб юради.) Бозорга кирганимизда эсимга солинг, сизнинг хотирангиз яхшироқ, – деди у менга тайинлаб.

– Кеча нега менга айтмадингиз, шунча вақтдан бери ҳўл пайпоқда ўтирдингизми? – уни койидиму, жавонимдан янги пайпоқ олиб узатдим. Аллақачон кийиниб, янги ёзган бир шеърини ҳаяжонланиб ўқиётган дугонамнинг эски пайпоғини алмаштиришини кутиб турардим. Оёғига бир пойини кийиб, у иккинчисини ахтара бошлади. Теварак-атрофни, йиғилган кўрпа-тўшақларнинг орасини, шу ерда турган кичкина сумкасини, хуллас ҳаммаёқни излаб, тополмади. Унга қўшилиб мен ҳам излашга тушдим – пайпоқ олинган жойни ахтариб, жавоннинг ҳам тит-питини чиқардим. Ерга кирдими, осмонга учдими, у ҳеч қаерда йўқ эди. Кўча совуқ, янгисига ишониб, эскиси ташлаб юборилган. “Запас”га иккитани олиб қўймаганимдан жуда ҳижолатдаман.

– Ҳай, насиб қилмаган экан. Чиқариб қўя қолай. Кечадан бери чидайман, яна чидарман, деб у оёғига кийган пайпоқни чиқарган эди. . . Шеър ўқиш мобайнида. . бир оёққа иккита носки кийилган.

## Шоира кўшним

Каромат исмли бир ижодкор ҳамсоям бор эди. Бор эди, деганим ёмон маънода эмас. Иккаламиз ҳам кўчиб кетиб, бир-биримиздан узоқлашиб кетдик, холос. Фарзандсиз, биринчи турмушидан ажралган бўлиб, бахтини қайта қуришга ҳаракат қилиб юрган пайтлари эди. Унинг ўтириб-туришини, ёлғиз ўзи қийналиб яшашини кўриб, яхши одам бўлса турмуш қуришини маслаҳат қилардим. Бир-биримиздан китоб, газеталар олди-берди қилиб турардик. Олган нарсаларимни қайтариш учун бир куни кечқурун уйига чиқсам, ошхонада дастурхон ёзилмаган хонтахтада қотган нон билан шўрва ичиб ўтирган экан.

— Опа, бугун туғилган куним, ўтиришимга қаранг. Сизга бу овқатни илинолмайман ҳам, кечагини иситиб еяпман, гўшти ҳам йўқ, — деди у кўзида ёш билан. Овқатини бир четга суриб, у менга туғилган кун ҳақидаги янги шеърини ўқиб берди. Дард ичида ёзилган шеър жуда таъсирчан эди. Яхшигина иқтидорга эга бўлган танишимнинг кўнглини кўтаришга ҳаракат қилдим:

— Шундай гўзал шеър ёзибсиз. Бу ҳар қандай бойликдан устун-ку. Сиздан бадавлат бўлсам ҳам мен ҳеч қачон шундай шеър ёзолмайман. Оллоҳ ё унисини, ё бунисини беради-да. Ҳақиқий илм аҳли қачон бойиган? — дедим унга ёзган нарсасидан таъсирланиб.

Бир куни кечқурун шу ўртоғим уйимга телефон қилиб қолди.

— Опа, бир чиқиб кетинг, илтимос. Юрагим сиқилиб кетяпти, — деди у йиғламоқдан бери бўлиб. Туғилган кунидаги ҳижолатлилигимни ювиш учун у-бу нарсаларни кўтариб, уйига бордим.

— Ҳозиргина бир совчини кузатиб қўйдим, у менга нима дейди денг. . . Қандай эркалар бор-а, бу ҳаётда. Яна турмушга чиқ, дейсиз. Тайинли эрка бормикан ўзи бу дунёда? Аёл кишига ҳам шу гап айтиладими? — совчининг нима деганига ичим қизиб кетиб, унинг гапини бўлдим.

— Бунча асабийлашасиз? Хўш, нима деди у “кавалер”?

— Ҳар йили олдин сиз 23 февралда мени табриклайсиз, кейин мен сизни 8 мартда табриклайман деди, — бир йиғлаб, бир қулиб деди у.



## Тушлар

### Башорат

Умр йўлдошим вафот қилганининг еттинчи куни ғалати туш кўрдим. Иккала боламни бағримга босиб, қабристон ўртасидан ўтиб боряпман. Бири катта, иккинчиси кичикроқ иккита қоп-қора эшак:

– Тўхта, кўркма, бизларни сенга худо юборди,—деб орқамдан югуриб келяпти. Мен қаттиқ кўркиб, қоча бошлабман.

Қабристон яқинида яшовчи Ёкутжон эналарнинг уйига кириб бордим. Қарасам, маҳалланинг аёллари йиғилиб, менга ачиниб қарашяпти. Ҳалима эна бир даста кўм-кўк қийқимларни (фабрикада ишлайдиган синглим фойдаланиш учун олиб келарди) берди-да:

– Буларни юқорига, туйнукка қараб отгин, агар ҳаммасини ота олсанг, турмушинг яхши бўлиб кетади, —деди.

Ёкутжон эналарнинг уйи эскича услубда бўлиб, дераза ўрнига томдан дарча очиб қўйишган эди. Қийқимларни тепага қараб отдим. Бироқ, улар енгил эмасми, ҳаммаси ерга учиб туша бошлади. Буни кузатиб турган қўшним:

– Қийқимнинг ичига кесак солсанг оғирлашади, шунда мўлжалга тегаети, —деб ўргатди.

Айтганидай қилдим, кесаклар туйнукдан ошиб ўтдию, бироқ қийқимлар яна пастга учиб тушаверди. Тушимни эшитган момом:

– Болам, қисматинг оғир бўларкан, бу икки қора эшак иккала боланг учун чекадиган заҳматларинг, худо сенга тўзим берсин, —дедилар.

Тушнинг таъбирига ўттиз йилдан бери тан бераман.

### Ғойибдан хабар

Қайнонам қайнотам қабрининг рўпарасидаги бўш ерни супуриб юрган эмиш.

– Эна, битта ўзингиз кўркмасдан нима қилиб юрибсиз бу ерда? – сўрармишман улардан.

– Тсс, – дермишлар бармоғини оғизларига олиб бориб, – Шодмон чиконинг омонатини топширибди (ўзларининг отлари ҳам Шодмон эди), шуни опкелишяпти, қарагин, – дермишлар тепани кўрсатиб.

Осмонда одамлар устига матолар уйиб ташланган тобутни кўтариб келишаётган эмиш.

Эрталаб ўрнимдан оғир бўлиб уйғондим. Болаларимни олиб, институт ётоқхонасида яшаётган амакиваччамнинг олдига бордим. Қайнонам тилга олган Шодмон унинг кеннойиси эди. Тушимни гапириб берсам:

– Кеннойимнинг умри узок бўларкан, – тушнинг таъбирини йўйди у.

Орадан ярим соат ўтиб, хонага амаким – жиянимнинг отаси кириб келди.

– Яхши, сен ҳам шу ерда экансан, уйингни билмаганим учун (у пайтда ижарада турар эдим) тўғри бу ерга келган эдим. Бугун Тошкентга келишимни эшитиб, қайноғанлар: – Хабарни сиз етказа қолинг, – дейишди.

– Қанақа хабар? – юрагим “шув” этиб кетди.

– Қайнонанг қазо қилди.

Ҳозиргина тушни ҳар хил таъбирлаб ўтирган хонадагилар ҳайрон бўлиб қолдик.

Мен етиб боргунимча кўмиш маросими тугаган эди. Қабристонга бордик – вожаб, худди тушимдагидек қайнонамнинг мозори ўзлари супураётган бўш жойга қурилган эди.

## Хавотир

Отамнинг менга меҳри бўлакча эди. Феъл-атворда ҳам, ташқи томондан ҳам ўзларига ўхшашлигим туфайлими ёки касбларини эгаллаётганим учунми, менга алоҳида эътибор кўрсатардилар. Ёшлигимда ҳатто иш қилдиргилари келмас, қўлимда супурги кўрса:

– Ўқишингни ўқи, уйнинг ишини сингилларинг қилсин, – дердилар. Буларнинг ҳеч қайсиси Гулсарага ўхшамайди, – деган таърифлари қулоқларимга олтин исирға бўлиб тақилган.

Шундай меҳр-муҳаббатга тўла отам раҳматлик бўлганларида мени илмий раҳбаримга ёмонлаётган эмишлар. Буни эшитиб хайрон бўлибман.

– Сиз ўзи менинг отаммисиз, мени жуда яхши кўрардингиз-ку, нега бунақа ўзгариб қолдингиз? – сўрармишман улардан.

– Чунки сен фалонга якин юрибсан, – дея дугонамнинг отини айтармишлар.

Кўнглим ғаш бўлиб уйғондим.

Орадан икки кун ўтди, холос. Туш ўзининг таъбирини кўрсатди. Хатти-ҳаракатлари ёқмай қолган аёлдан қандай узоқлашишни билмай юрган эдим.

Унинг кимлигини аён қилувчи воқеага гувоҳ бўлганимдан сўнг, гўрида тинч ётолмай куйиб-ўртанаётган отажонимнинг руҳларидан узр сўрадим.

### Ўрик дарахти

Ёнбош ҳовлида турувчи қайноғамнинг эшиги олдидаги ўрик дарахтининг меваси тахир, данаги аччиқ эди. Бунинг устига япроқни шунақаям кўп солардики, эрта ёздан то кузак-кача овсинимнинг қўлидан супурги тушмасди. Сўрига шовиллаб япроқлар тўкилаверар, дастурхон ҳам бир зумда сап-сарик баргларга бурканарди.

– Шу ўрик сизларга тўтиё бўлди-да, ҳеч йўқотмадингизлар, – дерди устларига тушган япроқларни териб ўтирувчи ака-укалари.

Қайноғам бир-икки бор чопишга шайланган, бироқ қайнонам: – Отам ўз қўллари билан экиб бериб кетувдилар, – деб чоптиргилари келмаган эди.

Тушимда раҳматлик қайнонам менга йиғладилар:

– Қуромбойнинг қилган ишини кўрдингми? Ўрикни чопиб ташлабди.

Орадан бир ой ўтиб, Хоразмга тўйга бордим. Вожаб, ўрик йўқ, унинг ўрнида каттакон гараж турарди.

– Қачон чопдингизлар? – деган саволимга: – Бир ойча бўлди, – деган жавобни олдим. Ўрик кесилиши билан қайнонам тушимга қирган. Тушимни эшитиб, қайноғамнинг ранги оқариб кетди. Ўликлар ҳамиша тирик.

## Қайтиш

Мактабимиз директори Олтин Ҳакимова қўлиям, тилиям узун аёл эди. Бутун жамоа —эркагу аёл ундан ҳайиқиб туришарди. Эрталаб ўқитувчилар қўнғирокдан ярим соат олдин иш жойида бўлиши ички қонун эди.

Ҳар йили ёзги таътилда чет элда дам оладиган опа нима учундир бир йили кеч кузда кетди. Мактабда байрам бошланди. Ипсиз боғланганлар арқонни узун ташлади.

Кетганидан бир ҳафта ўтиб, у тушимга кирди. Муаллимлар хонасида дераза олдидаги стулда ўтириб, ўзини жон қулоғи билан тинглаётган ҳамкасбларига:

— Ҳавоси тўғри келмади, боргандан шамоллаб қолдим, ҳеч ўзимга келолмадим, қайтдим-келдим, — дермиш.

Эртасига иккинчи соатдаги дарсимга бемалол келаётсам, остонада турган навбатчи ўқитувчи Зулайхо:

— Бўлинг тез, пальтонгизни шу ерда ечинг, Олтин опа кўрмасин, — (дарсим бўлмаса ҳам талаб бўйича эрталабки соат саккизда иш жойида бўлишим керак эди) деди мени шошириб.

Ўқитувчилар хонасига кирсам. . . ажабо, дераза олдидаги стулда ўтирган раҳбаримиз ёнидаги аёлларга:

— Ҳавоси тўғри келмади, қайтдим, келдим— деяпти.

## Сирли огоҳлантириш

Алишер Навоий номидаги Адабиёт институтига янги ишга келган пайтларим эди. Ҳамма ёш олимларнинг мақсади битта —иложи борица тезроқ ишини ёқлаб, ўзи учун жонини фидо қилаётган илмий раҳбарининг ишончини оклаш.

Номзодлик даражасигача тез-тез матбуотда илмий мақолалар билан қатнашиб туриш, журналда эса камида учта мақола эълон қилиш керак эди. Шу сабаб, институтимизнинг махсус журнали “Ўзбек тили ва адабиёти” га мақола тайёрлаш барча ходимларнинг ўрганган одати эди.

Мен Хоразм ижодкорлари бўйича бир нарсa тайёрлаб, журналнинг масъул котиби Маматкул Жўраевга бердим. Уни кўздан кечирган ходим тез чиқаражагини айтиб, олиб қолди.

Орадан бироз вақт ўтди. Мақолам ҳақида сўрашга ийманиб, вақтни ўтказиб юраверибман. Бир куни илмий раҳбарим Абдурашид Абдуғафуров олдиларига чақириб, журналга

мақола беришимни айтдилар. Мен бериб қўйганимни, нима сабабдандир чиқмаганини айтдим. Улар дарров масъул котибга телефон қилиб, бунинг сабабини сўрадилар. Мақола тамоман эсидан чиқиб кетганини айтиб, узр сўраган масъул котиб мени олдиға чакирди.

— Навбатдаги сониди мақолангизни бериб, айбимни юваман, фақат унда битта етишмовчилик бор экан. Бир жойида олимнинг фикрини ишлатибсизу, унга “сноска” бермабсиз, —деди. Кейин таъкидлаб қўйди:

— Агар шуни душанба куни аниқ тўғрилаб келаман, деб ваъда берсангиз мен ҳозирок унинг журнал вариантыни тайёрлаб қўяман.

Мен ваъда бердим. Ижара уйимда телефоннинг йўқлиги уни бироз саросимага солаётган эди. Агар душанба куни айтилган нарсани бажара олмасам, менинг мақолам учун ажратилган жой очиқ қолиб, натижада журнал вақтида чиқмай қолиши, котиб бунинг учун боши билан жавоб беришини, — айтиб, яна бир бор бурчимни қаттиқ тайинлади.

Бундай нарсаларга масъулият билан қарашимга ишониб, ҳатто ён дафтаримга ёзиб ҳам қўймадим.

Жума куни кечқурун кутилмаганда уй томондан уч-тўртта меҳмон кириб келди. Уларнинг бирини “Ботаника”га олиб бориш, она-болани эса ТошМига ётқизиш керак экан. Ҳеч қайсиси йўл билмайди. Натижада, икки кунгача меҳмонларнинг ортидан югуриб, ваъдам бутунлай эсимдан чиқиб кетибди.

Дам олиш куни ярим кечаси қаттиқ ухлаб ётган эканман, кимдир мени туртиб, қулоғимга шипшиди:— Абдулла Авлоний. “Ўт чақнаган сатрлар”, 1984 йил, Ғафур Ғулом нашриёти.

Ўрнимдан ирғиб турдим. Соатга қарасам, тунги икки ярим. Тавба, ким бу қулоғимга шипшиган? Шоша-пиша столда тахлоғлик турган китобларни кўздан кечира бошладим. Зарур китобни қўлимга олсам, астафуриллоҳ, тушимда айтилган нашриёт ва чоп этилган сана — бир хил!

Уйқум қочиб, мени ваҳима босди. Миямда фақат бир нарса айланарди —менга шипшиган ким эди?

Орадан йигирма беш йил ўтди, ҳали ҳамон мени бир ҳижолатликдан саклаган руҳ кимники эканига ақлим етмайди. Китоб муаллифининг руҳи менга ёрдамга келдими? Ёки умрини адабиётга бағишлаган, талабалик пайтларимда на

совукка, на иссиққа қарамасдан, эртанги семинарим учун пойи пиёда кутубхонага бориб, худди ўзининг муҳим ишини битказгандек кўчириб келган маълумотларини хурсанд бўлиб менга топширадиган отажонимнинг руҳларимикан?

Ким бўлишидан қатъи назар, бу Оллоҳнинг инояти эканига тан бердим, унга шукроналар келтирдим.

### Мен безовта бўлган кеча

Қаттиқ ухлаб қолган эканман, нимадандир безовта бўлиб, уйғониб кетдим. Соатга қарасам, тонгги тўртдан ўн икки минут ўтибди. Нима бўлганини англай олмай, ўрнимдан туриб, сув ичдим-да, яна чўзилдим. Энди кўзим илинган экан, олдингисидан ҳам кучлироқ шиддат билан туриб кетдим. Соат беш ярим, менга нима бўлаётганини тушунмаяпман. Тушларим алоқ-чалок, бирон нимани илғаб ололмайман. Ухлашимга нимадир йўл қўймапти, кўзимнинг олдига синглим Гулора келади, холос.

Оиладаги бешинчи фарзанд, етти ўйлаб, бир гапирадиган камсуқум, чиройли синглим бахтини тополмади. Ёлғиз ўғилга, бунинг устига раҳбарлик тузини ҳам тотган муаллим қайнонанинг кўлига тушган синглим онасиникига ойда, икки ойда бир келиб кетар, унда ҳам икки соатга рухсат тегарди. Аслида, ички қонун ҳам шу-да — қул нима учун дам олиши керак?

Онаникига икки ойда бир келадиган сингилни Тошкентда туриб, мен қачон кўрар эдим, у билан қандай гаплашар эдим? Хоразмга борганимда бошқа сингилларим каби юғуриб келолмайдиган, қайнонасининг: — Бориб кела қол,— деган бир оғиз сўзига илҳақ бўлиб эзилиб ўтирадиган синглимнинг тақдирига юрагим увишган ҳолда, уни ўзим кўриб келишга мажбур бўлардим.

Боргандан кейин ҳар замонда бир учрашадиган жигарим билан тўйиб гаплашиш қаёқда дейсиз, доимо гапнинг ҳадисини менинг биринчи ўқитувчим оларди-да, мени бу ерга нима бошлаб келдию, ким учун келганлигим дарзига ҳам келмай, аҳамиятсиз нарсаларни гапириб, вақтни ўтказарди. Уйнинг ҳақиқий чўрисига айланган синглим эса кетгунимча ошхонадан бўшамас, ҳар замонда узоқдан жилмайибгина қараб қўйиб,

бир йилда бир марта кўраётган опасининг соғинчини шу тахлит босар эди. Кўлидаги боласи билан қайтиб келган қизининг рўпарамда ўтириб, гапираётган пойинтар-сойинтар гапларидан уялган муаллима унга бир хўмрайиб қарардию, бироқ:

— Бор, кеннойингнинг кўлидан ишини ол, бирпас опасининг ёнида ўтирсин, — деган одилона гапга тиллари лол эди.

Ошхонадан чиқолмаётган синглим кетишга чоғланганимни кўриб, шошиб-пишиб мени кузатишга келса, гўё мен бу уйга ўқитувчимни (бошланғич синфда ўқитган эди) соғинганим учун келгандек:

— Сен ишингга боравер, уни ўзим кузатиб қўяман, — дерди. Опасига ҳеч бўлмаса охирги дақиқаларда ҳам яқинлаша олмаган синглим мунгайибгина қайрилиб кетарди.

Доймо дардларини ичига ютиб, жилмайиб турувчи бу хокисор синглимнинг ҳаёти ачинарли эди. Бироқ, бири-биридан ширин учта боласининг тақдири бор ситамни ичига ютиб, чидашга мажбур қилар эди.

Хуллас, шу кечадаги безовталиқдан ҳаёлим паришон эди. Уйга телефон қилай десам, ҳали барвақт, бомдодга турадиган онам Наманган сихатгоҳида.

Бироз кутиб, сабрим чидамади. Уйкусираб гўшакни кўтарган укам ҳамманинг соғ-саломат эканини, Гулора опасининг уч кун олдин келиб кетганини айтди. На онам, на бошқа сингилларим ўртада бўлиб ўтган дилсиёҳликдан кейин қадам босолмайдиган бу даргоҳда нима гаплар бўлаётгани ёлғиз Яратгангагина аён эди.

Бардошим етмади, уларникига телефон қилдим. Ҳар доимгидек улоқни қўлдан бермаган қайнона синглимнинг уйда йўқлигини айтди. Ҳайрон бўлдим, қайнонаси келинининг қаёққа кетишини билмас эмиш. Вожаб, чўри қандай қилиб хўжайинга айтмасдан бир жойга бориши мумкин. Осмонлар узилиб, ер ҳам ўз қобиғидан чиқиб кетар-ов, бундай бўлса. . .

Менинг ваҳимам уйдагиларга таъсир қилиб, ундан хабар олишса. . . Мен қайта-қайта уйғониб кетган ўша кечада ярим тунда маишатдан қайтган эрининг жанжалига бардош беролмай, синглим жонига қасд қилиб, бир даста уйқу дориси ичган экан. Телефонда юмалоқ ёстик қилиб бир тўда ёлғонларни тўқиган қайнона иложи борица бунинг ҳеч кимга билдирмай, туя кўрдингми, йўқ қилиб, яширмоқчи бўлган.

Ярим кечаси касалхонага олиб борилиб, ими-жимида ошқозони ювилиб, қайтариб олиб келинган синглимга нисбатан қилинган жоҳиллик аслида Яратганга ёқмаган. У ёқда синглим азоб тортгани сайин, ундан минг чақирим узоқда туриб менинг ҳам кечаси билан айнан шу жигаримни туш кўриб кийналиб чиққанимга нима дейсиз?

Бу гапларга анча бўлди. — Камбағалнинг ёри худо, — беш вақт намозини қанда қилмайдиган синглимнинг ҳаёти бугун, худога шукур, рисоладагидек. Унга жабр қилганларга эса Яратганнинг ўзи раҳм қилсин. . .

### Тувакдаги гул

Гулларнинг тури кўп, ҳаммаси бирдайин гўзал ва ёқимли. Бирок, тушдаги гулларнинг характер-хислати фарқ қиларкан.

Тушимда раҳматлик хўжайинимнинг туғилган куни эмишу, бизларга аталган ички-ташқи хонанинг олдингиси ҳар хил чиройли гулдасталарга тўлганмиш. Гулларни жуда яхши кўраман, тушимда шу аён бўлиб, уларни кўрган заҳоти қувониб, дарров бир-иккита гулдастани танлаб олиб: — Буларни эртага ишимга олиб кетаман, — дермишман.

— Сенга гул керакми? Бу ёққа кел, ишингга мана буни олиб бор, —деб хўжайиним мени ичкари хонага бошлаб, катта тувакдаги баланд бўйли гулни кўрсатармиш.

Тушимдан кайфиятим кўтарилиб, ўрнимдан турдим-да, юз-қўлимни ювиш учун ваннага кираётсам, уйда меҳмон бўлиб юрган жиянимнинг: — Хола, — деган овозига тўхтаб, меҳмонхонага мўраладим. Гулёра:

— Бунга қаранг, кеча янги гул олиб келишибди, — деб кичкина тувакдаги гулни кўрсатди.

— Тавба, —дедим ичимда, — кечаси билан гулларни кўриб чиққан эдим. Ўрнимдан туришим билан ҳали бетимни ювмай, гулга кўзим тушишига қара, —дедим ҳайрон бўлиб.

Кенжа қизим (охирати обод бўлсин) тувакдаги гулларни яхши кўрар, топган пулига ҳар хил гуллар сотиб оларди. Негадир менга тувак гуллари унчалик ёқмас, каталақдек уйни бадтар торайтирасан,— деб иложи бўлса ҳаммаёқни тувакларга тикиб ташламоқчи бўлган қизимга танбеҳ берардим.

— Демак, у кеча гул келтириб, мендан гап эшитмаслик учун кўздан холироқ жойга яшириб қўйгану, буни менга Худо аён қилган, — деб ўйладим.

Орадан бир кун ўтиб, мен хужжат масаласида нуфузли идорага бордим. Идоранинг раҳбари хўжайинимнинг шогирди бўлиб, қийинчилик туғилиб, ёрдам сўраб борсам, мададини аямас эди. Бу сафарги боришимда у менинг ёлғизликда қийналиб кетганимни айтиб, бизларга ёрдам беришини, яхшироқ иш билан таъминламоқчи эканини айтди.

Бу гапдан қувониб кетдим. Тушимнинг таъбирини энди англадим. Тувакдаги гул мартаба бўларкан. Гулдасталарни кесилган гуллар бўлгани учун умри киска, деб менгзадим. Тувак — химоячи, ундаги гулнинг эртанги кунга умиди — илдизи бор. Умр йўлдошим мен танлаган гулни хоҳламасдан тувакда ўсган энг катта гулни танлаб берди. Ажабланарлиси шундаки, нега энди гулни ишхонага олиб бормоқчи бўлиб юрибман? Орадан бир кунгина ўтиб, бошқа масалада борганимда менга иш таклиф қилинди. Хайрон қоладиган ҳол. Худди кечаси хўжайиним менинг тушимдан чикиб, шогирдининг қулогига бир нималар дегандек.

Бу ҳақда дугонамга айтсам, улар ҳақиқатан ҳам букетдаги гул яхшилиқ аломати эмаслигини, ишхонамиздаги Малоҳат опа деган олима гулдаста кўрганида яқин қариндошининг вафот этганини айтган экан.

Сал ўтмай, газетада рухшуноснинг гуллар ҳақидаги мақоласини ўқиб, бу гапларнинг ҳақ эканини англадим.

Марҳумларнинг руҳлари ҳамиша сергак ва куйинчак бўларкан.

### Ўзим Тошкентда. . .

Бувамнинг еттита фарзанди— беш ўғилу, иккита қизнинг ҳаммаси бир маҳаллада яшайди.

Ҳабибулла амаким менга кўпроқ яқин бўлиб, ойда бир ёки икки марта иш юзасидан Тошкентга келиб турардилар. Тушимда шу амакимнинг аёллари Ойша кеннойим ҳовлисининг ҳаммаёғини астойдил супуриб юрган эмишлар. Эртасига яна шу кеннойимнинг уй ичида куймаланиб юрганларини кўрдим. Ҳар доим туш айтавериб, онамнинг меъдасига тегмай деб тур-

сам, учинчи куни кизлари Шакаржоннинг ошхонада куйди-пишди бўлаётганини кўриб, сабрим чидамади.

— Опа, уч кундан бери Ойша бийим билан Шакаржонни кўраман, уларнинг уйларида тинчликми? — деб сўрадим телефонда.

— Сен киз ўзи фолбин бўлиб кетяпсан. Тананг Тошкентдаю, руҳинг бу ерда юради. Ўтган куни кеннойингнинг юбилейи бўлди, индинига Шакаржоннинг туғилган куни экан, битирувчи синф бўлганига синфдошларини чақирди. Ҳамма нарсадан куруқ қолганинг алам қилсин, — дедилар онам.

Амаким билан тез-тез учрашиб турганим билан, мендан олисдаги кеннойим ва кизларининг туғилган кунларини мутлақо билмас эканман. Қандай мўъжиза менга бу воқеаларни аён қилди, билмайман.

## Падаркуш

Тақдир тақозоси билан тижорат қилиб юрган пайтларимда бир туш кўрдим.

Институтда бизларга “Тилшуносликка кириш” фанидан дарс берган домлам савдо қилаётган жойимга келиб, менга қараб нуқул жилмаярмиш. Раҳматлик ўз фанини чуқур билмас, отам адабиёт ўқитувчиси бўлганлиги сабабли, ёшлигимдан ўзбек тили грамматикасини яхши эгаллаган бўлиб, кўпинча домланинг ёзувларидан нуқсон топиб ўтирар эдим. Шу сабаб, у доскага бирон нарса ёзса: — Исмоилова, гапим тўғрими? — деб таъкидлаб қўярди.

Эртаси куни уни яна тушимда кўрдим. Катта портфелини осилтирган ҳолда хўмрайиб, у ёқдан-бу ёққа бориб келаётган эмиш. Тушим қайта такрорланса, дарров шубҳага бораман.

Уйга телефон қилиб, шу институтда таълим олаётган амакимнинг қизига телефон қилиб, тушимни айтсам:

— Ўшитувдингизми ё? — деди. — Нимани? — деб сўрасам, айтдики, домланинг ўғли бировни институтга жойлаб қўяман, деб ундан пул олгану, ишлатиб юборган. Болашуйили ўқишга қиролмаган. Пулнинг эгалари ҳадеб қистаб, ўғлига пўписа қилаверишган. У эса жанжал устида, отасини пичоқлаб қўйган экан.

Кўраётган тушларимдан ўзим ҳайратланиб ва кўрқиб яшайман, ишонаверинг.

## Сув –халис нажоткор

Озик-овқат дўконида мудир бўлиб ишлайдиган қайноғам текшириш пайтида камомад чикиб, қамалиб кетган эди. Ҳали муддати тугамаган қайноғам тушимда оқланиб келибди. Буни қайнонамга айтсам:

– Оғзингга бол-е, қанийди шундай бўлса, –дедилар кўзлари чакнаб. Бирок, бирпасда муграйиб: – Ҳали бунга анча бор, –деб қўйдилар.

Шу гапдан уч кун ўтиб, (кўпинча тушлар уч куннинг ичида натижа кўрсатаркан) кечкурунги овқатни сузиш учун овсинлар – биримиз дастурхон тайёрлаб, биримиз ошхонада куймаланиб юрган эдик, ҳар доим ярим кечаси ишдан қайтадиган милиционер қайноғам:

– Опа, суюнчи беринг, Амин акам оқланибди, –деди югуриб келиб, онасини кучокларкан.

Қувонганидан олдин тўйиб йиғлаб олган қайнонам, бироз ховрини босгач, менга юзландилар-да:

– Сенинг орканг бор экан, тушларингни бегоналарга айтма, ёмон фаришталарга тушиши бор. Ёмонларини одамлардан яшир, сувга айт,–дедилар.

Бу ўғитни эшитганимда, шу нарсага ақлим етмагани учун, бир пайтлари катта хатога йўл қўйганимни эсладим. . .

Тушимда йўлбарс боласини қувлаб, у қочгани сайин халлослаб югуриб, барибир тутолмас эмишман.

Синфдошларимга айтганимда, улардан бири дабдурустан:

– Энди сенинг уканг ўлади, –деди.

– Унака дема, ёмон бўлади, тушнинг биринчи таъбири нимага йўйилса, шу рўй беради, –деди бошқаси. Бирок, таъбирчи сўзидан қайтмади:

– Агар тутиб олганида ўлмас эди, – деди у гапини таъкидлаб.

Таъбирчи мулзам бўлгиси келмадимми, ё шунчаки тортишгиси келдимми, ўз сўзида туриб олди. У пайтларда кўп нарсаларга ақлимиз етмас экан. Таъбирчининг йўйгани ижобат бўлди.

Амакимнинг беш яшар ўғли Асадулла сувга тушиб кетган ўйинчоғини оламан, деб олдимиздаги катта анҳорга тушиб, нобуд бўлди.

Шундан бери кўнглимга ўрнашмаган тушларимни дўст-душманга айтишдан эҳтиёт бўлиб, сувга айтаман.

### Онанинг кўнгли болада. . .

Бу воқеага анча йиллар бўлди. Хоразмга борганимда, неча кун бўлишимдан қатъи назар, биронта меҳмондорчиликда қолмасдан, фақат онамнинг ёнларида ётаман.

Менга кроватларига жой тайёрлаб, ўзлари гиламнинг устига тўшак ташлаган онамнинг қувноқ овозлари эрталаб уйкумни бузиб юборди:

– Турсанг-чи, бунча уйқучисан, боятдан бери кираман-чиқаман, ҳеч турай демайсан. Қорним оч бўлиб кетди. Бомдодни ўқидим, сигиримни соғдим, емини бердим, кўрпамнинг ҳам анча жойини қавиб ташладим, сен бўлсанг ҳалиям ётибсан, – дедилар.

Ўрнимдан эриниб турар эканман, онам:

– Бугун кечаси билан ёмон ухладинг, билмадим кимлар билан уришдинг, сен ўзи кўрган тушларингни эслайсанми? – дедилар қулиб ва тезроқ чойга чиқишимни тайинлаб, хонани тарк этдилар.

Кечаги тушимни аниқ эслолмадим. Ёдимда қолгани – чиройли ёнғоклар.

– Нимага ёнғок кўрдим экан-а? Ҳар гал олиб келадиган нарсамни барибир ўзлари емасдан невараларига берадилар деб ўйлаб, олиб келмадим-а, кутган бўлсалар егилари келдимикан? – дея ўйланиб қолдим.

Хаёл билан кийинаётсам, хонага онам билан яшайдиган укамнинг иккита ўғли – бири олти яшар, иккинчиси ундан икки ёш кичик бўлган жиянларим кириб келишди. Иккаласининг ҳам қўлида бир ховучдан бозорнинг олди ёнғоклари. Буни кўриб, ёкамни ушладим. Улар мен ётган уйга кириб, ёнғоклардан талашиб-тортишиб, “жумми” ўйнаша бошлашди. Бир томондан, уларнинг қўлидагини кўриб, тушимнинг зум ўтмай кўз олдимда намоён бўлганига ҳайрон бўлдим. Ёнғок масаласи-ку, аниқ бўлди. Лекин, тушимда кимлар билан уришдим экан. . .

– Ёнғокни қаердан олдингизлар?

– Онам опкелдилар.

– Қачон олиб келди?  
– Кеча.  
– Бувингга ҳам бердингизларми?  
– Йўқ.  
– Кимлар еди ёнғокни? Аданг ҳам едими?  
– Ҳа, адамларнинг ўзлари чақиб бердилар.  
– Онанг илгари ҳам ёнғок олиб келармиди?  
– Ҳа.  
– Илгари берармидинглар бувингга?  
– Йўқ.  
– Бувинг сизлардан ҳеч нарсани яширмайдилар-ку. Нега сизлар ундан яшириб нарса ейсизлар?

Бу сафарги таҳдидона саволим болаларни чўчитиб юборди.

– Онам айвонга олиб чиқманглар, деган эди. Мана бу қулоқ солмасдан олиб келди, – деди айбини қай йўсин ювишни билмаган каттаси ўзини оқлаб.

Ҳокимиятда котиба бўлиб ишлайдиган собиқ келин ҳар куни меҳмонлардан қолган нарсаларни кўтариб келар, ўзи олиб келолмаган нарсага хўжайинлик қилолмаган эр эса бир оғиз: – Онамга ҳам бер, – деган гапга тили айланмас экан.

Кечаси ким билан уришганим аён бўлди.

### Кўнгил яқинлиги

Бундан ўн йиллар олдин ишхонамиз ҳовлисида ҳамкасбим Нозима Воҳидова билан учрашиб, анча вақтгача у билан ҳасратлашиб қолдик. У кейинги пайтларда соғлигининг ёмонлашаётганини гапириб, биров сиқилди. Кун бўйи хаёлларим паришон бўлиб юрдим. Кечаси ухлаш учун ўринга чўзилдим ҳамки, меҳрим тушган бу самимий аёлнинг гаплари миямдан кетмади.

Жуда таъсирчанман, таниш-билишларимнинг бошига мушкуллик тушса, уларнинг ташвиши билан қисинаман – юраман. Кечаси билан ухлолмай, у ёқдан-бу ёққа ағдарилиб, тўлғаниб чиқдим. Эртасига ҳамкасбим бўлган, Нозимани ҳам яхши танийдиган қизим Мардонага шу суҳбатимизни айтиб бериб, қани энди кўзимнинг ёшини тўхтатолсам. Табиатан кўнглим жуда бўш, ёшгина жонига қайта-қайта қайчилар тек-

кан бу синглимнинг жонига ичим ачишиб кетаверди. Шунда уйимдаги меҳмон:

– Ҳадеб бемор ҳақида ўйлайвермаслик керак, таъсирга берилиб, руҳан ўзингизни шу касалликка тайёрлаб қўясиз, — деб танбеҳ берди.

Бу гапдан кейин ўзимни қўлга олишга ҳаракат қилдим.

Орадан йиллар ўтди. Ватандан узоқларда юрганимда, туш кўрдим. Нозима иккаламиз худди илгаригидек гаплашиб турган эмишмиз. Унга:

– Сиз кўп хафа бўлаверманг, ҳозир мен ҳам шу аҳволдаман, қўлтигимга катта шиш келган, бу саратон экан, дўхтирлар айтди. Энди бирга ўламиз, — дермишман.

Эрталаб ўрнимдан туриб, тушимни эсладиму вужудим титраб кетди. Болаларимдан узоқда. . . — Ишқилиб, юртга омон-эсон бораёй. . . — тушимни сувга айтдим, қўлимни ювиш учун жўмракка узатаётсам, елкамда бир оғриқ сездим. Жон ҳолатда тушимда кўрган жойга қарасам, каттакон бод мана-ман деб турарди.

Демак, кечаси билан танамда оғриқ пайдо бўлгану уйкуда илғай олмаганим сабабли Оллоҳ буни тушим орқали билдирган.

Худога шукур, уйга қайтиб, табиий муолажалар олганимдан кейин бу касаллик ўтиб кетди.

Танамда ўзгариш бўлиши билан айнан шу касаллик билан оғриган дугонамни туш кўрганим мени ҳалиям ажаблантиради. . .

## Икки йўл

Хоразмнинг ажойиб шоираси Уллибиби Отаева билан иш юзасидан танишиб, энди бир-биримизга яқинлашган пайтимизда улар оламдан ўтдилар. Вафот қилган кунлари тушимга кирди. Шу пайтлардаги “Москвич” русумли машинасига мени миндириб, бир сўз демасдан узоқларга олиб кетаркану ҳовлимиз ёнидаги кичик қабристоннинг ёнига мени қўйиб кетиб: — Шу ерда туриб турунг, мен 10 минутга келаман, — деб машинани ҳайдаб орқасига қайтиб кетармиш.

Уларни кута-кута, кун кеч бўлганида, худди Зумрад болтанинг овозини эшитиб қолганида юрагига ваҳима тушгандек,

қабристондаги қамишларнинг шовиллаган сасидан сесканиб, орқага қайтмоқчи бўлдим. Юрай десам, йўл бўйидаги катта дарахтлар илдизи билан кўпорилиб, йўлни бекитиб ташлаган эмиш. Ўнг томондаги тип-тиник сувли катта анҳор бўйлаб ўтмоқчи бўлсам, дарахтлар билан анҳорнинг ўртасида одим ташлайдиган жой йўқ эмиш. Кейин мўлжални чап томонга қаратибман. Қарасам, у ёқ шундай ахлатга тўла эмишки, бадбўй ҳиди ҳаммаёқни тутиб кетган эмиш. Шу пайт олдимга бир қудамиз келиб: – Сен бу ерларда нима қилиб юрибсан? Бу ер яхши эмас, тез кет, – дермиш. Унинг ёнида юрган бир тўда ёш йигитлардан бири:

– Нима қилиб турибсиз у ерда, кўлимга сув қуймайсизми? – деб бақирган эди, қуда хола талмовсираб қолиб, менга кет, дегандек кўлини сермаб, бола томон югуриб кетди. Нима қиларимни билмай аросатда қолдим. Охири, ўнг томонга ўтиб, қулочимга сиғмайдиган дарахтларни кучоқлаб, бир амаллаб уйим томонга ўтиб олибман.

Туш кўрган одам албатта уни безътибор қолдирмайди. Нима учун бундай манзарани кўрдим, деган ташвиш мени камраб олди. Ўнг томондаги тип-тиник сувни жаннатга, чапдагини дўзахга менгзадим. Унда тўғри йўлимдаги чангаклик нима экан, деб ўйладим. Ёш пайтларимда қизиқиб, дугоналарим билан фол очдиришга борсак, ёнимдагилар қолиб, менга:

– Йўллaring шунақа чангак бўлиб ётибдики, қандай яшаяпсан, қандай чидаяпсан? – деб ҳайрон бўлишар ва бунинг чорасини кўриш кераклиги ҳақида гапиришса, эътибор бермай кетаверардим. Катта йўлдаги қулаб ётган дарахтлар ҳаёт йўлимдаги азоб-машаққатлар бўлса керак. Нима учун мени Уллибиби опа қабристонга қўйиб кетди? Бунинг маънисини нима, таъбири нима? Илм йўлига киришимдан олдин Уллибиби опанинг ижоди бўйича синалиб, кейин мавзу берилди. Бу дунёдан рихлат қилгандан сўнг ўзидан кейинги усиз ҳаётимдаги илмий йўналишимнинг даражасини билмоқчи, синамоқчи бўлдимми? Нима бўлганда ҳам ўзимни жаннат томон қадам ташлаганимдан кўнглим хотиржам бўлди.

---

## Кўнгил кечинмалари

### Беадаб

Йўлдан ўтиб бораётган аёл неварасининг хархашасига кулоқ солиб, уни арғимчоқда учирмоқчи бўлди. Ёнбошдаги арғимчоқда ўн уч-ўн беш ёшлардаги қиз писта пўчоғини ерга ташлаб, аста тебраниб ўтирарди.

— Қизим, пистани ташлама, кап-катта қиз экансан, кимдир шу ерни супириб кетибди. Бировларнинг меҳнатини ҳурмат қилиш керак, — деди аёл.

— Ўзимиз супирамиз, шунинг учун бемалол ташлаяпман.

— Меҳнатингни ўзинг аямасанг, бошқалар аярмиди, болам.

— Менинг навбатчилигимда нариги подъезддаги қиз ифлос қилиб кетади. Кеча у тозалаган эди, мен ҳам атайлабдан қиляпман, — деди қиз ва яна ташлашда давом этди.

— Эртага қайнона ва эр билан талашишга тайёр бўлибди бу, — деди йўловчи аёл саломини ҳам аяган қиздан ранжиб.

### Йўлбошчи

Илмий ишни кўнгиллаб, бир дунё орзу-ҳаваслар билан пойтахтга келган бўлажак олима илк бор ҳамкасблари билан зиёфатга борди. Машҳур олиманинг сафидалигидан қувончи кўксига сиғмаган қиз ўтиришнинг сўнгида “кумир”ининг стол устидаги нарсаларни сумкасига солаётганини кўриб, кўзларига ишонмади.

— Мулланинг айтганини қилу, қилганини қилма, — деганлари бежизмас экан-да, — деди юксак орзуларда юрган қиз бўшашиб.

### Таъзия

Бирлари ғайридин, бирлари ижарада турадиган янги кўшниларининг бирин-кетин келиб, кўнгил сўраб кетганлари

фарзанд доғида куйган аёлнинг руҳини кўтарди. Корейс миллатидан бўлган “домком”нинг фаросатиға, инсонпарварлиғига тан берди. Таъзияға чиқмаган ёнбошидаги ўзбек қўшнисининг эса йўлакда учрашиб қолган синглисига:

– Опангизға таъзия билдириб қўйинг, – деган гапи унга оғир ботди.

– Эртаға буларнинг ўзлари ўлмайдами? Ғайридин билган нарсани нега ўзларимизники билмайди? – деди куйиниб, азадорнинг ёнидан кетмай қўшнилик бурчини ўтаётган аёл.

### Ўрик ва мағиз

– Нима учун невара фарзанддан ширин? – деган саволға Ўзбекистон халқ артисти Насиба Абдуллаева чиройли жавоб берган:

– Чунки фарзандни бир йил, неварани эса йигирма йилдан ортик кутамиз.

Бирок, адабиётшунос олима Суйима Ғаниева ҳам бир гап айтди:

– Қачон ўрик ейилмай туриб, мағзи ейилган?

### Она эҳтиёткорлиги

Янги танишган дугонамнинг онасини кўришға бордим. У яқинлигимизни кўриб:

– Илойим, бу дўстлигингизнинг охирини берсин, – деди. Иккинчи учрашувда ҳам бу сўзнинг такрорланиши менинг хайратимға сабаб бўлди. Илгари дугоналаримнинг оналаридан бундай ҳадикни эшитмаган эдим. Айни шу яқинлик узоққа бормади.

Она дугоначиликда кизининг мезонини билар экан-да.

### Бехосият ҳамроҳ

Такдир тақозоси билан вақтинча тижорат қилишға мажбур бўлган тажрибасиз олима собиқ қўшнисини илтимосига биноан узоқ ўлкаға олиб борди. Қайтишда автобус негадир бузилаверди. Ҳамманинг тоқати тоқ бўлди.

– Орамизда битта ҳароми ўтирибди, шунинг касри уряпти, – дея жаҳл билан бақирди олдинда ўтирган аёл.

Ҳеч кимдан садо чиқмади. Балки, бу аёл борган жойида нималаргадир гувоҳ бўлгандир. . .

Айни шу галги сафарида бор пулларини ўғирлатиб, бунинг сабабини ҳамроҳ танлашда адашганидан кўриб, ич-этини еб ўтирган аёл ўз сўзини баралла айтган аёлга ҳаваси келди.

### Туғилган кун

Пайғамбар ёшига яқинлашиб ҳам, туғилган кунларни канда қилмайдиган, бироқ ўтганлар ҳурмати учун бир бора маърака ёки ифторлик бермайдиган одамлар бор. Ота-онани эслаб одам йиққанида, уларга ҳеч ким совға олиб келмайди-да.

### Ўтириш

Машҳур олима ҳаётида бўлиб ўтган бир воқеани тўлкинланиб гапириб берди.

8 март арафасида ҳаммаси оилалик бўлган синфдош қиз ва йигитларни йиғиб, биттасиникида ўтиришган. Қаҳрамонимиз эрталабгача ҳеч кимни уйига юбормаган. — Умримизда бир марта “расслабиться” қилайлик, — деб боғча, мактаб деган нарсаларни унутишни буюрган. Тенгқурларига нисбатан ол байроқ кўлида бўлган синфдошга даврадагилар итоат этишга мажбур бўлишган.

— Эртасига уйимга тентираб кириб борсам: — Қанақа қизсан ўзи, кеча учта одам уйимга келиб уришиб кетди қизингизни ушлаб олинг деб, — дея онам мени қарғай кетди. Ўзим ҳам учта боламнинг мактабга чиқишини эсимдан чиқарибман.

Ёшлигидаги шўхликларидан бир шингилини завқ билан гапираётган, олим бўлиб, одам бўлмаган опамиздан сўрадик:

— Ҳозир ҳам шу ўтиришдагилар билан кўришиб турасизми?

— Шу гапдан кейин кимнингдир эри, кимнингдир ота-онаси мен билан учрашишни ман қилиб қўйди, —шарақлаб қулиб юборди шарти кетиб, парти қолган ажойиб олимамиз.

### Оқибат

Ота оғир касал. Дўхтирларнинг айтишича, узокқа бормайди. Пойтахт касалхонасига келтирилган отадан шу ерда

яшаб, илм излаётган қиз ҳар замонда хабар олади. Ўн иккита фарзанднинг отаси, ҳали биронтасини уйлик-жойлик қилмаган падар бош фарзанди бўлган бизнинг ҳамкасбимизга йиғлабди:

– Шунча меҳнат килиб, сизларнинг роҳатингизни кўрмай ўлиб кетавераманми энди?

Шу гапларни айтаётиб, қиз сумкасидан янги кофта чиқариб, уни эгнига ташлади-да, хонадагиларга кўз-кўз қила бошлади.

Қон тупираётган отанинг олдидан чиқа солиб, ўзига нарса олиш учун бозорга тушиш кўнглига сиққан қизга қараб:

– Бу қизни бокқанидан кўра туз бокса ҳам фойда кўрарди шу ота, – деган гап кўнглимдан ўтди.

### Ўйинчи

Вилоятда машҳур хонанданинг ўйинчиси бўлган аёлни кексайган пайтида бир ўтиришда учратиб қолдим. Бошига қатта рўмол ўраб, тўрда ўтирган аёл:

– Гуноҳларимиз кўп, буларни ювиш учун амалларини бажаришимиз керак, – деб дастурхондан туриб кетди. Давра энди қизиган пайтида унинг шомга кеч қолмай деб, шошиб чиқиб кетиши ўтирганларнинг энсасини қотирди.

– Ўғри қариса мулла, ғар қариса отин, деганлари шу-да, ким эдию, кимга ақл ўргатяпти, – бири олиб, бири қўйиб, янги намозхонни ёзғира бошлашди.

– Ёшлигимиз қандай ўтишидан қатъи назар, ҳечдан кўра кеч деб, биз кўзимиз қиймаган ноз-неъматни ташлаб, тоатибодатга шошган бу аёл ҳаммамиздан покизадир, – дедим ўтирганларга.

### Ўғиллик оталар

Уч қизнинг отаси ўғил кўрган божасини табриклади.

– Ўғилни эркак туғдиради-да, – шарақлаган кулгидан телефон титраб кетди. Эртаги кунини башорат қилолмаган отанинг ўғилдан буюрадими, қизданми, деган ақидага фаросати етмади.

Ҳар қайсиси бир нуфузли ўринда ўтирган қизларининг орқасидан хожи ота мақомини олган божасининг ҳаётини

кўриб, тарбияси издан чиққан ўғилларининг қилмишларидан қадди дол бўлган ота бир пайтлари айтган гапини эсларми-кан?

\* \* \*

– Ўғлим куёвингизнинг кизларини эркалашини эшитиб, роса кулди, – фақат ўғил неvara кўраётган кўшним кибр аралаш деди.

Вақт ўтди, уларникида ҳам киз тугилди. Фалонхонни суйиб-эркалаётган кўшнимга:

– Қиз болани ҳам эркалаш мумкинмикан? – дегим келди-ю, аслида гап киз ёки ўғил болада эмас, уларга кимнинг баҳо бераётганида, деб шайтонга ҳай бердим.

### Янги ном

Бугун хонандалар орасида урф бўлган – номни ўзгартириш илгари онда-сонда учрарди. Хонандалар негадир бу нарсани одат қилишмаган эди. Нисбатан жиддий бўлган олимлар орасидаги исм ўзгартирувчилар эса айниқса, одамнинг кўзига ғалати кўринарди.

Биби кўшимчасининг ўрнига гулни кўйиб олган филолог аёл бу сўзларнинг фаркига борганида эди, бобосидан мерос қолган номни ўзгартирмаган бўларди.

### Мебеллар

Учала келинини ғариб ердан олиб, “местний” мебельга куни қолган қайнона аламини келинларини чақиб олиш билан босарди. “Импорт”лар билан узатилган кизи икки боласини етаклаб қайтиб келганидан сўнг, қайнона “местний” чи келинларига ғиқ этолмай қолди.

Яратган унга баъзи нарсаларни англлатиб қўйди.

### Этиклўз

Пойабзалимни кўлимда ушлаб, навбат кутиб турибман. Берилиб ишлаётган отанинг орқасида турган ўн-ўн икки ёшлар атрофидаги бола бир нималар деб хархаша қиялпти.

– Болаларнинг ҳаммаси шу-да. Кўлингга пул тушиши би-

лан сақичми, шоколадми, нимадир тутиб олишади, — дедим отасига кулоқ солмай, унинг ишига ҳалақит бераётган болага қараб.

— Газета дўконида эртак китоб кўрибди, шуни тутяпти, — бошини ишдан кўтармай деди этикдўз.

Болага меҳрим товланиб кетди, хоҳлаган китобини олиб бердим.

### Гадойнинг душмани

Вилоятдан келган ижодкор пойтахтда ўтказилаётган адабий анжуманда таниқли олима билан ёнма-ён ўтириб қолган. Бир соатлик анжуманга кулоқ осиш мобайнида олима шоирага бир ҳамкасбини ёмонлашга улгурган.

— Бу олимнинг ёзганларини қандай берилиб ўқирдим-а. Ундан кўнглим қолди, — деди шоира асабийлашиб.

— Гадонинг душмани гадо бўлади. Қисқа учрашув давомида биринчи кўрган одамига шундай гапларни айтган олиманинг кимлигини яхшилаб идрок қилинг, — дедим ва ўша аёлнинг меҳмон билмаган баъзи жиҳатларини айтиб бердим. Энди шоиранинг олимга нисбатан фикри ўзгарди.

Камчиликсиз, хатосиз одам йўқ, бировга гап топишдан олдин ҳар ким ўзини тарозига солиб кўриши керак, акс ҳолда олимага ўхшаб қош қўяман, деб кўз чиқариб қўяди.

### Келишув

Бир даргоҳда ишловчи олимлар бир-бирлари билан келишолмай, ораларида ҳар хил низолар чиқаверибди. Бўлим бошлиғи бундан хафа бўлиб, кекса бир олимга шикоят қилибди.

— Бўлимдагиларни тез-тез йиғиб, ўтириш қилиб туринг, — маслаҳат берибди олим.

Илмий ишларнинг муҳокамаларида бирининг фикри иккинчисига тўғри келмай, тортишиб ётадиган олимлар бугун бири - бирини маъқуллаб, қўли кўксига.

Кечаги ўтиришда чиройли гапларни айтиб, оғиз-бурун ўпишган биродарлар эртасига қандай қилиб бир - бировига қарши чиқиши мумкин. . .

Устоз донишманд билмайин тиканни босди.

## Муносабат

Синглиси бевақт оламдан ўтиб, азадор бўлиб қолган қўшниникига таъзияга чиқдик. Қуръон тиловатидан кейин таъзиямизни қабул қилар экан, у бизларга:

— Синглимнинг ўзи ғалатироқ эди, мендан икки юз минг олиб бермай юрганди, — деди гапининг орасида.

Синглисини дунё учун ёзғириб ўтирган бу опа, мархумларнинг орқасидан ёмон гап гапириш мумкинмаслигини билса керак. Бусиз ҳам ўз жигарининг айбини бегоналар олдида очиб ўтирган аёл қўшниларига аслида ўзининг кимлигини билдириб қўйди.

## Йўқлов

Марказга янги ишга келган ижодкорни илгаридан шу ерда яшаётган юртдош ижодкор дугонаси таниқли шоиранинг уйига бошлаб борди. Уйнинг остонасига етганда шеърларини севиб ўқийдиган устозига атаб совғалар тайёрлаган меҳмон қизнинг кўлидаги сумкани дугонаси олди.

Бунинг сабабини шу пайтда англолмаган киз орадан йиллар ўтиб, Тошкентнинг сувини ичгандан сўнг тушуниб етди.

## Дугона

Улфатдош дугонаси галдаги ўтириш учун балиқ ейишга боришларини таклиф қилиб, телефон қилди. Фарзандининг мазаси йўқлигини айтган аёл узр сўраб, гўшакни қўйди. Орадан бироз вақт ўтиб, шу таклиф яна такрорланди. Бу сафарги йўқловда она боласининг аҳволи жиддийлигини, бундай нарсалар кўнглига сиғмаслигини айтди. Дугона бошқа телефон қилмади.

— Баъзиларга улфат учунгина керак экансан, — деган хулосага келди ғамдан адо бўлган она.

## Устоз ва шогирд

Янги ишга келган олима ўзи билан ижарада турувчи ҳамкасбининг доимо илмий раҳбаридан пул олиб туришини эшитиб, хайрон бўлди.

– Сиз бу пулларни қайтариб берасизми ахир? – деган ажабланишга шериги:

– Тошкентда устозлар шогирдига пул бериб туришади, уни қайтариш шарт эмас, – деб жавоб берди у.

Устоз ва шогирд ўртасидаги холис муносабатни кўрган олима қайтарилмайдиган пулларнинг сабабини кейин англади.

### Эҳсон

– Қассоб: – Шунча гўшти нима қиласиз? – деб ҳайрон бўлиб сўради мendan. Ярмини онамга олиб бораман, десам – Ие, ҳозир онасига гўшт олиб борадиган қизлар бор эканми? Гўштининг ичида юриб, ўғил бола бўлиб, алоҳида турадиган онамга олиб бориш менинг эсимга келмайдию, раҳмат-э, сизга, – деб ҳайрон бўлди у, – деди қизим завқланиб.

– Сен гўшт учун пул бериб кўйганимни айтганмидинг?

– Йўқ, буни гапириб ўтирмадим.

– Гапирмаганинг яхши бўлибди, бир савобга қолибсан. Қассобга онадан хабар олишни ўргатиб кўйибсан.

### Насиба

Бир кўшнимни биламан – тўртта қизининг орасида ўғил тилайвериб, чарчаб кетди. Бешинчисига бўлган ўғил турмади. Яна бир оилани биламан, саккиз қиздан кейинги зиёратгоҳларга қатнайвериб, туғилган ўғил узокқа бормади.

Мен бир нарсага амин бўлдим, киз берадими, ўғил берадими, шуларнинг шукронасини қилиб, берганига қаноат қилиб яшаш керак экан. Меъёрдан ортиқ тиланчиликни Оллоҳ ҳам ёқтирмас экан.

### Тарбиячи

Эллик йил муаллимлик қилиб, қариб-қартайиб қолган кекса ўқитувчимизни кўришга бордик. Дастурхонидаги чўчка ёғига қўл узатиб, бизларни ҳам манзират қилаётган устозимнинг қўлида таълим олган эллик йилги тарбияланувчиларнинг ахволи ҳақида ўйладим.

### Ён кўшни

Кўшнининг остонасини супирган савоб, жумлаларини ўқиган кекса аёл ёнбошидаги ёлғиз яшовчи ғайридин қизнинг эшигини ҳам супириб юрди.

– Мен супирмасам, ботиб ўтираверади-я, булар, – зорларди у баъзан чарчаб кетганида.

Орадан бироз вақт ўтиб, кекса онахон сихатгоҳда даволашиб қайтди. Эшиги олдининг ивирсиб қолганини кўриб, ёнбош эшикка қаради. Кўшнининг уйи ораста турарди.

– Яхшилик қилмишдир ким сенга бир бор,

Ёдингдан чиқарма сен уни зинҳор, – Носир Хисравнинг гапларини булар ўқимайди-да, – хўрсинди аёл.

### Диёнат

Бозордан икки килограмм памилдори сотиб олган аёлнинг йўл ўртасида целофан халтаси йиртилиб, маҳсулотлар тўкилиб кетди. Уларни териш учун ёнидан ўтаётган ғайридин аёлдан боласини ушлаб туришни илтимос қилди.

– Қўл телефонинг йўкми, болаларингга телефон кил, – деди кампир.

Телефонини уйида қолдирганини эшитиб:

– Они все такие, кишлачние; дура, – деди ўзидан-ўзи асабийлашиб.

Бу гапдан жон-пони чиқиб турган келиннинг ёнига яна бир ғайридин келиб, ярим ўзбекчалаб:

– Қўявер, қизим, хафа бўлма. Рангинг оқариб кетибди, сутинг кочиб кетиши мумкин, – деди-да, сумкасидан бир целофан олиб, памилдориларни териб, унинг қўлига тутқазди.

– Одамларни динига қараб эмас, диёнатига қараб фарқлаш керак экан, – деган ҳақиқатни англади аёл.

### Ўзбек хонадонида

Хужжатга кўл қўйдириш учун нафақадаги ходиманинг уйига узоқ йўл босиб келган ҳамкасб аёлдан уйнинг эгаси сўради:

– Рангингиз оқариб кетибди, қорнингиз очмасми?

– Йўқ. – Жавобдан сўнг имзо чекилди ва ҳамкасб кузатиб қўйилди.

– Қорнингиз очми? – дейилувчи саволга: – Ҳа, – дейдиган

Ўзбек меҳмон бормикан ўзи?

### Ҳамшира

Она бемор боласига укол қилдириш учун кўшни ҳамширани чақирди. Дорини тайёрлаётган кўшни нинанинг қандай урилишига қараб қанча пул олишини олдиндан айтди.

– Ҳамширанинг иши “неблогадарний”, бирлари оз пул беради, бирлари эса бермай ҳам кетади, – деди у янги кўшнисига.

– Бир ҳисобдан аниқ нарх белгилаганингиз яхши бўлибди, баъзилар пулини айтмай, одамни ҳижолатга қўяди, – она оғринганини сездирмади.

Қон томирига тушолмай, боласини қийнаётганини кўриб, сал ўтмай танишининг тавсияси билан татар миллатидаги бошқа бир ҳамширани чақирди.

– Олтмиш ёшимга кириб, биронта беморга пул беринг, деганман. Сизга ҳам айтмайман. Рози бўлиб кўнглингиздан чиқарганини беринг, – деди нотаниш ҳамшира.

– Одам оласи ичида, – деганлари жуда тўғри.

### Ҳожи оналар

Экранда қайсидир актрисанинг “Фалон ҳожи она Фалонова” деган номига кўзим тушади. Қайсидир газетада, ёки кўча дўконларининг тепасида эса “Фалон ҳожи ота Фалонов” деган ёзувларни кўраман.

Мен яхши танийдиган бир опамиз уч марта Умра, икки марта Ҳаж сафарига борганлар. Бу ҳақда бир даврада гапирган эдим:

– Бундай гапни айтманг, савобини синдирасиз, – дедилар.

Ҳадеб ҳожилигини рўқач қилаверадиганларнинг аҳволи нима бўлади унда?

### Мулла

Отаси вафот этган кунда ҳар йили Куръон ўқитадиган фарзанд бу сафар узоқ қариндоши бўлган муллани чақирди. Каломдан сўнг йигит унинг олдида бир тўн ва озроқ пул қўйди.

– Бу ерда қанча? – сўради мулла.

– Йигирма минг.

– Юриб тургани эллик минг.

Қизик, бозорга солинаётган калом мархумга ҳадя бўлармикан?

### Замонавий ижодкор

Бир рўзнома раҳбари ижодкор аёлни олдига чакириб, ундан газета учун мақолалар беришини сўради. Сухбат мобайнида хўжайин иккита оёғини чалиштириб, столнинг устига қўйди.

Ҳамиша хокисорликнинг тарғиботчиси бўлган ижодкор бу “еврохоним” ишлаётган даргоҳга қайтиб қадамини босмади.

### Башорат

Наполеоннинг онаси уни ҳар куни эрталаб:

– Тур, болам, сени буюк ишлар кутмоқда, – деб уйғотаркан.

– Сендан одам чикмайди, – деб ўстирган момонинг невараси қирқ ёшидан ўтиб ҳам, одам бўлмапти.

Ёмон фаришталар борлигини унутмаслик керак.

### Оқибат

Янги кўчиб келган жамоа уйининг олдида болалар майдончаси ташкил қилиш учун ҳокимиятга ариза ёзган аёл кўшнилارга имзо чектириб юрганида, ижарада яшаётган кўшниси билан танишиб қолди. Иккита боласи билан эридан ажралган аёлнинг аҳволи ночор эди. Диванда бурни шиғиллаб ётган кизининг дорисига пул тополмаётганини эшитган аризачининг юрак-бағри эзилиб кетди.

– Мен ҳам худонинг бандасиман, у ҳам. Нега менинг уйимда ҳамма нарса бадастиру, уникида емиш йўқ, – имонли ўй уни қийнади. Уйида бор маҳсулотларнинг ҳаммасидан олиб, беш-олтита йдишда кўшненикига чиқарди.

Эртасига маҳалла қўмитасига чиқиб, кўшниси учун кўмак сўраган аёл вақтинчалик рўйхатдагиларга ёрдам берилмаслигини эшитиб, хафа бўлди ва яна баҳоли қудрат ярим етим болаларнинг дафтар-китобига ёрдам берди.

Бошига мусибат тушганида, кўшниларнинг бари чикди, кўнгил сўраб чиққанлар орасида у кўринмади. Ўзбекчилик

эмасми, уни кутди, дараги бўлмади.

– Яхшиликни билганга қилиш керак экан, —деб хўрсинди аёл.

### Умр сўраш

Иккинчи фарзандини дунёга келтирганида, бармоғидан ёмон яра келиб, оғриқдан азоб тортаётган хотинига эр деди:

– Шундан ўлсанг, 16 яшарни олар эдим.

Ҳе йўқ, бе йўқ, ўртада уруш-жанжал йўқ, дабдурустдан айтилган гап ўтирганларга ёмон таъсир қилди.

– Бировга ўлим тилагунча ўзингга умр тила, — деди кен-нойи жаҳл билан.

– Шарга ўхшаб шишаверманг, бир кун ёрилиб кетарсиз, — оғриқдан юзлари буришиб, деди хотини.

Келин башорат қилган экан, орадан кўп ўтмай, шар каби ёрилди.

### Икки қуда

Эр-хотин ўртасидан ола мушук ўтди. Келин йиғлаб она-сини чақирди. Қайнона кудасига деди:

– Уйда ҳамма нарса яшиклаб турибди, биттасида сариёғ, бетонда асал, ўн литрда қовурилган гўшт, яна нима керак бунга?

– Бунга бахт керак, қотган ноннинг ўзини ўйнаб-кулиб ейдиган ширин ҳаёт керак, — кудасининг гапларини кесиб ташлади она.

### Зиёрат

Ватан ҳақида ажойиб шеърлар ёзган вилоятлик шоирдан тасодифан уни учратиб қолган ҳамшаҳри сўради:

– Онангизнинг қабрини зиёрат қилиб турасизми?

– Қабрининг қаерда эканини билмайман.

### Қарз

Боласининг дорисига қийналиб қолган аёл қариндошидан қарз сўради. Ортиқча пуллари йўқлигини эшитиб, тилла юзугини сотмоқчи эканини айтди.

– Арзон берсангиз менинг ўзим оламан, — деди қариндош.

## Обрӯ

Бевақт оламдан ўтган хотинининг қабрига қимматбаҳо тош қўймоқчи бўлган куёв қайнонадан ёрдам сўради. Қизининг дори-дармонига қарашган она ёрдам беришни хоҳламади. Орадан вақт ўтиб, у қизи учун иккинчи бор Ҳажга отланди.

## Нафақа

— Нафақам яхши чиқади, — деб бир ходим маоши кўпроқ ишга ўтиб кетди.

— Ҳали қирққа ҳам қирмаган бўлсангиз, ҳалитдан нафақани ўйлайсизми, унгача қим бор, қим йўқ, — деди унинг кетишини хоҳламаган ҳамкасби.

Оғир касаллик билан оғриган аёл нафақасининг хужжатларини тўғрилаб, биринчи нафақасини кутаётганда пул қўлига тегмай туриб, омонатини топширди.

— Ўйнаб айтсанг ҳам, ўйлаб айт, — деган экан қадимгилар.

## Такдир

Биринчи турмуши бузилган қизининг иккинчи бор ёши катта одамни танлагани онанинг дилини хуфтон қилди.

— Ёши катта билан яшаган тез қарийди, бу ҳам руҳан, ҳам медицина жихатидан тўғри келмайди. Ҳозир эркаклар узоқ яшамаяпти, айти гуллаб турган пайтида қизим бева қолса нима бўлади? — қуйинчак она қизининг келажаги учун ёниб-қуярди.

— Ёш ўладими, қарими, уни худо билади, — деди дугона тап-тортмай.

Ёмон фаришталар омин, деди.

— Ёмон туш кўрсанг, ёмон ниятли одамга айтма, биринчи таъбирчининг айтгани рўй беради, — дейишади. Кўнглингдаги ҳадиқларингни ҳам худбин одамга айтмаслик керак экан. У ёмон фаришталарга йўлланма берар экан.

## Сийрат

Нодирабегим ролини қайси актрисага беришни билолмай бош қотираётган иккита режиссёрнинг баҳсига гувоҳ бўлганман:

— Актрисанинг нафақат қобилиятига, унинг сийратига ҳам

қараш керак. Унинг ахлоки буюк шахснинг ролини ўйнашга арзийдими? — жиғибийрон бўларди кекса режиссёр.

### Янги кўшни

Боласининг мазаси қочиб қолганини айтиб, қарз сўраб чиққан янги кўшника йўқ, деган сўзни айтолмасдан, бир ҳафтага чиқариб бераркан, деб уйдаги меҳмонларнинг қўлидагиларини йиғштириб берган аёл, уни уч ой кутди. Балки боласи ўзига келмаётгандир, деган андиша уни сабр-тоқатга ундади.

— Нималар деяпсиз, у савдосини қилиб ётибди. Кечагина мендан бир ярим миллионлик мол олиб кетди, — бошқа кўшниси уни ҳайрон қолдирди.

### Амаки-жиян

Қариндошлар ўртасидан гап ўтиб қолди. Амакининг ҳар доимги хўжайинлик қилишлари жиянни чарчатди. Буйруқларнинг эътиборсиз қолдирилиши иккаласи ўртасидаги низога сабаб бўлди.

— Касал бўлганингда сени касалхонага бориб кўриб юрибман-а, — афсусланди амаки.

### Фаришта сурат

Бир кўшним бор —унга Яратган ҳар томонлама берган: гўзаллик, ақлу идрок, бойлик, эр, бола-чақа—ҳаммаси рисоладагидек. Ҳатто Оллоҳим бошқаларга бериши лозим бўлганларни ҳам синов тарзида бериб юборганми. . . Фақат унда бир нарса етишмайди —суратга яраша сийрат.

### Қариндошлар

Бемордан хабар олиш учун қариндошлар йўқлаб келишди. Мезбоннинг ўғли меҳмоннинг ўғлини бир тарсаки туширди.

— Нима учун менинг ўғлимни урасан, сен кимнинг боласини урганингни биласанми ўзи? — ўдағайлади меҳмон мезбоннинг ўғлига.

Дили оғриган бемор индамади, чойнакни баҳоналаб, ўрнидан турди.

Ғарибларнигина эмас, беморларни ҳам назарига илмайди-ганлар бўларкан.

### Ҳожи она

Кўшни онасининг Ҳожи она бўлганига худойи берди. Ҳажга бормаган одам қандай қилиб, бу мақомга эга бўлишини тушунмай, уйига кириб бордик. Айтишларича, масъул шахс билан гаплашиб, ният қилинган одам учун Ҳаж амалларини бажартирса бўларкан.

Кўп одамларнинг эътиқоддан кўра, шунчаки ном учун бориб келишаётгани одамга ғалати кўринарди. Умрида жойнамозга пешанаси тегмаган, эътиқодсиз одамга фалон пул тўлаб, олиб берилган мақомдан унга бирон наф бўлармикан?

### Меҳр-муҳаббат

Қизини тезликда операция қилдириш лозимлигини билса ҳам, ота уни пайсалга солаверди. Буни кечиктириб бўлмаслигини айтган ўғай онага у:

– Менга сен билан ўғлимиз бўлса бас, улар мени қизиқтирмайди, —деди.

Қизининг куни ўғилнинг ҳам бошига тушди. Куни ўғайга қолган ўғлига энди отанинг муносабати қандай бўларкан?

Кеча кизи тўғрисида айтилган гап бугун ўғлига нисбатан ҳам айтилмайдими?

### Аёллар олами

Баъзи аёлларни биламан, ёшликдаги нодонлиги учун бир умр изтироб чекиб, ўзига ўзи душманлик қилди. Баъзиларини биламан, эри борлигини, нафақат эри, балки Оллоҳнинг ҳам борлигини унутиб, ҳали ҳамон ботқоққа ботиб юришибди.

### “А” ва “Б”

Бир пайтлари бизлар ўқиган пайтимизда “А” ва “Б” синфларга болалар мактаб директори билан бошланғич синф муди-

рининг дидига қараб бўлинар эди. “А”чилар сайланмалар, “Б”чилар сайландилар эди. Оддий мактаб ўқитувчисининг фарзанди бўлган мен иккинчисига лойиқ кўрилган эдим.

Сайланмачиларнинг кимнинг насл-насабидан бўлганини орадан ўтган эллик йил ҳам ҳали ҳамон баралла айтиб турибди.

## Омонат

Амакисидан олган 300 минг сўм қарзини қайтариши лозим бўлган аёл пулни уй томондан келган жиянига бермоқчи бўлди.

— Мен ҳали Тошкентда кўп бўламан, яхшиси фалон қариндошимиз бор-ку, тижорат қиладиган, шунга айтсак, у пулни амакимга олиб боради. Сизникини эса унинг бу ердаги одамига бериб қўяман, —деди у ва қариндошига телефон қилиб, хабарни етказди.

— Олдин қўлидаги пулни олиб, кейин менга телефон қилинг, у берганидан сўнг мен бераман, —деган овозни эшитиб, аёл:

— Қўй, бундай қариндошдан кўра бегона билан юборганим яхши, —деди-да, уни эртасига юртига бораётган ҳамкасби билан бериб юборди.

Нафсининг қулига айланганларга пул барча нарсалардан — қариндош-уруғу, обрў-эътибордан ҳам устун экан.

## Сингил

Бойвачча сингил бева опасининг олдига учта мато кўтариб чиқди.

— Тўйга қайси бирини тикдирсам экан? — сўради у.

Анчадан бери эгни кўйлақ кўрмаган опа унга мато танлашда ёрдам берди.

## Фирибгарнинг қасами

— Бир кунда уйдан тўртта тобут чиқардим, — йиғлади эркак.

У машинасини йўл четига қўйиб, дўконга кириб кетганида “Камаз” машинани янчиб ташлаганини кўзида ёш билан гапириб берди. Бу гапларга ишонган аёл унинг эртак тўқиётганини, афсуски кеч билди.

## Бефаҳм

Малака ошириш курсида юрганимизда саварқандлик Мавлуда деган аёл билан бир хонага тушиб қолдик. Қиш кунлари, хона иситкичлари яхши ишламас эди. Бир куни қарасам, электр чойнакнинг устига қандайдир латталар ташлаб қўйилган.

– Булар нима? – хонадошимнинг ивирсиқлигини билганим учун кўнглим бир нарсани сезиб, сесканиб кетдим.

– Ювиб қўйганман, ювса ҳалол ҳисобланаверади, – деди у бамайлихотир.

Бугун-эрта келин тушираман, деб турган аёлнинг шу ёшигача ҳалол-ҳаромнинг фарқига бормаганини кўриб, ёқамни ушладим.

## Ирим

– Нима учун сиз бировларга уйингиздан нарсалар берасиз? Уйда турган озиқ-овқатлардан бегоналарга берсангиз, уйнинг баракати қочади. Мен уйимдаги қоплаб турган емишлардан ҳатто қизларимга ҳам бермайман, кўчадан олинглар, деб пулини бераман. Йиғлаб келган кўп, бунақа содда бўлаверманг, – ўргатди қўшни унга.

Ҳозир одамлар ирим-сиримларни ҳам замонавийлаштириб, ўз манфаатларига мослаб олишган. Хисрав Дехлавийнинг: – Агар заринг ҳаддан ошиб ҳам кетмиш; Камбағалпарвар бўл ва мисли дарвиш, – дегувчи гаплари истеъмолдан чиқдими?

## “Уддабурон”

Тошкентда таълим олётгач неварасига қараб юрган қўшним Фарида опанинг ҳар ойги нафақасини уйидагилар таниш-билишлар орқали бериб юборишарди. Бир сафар беш юз эллик минг сўмни жўнатиш зарур бўлиб қолгану таниш одам топилмасдан, аэропортда истараси иссиқ кўринган аёл кишига топширишган. Самолёт манзилига келиб қўнғандан сўнг, қарашса, улар кутган одам йўқ – қўл телефони ўчирилган.

– Уйдагиларга доим агар таниш топмасангизлар, пулни йигитларга берманглар, ўрта ёшдаги аёлларга беринглар, – дердим. Ҳозирги ёшларда ор-номус йўқ, деб уларга ишонмас-

дим. Қозонда бори чўмичга чиқаркан-да. Оналарда бўлмаган тарбия болаларда қайдан бўлсин, —деди қўшним пулига ичи увишиб.

### Ошпаз

— Сиз ошпазмисиз?— сўради беш яшар неварам ошхонада куйиб-пишиб тансиқ овқат тайёрлаётганимда.

— Ҳа, уйимнинг ошпазиман.

— Унда сизга ойликни ким беради?

— Мен ойлик эмас, умрлик оламан, энди. Яратган Эгам ҳаммасини қўшиб, бир беради, худо хоҳласа, —дедим унга.

### Ҳамшаҳар

Наманган сихатгоҳида дам олаётганимизда шерикларимиздан бири:

— Уй томондан бир кампир келибди. Ҳайронман, шу ерга-ча қандай кўркмасдан келган, —деди.

Буни эшитиб, улардан хабар олишга бордик. Қарасак, саксонларига яқинлашиб қолган кампир.

Ошхона узоклиги туфайли шерикларимиз билан навбатма- навбат ҳар куни унга уч маҳал овқатини олиб бордик.

Бир куни тушлик овқатни егимиз келмади, чойхонага чиқиб ош қилишни режалаштирдик-да, онахонимиз оч қолмасин, деб овқатини олиб бордик. Вақтимиз бемалоллиги учун бирпас ҳамшаҳримизнинг ёнида ўтирдик.

— Овқатингиз совиб қолмасин, —десак ҳам у негадир бесаранжом бўлиб, овқатга қошиқ урмасди. Бир пайт, кроватининг орқасидан бир шиша ароқни олиб, пиёлага куйди-да, шошиб-пишиб, ичди.

— Шунга ўрганганман-да, нима қилай,— хонадагиларнинг бари анграйиб қолди.

Шу воқеадан кейин унга ҳеч ким овқат олиб бормади.

### Нотаниш қўшни

Бир куни эшик кўнғироғи чалинди. Очсам, нотаниш аёл.

—“Микроволновый” печкангиз борми?— сўради у.

— Менда унақа нарсa йўқ.

— Бордир. Сизнинг чирогингиз кетиб колмаслиги учун уйга олиб чиқиб қиламан. Куёвим сомса қилиб беринг, деб илтимос қилувди.

— Манга қаранг, сиз кимсиз ўзи?

— Вой, хабарингиз йўқми ҳали, иккинчи каватдаги бир хоналик уйга кўчиб келдик-ку, бир ҳафта бўлди.

Айтилган хонага бир ойлар чамаси кириб-чиқиб юрган аёл кейин йўқ бўлиб қолди. Эшитишимча, бундай аёллар қисқа муддатга ижара уй ёллаб, қўшнилариинг ишончига кириб олишаркану, қармоққа илинган соддаларини тушириб кетишаркан.

### Дугонамнинг дугонаси

Дугонам ўзининг бухоролик ўртоғини таништириб қўйди. Қўлидаги уч яшар ўғли билан эридан ажралиб, сарсон бўлиб юрган аёлни вақтинча уйга киритдим. Бир ҳафтача яшаганидан сўнг:

— Ишхонамдаги ётоқхонамни ҳали топширганим йўқ. Бир ойларча яшаб турсам бўлади, бироқ, ичи бўм-бўш. Энди бу ерда турмайман, деб ўйлаб ҳамма нарсамни уйга олиб кетган эдим. Сиз керакли нарсаларни бериб турсангиз, шу ерда яшаб турардим. Кетаётганимда ташлаб кетаман, — деди у.

Дугонамнинг дугонасига ишонмай ўлибманми. Бунинг устига, кетаман деб турган одамга сўраганини қўш қўллаб узатасиз.

Бир рўзғорда нималар ишлатилиши керак бўлса унга берилди: чойнак-пиёладан тортиб, гиламгача.

Хайр-хўшни насия қилиб кетган аёлни кўрмаганимга ўн беш йилдан ошди.

— Меҳмондан қутулмоқчи бўлсанг унга қарз бер, — деган гапи бор эди Обид Асомовнинг. Ҳақ гап экан.

### Келишув

Ота-она дунёдан ўтди. Ҳайҳотдек ҳовлида ёлғиз қолган ўғил бешта опа-сингисини рози қилмоқчи бўлиб, уйларига чақирди. Ўзаро келишувдан кейин у туғишганларига атаганини берди.

Орадан йиллар ўтиб, судлашиб уй бўлашиб юрилиши-

ни кузатган опа-сингиллар укасининг айтганларига индамай рози бўлишганига пушаймон бўлишди.

Бир-бирлари билан маслаҳатлашиб, бузиб, қайтадан қурилган ота ҳовлига бешовлон кириб боришди. Ишлари зўр бўлиб кетган укасига ўша пайтда яхши тушунишмаганини, иложи бўлса бу ҳақда бошкатдан келишиш кераклигини айтишди. Орада жанжал кўтарилди.

Булар Искандарнинг бўш кетган кўллари ҳақида ўйлаб кўришса эди. . .

## Ўрта ёш

Ўзбекистонда бу йилги ўрта ёш етмиш беш қилиб белги-ланибди. Одамни бир савол кизиктиради —ўрта дегани нима ўзи? Тепа билан пастнинг орасими? Бошқа кўп нарсаларда аниқ ўлчов берилади. Нима учун ёшнинг аниқ ўлчови айтилмайдию, фақат ўртаси ҳақида гапирилади. Ўртаси етмиш беш бўлган ёшнинг тепаси қанча? Паст-чи? . . .

## Видолашув

Усмон Носирни сургунга олиб кетишаётганида, хайрлашмоқчи бўлган онасининг кўкрагидан итариб юборган экан. Бу вазият устида адабиётшунос дугонам билан баҳслашиб қолдик.

— Қандай мақсадда бўлса ҳам, онанинг кўкрагидан итаришни мен қабул қилолмайман, —дедим.

— Сиз рамзий маънони тушунмаяпсиз, у онасининг куйиб кетмаслиги учун юрагини совутмоқчи бўлиб шундай қилган, —қарши чикди ҳамкасбим.

— Кўкрагидан итарилган онанинг шу билан қайғуси енгиллашиб қоларканми? Фарзандлар, айниқса ўғил болалар она қалбини тушунмайди. Онанинг юрагига таъсир қилувчи кучни фақат оналаргина тушунади, —мен ўзимнинг гапларимни маъқулладим.

## Кўникма

Ёшлигида бобоси “вос-вос” деб ҳазиллашадиган невара яхшигина сўзамолга айланди. Сергап эканлигини ўзи сезса

ҳам, ичи қайнаб ётувчи аёлнинг бу одатидан қутулиши қийин бўлди.

Бобо-момоларнинг башорати —ҳукм. Невара боқаётганда ёмон фаришталар қўлининг оминга боришига йўл қўймаслик керак.

### Покланиш

Табиб олдига келган бемор соғлиги ҳақидаги гапларни эшитиб, кўрқиб кетди.

— Кўрқманг, яхшилаб даволансангиз, ўтиб кетади. Маълумотли аёл экансиз, ҳамма нарсани тушунтириб ўтиришим шарт эмас. Маҳсулотларни қабул қилаётганда қовурмалар, дудланган, нордон нарсалардан чекланасиз. Ичиш, чекиш ҳақида аёл кишига гапириш ортиқча, —деди табиб .

— Ичмасанг бўлмайди-да, ўтиришларда қўйишмайди,— бемор аёлнинг гапи эътиқодли табибни ҳайратга солди.

### Жиян

Тижоратчи жиянининг Тошкентга бутунлай кўчиб келганини эшитган амма ниҳоятда хурсанд бўлди. Бугун-эрта келиб қолар, — деб йўл кутган аёл баҳоли қудрат кўчага чиққанида оз-оздан кучи етганича озиқ-овқат ташиди. Бир кун кутди, икки кун. . . — Мендан хафа бўлдимикан, бу яқинда кўришмаган одам нимадан хафа бўлиши мумкин?— хаёл олиб кочди уни. Жиянга атаб тугилган чучваралар бошқа кўп меҳмонларни кутди.

Бир куни куёш ярақлаб чиқди —жиян болалари билан ташриф буюрди.

— Нега келишингни олдиндан айтмадинг? Бироз тайёрланардим ахир. Сенга аталган нарсаларим бошқаларга насиб қилди, — жиянининг ташрифидан боши кўкка етган амма жиғибийрон бўлди.

— Эрталаб участка нозири билан айтишиб қолдим, ҳеч қўймаяпти, доимий рўйхатни сўраб. Шунга шошиб-пишиб келавердик, сизга бирон нарса ололмадик ҳам. Уйингизга келингиз иккаловимизни вақтинча рўйхатдан ўтказиб бера-сизми, деб келувдим, — деди раҳматли укасидан қолган жон жигари.

## Насиба

Биринчи аёлини учта ўғил билан ташлаб кетган эрнинг, ажабо иккинчи хотинидан учта қизи бўлди. Ўғил кўриш учун қилинган ҳаракатлар бесамара кетди.

– Ниманинг кадрига етмасанг, шу нарсадан қисади, – деган эди момом бир суҳбатида. Қизик, кексайганида ота кимнинг кўлига қараркан, ўғилнингми, куёвнинг?

## Маросим

Келин-куёвга никоҳ ўқитилмоқчи. Елкаси йўқ кўйлакнинг устидан янга катта рўмол ташлаб, мулла олдига олиб борапти. Бўйи икки метр келадиган оппоқ кўйлакнинг ерга судралиб бораётганини кўрган бева аёл этакни кўтариб, бўсагагача борди.

– Сиз кирманг! – буйруқ янгради орқадан.

Эҳтиёткор онанинг ҳадигини у тушунди. Бироқ, бир дақиқа сабр қилганида, кўлидаги матони кўйиб, остонада қолаётган аёлнинг иримга ақли етишини у фаҳмлаган бўларди.

## Аристократ

Ўғли дугонасининг кўнглини оғритибди. У билан яхши салом-алиқ қилмабди.

– Болам учун узр сўрайман, унда озгина отасидаги кек бор, у билан ўзим гаплашиб кўяман, – деди аёл. – Келинг, энди менинг ҳам ўғлингиздан хафа бўлган жойларим бор эди, гап мавриди келганда айтай, – деб боласининг дилхираликларини айтган эди, дугонаси сапчиб тушди:

– Бу гапларга ишонмайман, менинг болам “аристократ-ний”, бировни хафа қилмайди.

Кўнғиз ҳам боласини оппоғим, деб эркаларкан. Дугонаси фарзанди учун узр сўраганида у ҳам шундай қилса, бундай дугоначиликнинг умри узоқ бўларди.

## Тараққиёт

– Адабиёт ўлди, – дейишди. Адабиёт ўлмади, адабиётчилар ўлди. Уларни ўлдиришди.

– Санъат гуллаяпти, – деганлари ногўгри. Санъатчилар гуллаяпти. Уларни гуллатишяпти.

## Тежамкорлик

Беш-олтита “дом” сотиб олиб, уларнинг ижара пулидан даромад олаётган, эшигининг олдида яп-янги “Мерседес” савлат тўкиб турган қайнона уч ўгиллик келинини уйига рўйхатга қўймади.

— Онангизнинг ховлисида тураверинг, у ерда тўловлар арзон, — деди боласини боғчага жойлаш учун гап очган келинига у.

## Садоқат

— Рус тилини ўрганма, улар бизларни бостириб келиб, номизга шерик бўлиб ўтиришибди, — дердилар отам.

Уларнинг насиҳатларини маҳкам тутиб, шу фанга ихлос қўймадим. Давлат тилини яхши ўзлаштираганим сабабли таклиф қилинган мансабларни рад этишга мажбур бўлдим. Бостириб келиш вақтинчалик сиёсат эканини, тил ўрганишнинг сиёсатга дахли йўқлигини соддагина отам ўйламаган.

Балки, тилни яхши ўрганиб, эртага мансаб курсисига ўтириши мумкин бўлган муслима қизининг ҳар куни эркаклар билан ёнма-ён юришини истамаган эътиқодли ота кўнглининг башоратидир бу.

## Араз

Ҳар томонлама ёлчиб кетган дугонаминг уйида меҳмон бўлдим. Фақат гўштнинг ўзи учун алоҳида баҳайбат музлаткич қўйилганини кўриб, ҳайратда қолдим. Ҳайратланасиз-да, бир килодан гўшт олиб юрганингиздан кейин.

— Онанг тез-тез келиб турадими? — сўрадим маҳалладош дугонамдан.

— Келадию, ҳар сафар аразлаб кетади.

— Пул, ҳадялар бериб, кўнглини олиб турасанми ахир?

— Бу нарсаларга муҳтож эмас, укамнинг ўзи яхши топади.

— Эй овсар, укам эмсин, мен эммаيمان, демагансан-ку.

Ҳар кимнинг она олдидаги қарзи бўлак, аразларнинг сабабини ҳеч ўйлаб кўрмадингми? Ҳадя улашинг, меҳр улашасиз, деган Ҳадисдан хабаринг йўқми?

## Ном

Невараси билан касалхонада ётган адабиётшуноснинг хонасида Билол исмли бола ҳам бор эди.

– Сен исмингнинг маъносини биласанми? – сўради ундан эрталабки текширувга кирган дўхтир.

– Билол Нозим – озарбайжон шоирининг номи, – аёл жим турган боланинг ўрнига жавоб берди.

– Билол – Пайғамбаримиз саҳобаларидан бирининг номи, – дўхтирнинг гапидан олима мулзам бўлди.

## Шукроналик

Ота-онаси гунг бўлган тижоратчи киз уйимда меҳмон бўлди. Дастурхон устида телефонига уч-тўрт маротаба СМС келди.

– Товар учун бу ёкка келганимда ўрнимда отам ўтиради. Ҳарна қоровуллик қиладилар. Агар харидор келса, ёнимдагилар баҳони айтиб, савдолашиб беришади, – деди у кулиб.

– Сизгаям қийин, агар ота-онангизнинг иккалови ҳам соғлом бўлганида, сиз муштдай ҳолингизга пул топиш учун кўчада тентираб юрмасдингиз, – дедим.

– Йўқ, иккаласининг ҳам ёрдами тегади. Онам уйда ўзлари билан ўзлари бўлиб, иш қилиб юраверадилар, – мамнун бўлиб деди киз.

Шукроналик қизнинг гапини эшитиб, шартнома асосида ўқитган, уйлантирган, уй, машина олиб берган бўлса-да, ота-онасини ёзгириб юрадиган йигит ҳақида ўйладим.

Берганига қаноат қилувчилардан бўлган бу қизнинг икки дунёси обод бўлади, худо хоҳласа.

## Қариндош

Ўн беш кун онасининг бағрида бўлиб, қариндош-уруғлар дийдоридан тўлкинланиб қайтган аёл уйга кела солиб, қизига таассуротлари ҳақида гапира бошлади. Гапи тугамай туриб, ётоқхонага кириб кетган қизидан:

– Нега гапларимни охиригача эшитмайсан? Қариндош-уруғлар ҳақидаги гаплар сени қизиқтирмайдими? – деб сўради.

— Менга амма-холанинг қизиги йўқ,— деган овоз келди ичкаридан.

— Ҳозирги ёшларга компьютер бўлса бас. Қариндошуруғчиликни ҳам синдирди бу нарсалар, — кўнгли оғриди онанинг.

### Аламзада

Ҳамиша лекция ва семинарларда актив қатнашиб юрган курсдошига ҳурмат билан қарайдиган ва кейинчалик унга уйланиш таклифини айтиб, рад жавобини олган курс старостаси дебди:

— Ўқиб юрганимизда унчалик кўзга кўринмас эдию, қандай қилиб, у таниқли бўлиб қолди.

Узумга оғзи етмаган тулки айтган экан пуф сассик, —деб.

### Куйинчаклик

Шақиқа касалим кўзиб, қайд қилаётган эдим, уйга кеннойим кириб келдилар. Аҳволимни кўриб, теварагимда гирдикапалак бўлиб, жиғибийрон бўла бошладилар. Ичимни тозалаш учун югуриб бориб, дўкондан газсиз сув келтирдилар. — Қизим шундай бўлганида кабоб билан қайтарардик, — деб, гўшт қовуриб, емаганимни кўриб эса, бирпасда угра оши ҳам килиб чиқдилар. .

— Овсинининг қизига шунчалик меҳрибон бўлса, ўзларининг қизларига қандай экан булар, деб, — уларнинг фарзандларига ҳавасим келди.

### Ёнғоқ

Уйига келган меҳмонни кузатиб қўяётиб, беш яшар қизининг кўлидаги қаппайиб қолган сумкани кўрган мезбон уни кўлига олиб, текшириб кўрди. Қараса, ҳовли этагидаги ерга тушган ёнғоқларни териб солган. Меҳмон сумкани шу ердаги бир идишга бўшатди-да, бўшатиб қизчанинг кўлига тутқазди. “Ўғри”нинг йиғлагудек бўлиб, ранги бўзарди. Қизининг кўли эгрилигидан мулзам бўлган она ер ёрилмадию, ерга кирмади.

Бу воқеа ёшлигимизда бўлиб ўтган бир ходисани эсимга солди.

Меҳмонни кузатиб бўлгандан сўнг, отам ичкаридан болта олиб чиқиб, сўримизнинг шундоқ биқинида турган анжирни кеса бошладилар. Бундан таажжубланиб, сабабини сўрадик.

– Мевани кам беради, пишганини дарров еб қўясизлар. Дарахтнинг ёнгинасида ўтирган меҳмонга ундан тотдира олмасам, нима деган одам бўламан, – дегандилар жиғибийрон бўлиб.

Оҳ, меҳмонни деб, болаларининг насибасини қирққан бағри кенг отажоним-а. Ўша сиз ҳижолат бўлган меҳмон наслининг неварангизга қилган мезбонлигини билганингизда эди. . .

### Опа-сингиллар

Тошкентга кўчиб келган вилоятлик дугонамнинг бешта синглиси шу ерда яшаётганини эшитиб:

– Зўр-у, бунча бахтлисиз, ҳамма синглингизни ёнингизга олибсиз. Мен бу ишни эпполмадим. Бизлар ҳам олтита опа-сингилмиз, бироқ ёнимда биттаси ҳам йўқ, – дедим ишбилармон танишимга ҳавасим келиб.

– Балки битта ўзингиз турганингиз учун сиз бахтлироқ-дирсиз, – деди у хўрсиниб.

### Совға

Кечки пайт овсинлар йиғилишиб ўтирган кўча эшигига машина келиб тўхтади. Ундан пўрим кийинган ширакайф эркак тушиб, агрофга аланглади.

– Мафтуна, ма санга, – суннат тўйида тарқатилган янги дастрўмолчани қўлида бақанд кўтариб, ўйнаб юрган қизини чақирди у. Ўзиникига қўшилиб, марҳум укасининг қизи ҳам югуриб келди. Рўмолчани олган қизининг суюниб кетганини кўриб:

– Ма, буниям ол, – дея иккинчи қўли билан яна бир дастрўмолчани узатди.

Буни кузатиб ўтирган шериги дарров машинадан тушди-да:

– Бунисига ҳам бериш керак, – деди ғалати бўлиб ва шошиб чўнтагидаги дастрўмолчани қизга узатди. Қиз қувониб кетди.

Арзимаган нарса ярим кўнгилни тўлдирди. Болани алдаш осон, айниқса, кўнгли яримни. Бу нарсани ҳамма ҳам англай олмас экан, айниқса ўзингникилар. . .

### Суннат тўйи

Тилаб олган ёлғиз ўглининг кўлини ҳалоллаш вақти келганда, тўй маслаҳати нима бўлганини сўрасам, қизим деди:

– Тўйхонада одам йиғиб, бир тўда ароқхўрларга топганимни ҳаром қилганимдан кўра, иккита қўйни сўйиб, бева-бечораларга тарқатганим яхши.

– Ақлингдан айланай, жуда савобли ишни ўйлабсан, – дедим имони бут қизимни қўллаб.

### “Япти” чилар

Бекатдаги иккита аёл суҳбати кулоғимга чалинди:

– Ишонасизми, қўшниларимнинг ҳаммаси “япти” деб гапирувчилар.

– Келгиндиларнинг кўпи шу Чилонзорга йиғилган-да, –теварак-атроф билан ишлари бўлмаган аёллар шанғиллаб гапирарди.

– Шу пайтгача булутдек ёпирилиб ётган бошқа миллатни гапирмай, нега ўз миллатингизнинг одамларини ёзғирасизлар, – гапга қўшилди талаффузидан бошқа вилоятдан келгани билиниб турган аёл.

Одилона айтилган гапдан икки суҳбатчи ҳам тилларини тийди.

### Куш уйқуси

Дугонамнинг ҳикоя қилишича, отаси туш пайтида бироз мизғиб олиш учун ҳарна шабадаси бор, деб балконга чўзилган. Кўчага чиқиб кетган ўглини келиб қолар, деб эшикни очиқ қолдирган. Кўзи энди илинган экан, эшик очилиб, кимдир уйга кирган.

– Алишер, сенмисан? – деган у қадам товушини эшитиши билан. – Ҳа, – деган жавобдан сўнг, хотиржам уйқуга кетган.

Ўрнидан турганда, уй ичи остин-устун, ўгли эса кўринмасди. Куш уйқусига алданган ота ўғриларга имкон яратиб берган эди.

## Ота илинжи

– Қизларимнинг яхши ўқиганидан нима фойда менга. Мени боқувчиларим яхши ўқишсин, – дерди ота.

Боқувчи қизми, ўғилми, гап бунда эмаслигини, гап уларнинг қалбидаю, қилган амалида эканини ота тушунмади.

Онанинг кунига олим ўғлидан кўра, бозорчи қизи кўпроқ яраётганини отанинг руҳлари сезиб ётгандир.

## Ардоқдаги қиз

– Уйнинг ишини қилма, ўқишингни ўқи, – деб, мен билан соатлаб илм ҳақида гаплашиб, қўлимга супиргини ҳам ушлатмаган отам эртага кайнонамнинг мендан нима талаб қилишини ўйламаган. Мендан ўқиган китобларим сўралгани йўқ. Мулзам бўла-бўла, рўзғор китобини ўқимаган овсинимдан ўрганганман.

## Бир жойлардан келган

Ҳамкасб дугонамиз туғилган кунига таклиф қилди. Янги қурилган икки қават уйни кўриб, тошкентлик шеригимиз:

– Бир жойлардан келиб, шунча нарсага эришибди-я, – деди.

– Оллоҳ берадиганини бандасининг маконига эмас, эътиқодига қараб беради, – жавоб бердим унга.

## Назари оч

– Ота-онадан иккитагина опа-сингилмиз. Ишонасизми, бир-биримиз билан салом-алиқдан нарига ўтмаймиз. Опамнинг ҳамма нарсаси бор, ҳатто бриллиант тилла-юзуқларигача. Мен умуман бундай нарсаларни тақмайман. Бироқ, ҳеч тўйдим демайди. Уйга келганда: – Керак нарсангизни олинг, ҳаммаси сизники, – дейман кўзи тушган нарсасига суки кетаверишини кўриб. Агар сал ортиқчароқ ўтириб қолсак, дарров уришиб қоламиз, – деди опасини таъминлаётган чевар қиз.

– Бундай опага қўшилгандан кўра, уришганингиз чиройлироқ, – дедим унга.

## Тижоратчи шерик

Иккита шерик узоқ ўлкадан мол келтириб, биргаликда сотишарди. Уларнинг бири олган молларини шеригига кўрсатиб, олган нархию, кетганигача айтарди. Қайси нарсаси яхши кетса, борган жойларида шеригига шуни кўрсатиб, унга ҳам олдиради.

Бир сафар у дугонасининг олаётган товари билан қизиқиб қолди.

— Қани, сизникиниям бир марта олиб кўрай-чи, — деган эди шериги:

— Илтимос, менинг молимни олманг, — деди кескин.

Қарс икки кўлдан чиқмади.

## Ҳамкасаба

Ўзидан анча тўқ турадиган кекса ҳамшаҳрини кўриб келиш учун борган ёш олима ундай-бундай нарсаларни емаслигини ўйлаб, тишида сақлаб юрганини ишлатди.

— Ҳар доим бориб ўтирибманми, бир ҳафта гўшт емай кўя қолай, — дея тансиқ нарсалардан олди.

Орадан анча вақт ўтиб, йўлда уни учратиб қолди.

— Менга олиб келган пишлоғингизнинг ҳиди бордек туюлди. Ташлаб юборишга кўзим киймай, биронта меҳмон келса олдига қўярман, деб музлаткичга солиб қўювдим. Жияним келганида олдига қўйсам, иштаҳа билан еб ётибди. Озгина тоғиб кўрай десам, бирам ширин экан-ки, мазасини билганимдан сўнг унинг олдидан қолганини олиб қўйдим, — деди у.

— Ғариб одам ғарибона ейди, — деб ўйлаган хоним, билмайдик, қайтанга шундайларда инсонийлик кучли бўлади.

Мирзакаримбойникига қўшнилардан йиғиб олиб борган туршагининг тошдай қаттиқлигини эшитган Йўлчини эслади аёл.

## Курсдошлар

Курсдош дугоналар йиғилди. Улар кетгандан сўнг қизим галати гап айтди:

— Опа, Гулистон ароқ ичаркан.

— Қиз бола ҳам шундай нарсаларни оғзига оларканми?

– Ўзи гапириб берди, уйига иккита синфдоши келган экан, учаламиз ўтириб, икки шишани ичибмиз, –деб мақтанди.

– Онасининг хабари бор эканми, бундан?

– Ҳа, уйида ўтириб ичишган. Онаси ишдан келганда айтса: – Ўл-е, шунча ҳам ичасанми? –деб қўя қолган, холос.

Бу гапларни эшитиб, жойнамозга пешанаси тегаётган кизларимдан хурсанд бўлдим.

## Унвон

Адабиётга меҳнати кўп сингган бўлса-да, бир олима Ёзувчилар уюшмаси аъзоси бўлолмади. Сабаби, бир пайтлари дўсти бўлган машхур ёзувчи:

– Ким шу аёлни уюшмага аъзо қилса, ундан розимасман, –деган экан шогирдларига. Раҳматли бўлганига анча йиллар ўтган бўлса ҳам, унинг руҳи ғолиб келди.

Тирик шогирдлари билан ўлик устозлар ҳам тирикдир.

## Оғзи қийшиқ бўлса ҳам. . .

– Бева аёлнинг бошига Бухоронинг куши ҳам ташлайди, –дерди қадимгилар. Фақат бева аёлнинг эмас, кизларнинг ҳам бошига ўтирадиган бўлган бу қушлар ҳозир. Ҳаётда отаси йўқ, мусофир кизлар бор, тил-оғзи боғланган. Ҳозир фақат оғзи қийшиқлар гапирадиган бўлган.

## “Дон Жуан”

Ҳаётда Дон Жуандан ҳам ўтказганлари бор. Ҳам онага, ҳам сингилга ва охири қизига ҳам қармоқ ташлашади. Бундайларда на дин бор, на диёнат,– дейиш ортиқча. Оддий инсонийлик қиёфасидан ҳам маҳрум бундайлар.

## Чиққан қиз

Чиққан қизнинг чиғириқдан ташқари бўлгани яхши экан. Келинлик дунёсига чатишган аёл қизлик дунёси билан боғланаверса, ҳаётнинг мазаси қочаркан. Ё она билан қиз дўст, ёки эр билан хотин экан. Икки кемани барабар ушлаганнинг аҳволи маълум.

## Кўнгил сўраш

Укам фожиали ҳалок бўлганида иккита дугонам кўнгил сўраб келди. Удумга кўра кўлига сочиқ олиб, бўкириб кирган дугонамни тушундим. Неча йилдан бери қўшничиликни рисоладагидек бажараётган бағри кенг ҳамсоям менинг мусибатимга эътиборсиз қарай олмас эди.

Боши яланг, эшикдан кулиб кириб келган дугонамни ҳам тушундим. Йиғлайвериб, адо бўлган ўртоғимни ортиқча қийнашдан нима фойда, —деб ўйлаган у.

Қандай бўлишидан қатъи назар, улар кириб келишди — мен учун, менинг кўнглим учун.

## Мен гўзалман

Европа рухшунослари ғалати нарсаларни ўргатишади-да бизнинг аёлларга. Эрталаб ўрнингдан туриб: — Мен гўзалман, мен акклиман, мен бахтлиман, — дейиш керак экан кўзгуга қараб.

Ҳар куни кўзгуга айтавериб, ўрганган оғиз эртага бу гапларни кайнонасига ҳам айтмасмикан : — Мен гўзалман, мен акклиман, —деб.

## Кузатув

Жияним олий даргоҳга ҳужжат топшириш учун келди. Бир ой уйимда ўтирган жигарим кўп нарсаларни кузатган.

— Қараб турсам, ўзингизга кийим олмасдан, фақат болаларингизга ейдиган нарса ташир экансиз. Бизлар сизларга ўхшаб, пишлок, творог емаймиз. Онам кўлига тушган пулига кийинади. Яқинда бир ич кийимини ўттиз беш мингга (ўн йил олдинги нарх) олди, —деди бола соддалик билан.

Шунча пулга олинган ич кўйлакни тасаввур қилолмадим. Бу пулга мен ташқисини ҳам олиб кўрмаган эдим.

— Ўттиз беш мингга қанча озиқ-овқат берарди-я, —ичим ачишди менинг.

## Ҳар кимники ўзига. . .

Бола йиғлаяпти. Унга қарашга вақти бўлмай, тўй хизматида юрган келинига қайнона:

– Олсанг-чи, болани. Боятдан бери биғиллайди, бечора. Болани эмизишга эринасан-а. Қанча кўп эмизсанг, шунча соғлом бўлади, –деб танбех берди.

Ётоқхонада боласини эмизаётган эди, онаси кириб келди:

– Қариндошлар билан яйраб ўтиролмадинг. Ҳадеб эми-заверма болани. Кўп эмизаверганингдан этинг устихонингга ёпишибди. Бола деган йиғлаб-йиғлаб ўсади, йиғлагани сайин, кўзи қора бўлади.

– Ҳар кимники ўзига, ой кўринар кўзига, – экан-да.

### “Ҳалол” пул

– Пулимиз ҳалол экан, ҳарна ҳаммасидан ажралгандан кўра ярмини бўлса ҳам ололдик, – жони чиққан қўйини колбаса цехига топширган намозхон амаки ўзида йўқ хурсанд эди.

### Ҳаёт

Меҳмонни кузатаётиб, унга уйнинг эгаси бир банка ичилган олча компотининг меваларини тутқазди.

– Болаларим бунақа нарсаларни емайди, – беванинг нафсонияти оғриди.

– Булар жуда фойдали, ичакларни тозалайди, – кўлидагини мажбуран тутқазди унга мезбон.

Кўнглини оғритган бу емишни ариққа ташлаб кетган бўлса ҳам, бироқ йиллар оша тақдирнинг бу ҳазилини у унутолмади. Ғариб бўлса ҳам, ғурури бор она болаларига бировларнинг боласи емагани едирармиди?

Ҳадисдаги: – Ўзингга раво кўрмагани ўзгага раво кўрма, деган гапдан бу хонимнинг хабари бўлмаса керак.

### Таъриф

– Хоразмнинг қизлари енгилтабиат бўларкан, –деди бир танишим.

– Ўзингизнинг юртингиздаги қизлар авломи? –демоқчи эдим, ҳар доимги мутелигим панд берди.



## Боланинг тили ширин

### Қуръон ўқиш

— Мағзидан данаги ширин, — деган гагда жон бор экан. Болаларимиз ёш пайтида иш ва бошқа ташвишлар билан андармон бўлиб кўпинча момосининг қўлидаги боламиздаги ўзгаришларни, уларнинг шириндан- ширин сўзларини эшитмай юраверамиз. Набиралар билан вақтимиз кўп ўтгани учунми, уларнинг ҳар бир ҳаракатидан, ҳар бир оғзидан чиқаётган сўзлардан воқиф бўлганимиз сайин болалар дунёсига кириб бораверамиз.

Учта неварамнинг кенжаси Фарангиз опаларига нисбатан менга эътиборлироқ. Аслида ўзинг боққан бола сенга яқинроқ бўларкан. Боққанда хосият кўп экан. Эмизикли пайтидаёқ ёнимда олиб ётганим учун менга қаттиқ ўрганган.

Ўғлим йўқлиги сабабли иккита қизимни узатганимдан сўнг ўзим алоҳида яшашга мажбур бўлдим. Қизимнинг уйи билан менинг уйим оралиғи уч бекатча бўлиб, мен йўлни қисқартирадиган сўқмоқлар орқали ҳар икки куннинг бирида невараларимни, айниқса кичкинасини бориб кўриб келаман. Ўзлари меникига келишолмайди, шунинг учун қачон улар соғиндим дейишса, ёки ўзимнинг кўргим келса ҳаракат қиламан, деган баҳона билан пиёда бориб кўриб келаман.

Қизларнинг ичида мени энг кўп соғинадигани шу кичкинаси. Бир кун ўз уйида бўлса иккинчи куниёқ, мени олиб кетингга тушиб қолади. Ё ўзим бориб олиб келаман, ё кечкурун машинада олиб келишади. Кўпинча мен билан пиёда юришни яхши кўради. Сабаби — йўлимиздаги арғимчоқ. Момосини жавратиб, унда роса учишни яхши кўради.

Кечкурун иккаламиз бир кроватда ётамиз. Шундай кунларнинг бирида: — Буви хуррак отяпсиз, — деди у менга.

— Ие, шундайми? — қўлимни олиб нарироққа сурилиб ётдим.

— Буви нафас оляпсизми? — жимликдан сескандими ё кўнплига нохуш ўй келдими, кўрқа-писа сўради у.

– Ҳа. Нимага ухламаяпсан?

– Буви, агар уйда битта ўзингиз пайтида сизга бир гап бўлса, у гапнинг нима эканлигини айтмайман, у ёмон гап. Сиз қўрқманг, хўпми. Биз уй ичимиз билан сизга қуръон ўқиймиз.

## Араз .

Келин билан қайнона ўртасида бу гап жиддийроқ гап ўтиб, онаси ва хотинининг ўртасида қозилик қилишдан тўйган, бунинг устига айб кўпроқ онасида бўлгани учун куёвнинг ўзи ҳам бир қарорга келиб, ёлғиз яшаётган қайнонасининг уйига бираўла кўчиб келишди. Уч ярим яшар Мафтунанинг боғчаси ўзгарди. Эр-хотин ишда бўлганлиги сабабли неварасини боғчага олиб бориш бувининг зиммасига тушди. Бир куни шошиб-пишиб кетишга тайёрланаётган Мафтунага кизиқиш билан қараб турган тарбиячи Римажон опадан сўради:

– Бу сизнинг қизингиздан бўлганми, ўғлингизданми?

– Қизимники.

– Нега унда уни сиз боғчага олиб келасиз?

– Вақтинча меникида туришибди.

Ўзбекчиликдаги қайнона-келин муносабатларини бошидан ўтказган боғча опа ортиқча савол беришни ўзига эп билмай Мафтунага юзланди:

– Бувингнинг отини биласанми? – кичкинтойларга турли томондан саволларни бериб, уларни синайдиган боғча опа қизга саволни шундан бошлади.

– Биладан, Римажон опа.

– Нариги бувингники-чи?

– Фотима опа.

– Сен қайси бувингни яхши кўрасан?

Бир гапдан қолмайдиган маҳмадана неварасининг бу савол қайта такрорланса ҳам қулоғига гап кирмаётгандек кетамиз деб этагидан торткилашидан ҳайрон бўлган буви боғча ҳовлисига чиқишганида унга деди:

– Мен сендан хафа бўлдим. Сени ҳар куни боғчага олиб бориб, олиб кетсам. Ҳеч кимнинг бувиси ўйнатмаган жойларга олиб бориб, аргимчокларда учирсам. Бир оғиз Римажон бувимни яхши кўраман демадинг-а.

– Агар сизни яхши кўришимни айтсам, нариги бувингни

ёмон кўрасанми, —деб сўрайдилар. Кейин улар билан уришиб келганимизни сезиб қоладилар-ку. . .

Муштдек қизнинг гапларидан лол қолган буви унинг бетига “туф-туф” деб кўйди.

### Икки метр мато

Фарида опанинг ўғли йўқ. Худо берган уч қизига суяниб, кексалик мақомига етди. Боланинг кўнгли далада, дейилгани рост экан. Буни деярли барча оналар яхши англашса ҳам, бироқ уларнинг ҳеч қайсиси уйдаги гапни кўчага олиб чиққиси келмайди. Муқаддас оиланинг шаънини сақлаш керак. Гўё барча оналарнинг болалари меҳрибон ва ота-онам деган. Ўзбекчилик шу-да, ура-урани яхши кўради.

Фарида опанинг маълум муддат ўртанча қизи билан ичкуёв бўлиб яшашига тўғри келди. Нафақага чиққан она биратўла иш орасида юргизиб турган тижоратини ҳам қизи ва куёвига топшириб, ўзининг уч хоналик уйини болажон қизига берди-да, уларнинг икки хоналик уйига кўчиб ўтди.

Қизининг чаққонлиги ва уддабуронлиги билан орадан бироз вақт ўтиб, улар тўрт хоналик уй олишди. Уйнинг бор-буд жиҳозлари билан сотилганини эшитса ҳам, бироқ уйда ақалли биргина стули бўлмаган она ҳеч бўлмаса компьютерда ишлаш учун бир стулни эски уйдан олиб келмоқчи бўлди. Бу ҳақда қизига айтса: — Бизлар қўлни қўлга берганмиз, энди у ердан бирон нарса олиб чиқсак номардлик бўлади,— деган гапни эшитиб, қариликми, беваликданми кўнгли нозик бўлган Фарида опага бу гап ёкмади. У кўлидаги телефонни кўйиб, алламбалолар — ёш кетган отаси, қирқига қирмай қирқилган эри, гулдек қизининг тупрокқа қоришиб ётгани эсига тушиб, жиндак арази вулқон бўлиб портлади. Ўз-ўзидан хўрлиги келиб йиғлай бошлади.

— Сен буларга борингни берасан. Бироқ, болалар фақат ўзини ўйлашади. Кези келганда икки метр мато олиб келиб кўнглингни олишни билишмайди, — йўқ жойдаги гаплар оғзига келиб, босиб-босиб йиғлади. Бир пайт кўлидан телефон трубкасини олиб кетган ўн яшар невараси ётоқхонада ким биландир гаплашдию, йиғлаётган бувисининг олдига келиб деди:

— Йиғламанг, мен онамга телефон қилдим бувимга икки метр мато олиб келинг деб.

## Бош огриғи

Икки кундан бери тумовдан қаттиқ қийналаётган онанинг бирпас хотиржам ётишига имкон йўқ. Тўрт яшар қизи Мардона унинг бирпас тинч ухлашига қўймади.

– Кўп хархаша қиласан-а. Бир кулоқсиз Қиммат қиз бўлдинг-ки. Кимки онасини ёмон кўрса уни касал қилади, – деди у қизини уришиб.

– Унда бувимни сиз касал қилдингизми, касалхонада ётибдилар-ку? – деди у хайрон бўлиб.

## Пистачи

– Ойингнинг мен билан нима иши бор. Нима қилади бировларнинг ишига аралашиб, деб пистачи сиздан жаҳли чикди, – деди қўлида бир сиқим писта ушлаган Мардона.

– Нега ундай дейди, мен уни яхши танимасам. Унинг қайси ишига аралашибман.

– Ҳадеб пул сўрайверасан, шу пистачини милиционерга бервораман, – деган гапингизни унга бориб айтган эдим, менга пулсиз писта бериб юборди, – деди қувончини яширолмай Мардона.

## Боланинг қилиғи ширин

Иккита амакимнинг болалари билан катта ҳовлида бирга яшардик. Бизлар саккизта, амакимнинг биттасида еттита, иккинчисида саккизта бола бўлиб, учала оила ҳовлининг уч бурчагидаги хоналарда яшар, қозон-ўчоқ бошқа бўлгани билан кўп нарсалар ўрталикда эди. Боғимиз битта – узумзор алоҳида, олма, ўрик дарахтлари алоҳида, бир томонда анор, нок, беҳилар хил-хил пишиб ётар, амаки қизлар хоҳлаганча еб, кенг боғларда яйраб ўйнардик. Афсуски, шундай боғу бўстон жойлар аэропорт йўли ўтади, деган баҳона билан совет даврида уч куннинг ичида теп-текис қилиниб, бу ер ахли шаҳарнинг дарахт унмас чекка чўллик жойларидан ер берилиб, бизлар яшаган ўринларда дангиллама икки қават уйлар қурилиб, унга шаҳарнинг казо-казолари кўчиб келишди. Унумдор ерларга суки кетган мансабдорларнинг йўл баҳонасидаги асл мақсадлари ҳам аслида шу бўлган.

Гапга чалғиб кетдим. У пайтларда одамлар содда бўлганми, ё бағри кенгликданми, қариндошлар ўртасида меҳр-оқибат шундай кучли эдики, уйимдаги кечкурунги овқат ёқмаса бемалол кеннойимлардан бирисиникига бориб, уларнинг тансиқ овқатидан еб келардим. Оҳ, у замонларнинг завқини ҳаётимда қайтиб ҳеч қачон туйган эмасман. . .

Эрталабки чойни ҳар доимгидек кичкинагина сўримизда ичиб ўтирган эдик, катта амакимнинг қизи Зайнаб келиб:

— Раҳматилла акам келмадими, онам сизлардан нон олиб келишга юбуровдилар? — деб сўраб, “йўқ” жавобидан сўнг иккита чўракни олиб нариги амакимникидан излашга кетди.

Нонимиз тандирда ёпилар, агар овсинлардан кимникидир тугаб қолса, ёки меҳмон келиб қолса, бир-бировидан иккита нон олиб турилар, ўзлари ёпган пайтида бу нон албатта қайтарилар эди. Мен бир нарсага ҳайрон бўлар эдим — боғ мевалари умумий бўлса, ҳатто қишга сақлаб қўйган қовун ва узумларимиз ҳам кўпинча ўрталикда бўларди. Бирок, негадир қарзга олинган нон албатта қайтарилиб бериларди. Бунда бошқа биронта ирим борми, ёки нон ёпишнинг машаққатлилиги учунми, билмадим овсинлар ўртасида нонни шунчаки олиб кетиш, деган гап бўлган эмас.

Ёшлигимизда амакимлар ишдан ташқари вақтларида ўзлари ғишт қуйиб, уни кўмир ёқилган хумбазда пишитишардида, пишган ғиштни сотишарди. Бундан келган даромад ҳам оилалар ўртасида тенг тақсимланар эди.

Бир куни эрталабки чойни ичиб, боғ этагига кечаси қуйилган хом ғиштни ерга тегиб турган томони қуёш кўрсин учун ағдариб чиқишимиз лозим бўлган буйрукни олиб, ҳамма қизлар уйилишиб турган эдик, бир пайт иккинчи синфда ўқийдиган Раҳматилланинг қўлидан ушлаган кеннойимнинг янгаси (оналари ёш ўтиб кетган эди) келиб қолдилар. Қўлтиғига иккита нон қистириб олган, ранги бироз оқаринқираган Ғавҳар опа:

— Тинчликми, эрта билан нон сўратиб юборибсизлар?

Бу гапдан ҳаммамиз ҳайрон бўлиб турган эдик, Раҳматилланинг отаси бўлган Саидабдулла амаким кулиб юбордилар. — Бор отанглардан нон олиб кел, —деб уни катта ака бўлган бизларникига юборсалар, у нариги маҳаллада яшайдиган онасининг отасиникига (Хоразмда боболарни “ота” дейи-

шади ) нон сўраб борган экан. Овсинлик уйда ҳойнахой бир жанжал кўтарилган деб кўрқиб кетган Гавҳар опа қўлтиғига иккита нон қисиб, югуриб келаверган.

### “Яхши” ният

Пиёз тўғраётганимда қўлимни пичоқ тилиб юборди. Сизиб чиқаётган қонни кўриб кўрқиб кетган тўрт яшар неварам:

– Энди ишга бормайсизми, уйда ўтирасизми? –деб сўради шошиб-пишиб.

– Йўғ-е, арзимаган нарсa учун ҳам ишдан қоламанми?

– Унда кўпроқ кесса бўларкан, – деди ачиниб.

### Самолётда

Сиртки имтиҳонларини топширишга келадиган синглим, қайнонаси болани суймаслиги сабабли, ҳар гал иккаласини ҳам ўзи билан бирга олиб келишга мажбур бўларди. Бир галги ёзги сессиясини тугатиб, уйга қайтмоқчи бўлиб турганида мен хизмат сафари билан Урганчга учадиган бўлдим.

– Опа, Дониёрни ҳам ўзингиз билан олиб кетинг, унга самолёт бепул-ку, – деди синглим. Кетар чоғимизда сезиб қолдикки, самолётда беш ёшгача бўлган болаларга бепул экан. Дониёрнинг хужжатида ўн беш кун ўтиб кетганини билиб, роса ачидик. Болага аллақачон самолётда кетиши айтилган. Отасини соғинган эмасми, у кун бурундан хархашани бошлади.

– Менинг боламнинг гувоҳномасини ола қолинглар, унинг бешга тўлишига ҳали ики ой бор, – деди қўшним Дилбар. Қўшни боланинг хужжати билан хола-жиян йўлга чиқдик.

Одатда кўп гапирадиган маҳмадана жиянимнинг лоп эттириб айтиб қўйишидан кўрқиб, унга қайта-қайта: –Сенинг отинг Маъмур, отинг эсингдан чиқмасин –Маъмур, дея такрор-такрор эслатиб бордим. Рўйхатдан ўтаётганимизда ҳатто ўзининг ҳам ёшидан каттароқ кўринадиган, тўладан келган Дониёрга қараб қолган ходим:

– Болам, отинг ким? –деб сўради. У индамай тураверди. Мен юрагимни ҳовучлаб турибман. Яна қайта савол берилганидан сўнг: –Айт, ахир отим Маъмур деб, – дегандим, –Кеннойи, сиз аралашманг, –деган пўписани эшитдим.

– Баҳодир ака, мана буларга бир қараб қўйинг, – у хуж-

жатларимизни кўлимизга тутқазиб, бизларни нарироқда ўтирган каттасининг олдига юборди. Буниси ҳам шеригига ўхшаб саволга тутаётган эди:

— Жуда ашаддий жинойтчини тутдингизлар. Бошқа ушлаш-га арзийдиган топилмади, шекилли рейсингизда, болалик оёнага ёпишиб олдингизлар, — дедим зарда билан. Кўрққан олдин мушт кўтарар қабилдаги гапим унга таъсир қилиб, тезда хужжатларни қайтариб берди-да: — Бораверинглар, — деди мулойимлик билан.

— Келгунингча сенга шунча тушунтириб келдим, Маъмур деб айтгин деб. Жияним поездда эзилиб юрмасин, самолётда юрсин деб мен сени қайгурсам, лекин сен мени ўйламадинг. Мени уятга қўйдинг, — дедим унга танбех бериб.

Салонга чиқиб ўтирдик. Ёнимдаги йигит уни кўтариб, ўртамизга ўтиргизиб қўйди.

— Бу бола жуда тартибли экан. Отинг ким сени? — деса:

— Маъмур, — деди ерга қараб.

### “Маввот”

Катта неварам Гуласалнинг тиши оғриб қолди. Кечаси билан ухломмаган болани эрта билан дўхтирга олиб чиқмоқчи бўлди. Ота-онасининг иккалови ҳам ишлик бўлишгани учун уни ўзим олиб бормоқчи бўлдим. Олти яшар Гуласал кийинаётганимни кўриб: — Сиз билан бормаيمان, онам билан бораман, — деб хархаша қила бошлади. Охири, кўндира олмаганимиздан кейин уни ўзи дўхтирга олиб кетган қизим ишга кеч қолиб, раҳбаридан гап эшитибди.

— Бу нима қилганинг бўлди, қизим? Мен уйда бекор ўтирган бўлсам, ишлайдиган онангни шунча кийнаб, овора қилдинг. Сенга нима фарқи бор эди ким олиб борганининг?

— Онам чиройли кийиниб юрадилар-де. Сиз унақа кийинмайсиз. Дўхтирлар сизни ёмон кўриб, тишимни оғритиб олишади, — муштдек қизнинг “фалсафа”сига тан бердим.

### Кутиш

Рўзиканинг катта ўғли олмачи чиқди. Қанча олиб келсанг ҳам кўрдим демайди. Етказиб бериш осон бўлса экан. Эри-

нинг иш йўқ, деган баҳонаси йилларга чўзиляпти. Бошқа эркакларга ўхшаб мундоғ ўрис юртигами, қозоққаи бориб бир-икки сўм ишлаб келиш дарзига ҳам келмайди. Ўзининг улгуржи бозордан олиб келиб, кичик бозорда пуллайдиган мевачевасидан келадигани тўрт боланинг оғзини қоплармиди.

Азаматнинг бўлса олмага “бошқоронғилиги” куюшқондан ташқари. Одамда қандай модда етишмаса шу нарсаси бор мевага ўч бўлади, деган гап тўғри экан ўзи. Туғилганидан бери дўхтирлар унга темир моддаси етишмаслигини айтишар эди. — Ичакларингни сўриб юборади-ку,— дейилишига кулоқ солмасдан бирини еб тугатиб, иккинчисини қўлига олади. Яхшиям, бозорда сотилмай қолгани борми, бироз айниганими, шулар билан боланинг нафсини қондиради.

Бир куни эри уч-тўртта жўралари билан боришини, гўшт чиқариб, гўмма қилишини ва озгина ижжон ҳам тайёрлашини буюрди. Аксиға олиб, уч кундан бери кичкинасининг мазаси бўлмай бозорига ҳам чиқолмаётган эди. Дастурхонга бир-иккита тарелка конфетни амаллаб топди. Болалик уйда у ёк-бу ёкқа яшириб қўймасанг бўлмайди. Бироқ, ҳечам олмани яшириб бўлмайди. Азамат Шерлок Холмснинг шогирди. Ўтқир бурни унинг дўсти, ҳарқандай яширинган жойдан ҳид тортади.

Қараса, тўрттагина олма қолибди. Ҳай, йўқдан яхши-ку, деб кичик тарелкага тўртоловини солиб қўйган эди, ҳид дарров керакли одамани чақирди. Югуриб келиб бир олмани қўлига олган Азаматнинг қўлидан Рўзика опа олмани тортиб олди:

— Сен бир олмани есанг, бу ерда учтаси қолади. Дастурхонга тоқ нарса қўйилмайди. Эркаклар барибир мева емайди. Агар озгина чидасанг, улар кетганидан сўнг ҳамма олмани сенга бераман. Эртага, худо хоҳласа қолган олмалардан сенга яна олиб келаман.

Жўралар келди. Гўмма билан ижжон ейилди. Қорни тўйган бекорчилар хонтахтанинг ҳар томонига ёнбошлаб, карта ўйинини бошлашди. Бугун буларнинг футболлари бор экан. Йиғилишнинг баҳонасини эшитган Рўзика бу яқинда меҳмонларнинг оёғи кўтарилмаслигини билди. Азамат бўлса кириб-чиқиб юрибди. Унинг дарди хаёли бир нарсада.

— Қачон кетишади? — сўрайди у онасига ўнинчи марта инжилиб.

– Қани эди, тезроқ кета қолишса. Ўтирган жойлари ўзлариники. Ўйлашмайди ҳам, бу уй эгаларининг ишлари бордир, эртага бозорга чиқиши керак деб, – тўнгиллади у бир томони уларга чой ташишдан безор бўлиб. Эртага тонг билан катта бозорга чиқиб, мева олиши керак. Меҳмонларга қилинган гўммадан болаларининг ҳам оғзига етсин деб кўпроқ қилиб уни тайёрлагунча тик оёқда туриб бўлари бўлди. Эрда эса ўй деган нарса йўқ.

Уйкусираб юрган Азамат онасидан фойда йўқлигини сезиб, кўзларини укалаб ичкарига кириб кетди. Бир зум уларнинг ўйинини кузатиб ўтирди-да:

– Ота, булар қачон кетишади? – деб сўради.

– Унақа демайди, уят бўлади болам, – ўтирганлар олдида хижолат бўлган отаси карталардан бир зум кўзини узиб, унга танбех берди.

– Эркаклар олма емайди, улар кетганидан сўнг сенга ҳаммасини бераман деган эдилар онам. Энди бўлса, булар кетадиганга ўхшамайди, олмани эртага ерсан, деяптилар. Сизларни кутиб ўтирибман, – деди у бозордан қайтиб келиб, меҳмонларнинг ҳам назарига тушмаган нордон олмалардан кўзини узмай.

### Онаси ҳаёт

Иккинчи боласига тўлғоқ тутиб, қизимни туғруқхонага олиб бораётганимизда, сизлар билан бирга кетаман, деб тўполон қилиб, безор қилганидан, бунинг устига кундуз кунини бўлганига кирди-чикди қиладиган қўшнимизнинг ишга кетишини ўйлаб, тўрт яшар неварам Гуласални ҳам ўзимиз билан бирга олиб кетишга мажбур бўлганмиз. Уни қўрқитиб юбормаслик учун бора-боргунча тишини тишига босиб борган қизимни дарров ичкарига олиб кириб кетишди. Бизлар – қуёвим ва мен даҳлизда ҳадик билан хабар кутиб ўтирибмиз. Ўзимизнинг юрагимиз ўйнаб, бетоқат бўлиб кетганимиз сайин неварам ҳам қайта-қайта: – Опам қачон чиқадилар, – дейишини қўймайди. Охири у ўрнидан туриб кетиб:

– Онаси икки соат ҳам чидаб бўлмас экан-а, – деди ух тортиб.

## Нафақадаги улуш

Биринчи нафақамга иккита ойликни кўшиб олиб, уйга анча пул билан кириб келдим, кизимникига телефон қилиб, учала неварамнинг ҳам ёнларидаги супермаркет олдига келиб туришларини айтдим. Мени ҳаяжон билан кутиб турган невараларимни дўкон ичига киритиб юбориб:

– Хоҳлаган нарсаларингизни олинглар, бугун бувингиз жуда бой, – дедим. Улар расталар бўйлаб юриб, анча нарсаларни олиб чиқишди. Уша кун невараларим худди байрам кунларидек хурсанд бўлиб, роса яйрашди.

Нафақа деган сўз уларга жуда ёкиб тушди. Бундай нарсадан яна қанча олишимни, нима учун адаси билан онасига бундай пул берилмаслигини, кейинги нафақа олганимда яна шу магазинга келиш-келмаслигимизни обдон суриштириб, шундай меҳрибон бувиси борлигидан дўппиларини осмонга отиб, қайта-қайта раҳматлар билан уйларига кетишди. Ҳар нафақамда уларнинг улушини беришимни айтиб, уйимга қайтдим. Орадан уч кун ўтиб, тўрт яшар кичик неварам телефон қияпти:

– Буви, бир ой бўлдим, нафакангизни олдингизми? – деб.

## Хабарчи

Ўртанча неварам тушдан кейин ўқиганлиги сабабли қоронғида ёлғиз қолиб кетмаслиги учун ўн ёшга тўлганида унга қўл телефони олиб беришди. Янги телефоннинг қувончи билан у менга ҳар кун кечкурун хат йўллайдиган бўлди. Пулни онаси тўлайди, шунинг учун СМС ларнинг сон-саноғи бўлмай қолди.

– Турдингизми, чой ичдингизми, ҳали ухламадингизми? – каби сўроқлар ҳар соатдан келиб туради.

Бир куни: – Бувижон, яхши ётиб туринг, жиянингиз, – деган хабар юборибди.

– Сен менга ким эканлигингни биласанми ўзи? – ёзиб юбордим унга.

– Биламан, нима фарқи бор? – деган жавоб келди.

Шундан бери уни жиян, деб чақираман.

## Ҳайдовчи

Олти яшар неварамни олиб, Тошкент вилоятида яшовчи дугонамникига отландим. Теварак-атрофни зийраклик билан кузатувчи ва мени тинимсиз саволларга кўмувчи неварам гапининг орасида деди:

– Бораётганимиздаги ҳайдовчи яхши экан, қайтаётганимиздагининг эса ақли йўқ экан.

– Нимага?

– Бораётганимиздаги қабристондан ўтаётганда магнитофонини ўчириб, кейин ёқди. Буниси бўлса шундай қилмади.

Муштдек қалбга инган имон туйғусидан қалбим қувончга тўлди.

## Гўзал исмлар

– Бувижон, яхши болаларуришмайди, тўғрими? Боғчамизда иккита уришқоқ бола бор. Ҳар доим бир-бирларининг бошига уриб, тўполон қилишади. Саида опамнинг “нерви” сига тегишади. Шахло опам келадилар-да, иккаловини ҳам чимчилаб кетадилар.

– Саида опангни-ку танийман, Шахло деганинг ким ўзи?

– Вой, танимайсизми ҳали, полларни артиб юрувчи хотин-ку.

– Оти ким у уришқоқ болаларнинг?

– Бириники Абдуллоҳ, наригиси Иброҳим.

– Ие, шундай чиройли отлилар ҳам уришадими бир-бирови билан. Улардан қайси бири каттаси ўзи? – сўрайман яна, гапирмокчи бўлган гапларимни яхши идрок эта олмайдиган неварамга.

– Абдуллоҳ катта, – бўшашиб жавоб берди у.

– Бу болаларни онаси олиб келадими боғчага? Уларнинг онаси окила аёл экан, болаларига гўзал исмлар қўйибди. Сен шу аёлни кўрсанг, дарров салом бергин хўпми? Ўртоқларинг ҳали ёш-да, болам, ўзларининг қандай номни кўтариб юрганини билишмайди. Шахло уларни чимчилаб нотўғри қилади. Бу опангга айт, бундай отли болаларни уриш мумкин эмас экан, бувим айтдилар дегин, ўзи тушунади, хўпми, – дедим уришқоқ болалар тўғрисида ўзи кутганидан кўра бошқача гапларни эшитиб, хайрон бўлаётган неварамга қараб.

## Устоз

Инглиз тилидан репетиторга қатнаётган етти яшар неварамга дедим:

– Ўрганганларингни менга ўргат, сен яна бир такрорлаб, яхшилаб мустаҳкамлаб оласан, мен эса ниманидир ўрганаман.

Ошхонада куймаланиб юрсам, дарсидан қайтган неварам бир нарсаларни ўргата бошлади. Бир-иккита инглизча ва ўзбекча сўзларнинг таржимасини айтиб, такрорлашимни сўради. Хамир қораётиб, хаёл суриб қолибман. Унинг айтганларини қайтара олмадим.

– Намунча онгингиз йўқ? – ажабланди неварам ўйланиб турганимни кўриб.

Компьютор, сотка, тил билувчилар учун бизлар ҳақиқатан ҳам онги йўқлармиз.

## Мундарижа

|                              |     |
|------------------------------|-----|
| 1. Ҳикоялар .....            | 3   |
| 2. Воқеий ҳикоялар .....     | 51  |
| 3. Ҳангомалар .....          | 111 |
| 4. Тушлар .....              | 128 |
| 5. Кўнгил кечинмалари .....  | 143 |
| 6. Боланинг тили ширин ..... | 175 |

2000с.

ГУЛСАРА ИБОДУЛЛОХ

# ЎГИЛДАНМИ, ҚИЗДАНМИ...

*Муҳаррир:*

Акрам Дехқон

*Мусахҳиҳ:*

Нодира Эгамкулова

*Техник муҳаррир:*

Файзулло Азизов

«Муҳаррир» нашриёти

Лицензия: АІ № 230. 2012 йил 16 ноябрь

Теришга 2013 йил 06 мартда берилди.

Босишга 2013 йил 12 апрелда рухсат этилди.

Бичими: 84x108  $\frac{1}{32}$ . «Virtec Times» гарнитурасида  
офсет босма усулида офсет қоғозида босилди.

5,875 шарт. б.т. 8,5 ҳисоб нашр. таб.

Адади 500 нусха. 52-сон буюртма.

«Муҳаррир» нашриёти матбаа бўлимида чоп этилди.

100060, Тошкент шаҳри, Элбек кўчаси, 8-уй

E-mail: Muharrir@list.ru